



Абдуғафур Расулов 1937 йил 1 июлда Тошкентда туғилган. Бешёғочдаги 90-мактабда ўрта маълумот олгач, САГУ (ҳозирги ЎзМУ)нинг филология факультетини тугатган (1959).

Қарши Давлат педагогика институтида катта ўқитувчи бўлган (1959-1968). Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университетида 1969 йилдан бери доцент (1970), профессор (2004) бўлиб ишлайди.

А.Расулов филология фанлари номзоди (1966), Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси аъзоси (1979), филология фанлари доктори (2002), «Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган ёшлар мураббийси» (2003), «Янги замон янги қаҳрамон» (1977), «Озод Шарафиддинов» (1980), «Танқидчилик уфқлари» (1985), «Олим ва таржимон (1985), «Илми ғарибани қўмсаб» (1998), «Истеъдод ва эътиқод» (2000), «Ардоқли адиб» (2001) китоблари, 300 дан ортиқ мақола, тақризлар муаллифи.

ТАНҚИД. ТАЛҚИН. БАҲОЛАШ

АБДУҒАФУР РАСУЛОВ

ТАНҚИД

ТАЛҚИН

БАҲОЛАШ

“ФАН”

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ

МИРЗО УЛУҒБЕК НОМИДАГИ
ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ

АБДУҒАҒУР РАСУЛОВ

ТАНҚИД,
ТАЛҚИН,
БАҲОЛАШ

ТОШКЕНТ
Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси
«Фан» нашриёти
2006 йил

Китобда бадиий асарни уқиш, англаш, ҳис қилишдан тортиб биографик, тарихий-функционал, онтологик ёндашувлар; ижтимоий, эстетик, услубий, структуралӣ, семиотик, микроанализ сингари таҳлил йўллари ўрганилган. Адабий танқиднинг илмий-назарий муаммолари, XX асрнинг II ярмидаги ўзбек танқидчилиги: тамойиллар, принциплар, ютуқ-камчиликлар талқин қилинган. Муаллиф Фарбий Европа, рус, англо-америка, шарқ мумтоз адабиётшунослигидаги илмдор назарий қарашлар, тушунчалар ҳақида маълумотлар берган.

Китоб адабиётшунос, филолог-аспирант, магистрант, бакалаврлар, журналистлар, адабий танқид муаммолари билан шуғулланувчиларга мўлжалланган.

Масъул муҳаррир:
филология фанлари доктори, профессор
Ҳамидулла Болтабоев

Тақризчилар:
академик Бахтиёр Назаров;
филология фанлари доктори Баҳодир Каримов

Муҳаррир:
Маъмура Содиқова

Мусахҳиҳ:
Раъно Расулова

Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университети Илмий-техникавий кенгаши томонидан нашрга тавсия этилган.

Нашриёт рақами: М-293. Босишга рухсат этилди: 26.06.06. Қоғоз бичими 60×84. Офсет босма. Офсет қоғоз. Ҳисоб-нашриёт т. 14,5. Шартли босма т. 14,5. _____-буюртма нусхада. Келишилган нархда.

ЎзР ФА «Фан» нашриёти: 100047, Тошкент, акад. Я.Фулломов кўчаси, 70. Босмахона манзили:

«Fan va texnologiyalar markazining bosmaxonasi»да чоп этилди.
Тошкент ш., Олмазор кўчаси, 171.

ISBN 5-648-03471-7

© Ўзбекистон Республикаси ФА
«Фан» нашриёти, 2006 йил.

КИРИШ

Ўзбекистон Мустақиллиги туфайли қўлга киритилган ҳақ-ҳуқуқлар, имкониятлар ҳақида кўплаб асарлар ёзилапти, бебаҳо фикрлар билдириляпти. Мустақилликнинг ўн беш йиллигида эришилган ютуқлар сарҳисоб қилинмоқда. Ижтимоий фанлар, хусусан, адабиётшунослик ва танқидчилик соҳасида кадриятларни, маънавий-адабий бойликларни, фалсафий, тарихий, нафосатшунослик асарларини ўрганиш, изчил таҳлил, талқин қилиш, баҳолаш имконияти пайдо бўлди. Ҳеч қандай тузум талқин, таҳлилни инкор этмайди. Лекин аксарият ижтимоий-сиёсий-мафкуравий муносабатлар ҳолис, теран талқинга имкон бермайди.

Мустақил Ўзбекистондаги ижтимоий-сиёсий, адабий-маънавий вазият ўтмишни ҳаққоний ўрганиш; муқаддас, ўлмас асарларни ҳолис, ишонарли, илмий талқин этиш имконини берди. Қуръони каримнинг бир неча изоҳли таржимаси, Жалолиддин Румий «Маснавий»сининг шарҳли таржимаси, оламга таниқли мумтоз олимларимиз, адибларимиз асарларининг изоҳ-шарҳлар билан чоп этилиши ўн беш йиллик тарихимизнинг бебаҳо ютуқларидир. Мустақиллик туфайли сўз санъаткорлари, олимлар асарлари мукаммал ҳолда чоп этила бошланди.

Мукаммал асарлар — талқиннинг мустаҳкам пойдевори. Алишер Навоийнинг 20 жилдлик мукаммал асарлари, «Бобурнома» тўлиқ чоп этилди. 2001 йил Мустақил Ўзбекистонда ҳақли равишда Навоий йили бўлиб қолди. Мустақилликнинг 10 йиллиги арафасида Навоий шаҳрида Навоийнинг ёдгорлик мажмуи очилди. Президент Ислам Каримов шу тантанали маросимда сўзлаган нутқида бундай деди: «Ҳазрат Навоий шундай буюк зот экан, унинг тафаккур дурдоналари бўлмиш боқий асарлари замонлар оша янаб келаётган экан, бу улуг меросдан халқимизни, айниқса ёшларимизни қанчалик кўп баҳраманд этсак, маънавиятни юксакликка кўтаришда, инсоний фазилатларни камол топтиришда шунчалик қудратли маърифий қуролга эга бўламиз.

Айни пайтда бу вазифа, илгари ҳам айтганимдек, ҳар биримизни Навоийни янада яхшироқ ўқишга, Навоийни

янада теранроқ ўрганишга, унинг умр дафтарида ибрат ва сабоқлар олиб яшашга даъват этади».¹

Қадриятларни қадрлаб, мангу барҳаёт асарларни тушуниб, ҳис қилиб талқин қилиш, яратилаётган қўллаб асарларнинг сарасини беҳато ажрата билиш фикрловчи, синчков инсонларнинг мураккаб юмушидир. Мустақиллик йилларида кишиларимиздаги мушоҳадакорлик, талқин қила билиш ўқуви беқийс даражада ўсди. Истиқлолнинг биринчи кунлариданоқ халқни маънавий такомиллаштириш, руҳан бойитиш масаласи асос қилиб қўйилган эди: «Эндиги вазифамиз шундан иборатки, миллий истиқлол ғояси тушунчалари асосида кенг жамоатчилик, зиёлиларимиз, илм-фан ва маданият намояндалари, аввало, маънавий-маърифий соҳа ходимлари миллий мафкурани такомиллаштириш ҳамда унинг асосий тамойилларини одамлар онгига ва қалбига сингдиришга қаратилган ишларни янги босқичга кўтаришлари зарур. Маърифатпарвар шоирларимиздан бирининг сўзларини бироз ўзгартириб айтадиган бўлсак, бу борада барчамиз учун фикрлаш ва ишлаш замони келди».²

Миллий мафкура, истиқлол ғоясининг илм-фан, хусусан, ўзбек адабиётшунослиги ва танқидчилигига сингиб бориши бадиий асарлар — адабий матннинг мукамал, илмий таҳлил ва талқинида намоён бўлади. Таҳлил ва талқин нафақат ҳозирги ўзбек адабиёти, балки мумтоз адабиётимиз, жаҳон адабиётининг ноёб намуналарининг асосли таҳлили, теран талқини орқали миллий мафкура, истиқлол ғоясини ёритиб бериши мумкин.

Таҳлил ва талқинлар-бадиий асар баҳосини белгилангандаги бош мезон. Айни вақтда улар адабий танқиднинг муҳим таркибий асослари. Адабий танқид эса — адабиётшуносликни тутиб турадиган мустаҳкам уч устуннинг бири. У бадиий асар воситасида ҳаёт, инсонлар ҳақида мушоҳада юритади; бадиий асарнинг ижтимоий-маданий муносабатлардаги ўрни, вазифаси, миллий-мафкуравий, умуминсоний моҳиятини ёритади; бадиий асарнинг фалсафий-эстетик моҳиятини,

¹ «Халқ сўзи» газетаси, 2001 йил 25 август, 3-саҳифа.

² Миллий истиқлол ғояси: асосий тушунча ва тамойиллар. Тошкент: «Ўзбекистон» нашриёти-2000, 7-8-саҳифалар.

тарихий-маданий қатламдаги ўрнини белгилайди; адабий матн таҳлили орқали бадииятга доир камчилик, етишмовчиликларни очади ёхуд танқиднинг сараловчилик вазифасини амалда исботлайди; бадиий асарга сингдирилган, унинг «жони»га айланиб кетган гўзалликларни нозик кашф этадиган, илмий-манتيкий хулосаларга асосланган талқин воситасида уларни юзага чиқаради; адабий талқиннинг хулоса, натижаларини бадиий асар баҳосини белгиланган йўналтиради.

Адабий танқид, хусусан, талқин ҳақидаги қарашларнинг асосий манбаи ўзлаштириш нафосатшунослиги (рецептив эстетика)дир. Маданиятли инсон борки, қадриятларни эъзозлаш, ўрганиш, ўзлаштириш йўлидан боради. Бу — мураккаб жараён, руҳий-маънавий ҳолат. Қадриятларни ўзлаштириш, англаб етиш рецептив эстетика предметидир. Ўзлаштириш нафосатшунослиги қадрият, хусусан, бадиий ижод намуналарини қабул қилиш, руҳ-онга сингдириш жараёнини ёритса, адабий талқин ўзлаштирилган қадрият, гўзалликнинг ҳаётга қайтарилиши, бойитилган қадрият сифатида қайта тутилиши ҳолатидир.

Шундай қараш мавжудки, адабий матн таҳлил, талқин жараёнидан кейингина ё бадиий асар мақомини олади, ё яроқсиз матоҳ сифатида инкор этилади. Таҳлил ва талқин ички ва ташқи жараён сифатида кечади. Адабий матн яратувчиси айни пайтнинг ўзида ички, пинҳоний талқинчи ҳамдир. Матн яратувчининг истеъдоди юксак бўлса, унинг талқинчи, танқидчи сифатидаги талабчанлиги ҳам шунчалик жиддий, шафқатсиз бўлади. Даҳо санъаткорлар руҳидаги танқидчи-талқинчи яратилган матннинг моҳиятини беҳато баҳолай олади.

Адабий танқид кенг қамровли соҳа. Шароит, вазият адабий танқиднинг гоҳ у, гоҳ бу йўналишда ривожланишини тақозо этади. XX аср ўзбек танқидчилиги мураккаб ҳолатларни кечирди. Аср бошларидаги, янги шаклланган адабий танқид руҳида миллатпарварлик, холис адабий талқинга интилиш тамойили етакчи эди. Шўро даврида адабий танқид асл, холислик хислатини йўқотди, коммунистик мафкура дастёрига айланди. 80-йиллардан эътиборан адабий танқидда ошкоралик, шиддаткорлик сезила бошланди.

Мустақиллик палласидан эътиборан ҳолис талқин танқид асосига айлана борди. Бу танқидда англаш, қизиқиш, тушуниб етиш тамойили кўзга дарҳол ташланади. Ҳозирги пайтда ўзбек танқидчилиги «Миллий ғояни тараннум этишга, истиқлол мафкурасига зид ғояларнинг зарарли моҳиятини очиб беришга, айниқса, эътиборни кучайтириши зарур. Ҳаёт ва ижоддаги маҳдудлик ҳамда фикр қаншоқлигига қарши қуралиш, баҳс-мунозара, танқид ва таҳлиллар орқали мафкураравий муҳитнинг соғлом бўлишига эришиш»¹ асосий масала бўлиб турибди.

XX асрнинг 80-йилларидан, хусусан, Ўзбекистон мустақиллигидан бошлаб танқидчиликда талқинга, бадиий асарларни ич-ичидан ҳолис ёритиб беришга, маънолар қатини очишга, таҳлиллар ҳар хиллигига эътибор ортди. Бадиий асарга биографик, ижодий-генетик, онтологик, тарихий-функционал ёндашув ёхуд мақсадли таҳлил қилиш тамойили кучайди. Адабий талқин бадиий асарни ич-ичидан, тузилиши-ю таркиби руҳидан ёритишдир. Таҳлилнинг структурали, семиотик ижтимоий, услубий, интонацияга кўра ботиндан боқиб, ичдан текшириб (микроанализ) таҳлил қилиш йўсинлари мавжуд. Оҳанг, услуб таҳлили танқидчилигимизга энди энди кириб келяпти. Адабий танқиднинг асл моҳияти таҳлил ва талқинларда намоён бўлишини кўрсатиш ишимизнинг долзарблиги нишонаси. Таҳлиллар изчил, ишонарли; талқин асосли бўлса, бадиий асарнинг асл қиммати, қадриятлик асоси англашилаверади.

+ МАВЗУНИНГ ЎРГАНИЛИШ ДАРАЖАСИ

Ўзбек адабиётшунослиги ва танқидчилиги тарихи мутахассислар томонидан ўрганилиб келинмоқда. XX асрнинг сўнги чорагидан бошлаб ўзбек адабиётшунослиги ва танқидчилиги тарихига муносабат жиддийлашди: миллий адабиётшуносликда илмий-қиссий адабиётшуносликка интилиш тамойили кучайди; адабиётшуносликни яхлит ҳолда ўрганиш,

унинг йирик муаммоларини таҳлил қилишга ҳаракат диққатни жалб қила бошлади. Шарқ ва Ғарб адабиётлари аро алоқаларнинг назарий ва амалий муаммолари ҳал қилина бошланди; шарқ-мусулмон адабиётининг етакчи тамойилларини ўрганишга қизиқиш кучайди; туркий адабиётлар аро генетик бирлик муаммолари талқин қилина борди.¹

Ўзбек мумтоз адабиётшунослиги муаммолари қанчалик теран, атрофлича ёритилса, XX аср ўзбек адабиётшунослиги ва танқидчилигининг таянч илдизлари кўрсатиб берилган бўлади. XX аср ўзбек адабиётшунослиги ва танқидчилиги тарихи, муаммоларини ёритишга академик И.Султонов, профессор Ҳ. Ёқубовлар катта ҳисса қўшдилар². Академиклар Б. Назаров ва Б. Валихўжаевнинг илмий фаолиятида адабиётшунослик ва танқидчилик муаммоларига бағишланган асарлар, дарслик, қўлланмалар кўпчиликини ташкил қилди³. Профессор А.Ҳайитметов ижодида адабиётшунослик ва танқидчиликка оид тадқиқотлар диққатни жалб этади⁴.

¹ Сулаймонова Ф. Шарқ ва Ғарб. Монография. Тошкент. «Ўзбекистон» нашриёти-1997; Комилов Н. Тафаккур қарвонлари. Тошкент. «Матнавият» нашриёти-1999; Қосимов Б. Ассалом, келажак. Тошкент. Фафур Гулом нашриёти-1984; Болтабоев Ҳ. Қатағон қилинган илм. Тошкент, «Ҳазина» нашриёти-1996.

² Султонов И. Адабиёт назарияси. Тошкент, «Ўқитувчи»-1980; Ёқубов Ҳ. Ўзбек адабий танқиди ва адабиётшунослигининг ривожланиши йўллари (Китоб: Ёқубов Ҳ. Сайланма. 1-жилд. Тошкент-1983; Ўзбек совет адабий танқидчилиги тарихи. 1 ва 2-жилд. «Фан» нашриёти, Тошкент-1987.

³ Б. Назаров. Ўзбек адабий танқидчилиги. Тошкент, «Фан»-1979; Б. Назаров «Ўзбек адабиётшунослиги ва танқидчилиги тарихи курси дастури». Тошкент-1998; Валиходжаев Б. Из истории развития литературно-критической мысли в Узбекистане XV- XIX в.в. АҚД. Самарқанд, 1960; Валихўжаев Б. XV-XIX асрлар ўзбек адабий-танқидий қарашлари тарихидан (Ўзбек шеърини ва адабиётшунослиги тарихидан). 138-нашр, Самарқанд, 1964; Валихўжаев Б. Ўзбек адабиётшунослиги тарихи. X-XIX асрлар. «Ўзбекистон» нашриёти, Тошкент-1993.

⁴ Ҳайитметов А. Алишер Навоийнинг адабий-танқидий қарашлари. Тошкент-1959; Ҳайитметов А. Шарқ адабиётининг ижодий методи тарихидан. X-XV асрлар. Тошкент-1970; Ҳайитметов А. Темурийлар даври ўзбек адабиёти, «Фан» нашриёти. Тошкент-1996.

¹ Миллий истиқлол ғояси: асосий тулғунча ва тамойиллар. Тошкент, «Ўзбекистон» нашриёти-2000, 65-саҳифа.

XX асрнинг сўнги чорагида юз йиллик ўзбек адабиёт-шунослиги ва танқидчилиги муаммолари, намоёндалари ижоди таҳлилига бағишланган еттига докторлик, ўн бешдан ортик номзодлик диссертациялари ҳимоя қилинди¹. Ҳар бир диссертацияда аниқ илмий муаммо ҳал қилинганидан

¹ Назаров Б. Ўзбек адабий танқидчилиги методологик асосларининг таркиб топилиши ва тараққий этиши. Ф.ф.д. илмий даражасини олиш учун ёзилган диссертация. 1983; Шокиров Ў. Танқидчининг ижодий ўзига хослиги ва адабий-тарихий жараён. Ф.ф.д. илмий даражасини олиш учун ёзилган диссертация. 1987; Болтабоев Ҳ. XX аср бошлари ўзбек адабиётшунослиги ва Фитратнинг илмий мероси. Ф.ф.д. илмий даражасини олиш учун ёзилган диссертация. 1996; Содиков С. Абдулла Қаҳҳор ижоди ва адабий танқид. Ф.ф.д. илмий даражасини олиш учун ёзилган диссертация. 1997; Йўлдошев Б. Ўзбек адабиётшунослиги ва адабий танқидчилигида услуб ва маҳорат муаммолари. Ф.ф.д. илмий даражасини олиш учун ёзилган диссертация. 2000; А.Расулов. Ҳозирги ўзбек танқидчилигида таҳлил ва танқид муаммоси. Ф.ф.д. илмий даражасини олиш учун ёзилган диссертация. 2002; Б.Каримов. XX аср ўзбек адабиётшунослигида талқин муаммоси (А.Қодирийшунослик мисолида). Ф.ф.д. илмий даражасини олиш учун ёзилган диссертация. 2002; Назаров Б. Ўзбекистондаги марксча-ленинча адабий танқиднинг шаклланишида Ойбекнинг роли. Ф.ф.н. илмий даражасини олиш учун ёзилган диссертация. 1971; Солихов Т. 30-йиллар ўзбек адабий танқидчилиги соңреализм учун курашда. Ф.ф.н. илмий даражасини олиш учун ёзилган диссертация. 1973; Азимова М. Комил Яшиннинг адабий-танқидий қарашлари. Ф.ф.н. илмий даражасини олиш учун ёзилган диссертация. 1976; Бойназаров Ф. Ўзбек танқидчилигида тарихий драма муаммолари. Ф.ф.н. илмий даражасини олиш учун ёзилган диссертация. Тошкент. 1979; Абдуллаев О. Мақсуд Шайхзоданинг адабий-танқидий қарашлари. Ф.ф.н. илмий даражасини олиш учун ёзилган диссертация. 1981; Дўстқораев Б. Ўзбек танқидчилиги шўро адабиётининг ғоявий-эстетик яхлитлиги учун курашда. Ф.ф.н. илмий даражасини олиш учун ёзилган диссертация. 1986; Қосимов У. Абдулла Қаҳҳорнинг адабий-танқидий фаолияти. Ф.ф.н. илмий даражасини олиш учун ёзилган диссертация. Москва, 1989; Тожибоев Р. XX аср бошлари ўзбек адабий танқид тарихидан. Ф.ф.н. илмий даражасини олиш учун ёзилган диссертация. 1993; Ёқубов И. Отажон Ҳошимнинг адабий-танқидий фаолияти. Ф.ф.н. илмий даражасини олиш учун ёзилган диссертация. 1993; Султонов У. Чўпоннинг адабий-эстетик қарашлари. Ф.ф.н. илмий даражасини олиш учун ёзилган диссертация. 1995; Каримов Б. Вадуд Маҳмуднинг 20-йиллар адабий танқидчилигидаги ўрни. Ф.ф.н. илмий даражасини олиш учун ёзилган диссертация. 1995; Умрзоқов Ғ. Ғози Юнуснинг ижодий йўли. Ф.ф.н. илмий даражасини олиш учун ёзилган диссертация. 1996.

М.Қўшжонов, О.Шарафиддинов, Ҳ.Абдусаматов, Б.Қосимов, А.Қулжонов китобларида⁹, Б.Валихўжаев, Ш.Холматов, Б.Дўстқораев, Н.Худойберганов, А.Расулов, О.Сафаров, Б.Йўлдошев, Ш.Аҳмедова, Б.Раҳмоновларнинг дарслик ва қўлланмаларида¹⁰, Т.Мирзаев, С.Мамажонов, Б.Имомов, Ў.Шокиров, Ў.Ўтаев, А.Расулов, М.Олимов, Р.Воҳидов, Й.Солижоновларнинг адабий портретларида¹¹ янги ўзбек танқидчилигининг тамойиллари, муҳим босқичлари, ёрқин сиймолари, қизгин адабий-танқидий баҳслар тарихи ҳақида етарли маълумот берилган. Олим Шарафиддинов, Сотти Хусайн, Раҳмат Мажидий, Ғуллом Каримов танланган асарларининг¹², академик Воҳид Абдуллаев ҳақидаги хотиралар китобининг¹³,

⁹ Қўшжонов М. Ижод сабоқлари. «Ёш гвардия». 1973; Шарафиддинов О. Ғўзаллик излаб. Тошкент. 1985; Шарафиддинов О. Абдулла Қаҳҳор. «Ёш гвардия». 1988; Шарафиддинов О. Мустафо Чўқай, Чўпон, Отажон Ҳошим. «Шарқ» НМК. 1993; Шарафиддинов О. Чўпонни англаш. «Ёзувчи» нашриёти. 1994; Абдусаматов Ҳ. Эстетика ва ҳаёт. Тошкент, 1989; Қосимов Б. Излай-излай топганим. Тошкент. 1983; Қулжонов А. Илм ва ижод оламида. Тошкент. 1980.

¹⁰ Валихўжаев Б., Холматов Ш. Ўзбек адабий танқид тарихи. Самарқанд. 1983; Дўстқораев Б. Ўзбек танқидчилиги тарихи. Тошкент, 1980; Худойберганов Н., Расулов А. Ўзбек адабий танқидчилиги. Тошкент. «Ўқитувчи» — 1990; О.Сафаров, Б.Йўлдошев, Ш.Аҳмедова. «Ўзбек адабий танқидчилиги тарихи. Қўлланма. БухДУ нашриёти. — 2003; Б.Раҳмонов. Ўзбек адабий танқидчилиги. Қўлланма. Тошкент, «Янги аср авлоди» — 2004.

¹¹ Мирзаев Т. Ҳоди Зарипов. Адабий портрет. Тошкент. 1967; Мамажонов С. Воҳид Зоҳидов. Адабий портрет. Тошкент. 1976; Шокиров Ў. Танқидчи ва адабий жараён (Иzzат Султон). Тошкент. 1976; Имомов Б. Ҳомил Ёқубов. Адабий портрет. Тошкент. 1978; Ўтаев Ў. Танқид ва услуб («Адабиётимиз жонкуяри» — М. Қўшжонов). Тошкент. 1979. Расулов А. Озод Шарафиддинов. Адабий портрет. Тошкент. 1980; Олимов М. Лазиз Қайомов. Адабий портрет. Тошкент. 1980; Шарафиддинов О. ва Расулов А. Олим ва таржимон (Ш. Шомўхамедов). Тошкент. 1985; Воҳидов Р. Илоҳий ишқ жозибаси. (Н.Қомилов суратига чизгилар). Самарқанд. 1998; Воҳидов Р. Навоий қалбида сирлашган инсон (А.Ҳайитметов). Тошкент. 1999; Й.Солижонов. Олимнинг олами. (С.Мамажонов портретига чизгилар) «Фарғона» нашриёти — 2004.

¹² Шарафиддинов О. Танланган асарлар. «Фан», Тошкент — 1978; Хусайн Сотти. Танланган асарлар. Тошкент. 1974; Мажидий Р. Истеъод ва бурч. Тошкент. 1974; Каримов Ғ. Баркамоллик. «Маънавият», Тошкент — 1999.

¹³ Адабиёт илмининг алломаси (Академик В. Абдулла замондошлар нигоҳида) «Шарқ» НМК бош таҳририяти. Тошкент — 1997.

ниҳоят, Вадул Маҳмуд ҳаёти ва ижоди ҳақидаги тадқиқотнинг¹⁴ яратилиши ижобий ҳодисадир. XX аср ўзбек адабиётшунослиги ва танқидчилигига оид манбаларни ўрга — ниш шуни кўрсатдики, 1890 йилдан то XX аср охиригача 250 дан ортиқ адабиёт мухлиси, журналист, мутахассис, арбоб — мунаққид танқидчилик майдонига кирган: узоқ — қисқа муддатдаги ижоди; муҳим, ўртача, ҳатто, паст савиядаги асарлари билан ўзбек танқидчилиги тарихида из қолдирган.

Хуллас, XX аср ўзбек адабиётшунослиги бой адабий меросни ўрганишда баракали изланишлар олиб бормоқда.

¹⁴ Карим Баҳодир. Жаҳид мунаққиди (Вадул Маҳмуд). Тошкент, «Университет» — 2000.

I БОБ

ЎЗЛАШТИРИШ ЭСТЕТИКАСИ ВА ТАЛҚИН ТАДРИЖИ

Уста-уста-да! Қачон, қаерда яшаганидан, бадиий ижоднинг қайси тури, жанри хусусида фикр юритаётганидан қатъи назар ўзакни, асосни кўрсатади қўяди. «Адабий танқид менинг англашимча, — деб ёзади инглиз Уилсон Найт «Олов ҳалқаси» (1930) асарида, — асарни кўздан кечирувчи ўзига хос, холис жараёндир.

Мунаққид таҳлил қилинаётган асарнинг ютуқ ва камчиликларини кўрсатиш мақсадида уни бошқа асарларга қиёслайди, «яхши» ва «ёмон» томонларини кўрсатади. Қиёс, монанд орқали танқидчи асарнинг бетакрор томонларини кўрсатади. Талқин, аксинча, асарнинг ич-ичига кириб бораверади. Талқинчи ўз қарашларини чуқурлаштиравергани сайин асар моҳияти очилаверади. Талқинчи зарур бўлмаган қиёс, монандлашлардан ўзини тияди. Талқинда асарнинг бадиий ютуқларини кўрсатавериш асос эмас. Бу йўл билан асарнинг «яхши» ёки «ёмон»лигини очиш тўғрмас.

Адабий танқид асарнинг пият гоёси қандай очилганлиги, амалга ошганлиги билан қизиқади. Танқиднинг бундай йўриги бадиий адабиётнинг ўз «тилини билишга интиланлиги» билан исботланади.

Бошқача айтганда, танқидчи асари орқали ёзувчи нима демоқчи бўлганлигини ёритади. Талқинчи эса асарнинг илдиз-юлдиздан ёзувчи қандай мақсадларни олдига қўйганлигини ёритишга интилади. Асар орқали ёзувчи нима демоқчи бўлганини очишдан кўра, асар руҳидан муаллифнинг қарашлари, орзу-интилишларини юзага чиқариш мураккаброқдир¹.

Рус танқидчиси Лев Аннинский «Танқид тўғрисида парадокс» мақоласида ёзади: «Сайл изини «кўмиб», «ўчириб»

¹ Иқтибос Дм. Урновнинг «Литературное произведение в оценке англо-американской «новой критики» китобининг (Изд. «Наука», Москва-1982) 120-саҳифасидан олинди.

кетишга ҳар қанча уринмасин, сайёд изни «ўрганиб», «ўқиб» бораверади. Мен ҳам матнни руҳий ҳаракатнинг изи сифатида қабул қиламан. Матн маъносидаги маънавий ўзакни, ёзувчи ўзлигини англаб етиш учун услуби — бетакрор қиёфаси уч бериб турган нуқтани ажратаман. Мақсадим — нур манбаини, кўриш нуқтасини белгилаш. Бу менинг ва-зифам, ҳамишалик таҳликам, нон-насибам. Топсам, ғолиб-ман. Тополмасам-мағлуб: нишонга уролмадим».¹

Ўзбек адабиётшуноси Иброҳим Ҳаққулов «Аҳмад Яссавий» мақоласида ёзади: «Дейдики, шеър — ҳақиқат. Шеър ўқиш-чи? Шеърхонлик — ҳақиқатдан ҳақиқатлар чиқариш, бир ҳақиқат орқасидаги неча ўнлаб ҳақиқатларни ўқиш, уларни излаш. Шунинг учун шеърфаҳм ўқувчининг мушоҳадалари кўп кенг, шеър устидаги саволлари кўпдир. Шарқ шоирла-ри уни ҳисобга олганлар».²

Ҳар учала мунаққид (талқинчи, зурафо, аҳли дарк, шарҳ, медиум) матнни руҳий ҳаракатнинг кўриниши, акси, изи сифатида англайди.

Бадиий матн борми, демак, унинг яратувчиси, қабул қилувчиси, ўзлаштиришга ёрдам берувчи, йўл кўрсатувчиси бўлган. Шарқда, Ғарбда, ҳозирми қадимда бадиий матн, уни яратиш, қабул қилиш, талқин, таҳлил қилиш, баҳо-лаш муаммоси, тарихи бўлган. Калом улуғланган, бадиий матн руҳий ҳаракатнинг изи, кўриниши сифатида эъзозлан-ган даврлар, илмий-бадиий мактаблар, уларнинг намояндалари бўлганидай, бадиий матн кадр топмаган, унинг «жонли» ҳолат эканлиги эътиборга олинмаган даврлар ҳам бўлган.

XX асрда бадиий матнга нисбатан муносабат тоҳ мусбат, тоҳ манфий бўлган пайтлар бўлди. Биз мазкур бобда бадиий матнга муносабат, унинг Шарқ ва Ғарбдаги кўринишлари, талқин ва талқинчилари ҳақида фикр юритамиз.

I фасл. АДАБИЙ МАТННИ ЎҚИШ, ЎЗЛАШТИРИШ МУАММОСИ

Ҳақиқий адабий-бадиий матн — ўзига хос, бетакрор қурилма. Унда адиб услуби, истеъдоди, интеллектуал даражаси акс этади. Чин адабий матн — маънолар хазинаси, пишқиқ-пухта тўқил-ган мато мисоли. Матн бир қанча қатламлардан иборатки, китобхон, талқинчи ўз имконияти даражасида шу қатлам-ларни забт этади. Асарлар давомида аҳли дониш, аҳли илмлар матн мураккабликлари, мукаммалликлари мафтунни бўлиб келганлар. Матн ҳарфлар, бўгинлар, сўзлар, бирикмалар, гаплар, парчалар, боблар... жамулжами. Умри боқий, халқ дилидан, маданият тарихидан жой олган матн (асар) ҳақида: «Бу асар (матн) фалон замонда, фалон сиймо томонидан яратилган», - деймиз. «Яратилиш» билан «Ёзиш» орасида фарқ бор. Ўлмас асарларнинг яратилиши тарихи ҳақида ривоятлар кўп. Китобхон, мантиққа асосланган, ижодкор ёзган асарни — ҳарфларни, гапларни, бўлиму бобларни маълум муддат давомида кўради. Лекин ҳеч ким, ҳеч қачон асарни кўриб чиқдим демайди, ўқидим, ўқидим, ўзлаштирдим дейди. Ўқиш, хусусан, ўқиш ўзига хос ижоддир. Китобхон — бадиий матн унга хоҳ ёқсин — хоҳ ёқмаган бўлса-да — ҳис-ҳаяжонга берилади, у ҳақда ўйлай бошлайди. Китобхон ижодининг бу босқичида бадиий матн ё бадиий асар сифатида қабул қилинади, ё бадиийликка алоқасиз матоҳ сифатида инкор этилади.

Ўқиш, ўқиш жараёнидаги ижодда ақл-хуш етакчилик қилади. Аниқроғи, китобхон бус-бутун ҳолда қабул қилувчи, ўзлаш-тирувчига айланади. Асарни ўқиш, аслида, ўзи учун ижро этишидир. Китобхон воқеаларга аралашади, қаҳрамонларни жонлантиради, уларнинг гап-сўзларини эшитади, руҳий ҳолатларини юракдан ҳис этади. Б. Томашевский англаши-ча, «китобни ўқиб», биз уни «ички нутқ» шаклига ўтирамиз ёхуд уни гапиртирамиз, овоз ҳолига келтирамиз¹. Китобхон қалби асар ижро этилаётган сахнага айландими, демак, қаҳрамонлар ҳам китобхон ихтиёрига ўтган бўлади. Ёзувчи

¹ Аннинский Л. Парадокс о критике. «Литературная газета» 1984 йил, 4 январь.

² Аҳмад Яссавий. Ҳикматлар. Тошкент. Фафур Фулом номидаги Ада-биёт ва санъат нашриёти-1990 йил, 26-саҳифа.

¹ Томашевский Б.В. Стих и язык. Филологические очерки. М.-Л. 1959, стр. 15.

Абдулла Қодирий «Ўтган кунлар»ни ёзар экан, ўқувчи сифатида ёзганларини ўқиб борди. Нағижада, Кумушнинг ўлимига илк бор кўз ёши тўккан китобхон Абдулла Қодирий бўлди. Романдаги Отабекка китобхон Абдулла Қодирий ҳавас билан қаради. «Бордию, «Ўтган кунлар» романи асосида кино олинса, Отабек ролида ўзим ўйнаган бўлардим», - дея орзу қилди Абдулла Қодирий¹.

Китобхон асарни ўзлаштириб - ўзиники қилиб олганининг мисоллари кўп. Абдулла Қодирий асарлари, қаҳрамонлари ҳақида кўплаб шеърлар ёзилди. Бу ҳолат шуни тасдиқлайдики, китобхон бадиий асарни ўзлаштирмас, қаҳрамонларини жонли кишилар сифатида кўрмас экан, улар ҳақида жўшиб гапира олмайди, улар тўғрисида бадиий асар ёзолмайди.

Шоир Саъдулла Ҳакимнинг «Ўтган кунлар» таассуроти шеърида мана бундай банд бор:

Замона қурбони, йигитнинг бўзи,
Дилафкор Отабек кечиргай ўзи.
Менга насиб этмиш унинг ризқ-рўзи,
Кумушбиби, сизни севиб қолдим мен².

Бадиий адабиётда машҳур ёзувчилар, уларнинг асарлари, қаҳрамонлари, санъаткорлар ҳақида ёзилган шеърлар кўп³.

Бадиий асарлардан илҳомланиб ёзилган шеър, поэма, наср яна бир руҳий ҳолатни тасдиқлайди: асар ўқилаётганда вақт тушунчаси унутилади. Бизнинг кунларда, шоир ёзганидай, Кумушга ошпақ йигитлар, Отабекка мафтун қизлар кўп. Ўйлаб кўрилса, «Ўтган кунлар»даги Кумуш ҳозирги йигитларнинг бувисининг бувисидан ҳам қари. Отабек ҳам

¹ Қодирий Ҳабибулла. Отам ҳақида. Ғафур Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, Тошкент-1983.

² Армон. А. Қодирий ва асарлари ҳақида шеърлар. I китоб. Тошкент, «Ўзгон» нашриёти-1994, 36-бет.

³ Абдулла Ориповнинг «Мўмин Мирзо», Хуршид Давроннинг «Ойбек», Ҳалима Худойбердиеваннинг «Кумушнинг ўлими», Муҳаммад Юсуфнинг «Саид Аҳмад», «Кумуш», «Кумушбиби ноласи», «Усмон Носир», «Шукур Бурҳон», Гулчеҳра Нурнинг «Чингиз Айтматов» сингари шеърлари назарда тутилади.

шундай. Лекин инсоний хусусиятлар, одам табиатига хос белгилар ҳамма даврларда бир хил бўлган. Буни бадиий асарни ўқишнинг руҳий-табиий томони дейилади. Бадиий матнни англаш, ўқиш, ҳис этиш китобхон-талқинчининг бадиий оламга кириб бориши жараёнидир. Ўқиш - олам ҳақида эмас, оламнинг ичида туриб фикрлашдир¹. Ўқиш - талқинчининг кечинмадонлиқ жараёнидир. Бошқача айтганда, ёзувчининг фикр, гўйгу, мақсадлари китобхон (талқинчи) томонидан қайта бошдан кечинилмас экан, ўқиш, англаш, идрок этиш маромига етмаган бўлади.

Эстетиканинг герменевтика соҳаси англаш, ўқишдаги тартиб, узвий боғлиқликни таъкидлайди. Ўқиш, тушуниш-билимнинг бир ҳалқаси, ҳолос. У ҳали билимнинг тўла мазмунини тасдиқлай олмаганидай, инкор ҳам қилолмайди. Тушуниш - матн муаллифи ижод жараёнида кечирган руҳий ҳолатларни қайта ҳис этиш, маънони ўзлаштириш, ҳолос.

Шундай ҳам бўладик, ўқувчи ўқтирувчидан кўпроқ билиб олиши мумкин. А.Потебня фикрича, «Тингловчи гапирувчига нисбатан сўзлар заминига яширинган маъноларни кўпроқ илғайди, китобхон шоирга нисбатан асарга кенгроқ миқёсда ёндашади².

Мартин Хайдеггер мантивия англашда семиа - эштитиш сезгисига алоҳида урғу беради. Эштитиш англаш босқичида асосий нуқта ҳисобланади. Тинглаётган одам бирон гапни эшитмай қолса, «қайтаринг, тушунмадим», - дейди. Нега тингловчи «эшитмадим» демайди-ю, тушунмадим, - дейди. Эштитиш акустиккага асослангандир. Акустик англаш тушунишдаги муҳим марказ ҳисобланади. М. Хайдеггер сўзлаш, эштитишдан ташқари сукут сақлаш ҳолатига ҳам эътибор қаратади. Сокин одамда ҳам тушуниш жараёни ниҳоятла кучли кечади. М.Хайдеггер ўқитиришча, сўзлаш, эштитиш ва сокинлик - асосий қуролма ҳисобланади. М.Хайдеггер эшитувчи ва сокин одам гапирувчига кўра кўш нарса англашини таъкидлайди³.

¹ Бахтин М. Эстетика словесного творчества. Москва-1979, стр. 364.

² Потебня Н. Эстетика и поэтика. Москва-1976, стр. 330.

³ Хайдеггер Мартин. Разговор на проселочной дороге. Москва. «Высшая школа»-1991, 171, 174-175-стр.

Мусулмон дунёсининг аксарият аҳолиси эски араб — Куръони карим тилини тушунмайди. Аммо бу муқаддас китоб шунчалик ихлос, эътибор билан эшитиладики, тингловчи ўзи сезмаган ҳолда маънини, фикр нима ҳақида бо- раётганини англайди.

Бадий асарнинг энг муҳим аҳамияти шундаки, у инсон қалбини майинлаштиради, туйгуларини ўткирлаштиради, маънавий-руҳий баркамолликни тарбиялайди. Оддий ўқувчи билан танқидчи орасидаги фарқ қачон, қандай вазиятларда кўринади? В.Г.Белинский деярли ҳар бир янги асар чуқур ўйга чўндиришини, сермулоҳазакорликка ундашини таъкид- лайди. Буюк танқидчи ўз асарларида кириш гап чўзилиб кетиши, ўй-мулоҳазаларга кенг ўрин берилиши сабабини шундан деб билади. «Танқидчи ҳам янги асарни ўқиш пай- тида доно бир китобхонга айланиб, ундан мумкин қадар тўлиқ ва холис таассурот олиши, ўқиётган асарини китоб- хонлик шуури билан фикран қайта яратиб чиқиши керак, — деб ёзади Пиримқул Қодиров У.Норматов билан суҳбатда. — Шундан кейинги босқичда китобхон эпполмайдиган иш- ни бажариши — асардаги гоъвий-бадий маъноларнинг маъзини илмий-танқидий тафаккур ёрламида чақиб бериши керак¹. П.Қодиров мулоҳазаси тўғри, лекин у танқидчи ва- зифасини белгилашда муҳим бир нуктани алоҳида таъкид- ламаётгани. Эҳтимол, Иброҳим Ғафуров танқидчи вазифасини мукаммалроқ тасвирлар: «Бу гоъда мароқли ҳунар. Ма- роқлиси шундаки, яхши шеърни гапириб бериб бўлмайди. Ундаги ҳислар тўлқинини нозик ўйли руҳшунос каби тал- қин ва таҳлил қилиш керак².

В.Г. Белинский танқидчи учун ниҳоятда зарур бўлган бир хусусиятга диққатни жалб этади: «Шоирни тушуниб етиш учун маълум фурсат унинг руҳига сингиш: кўзи билан кўриш, қулоғи билан эшитиш, тили билан сўзлаш жоиз. Бутун борлиқ билан байрончи бўлмасдан туриб, Байронни ўрганиш мумкин эмас. Шу гапни Гете, Шиллер ҳақида ҳам

¹ Норматов У. Талант тарбияси. Тошкент, «Ёш гвардия» нашриёти- 1980, 139-саҳифа.

² Ғафуров И. Ёнар сўз. Тошкент, Ғафур Ғулом нашриёти-1978, 42- саҳифа.

айтиш мумкин. Албатта, ўзганинг таъсирига ихтиёрий бери- лиш ҳали босиқ, изчил, чин тушунишмас, жўшқин, ҳаро- ратли қизиқиш, холос. Туйгулар тўлқинининг ақл чигири- гидан обдан ўтган тушунчага айланиши шоир ижодини ўрганиш томон ташланган собит қадамдир¹. Туйгуларни жиловлаш, тафаккур билан иш кўриш танқидчининг ҳаётий тажрибасига, гўзаллик туйғусига, илмига, маҳоратига боғлиқ.

Мунаққид танқидчилик илмини, ундаги конкрет метод- ларни, таҳлил йўллариини ўқиб ўрганиши, сиёсий-ижтимоий қарашларини ўстириши мумкин, аммо унда истёъдод ва дид бўлмаса, барча хатти-ҳаракатлар зоедир. Бадий ижод- лагидай, танқидчиликда ҳам тиришқоқлик билан ёзилган тақризу мақолалардаги фикрларда жўшқинлик, ҳарорат, нур бўлмайди: юксак парвоз қиюлмайди, қалблардан қалб- ларга ўтиб юролмайди. Танқидчиликда, бадий ижод, умуман санъатдагидай, истёъдод, даҳолик ўта ноёб ҳодиса. Адабий жараён фақат истёъдолару даҳолардан иборат бўлиши мумкин эмас. Қобилиятли ижодкорлар, танқидчилар жара- ённи жонлантиришга, уюштиришга хизмат қиладилар.

Адабий талқин асарни чуқур ҳис этиш, англашни, ёзув- чи «дунёси»га теран кириб боришини тақозо этади. Адабий танқиддаги кечирилмас гуноҳлардан бири асарни субъек- тив, унинг моҳиятига яқинлашмасдан «талқин» қилишдир. Ойбек «Танқид соҳасида саводсизлик ва ур-йиқитчиликка қарши ўт очайлик» мақоласида Абдурахмон Саъдийнинг «Тўрт шеърлар тўплами тўғрисида» шарҳ-тақризига муноса- бат билдириб, жумладан, мана бу фикрни таъкидлайди: «Танқидчи асарларни конкрет анализ қилиш натижасида ўз ҳукмларини чиқариши керак. Саъдийнинг ҳукмлари асарнинг анализидан келиб чиқмайди. Кўпинча фактлар, шоирнинг қарашлари, фикрлари «қийшқик ойна» орқали кўрсатилади. Шеърларга танқидчи ўз кайфига яраша, ўзи истаганча маъ- нолар тикишга тиришадики, бу билан танқид объектив аҳамиятдан маҳрум этилади². Вулгар социологизм «назария-

¹ Белинский В. Г. Полное собрание сочинений в 13-ти томах. Том VII. Москва-1955, 310-311-стр.

² Ойбек. Мукамал асарлар тўплами. XIV том. «Фан» нашриёти, Тош- кент-1979, 55-56-саҳифалар.

си», совет адабиётининг халқ ҳаёти билан алоқаси сусайган йиллар — шахста ситинишнинг оқибатлари туфайли бадний асарни субъектив, нотўғри талқин қилиш ҳоллари учради. У пайтларда ёзувчига жиддий айбномалар қўйилар, дўш-пўшиса қилинади. Беш қўл баробар эмас деган гап бор. Совет адабиётшунослигида ҳам талқин масаласига теран ёндашилган тадқиқотлар мавжуд. Чунончи, машҳур олим М.М. Бахтин «Сўз санъати эстетикаси» асарида талқинчи-адабиётшунос фаолиятидаги муҳим нуқта — талқин қилинаётган асар ва ёзувчи моҳиятига чуқур сингиб бориш эканлигини алоҳида таъкидлайди. Талқинчи ижодкорнинг моҳиятини, асар яратишга сабаб бўлган асосни теран англаб олинмагани, таҳлил ва талқинда қийналмайдигани, аниги, талқинчи билан талқин қилинаётган асар муаллифи орасида мослик, мутаносиблик пайдо бўлади. Бошқача айтганда, булоқлар, жилгаларни ўз кўзи билан кўрган киши дарё моҳиятини тез англайди. Адабий-танқидий асардаги мангикий изчилик, танқидчи қаламининг эркин ҳаракати, муҳими, танқидчиликдаги жозиба моҳиятини теран англашга, ёзувчинини қалам олишга ундаган сабабни аниқ-равшан кўра олишликка боғлиқ. Яна ҳам аниқлаштирилиб айтганда, ёзувчи ҳам, танқидчи ҳам санъат моҳиятини теран англамоғи жоиз. Аристотелнинг «Поэтика» асарида катарсис ва каолокогот таълимоти ҳақида маълумот мавжуд. Катарсис — руҳий покланув таълимоти, каолокогот — маънавий таъсирга берилган шахсдаги руҳий-эстетик ўзгаришларни уқинишдир. Аристотел санъатнинг инсонга таъсири муаммосини трагедия асарлари таҳлили орқали кўрсатган. Инсон қалби нозик, энг таъсирчан, билдурдай покизадир. Қалбга таъсир этувчи восита яна ҳам нозик, яна ҳам покиза, олмосдай сержило-серқирра, бебаҳо бўлмоғи лозим. Халқда «аччиқни аччиқ кесади», деган нақл бор. Азойи баданга тикан кирса, уни (тикандан-да қаттиқ) игна билан чиқарадилар. Энг қаттиқ жисмлар олмос (қаттиқларнинг қаттиғи) билан қирқилади. Нозик, таъсирчан қалбга яна ҳам нафис, пок-покиза санъатига таъсир этиши мумкин. Аристотел яратган катарсис таълимотининг энг ёрқин талқинларидан бири Чўлпоннинг «Адабиёт надур» мақоласидир. Профессор Озод Шарафиддинов «Чўлпоннинг адабий-танқидий қараш-

ларига доир» тадқиқотида Чўлпон мақоласидаги ўзак масалани ҳар томонлама талқин қилишга интилади. Олимнинг уқтиришича, ёш Чўлпон бадний адабиётига халқнинг ўзини-ўзи англашида асосий куч эканлигини алоҳида таъкидлайди. XX аср бошларида Ўрта Осиё, хусусан, ўзбек халқи ўзлигини йўқотаёзган эди. «Шунинг учун ёш мунаққид комил ишонч билан ҳатто миллатнинг янашини адабиётнинг янашига боғлиқ қилиб қўяди. Эҳтимол, Чўлпон бу ўринда бироз эҳтиросга берилгандир. Бироз муболагага йўл қўйгандир, лекин ҳеч шубҳа йўқки, XX аср бошларидаги Туркистон шароитида «адабиёт яшаса миллат яшар» деган формула тўғри ва самарали формула эди».¹

Озод Шарафиддинов Чўлпон мақоласида кўтарилган катарсис масаласини адабиётнинг спецификаси, яъни образли табиати деб англайди. Бу масала адабий танқид, адабиётшуносликнинг доимий муаммоси бўлган. XX аср бошларида Чўлпон адабиётнинг асосий вазифасини тўғри англади: «Ҳеч тўхтамасдан ҳаракат қилиб тургон вужудимизга, тапшимизга сув-ҳаво нақадар зарур бўлса, маишат йўлида ҳар хил қора кирлар ила кирланган руҳимиз учун ҳам шул қадар адабиёт кераклир. Адабиёт яшаса — миллат яшар. Адабиётни ўлмагон ва адабиётининг тараққийсига қалишмаган ва адиблар етиндирмагон миллат охири бир кун ҳиссиётдан, ўйдан, фикрдан маҳрум қолуб, секин-секин инқироз бўлур. Муни инкор қилиб бўлмас. Инкор қилгон миллат ўзини инқирозда эканун билдирур.

Биздан бошқа миллатларга кўз солсак кўрамизки, аларнинг олти ёндан олгини яшар қариларига қадар адабиётдан бири лаззат олув охир умрига қадар адабиёт ўқиб эшитмакни вазифаи миллиясида ҳисоб қилур. Мана шунинг учундирки, Оврупаннинг ҳар шаҳар ва қишлоқларида ҳар кун, ҳар ҳафта адабиёт кечалари қилинур, адабиёт ўқилур, нутқ сўйланиб халқ кўб кириб таъсирланурлар».² Чўлпон руҳий покланувнинг бирдан бир воситаси санъат, хусусан, бадний адабиёт деб билали. Афсуски, Чўлпонни бадний адабиёти-

¹ Озод Шарафиддинов. Адабиёт яшаса-миллат яшар. Китоб: Чўлпон. Адабиёт надур. Тошкент. «Чўлпон» наприёти-1993, 8-саҳифа.

² Чўлпон. Адабиёт надур. Тошкент. «Чўлпон» -1993. 36-саҳифа.

миздаги ўсиш-ўзгаришлар қониктирмади. У ҳамиша ўзга халқлар адабиёти, санъатидаги ўзгаришларга ҳавас билан қаради, уларнинг энг ёрқинларини таржима қилишга интилиди.

Яна шуни таъкидлаш жоизки, адабиётнинг катарсис-поклончилик вазифасини чуқур ҳис этган танқидчилар ўзбек адабиётшунослигида ҳамиша бўлдилар. Акс ҳолда, ўзбек адабиётшунослиги ва танқидчилиги ўзини тамоман йўқотган бўларди. XX асрда ўзбек танқидчилиги тазйиқларга учради, қуюшқонга солинди, лекин у барибир ўзлигини йўқотмади. Ўзбек адабиёти яшаганидай, ўзбек танқидчилиги ҳам рўй бераётган ижтимоий-адабий ҳодисаларни теран идрок этиб борди.

Аристотелнинг катарсис, каолокотот таълимотлари кўп жиҳатдан немис файласуфи Иммануэл Кант эстетикасида давом эттирилди. Кантнинг уқтиришича, бадиий асарнинг эстетик моҳияти ўзлаштириш жараёнида — маданий контекст ҳолатида намоён бўлади. Кант эстетикасида бадиий матнни ўзлаштирувчининг гўзалликни ҳис қилиши, диди муҳим аҳамиятга эгалити уқтирилади¹.

И. Кант эстетикасидан фарқли ўлароқ, Г.Гегель таълимотида бадиий асарнинг моҳиятига кенг тўхталилади. Бадиий асар шунинг учун яратиладики, токи китобхон ўқиш-ўзлаштириш орқали ўзининг иймон-этиқодини, юксак туйғулари маъносини англаб етсин. Г.Гегель санъаткор асаридаги дунё билан китобхон руҳий олами аро ҳамоҳанглик масаласига алоҳида урғу-этибор беради².

Рус инқилобий-демократик танқидчилиги ва эстетикаси тарихий-адабий концепциянинг тўлақонлилиги китобхонга боғлиқлигини қайта-қайта таъкидлайди. В. Белинский биринчилардан бўлиб: «Адабиёт китобхон аҳлисиз, ҳалойиқ адабиётсиз яшай олмаслигини»³ таъкидлади. У рус танқидчилигида китобхон аҳлининг одатларини, ғайритабиий қил-

мишларини чуқур ўрганди. Белинский фикрича, ҳалойиқ ўзгариб турувчи, гоҳ у томон, гоҳ бу томонга оғиб турувчи кучдир. Мана шу тизгинсиз куч кўлзма, қораламани эъзозлаши, бошига кўтариши ҳам, уни аёвсиз равишда улоқтириб юбориши ҳам мумкин.

Бадиий матн аҳли китобхонсиз покеракдир, аҳли дарксиз бекадрдир. Матннинг бадиий асарга айланиши санъаткор ва аҳли дарк меҳнатининг омухталашувидир. Матн китобхонсиз аҳамиятсиз бўлганидай, китобхон ҳам бадиий адабиётсиз ғарибу бенаводир. Омма бадиий адабиётни тушуниб етмаганлиги сабабли унга қарши исён кўтаради. «Оммага тарки одат амри маҳолдир: у одатланган нарсаларинигина энг рост, энг одил, энг нафли деб билади... У бундан юз, ҳатто ундан-да озроқ муддат илпари янгилик бўлгани учун жон-жаҳди билан инкор этган нарсаларини бутун эскиликка айланганида ҳам шу алфозда ҳимоя қилади»¹, — деб ёзади В.Г. Белинский.

Бадиий асарни дарк этиш масаласида ижодкор ва китобхон аро ҳамиша зиддият пайдо бўлаверади. Лекин, барибир, адабиётнинг жони ҳалойиқ орасидадир, «Тинглаётган сўзлаётганга нисбатан сўзлар заминидagi маънони теранроқ англайди, китобхон ижодкорга нисбатан асар моҳиятини чуқурроқ тушунади. Асарнинг қиммати, муаллиф гоёсидасиз, унинг ўқувчига қай даражада таъсир ўтказишидадир»², дейди А. Потебня. Китобхон асарни дарк этаверар, ундан завқ-шавқ олаверар экан, демак, ўша асар табиатида онтология — мангу яшаш илдизи бор.

Китобхон ва ёзувчи аро боғлиқликда ҳам ғалати муносабатлар бор. Аҳли дарк бадиий асарнинг, дейлик, ўндан тўққиз қисмини онгли ўзлаштиради, ўндан бир қисмини ғайри шуурий англайди. Шу жараён ёзувчида тескари нисбатда рўй бериши мумкин: ижодда савқи табиийлик етакчилик қилади-ю, онгли тасвир, ҳисоб-китобли ёзини кам бўлади. Ҳақиқий санъаткорлар ўз асарларини аҳли дарк сифатида ўқитанларида руҳий қоникшиш ҳосил қиладилар.

¹ Художественная рецепция и герменевтика. Москва, «Наука»-1985. 10-саҳифа.

² Гегель Г. Эстетика в 4-х томах. Том I Москва-1968, 255-стр.

³ Белинский В.Г. Полное собрание сочинений в 13 томах. 4 -том. Москва-1953. Стр. 426.

¹ Белинский В.Г. Полное собрание сочинений в 13 томах. 4 -том. Москва-1953. стр. 31.

² Потебня А. Эстетика и поэтика. Москва-1976. Стр. 330.

Ёхуд аксарият санъаткорлар аҳли дарк мулоҳазаларини тинглаб ҳайрон қоладилар, ўз асарларини ўзича янгидан кашф этадилар. Санъаткорлар аҳли даркка алоҳида ҳурмат билан боққанлар, ҳатто уларни ориф дея улуғлаганлар:

То мусаххар айладим сўз бирла маъно кипшарип,
Шоҳмен, эй Мунис, аҳли донишу идрок аро¹.

Сайфи Саройи ёзалир:

Сўзларимнинг жавҳарин ориф кўриб, қадрин билиб,
Кўп баҳоли дур бекин доим қулоқинда тутар².

Ҳақиқий санъаткор ўзи яратган бадий бойлиги қимматини англайди. У сохта камтарликни йиғиштириб ўз қадр-қимматини лўнда белгилаб кўя қолади:

Қон қуритгим, жон қувортдим, қон чиқардим
тош қазиб,
Соф қизил олтун сочиклаб безадим бу ер юзи³.

Шарқ-мусулмон адабиёти, фалсафасида руҳий-маънавий покланув масалалар масаласидир. Абу Наср Форобий Аристотел асарларини, хусусан, «Поэтика» асарида таърифланган трағўзиё, кумузия, драмото, сатуро сингари тур, жанрларни шарҳлар экан, руҳий покланувнинг сабабига диққатни қаратади. У машхур асарлардаги сўз, фикр, қарашлар тирик, жонли эканлигини таъкидлайди. Тирик матнгина турланади, тобланади, яшайди, ўзини турли кўринишда намоён этади. Демак, руҳий покланув сабабчиси матннинг тириклиги, ҳаракатдалигидир. Матн тирик, жонли, сўзлар сержилва бўлмаса, улар китобхонни ром этмайдилар, янги-янги маъно қатламларини ифодаламайдилар. Аниқ маълумотларнинг далолат беришича, Аристотелнинг «Табиат уйғунлиги»ни

¹ Мунис. Сайланма. Тошкент, Фафур Гулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти-1980, 201-саҳифа.

² Ўзбек адабиёти. I том. «Тошкент» бадий адабиёт нашриёти-1966, 14-саҳифа.

³ Рабғузӣ. Қисаи Рабғузӣ. II китоб. Тошкент, «Ёзувчи» нашриёти-1991, 216-саҳифа.

Форобий 40 бор, «Риторика»сини 200 бор муталаа қилган. Тирик бўлмаган, фикрлар ҳаёти барқ уриб турмаган матнни шунча бор ўқиб бўладими? Аниқроғи, жонли матнгина шарҳ, тафсир, таъвил, талқинга йўл очади. Демак, талқин — тирик, жонли, руҳий покланувчи хусусиятига эга бўлган матннинг мевасидир. Шарқ-мусулмон фалсафаси, адабиётида бадий матнга алоҳида эътибор берилишининг, тафсир, таъвил, талқиннинг жалб этувчи соҳа сифатида улуғланишининг боиси шундадир.

Катарсис таълимоти Абу Али ибн Сино, Абу Райҳон Беруний қарашларида ҳам ўз аксини тошган.

Шарқ-мусулмон оламининг улуг донишманди Зайниддин Муҳаммад Ғаззолий «Дил ажойиботларининг шарҳи» асарида нафс, жон, дил, ақл лафзлари маъноларини ифодалайди. Донишмандни мазкур тушунчаларнинг руҳоний томонлари қизиқтиради. Ғаззолийча, дил, жон, ақл тушунчалари илоҳий неъматлардир. Нимаки илоҳий бўлса, у пок, муқаддас бўлмоғи даркор. Бизни «жон» сўзининг талқин этилиши ром этди: «Жон сўзининг иккинчи маъноси қуйидагичадир: жон инсондаги билувчи, идрок қилувчи илоҳий неъматки, биз бу ҳақда дил маъноларидан иккинчисини шарҳлаганимизда айтиб ўтдик. Оллоҳ таоло ўзининг «Айтинг, жон эгамнинг (парвардигоримнинг) ишидандир», - деган қовли билан жоннинг шу маъносини кўзда тутганки, у ҳақиқатан, ҳам инсоният моҳиятига етиши мушкул бўлган илоҳий ишдир»¹.

Рухнинг поклануви халқ орасида «жоним кирди», «дилим равшан тортиди» иборалари билан ҳам ифодаланади. Санъаткор яратган бадий матн китобхоннинг жонини киритади. Айни вақтда «дили равшан тортиган» китобхон матнга ҳам жон ато қилади-ўзидаги пок руҳни асарга ҳам ўтказди. Санъатни ҳис этиш, бадийят олами ажойиботларидан завқ-шавқ олиш бетакрор илмдир. Ўзбек мумтоз адабиётида аҳли дарк, аҳли идрок, зурафо сингари истилоҳлар бот-бот учрайдики, улар санъатсеварларни, бадийят олаmidан ҳузур-

¹ Муҳаммад Абу Ҳамид Ғаззолий. Дил ажойиботларининг шарҳи. «Камалак» Адабий-танқидий йиллик тўплам. Тошкент. «Ёш гвардия» -1990. 189-192 саҳифалар.

ҳаловат олувчиларни назарда тутади. Аҳли дарк деганда санъатни теран ўзлаштирганлардан тўртиб бадийят сир-асрорларини теран англовчи мутахассисгача, тушуниланган. Аҳли дарк, зурафо орасида манман деган талқинчилар, услубшунослар, қилни қирқ ёрувчи устози комиллар бўлган. Алишер Навоий «Бадоеъ ул-васат» тўйламини киритилган назалларининг бирида услубшунос аҳли дарк намояндаси ҳақида фикр юритади:

**Сабт ўлмаса Навоий оти назми зайлида
Фаҳм айлар аҳли дарк камоли адосидин¹.**

Дарк назокати, идрок нафосати, зурафалик мушкулликларини ҳусусида Имом Ғаззолий, Алишер Навоий, Заҳириддин Бобур, Иммануэл Кант, Хеорг Хегел асарларида илмий-назарий фикр-мулоҳазалар айтилган. Аҳли дарк, зурафо ҳақида айтилган ташлар танқидчилик ҳақидаги мулоҳазалар эканлиги яқин-яқинларгача кўпчилиكنинг ҳаёлига келмаган.

Аҳли дарк бадий асарни ўзлаштирар экан, завқ-шавқ олади, ҳузур қилади. Аҳли дарк орасида шундайлари борки, улар бадий асарни баҳолаш шарафини ҳам зиммаларига олганлар. Бундай тоифадаги дарк аҳли билан маҳак ила яқинлик бор. Ҳайдар Хоразмий «Маҳзун ул-асрор» достонида сараловчи ёхуд аҳли нақлни «маҳаким имтиҳон»га киёслайди². Ҳар касб-корнинг ўз сир-синоати бўлганидай, қадимда олтин, кумуш сингари қимматбаҳо қоринмаларни изловчилар маҳактошдан фойдаланар эканлар. Маҳак тошлар маъданлар уюмидан олгину кумушларни беҳато ажратиб бераркан. Профессор А. Ҳайитметов XV асрнинг биринчи ярмида яшаб ижод этган Шайх Аҳмад ибн Худайюд Тарозий, унинг «Фунунун-балоба» асари ҳақида тўхталганиб, «у инсон ҳаётида бадий сўзнинг, шеърнинг ўрини яхши тушунаган. Унинг фикрича, кимнинг кўнгли тал-сўзга ва ширинсўз

¹ Алишер Навоий. Мукаммал асарлар тўйламини. 20 томлик. 5-жилд. Тошкент, «Фан» нашриёти-1990, 330-саҳифа.

² Валидўжаев Б. Ўзбек адабиётшунослиги тарихи. X-XIX асрлар. «Ўзбекистон» нашриёти, Тошкент-1993, 68-саҳифа.

бўлишга мойил бўлмаса, уни инсон деб аташ қийин: «Не-токким... инсоният доирасининг ташқаридур»¹, - дейди.

Аҳли дарк, зурафоларнинг юксак мақомадгилари орифлар (урафо) помини олган бўлиб, Қуръон, ҳалис, фалсафий асарларни тафсир, таъвил этганлар. Булар бадий ижод намуналарини ҳам талқин қилганлар. Аҳли даркнинг етук, истеъдодли қатламини биз мунаққид, танқидчи деймиз. Ҳақиқий бадий матнни ўқиганида истеъдодли танқидчи жўшиб кетади, илҳом билан ижод қилишга туғишади. Танқидчидаги истеъдод кучли бўлса, ёзувчи ижодининг меваси — бадий матн шунчалик очилиб кетади, унинг таркиби китобхон — танқидчи ижодининг самарасидан бойийди, тўйишади. Адабий танқидчи асар ҳақида асар яратади ёки ёзувчи ижодининг маҳсулига ижтимоий муносабатни, тарихийлик миссиятини, кўпчилик назарини сингдиради. Ижтимоий муносабат, тарихан аниқ қарашнинг ёрқин ифодаланиши, танқидчи ижодида, интеллектуаллик даражасига боглиқ. Мунаққиддаги жозиба, шиддат, муҳаббат ёхуд нафрат китобхонга тез юқади.

Танқидчи истеъдоди фикрининг изчил, қатъийлиги, ифода тарзидаги рамзийлик, услубдаги бетакрорлиқда кўзга ташланади.

Ёзувчи ижод жараёнида гайришуурий тарзда ёзган ёхуд асарини яратади: образларнинг қилмиши, хатти-ҳаракати, воқеалар счими ижодкор инон-ихтиёрига бўйсунмай қолади. Адабий танқидчи ижодида, аксинча, онгли ёндашув-асардаги гайришуурий ифодаланган ўринлар мазмун-моҳиятини очиб етакчилик қилади. Бошқача айтганда, танқидчи ижоди ёзувчи асарини ижтимоий мазмун, тарихий муносабат билан бойитади. Кўпчилик ёзувчилар танқидий асарларни ўқимасликларини, ўз асарлари ҳақидаги мақолаларга эътибор бермасликларини айтадилар. Бундай бўлиши деярли мумкин эмас, аксинча, синчков ёзувчилар ўз асарлари тўғрисида ёзилган мақолаларни кузатадилар. Асарда ўзи сезмаган, гайришуурий тарзда ифодаланган ўринлар танқидчи томонидан топилади, аниқ ифодаланганидан завқланади. Му-

¹ Ҳайитметов А. Темурийлар даври ўзбек адабиёти, Тошкент, «Фан» нашриёти-1996, 21-саҳифа.

наққид ижодининг биринчи босқичини асарга ижтимоий-тарихий муносабат билдириш, матндаги умумий камчиликларни кўрсатиш ташкил қилади. Танқидчи ижодининг иккинчи босқичида турлича таҳлил йўллари, ёндашув усуллари орқали талқин жараёни бошланади. Талқин эса, табиийки, бадиий асарнинг ҳолис баҳосини чиқариш йўлидир.

Аристотелнинг «Герменевтика» асари талқин, унинг назарияси ҳақидаги илк илмий асар. Форобий, Ибн Сино, Беруний ва бошқа олимлар Аристотел таъсирида талқин фани ривожига ҳиссаларини қўшдилар. Шарқда, Ғарбда, қадимда ва ҳозир талқин ҳақида кўплаб асарлар яратилмоқда.

Шундай қилиб, талқин адабий танқиднинг ўзак масалаларидан бири, герменевтиканинг амалиётдаги кўринишидир. Сўнгги 10-15 йил ичида ўзбек танқидчилиги, адабиётшунослигида герменевтика масалаларига қизиқиш, уни илмий муомалага олиб кириш жараёни сезилди. Филология фанлари докторлари А. Эркинов, Б. Каримов сингариларнинг илмий ишларида герменевтика муаммосига эътибор берилган. Ушбу сатрлар муаллифи ҳам 1985 йилда чоп этилган «Танқидчилик уфқлари» китобида аксиология, герменевтика масалаларига илк бор эътибор қаратган эди.

«Герменевтика» юнонча сўздан пайдо бўлиб, «тушунтираман», «талқин қиламан» деган маънони англатган. Қадимги юнон мифологияси Гермесни олимш илоҳларининг қосиди, аҳли тижорат пири сифатида кўрсатган. Қадимги Юнонистонда, эллинизм даврида савдо карвонлари ўтадиган йўللарга Гермес ҳайкали тикланганлиги бежиз эмас. Шарқ-мусулмон адабиётида Суруш образи бот-бот учрайди. У ҳожатбарор, мушкулликларни ҳал қилувчи куч сифатида кўрсатилинади. Бу ҳақда «Ўзбек тили ва адабиёти» журналининг 2006 йил 1-сонида чоп этилган «Навоий шеърисидаги Суруш образига доир» (Т.Хўжаев) мақоласидан маълумот олиш мумкин. Гермес тилини, ёзувни кашф этган куч ҳам ҳисобланиб, тушунтириш, талқин масалалари унинг номи билан боғланади. Гермес худолар муждаларини одамларга олиб келган, уларни тушунтириб, талқин қилиб берган¹. Гермес-

¹ Художественная рецензия и герменевтика. Москва, «Наука»-1985, 46 стр.

невтика — талқин назарияси, маънони англатиш таълимоти бўлиб, аксарият ҳолларда қадимги матнларни шарҳлашда қўлланилган¹. Илк бор герменевтикадан «Илиада» ва «Одиссея» асарлари талқинида фойдаланилган. Кейинчалик Арасту ва Афлотунлар герменевтика ҳақида асар ёздилар, ғарб ва шарқда уларнинг асарлари кенг, теран талқин қилина бошланди.

Ғарбда герменевтика тарихи, мактаблари, намоёндалари ҳақида кўп асарлар ёзилган. М.М. Бахтин, Д.С. Лихачёв, М.Б. Каган, М.Б. Храпченко сингари рус олимлари талқин тарихи, назарияси ҳақида тадқиқотлар олиб бордилар. Ю. Боров, П. Гайденко, Е. Гуренко, Д. Урнов, В. Хализев сингари рус адабиётшунослиги ва эстетикашунослиги намоёндалари аксиология, герменевтика тарихи, назарияси, амалий қўлланиши ҳақида иш олиб бормоқдалар. Герменевтиканинг ҳозиргача яратилган тарихи қизиқарлидир.

XVII асрда «герменевтика» термини классик филологияда илк бор қўлланди. Таржимон, олим Фридрих Шлейермахер томонидан герменевтика назарий проблема сифатида илм оламига олиб кирилди. Ф. Шлейермахер герменевтикани тарихий талқин методи сифатида, хусусан, таржима санъати принципи ҳолатида қўллади. Талқинчи билан талқин қилинаётган асар муаллифи аро индивидуал яқинлик, мослик бўлсагина, ҳақиқий талқин пайдо бўлади, деган хато принцип Ф. Шлейермахер томонидан олға сурилди. Олим асарни бўлак, қисмларга ажратиб, уларни алоҳида-алоҳида талқин қилиш йўлидан борди. Ўрганиш, асарни бугун ҳолда қамраш жараёнида қисмлардан олинган таассуротлар инкор этилиб борилаверади. XIX асрда яшаган В. Дильтей (1833-1911) Ф. Шлейермахер назариясини давом эттирди. Талқинчи ва талқин қилинувчи аро мослик бўлиши ҳақидаги назария В. Дильтей томонидан ривожлантирилди. Тушунтириш — гуманитар фанлар методи, унинг асоси — тушунтириш психологияси, деган формула В.Дильтей томонидан яратилган. Макс Шелер, Мартин Хайдеггер (1889-1976) сингари олимлар герменевтика назариясини мураккаблаштириб бордилар.

¹ Словарь иностранных слов. Москва. «Русский язык»-1986, стр. 121.

Мартин Хайдеггер — XX аср герменевтика фанининг нодир намояндаси. У онтология илмининг асосчиларидан. Ф.Шлейермахер фикрича, герменевтика тунгунчи назарияси; В.Дильтей қарапчи, герменевтика гуманитар фанларнинг умумий методи бўлса, М.Хайдеггер таърифчи, герменевтика дунёни англашнинг ўзига хос тизими. Унингча, тил билишнинг тарихий уфқи, «яшаш уйи». Тил бизнинг мазмун моҳиятимизни сирта (юзага) олиб чиқади. Хайдеггер фикрича, «герменевтика — борлиқнинг солир» бўлиши. У шоир шеъри, сермаъно матнлар орқали ўзини намоён этади. Агар инсон англашдан мосуво, тушунишдан йироқ бўлса, унинг тирикчилигидан маъно йўқ.

Индивид тирикчилигининг маънисини ўтмиш ва келажак сралигида, анъаналар қуриловида ўз ўрнини топиб олиниладир. «Ташландиклик» — Хайдеггер фалсафасининг асоси. Инсон ўзини келажакка «ота билмоғи, ташландиклик ҳолатидан чиқмоғлиги» керак. Унинг фикрича, соф ҳолдаги тил — шеърият; «тилнинг воқелиги — ҳеч қандай фан кўтарила олмайди», етиб келмайдиган юксакликдир¹. Хайдеггер таълимотида тил ва онтология боғлиқлиги муҳим аҳамият касб этади.

Ганс Георг Гадамар герменевтикани гуманитар фанлар методи дейиш билан чекланмади. У герменевтика асосида онтологик таълимотни яратди. Энди тил герменевтик онтологининг асоси сифатида қабул қилинди. Онтологик метод адабиётшуносликда асар тили, структурасининг яшовчанлиги тўғрисидаги қарапдир. Ю.Борев «Талқин ва баҳолаш санъати» китобида бадий асарни онтологик метод асосида ёритиш усули ҳақида ёзиб, бадий асар яшовчанлигини белгилловчи, ички зиддиятлар қурашига асосланган хусусиятларнинг етти қатламни санайди².

Герменевтика тарихи талқиннинг икки турини алоҳида таъкидлайди. Шундай асарлар, муқаддас китоблар бўлганки, улар турлича шарҳланган, талқин қилинган. Аммо талқин-

чи талқин объектидан юқори кўтарилишни, унга зид маъно чиқаришни ҳаёлига келтирмаган. Бу фақат диний, муқаддас китобларга нисбатан қўлланган тартибот эмас, ўтмишнинг машхур ёзувчилари, донишмандлари Гомер, Арасту, Афлотун асарлари ҳам фақат билиш, ўрганиш мақсадида талқин қилинган. Буюк шахс, ижодкорлар руҳига шаккоклик келтириш одобсизлик ҳисобланган.

Талқиннинг иккинчи тури асарни талқин қилиш, унга ўз муносабатини билдириш, тўғрироғи, шахсий қарапларини ифодаланидаги восита деб англашни тақозо этган. Талқинчи ўз замонининг фарзанди. Талқин жараёнида талқинчининг тушунчаси, эстетик қараши, ташқи муҳит таъсирида шаклланган диди акс этиши табиий. А.Франс талқин санъати узоқ тарихга эга бўлган жамиятдагина ривожлана олишлигини таъкидлаган. Унингча, санъатнинг бой анъанаси нафис талқинни келтириб чиқаради¹. Ҳақиқий талқинларда матндаги тимсоллар, тунгунчалар, маънолар, сўз ўйинлари фоно-грамматик — семантик яхлитликни вужудга келтиради. Бу ҳол кўпроқ шеърият талқинида, хусусан, мумтоз адабиёт намуналари талқинида кўзга ташланади. Адабий талқинда системали-семантик ёндашув етакчилик қилади. Талқинчи асарни яхлит ҳолда олади, маъноларини тўлиқ қамраш мақсадида ишга киришади.

Адабий талқин соҳасида камчиликлар учрайдими, агар учраса, энг асосийлари қайсилар? Талқинда талқиқотчиға мутлақ эркинлик берилади: у ўз имкониятларидан тўлиқ фойдаланиш ҳуқуқига эга. Баъзан шу эркинлик суиистеъмол қилинади: талқинчи билагонлигини кўрсатиш учун гапни айлантираверади, илмий атамалардан ўта унумли фойдаланади. Бунда талқин илмида интеллектуал дендизм дейилади. Бундай «илмий олифиагарчилик» мисоллари қўшлаб топиллади.

Талқиннинг шундай кўрнишлари борки, талқинчи ўта назокат, ўта сийлиқлик билан билан асар сюжетини қайтадан айтиб беради. Бундай ҳол қадимги, мумтоз асарлар талқинида кўзга ташланади.

¹ Мартин Хайдеггер. Разговор на проселочной дороге. Москва. «Высшая школа»-1991, стр. 171.

² Борев Ю. Искусство интерпретации и оценки. Москва, «Советский писатель»-1981, стр. 61-62.

¹ Франс Анатоль. Собрание сочинений в 8-томах. Том 8. Москва-1960, стр. 130.

Шундай талқинлар борки, уларни талқиндан талқин дейиш жоиз. Талқинчи ўзигача қилинган талқинлардан хабардор-у, аммо ўз ишида ўша талқинларни билмагандай тугади ўзини. Бундай талқиндан кўчирмачиликнинг нафаси уфуриб туради.

Мумтоз асарлар талқинида қайта баҳоланаётган замондаги ижтимоий-руҳий ҳолатлар албатта ҳисобга олинади. Акс ҳолда талқинда эклектика кўринишлари пайдо бўлади. Эклектика, маълумки, бирлик, асослилик, таянчнинг йўқлиги, қоришиқ-ликлдир.

Талқинда яна шундай ҳолатлар бўладики, талқинчи ўзидан аввалги талқинчи қарашларини кўр-кўрона қабул қилади ёхуд ижтимоий-сиёсий муҳит шундай йўл тутгани тақозо этади. Масалан, Абдулла Қодирий асарлари талқинида қўлланган илк йўсинлар (М. Шевердин, Сотти Ҳусайн қарашлари — А.Р.) етмишинчи йилларнинг ўрталаригача давом этди.

Яна бир мисол шуки, Шекспирнинг «Гамлет»и талқин қилина-қилина шунга олиб келдики, Гамлет хунбичим, ақлли, ўга доно — идеал қаҳрамон тусига, руҳига кирди. Ваҳоланки, Гамлет аслида анча тўла, пишпилаб қолган, руҳий изтироб исканжасига тушган одам эди.

Шекспир, табиийки, унинг танқи кўриниши билан ички олами орасидаги аллақандай боғлиқликларга ишора қилган¹. Санъатдаги талқинлар бадий адабиётдаги талқинларга кўра тез-тез ўзгариб, янгиланиб туради. Барибир, талқиндаги матндан йироқланиш ўзини сира оқламайди.

Шундай қилиб, бадий асарни ўзлаштириш, уни тушуниб етиш мураккаб жараёндир. Аҳли дарк, зурафо, урафо, танқидчи, талқинчи бадий матн (асар)ни англаш, тушуниш, танқидий ҳис этиш, талқин қилишда турли усул, услублардан фойдаланади. Шарқ, Ғарб адабиётшунослигида талқиннинг таҳлил йўллари, ёндашув усуллари мўл бўлганки, биз улар хусусида яна фикр юритамиз.

¹ Фикр Дм. Урновнинг «Литературное произведение в оценке англо-американской «новой критики» (Изд. «Наука»-1982) китобининг 135-136 саҳифасидан олинди.

II фасл. ТИРИК СЎЗ, БАДИЙ МАТН ТАЛҚИНИ

Г Бадий матн яратилди. У — ечилиши лозим масала, сирли муаммо. Ҳар бир асарнинг ечими, калаванинг учи, сеҳрли калити унинг ўзиладир. Матннинг содда-мураккаблиги, осонқийинлиги, мазмуннинг саёз-тиғизлиги, сўзларнинг жонли-жонсизлиги ижодкорнинг услубига, фикрлаш йўсини даражасига, ҳаётини концепциясига, лўнда айтганда, истейдодига боғлиқ. Ҳақиқий бадий матнга дуч келганида зурафотирик сўз, бадийликни ҳис қилувчи мутахассис жўшиб кетади: ёзувчи услубини, фикрлаш йўсинини, истейдоди имкониятини, сўз, ибора, рамзларнинг сержило, мазмунлилиги даражасини англаб етади. Ҳақиқий матн зурафо, мунаққидни ижод қилишга ундайди. Аниқроғи, адабий танқидчи асар ҳақида асар яратади ёки ёзувчи ижоди маҳсулини таҳлил, талқин қилади, унга ижтимоий муносабатни, тарихийлик муҳрини сипгдиради; асарнинг тарихий-маданий қатламдаги ўрнини белгилайди; қислаш монандлиги, ёндашишлар орқали унинг баҳосини кўрсатади. Мумтоз адабиётшуносликда бадий матн ҳақида асар яратишни илми ғариба дейилган. Ғаройиб, ажиб фан хусусиятларини ёритиб берсак, мумтоз адабиётшунослигимиз даражасини белгилаган, муҳими, истиқболдаги талқиншунослик вазифаларини аниқлаган бўламиз.

Ўзбек тилида «шарҳ», «изоҳ», «таъвил», «тафсир», «талқин» деган мазмунан қардош, лекин ўз йўсини, вазифасига эга бўлган сўзлар мавжуд. «Тафсир-1) шарҳ, изоҳ; 2) Қуръони карим оятларини изоҳлаш. Таъвил — сўзни ўз маъносидан бошқа маънога буриш, йўйиш, шарҳлаш. Таъвил суҳуф китоблар шарҳи, баёни». «Тафсир илми уч қисмга бўлинади: 1) тафсир бил маъсур — бунда муфассир саҳиҳ (хатосиз) ҳадислар ва саҳобаларнинг қавл-сўзлари билан тафсир қилади; 2) ат-тафсир бирраъй — бунда муфассир ўз фикри ва ижтиҳоди билан тафсир қилади, бу қисм жоиз ва ғайри жоизга бўлинади; 3) тафсири ишорий — бунда тафсирчи оятнинг сиртки — зоҳирий маъносига қарамай, унинг махфий ишоралари тақозаси билан тафсир қилади. Бу сулук ва тасаввуф адабиётларига хос»¹.

¹ Мирза Кенжабек. Хилма-хиллик тенгсизлик эмас. «Ўзбекистон адабиёти ва санъати» газетаси, 1996 йил, 19 январ.

муқаддас китоблар, ҳадислар тафсир, таъвил, изоҳланганда муфасссир эҳтиёткорлик билан иш кўради: асл матн моҳия-тининг бузилиб қолишига зинҳор йўл қўймайди. «Тафсир» истилоҳи аксарият ҳолларда муқаддас китоблар, ҳадислар изоҳи, шарҳига нисбатан қўлланади. Тарихдан маълумки, Абу Наср Форобий, Абу Али ибн Сино, Абу Райҳон Берунийлар Арасту, Афлотун асарларига шарҳлар битганлар. Қадимги юнон файласуфлари асарларига шарҳлар битиш ислом динида эмас, христиан, католик динларида ҳам бўлган. З.Н. Зайцева Мартин Хайдеггер дунёқараши Аристотель асарлари талқинини ўзига сингдирган католик неосхоластикаси таъсирида шаклланганлигини ёзади¹.

Абу Наср Форобий, Абу Али ибн Сино, Абу Райҳон Беруний, Муҳаммад Хоразмий, Абул Қосим Замахшарий, Абдул Ҳомид ал-Ғаззолий, Абу Мансур ас-Саолибий сингари олимлар ижод қила бошлаганларида Муҳаммад саллаллоҳу алайҳи вассаллам, Қуръони карим Шарҳ халқлари қалбини мафтун этган эди. Айни шу пайтда қадимги юнон файласуфлари, хусусан, Арасту ва Афлотун асарлари араб, аҷам оламида кенг ёйилган эди. Ўрта асрлардаги илмий ахлоқ, тартибот юнон мутафаккирлари маънавий оламини чуқур ўзлаштиришни тақазо этарди. Айниқса, Арасту фалсафаси, ижтимоий фанлар соҳасидаги тадқиқотлари кенг ўрганилар эди. Арасту ва Афлотун фалсафаси инсоният табиати, уни куршаб олган дунё, кишилар аро муносабатлар, тартиботнинг сир-асрорлари ҳақида эди. Абу Наср Форобий Арасту, Афлотун илмий меросини шу даражада мукаммал ўрган-дики, олимнинг қувваи мушоҳадаси ўсиб кетди, олимпикка эллагидан йўл, албатта, Аристотел, Афлотунлар яратган илмий оламдан ўтади деган фикр битилмаган қонунга айланди. Олимпик истеъдоди Аристотел ва Афлотун оламини англаш, асарларини шарҳлаш қобилияти билан ўлчанадиган бўлди. Қадимги юнон файласуфлари илмий дунёсини ўзлашти-риш шарҳ-мусулмон оламида шарҳ, талқин илмини келтириб чиқарди. Шарҳ, тафсир (талқин) Қуръони Карим, ҳадиси шарифларни ўзлаштириш, ҳаётга яқинлаштиришда қўл келди.

¹ Зайцева З. Мартин Хайдеггер: язык и время. Китоб: М. Хайдеггер. Разговор на проселочной дороге. Москва-1991, 160-саҳифа.

Шарҳ, талқин бора-бора бадиият, хусусан, адабий танқид соҳасига кўчди. Мадрасаларда илми шарҳ асосий фанга ай-ланди. Шарҳ, тафсирда ҳар бир белги, сўз, урғу, ифола, ҳатто овознинг паст (маҳфий), баланд (жаҳрий)лигига ҳам эътибор берилди. Абдурауф Фитратнинг «Ҳиндистонда бир фаранги ила бухороли мударриснинг жадид мактаблари ху-сусинда қилгон мунозараси» асарида Бухоро мадрасалари-нинг талабалари ўқинининг тўртинчи-еттинчи йилларида «Мулла Жомий»ни — «Шарҳи Жомий»ни («Фавоид уз-зиёя», «Ал-Мажрурот», «Ал-Мансубот»), «Ал-мабниййот» асарлари шарҳи ўқитилганлиги хусусида ёзилади¹.

Аристотелнинг «Герменевтика» асари Форобий, Абу Али ибн Сино, Берунийнинг диққатини жалб этган. Хусусан, Абу Али ибн Сино «Ал-шифо» асарининг «Мантиқ» қисми учинчи бўлими «Китоб-ал-ибора» (интерпретация) деб ата-ладики, у, шаксиз, «Герменевтика» таъсирида ёзилган. Ўрта Осиёлик уч олим-Форобий, Ибн Сино, Беруний қадимги юнон файласуфлари асарларини шарҳлаган (талқин қилган) бўлсалар, Абдул Ҳомид ал-Ғаззолий, Хожа Абдуҳолиқ Гиждувоний ва Абул Қосим Замахшарийлар Қуръони карим тафсири орқали ўзларининг ислом илмидаги янгиликларини яратдилар. Гиждувоний қаерда, қачон, қандай вазиятда бўл-масин, одам қалбида худони зикр этиши лозим, деган машҳур таълимот, талқин-шарҳини Қуръони каримнинг Раъд сураси, 28-29 оятларидан, Ал-исро сурасининг 110-оятидан келтириб чиқарган. Ал-Замахшарий ижодининг гултожи, 1132-1134 йилларда Маккада ёзилган «Ал-Кашшоф» асарида муқаддас Қуръон филологик йўсинда талқин қилинган.²

Алишер Навоий асарлари машҳур талқинистондир. Улуғ шоир «Хамса» дostonларида, хусусан, уларнинг «анъанавий кириш» қисмида, кўплаб газалларида Қуръони карим оят-ларини нафис, бадиий талқин этади. Алишер Навоийнинг насрий, илмий асарлари бадиий-илмий талқиннинг етук

¹ Фитрат. Ҳиндистонда бир фаранги ила бухороли мударриснинг жадид мактаблари хусусида қилгон мунозараси. «Шарҳ Юлдузи» журнали, 1997, 1-сон 28-саҳифа.

² Абдусодиқ Ирисов. Матншунос аллома. «Мулоқот» журнали, 1991, 6-сон, 63-67 саҳифа.

Истеъдодли шоир, драматург Мақсуд Шайхзода кучли адабиётшунос ҳам бўлган эди. XX асрнинг 60-йилларида у Алишер Навоийнинг маҳоратини ёритиб берган тадқиқотлар яратди. Олим «Устоднинг санъатхонасида» тадқиқотининг «Биринчи мақола»сида «билимлар учлиги» — илми бадий, илми аруз, илми қофия «илмҳои сегона» ҳақида мулоҳаза юритар экан, араб, ажам тилларида яратилган ўнлаб илмий тадқиқотлар моҳиятини ёритиб беради. Мақсуд Шайхзода илми бадийга тааллуқли асарлар қаторида илми шарҳ, илми ғарибага оид бир қанча асарларни санайди. Чунончи, олим бадий санъатлар таҳлил қилинган асарлар қаторида Аҳмад Мансур Самарқандийнинг (XI аср) «Қанзул ғаройиб» (ғалати гаплар хазинаси), Муҳаммад Рашидий Самарқандийнинг (XII аср) «Зийнатнома» асарларини тилга олади. Мақсуд Шайхзода диққатини Амир Хусрав Деҳлавийнинг уч жилдан иборат, насрий ижода доир бир неча минг санъатларни ўз ичига олган «Ўжози Деҳлавий» илмий асари жалб этади.¹ XX асрда баъзи шўро олимлари қалимда Шарқ-мусулмон адабиётида насрий асарлар бўлганлигига шубҳа билан қарар эдилар. Илмий изланишлар нафакат насрий асарлар ҳақида, балки насрнинг неча юзлаб санъатлари мавжудлигини кўрсатмоқда. 1985 йида Низомий Арузий Самарқандийнинг «Нодир ҳикоятлар» асари форсийдан таржима қилиниб чоп этилди. Китобнинг биринчи мақоласи — «Дабирликнинг моҳияти, моҳир дабирнинг сифатлари ва шунга тааллуқли нарсалар ҳақида» деб номланади. Дабирлик — «сзма мунозара ва нотиклик асосларидан иборат бир санъат». Дабир — «сеҳни ўтқир фикри чуқур, ақли комил, илм ва унинг самарасидан улкан ҳисса насиб этган, мантикий далиллардан узоқ ва бегона бўлмаган»² шахс. Китобда дабир Искофий фаоллигидан айрим ҳикоятлар келтирилади. Хусусан, Алипегин саройида хизмат қилаётган Искофий жоҳил амир Нухга шундай қисқа, таъсирли мактуб ёзадики, Алипегиннинг устунлиги, Нухнинг тубанлиги яққол кўрилади

¹ Мақсуд Шайхзода. 6 томлик асарлар. 4-том. Тошкент, Фафур Гулом номидаги нашриёт-1972, 219, 222, 224-саҳифалар.

² Низомий Арузий Самарқандий. Нодир ҳикоятлар. Тошкент, Фафур Гулом номидаги нашриёт-1985, 15-саҳифа.

қолади. Ёхуд Искофий исёнкор Мокон ибн Кокуйга қарши жангга отланган саркарда Тош аскарлари қаторида жангга жўнайди. Тош ғалабага эришгач, Мокон мағлуб бўлгач, Искофий ўз подшосига мана бу мактубни йўллайди: «Аммо Моконга фасора касмиҳи. Вассалом!» Бу «Мокон ўз номидек бўлди», яъни «йўқ бўлди» маъносини билдиради.¹

Дабирнинг қисқа, мазмунали мактуби, аниқроғи, кам сўз орқали кўп маъно англатиш санъати мумтоз адабиётшуносликда илми ғариба номи билан машҳурдир. Мазкур илм сўзнинг қадрини, эътиборини орттиради. Илми ғариба санъаткордан, олимдан бўлмасин сўз устида кунт билан иш олиб боришни тақозо қилади. Илми ғариба сўз таркибидаги барча маъноларни юзага чиқариш санъатига асослангандир. Сўз мулкига чуқур кириб бориш — санъаткорлик чўққиси томон кўтарилиш. Кам сўз орқали кўп маънони англатиш санъаткорлик кўрсаткичи, истеъдоднинг намоян бўлиши. Аввали охир сўз санъатида муқаддас бир қонун бўлган: санъаткор сўз соҳири бўлмоғи даркор. Санъаткор — сўз шайдоси, сўз сеҳридан завқ олувчи фидойи. Сўз имкониятларидан ҳузур қилиш, сўзга эътиқод, сўзни юксак қадрлаш турли миллат, ҳар хил дин намояндаларини ўзаро яқинлаштирган. Сўзга эътиқод, санъатга шайдолик турли макон, замонда яшаган санъаткорларни руҳан қардош, қадрдонга айлантиради. Алишер Навоий ижодининг маҳражини мана бу икки байт белгилайди:

Сўз келиб аввалу жаҳон сўнгра,
Не жаҳон, кави ила макон сўнгра.

Жисм бўстонига шажар сўздир,
Рух ашжорига самар сўздур.²

Мавжудот ва макондан илгари калом бўлган; жисм бўстонига ниҳол, руҳ дарахтига мева — калом деб турган одам сўзни исроф қилишга, ёлғон сўз айтишга ким ишонади, дейсиз?!

¹ Юқоридан асар. 19-20-саҳифалар.

² Алишер Навоий. Муқаммал асарлар тўплами. 20 томлик. 10-том. Тошкент, «Фан» нашриёти-1992, 31-33 саҳифа.

XX асрда ижод қилган мутафаккир Мартин Хайдеггер сўз, тилни инсон моҳиятини синовдан ўтказувчи бош во-сита деб билган. Унингча, тил бизга боғлиқ эмас, аксинча, тил ҳолис воқелик сифатида бизларнинг сарамизни сарага, пучагимизни пучакка ажратади. Хайдеггер қарашча, тил моҳияти — сирлар сирийдир; тил — ўз-ўзи билан тиллашадиган монолог; тил —забт этилиши амри маҳол бўлган қалъа; соф тил — шеърият¹. Шеъриятни соф тил дер экан, олим қис-қалик, лўндаликни, ростликни назарда тутди.

XX аср ўзбек адабиётшунослигида илми ғариба даража-сидаги асарлар жуда кам яратилди. Бунинг иккита жиддий сабаби бор: бадий асарларда бўлмасин, адабиётшунослик тадқиқотларида бўлмасин, ёлгон кўпайиб кетди. Иккинчи-дан, бадий асару адабий-танқидий ишларда кўпсўзлилиқ, эзмалик авж олди. Шўро адабиётида сўз қадрсизланди, сўз ўзлигидан йироқлашди. Мумтоз адабиётда ҳар бир сўз етти ўлчаб бир қўлланилган. Битта сўз таркиби, маъноси билан боғлиқ жанрлар бўлган. Санъаткорлар кам сўз ишлатиб, кўп маънони ангиатишни бурч — санъат деб англаганлар. Қола-верса, иймонли одам сўзнинг муқаддас эканлигини юрак-юракдан ҳис этган, сўзни увол қилиш гуноҳидан қўрққан. Аҳли санъат кўп сўз маънига юк эканлигини ҳис этган.

Алишер Навоий «Махбубул-қулуб» асарида: «Сўзи ҳисоб-сиз-ихтисобсиз. Сўзида паришонлик, ўзида пушаймонлик... Ёлгон сўз жуз назмда нописанд ва анинг қойили нохирад-манд», — деб ёзади-да, чин сўз, мухтасар каломни улуглайди:

Киши чин сўз деса зебо дурур,
Неча мухтасар бўлса, авло дурур².

Ҳумоюн Мирзо сўз бисёру беўрин ишлатилган асарни кат-қат кийим кийиб олган одамга қиёслади; сўзларнинг кўп ва ўринсизлиги маъни одимини сусайтиради:

¹ В.Н. Зайцев. Мартин Хайдеггер: язык и время. Кигоб: М. Хайдеггер. Разговор на просёлочной дороге. Москва-1991, 171-172 стр.

² Алишер Навоий. Мукамал асарлар тўплами. 20 томлик. 14-том, Тошкент, «Фан» нашриёти-1998, 125-бет.

Суханро поя гар эъзоз набошад,
Тарзи хильаташ ийжоз бошад¹.

Сўз санъатининг ёрқин сиймоларидан Фузулий қуйидаги байтда ўзининг гўзалликни англаш эътиқодини ифодалаган:

Гар чўқ истарсан, Фузулий, иззатинг, оз эт сўзи,
Ким чўқ ўлмоқдан қилибдир чўқ азизи хор сўз².

Абдулла Авлоний кўп сўзлилиқ ёлгонга, сохталиққа мойиллиқ эканлигига ишора қилади:

Миси чиқай кўп бўлса, бир кун.
Кўпайган сўзнинг бўлғай тўғриси оз,
Шакарнинг кўпидан ози бўлур соз³.

Бадий асар ҳам жонли одамга ўхшайди. Асарлар «сер-сув» бўлганидай, баъзи одамлар ҳам эзма бўладилар. Ёзу-чининг асар орқали айтадиган сўзи нотайин бўлса, кўп ёзишга, китобхонни сўз уюмига «кўмиб» ташлашга интилади. Абдурауф Фитрат «Ўртоқ Бойбўлатовга очиқ хат» мақола-сида ёзади: «Лекин, бахтга қарши, мақолангизни шунчалар кенгайтиргансизки, кенглиги асл мақсаднинг йўқолишига сабаб бўлган»⁴. Шунингдек, баъзи одамлар саводсизлигини яшириш учун патира-путур гашириб ташлайверадилар. Ми-солларни Абдулла Қаҳҳор асарларидан келтирмоқчимиз. Абдулла Қаҳҳор ўз қаҳрамонларининг «тўқ» ва «пуч»лигини сўзга мупосабати, сўзамоллигига қараб белгилаган. Туроб-жоннинг («Анор») хотини назарида, эри турмуш қуришга-нидан буён гуддираб келган. Бутун у уч сўзни аниқ, равшан айтди: «Жигарларинг эзилиб кетсин». Боқижон Бақоев («Адабиёт муаллими») — гирт саводсиз адабиётчи. У ўз кас-бини тинмай гапиришда, тингловчисини ҳолдан толдириб ташлашда деб англайди. Мана, Боқижон Бақоев «маъруза-сини» тинглаш «бахтига» муяссар бўлган Ҳамиданинг ҳолати:

¹ Ҳасанхожа Нисорий. Музаққир аҳбоб. Тазкира. Тошкент. Абдулла Қодирий помидати халқ мероси нашриёти-1993, 54-саҳифа.

² Фузулий. Девон. Тошкент-1959, 97-саҳифа.

³ Абдулла Авлоний. Ўсон миллат. «Шарқ» НМК-1993, 76-саҳифа.

⁴ Фитрат. Чин севин. Тошкент-1996, 242-саҳифа.

«ғувиллаб турган бошида шундан бошқа ҳеч нарса йўқ эди: практикum, минимум, максимум, Детиртинг, Стендинг, Шеллинг, Меринг, Демпинг...» А.Қаҳҳор Сорахоннинг онаси сийратини битга сўз билан ярқ эттириб очади: «Булбулиғўё» («Сароб»). Саидий Булбулиғўё келаётганини эшитса, ичидан титроқ кўзголадиган бўлиб қолган. Арслонбек Қаландаровнинг («Синчадак») ҳам ўз Булбулиғўёси бор. Аммо Арслонбек Саидий эмас, у ўз Булбулиғўёсини шонага тортиш билан бирга Саидага ҳам нималарнидир имо-ишора қилаётгандай бўлади:

«-Афлотуннинг қизи бўлсангиз ҳам гапни тонналаб олинчу, граммлаб сотинг. Гапингиз гапта ўхшамайди, оғзингиз гапдан бўшамайди!..»¹.

Абдулла Қаҳҳорнинг шاپалоқдай-шاپалоқдай ҳикоялари — ўтмиш ҳақидаги асарлари ҳақида кўплаб тадқиқотлар яратилган. Нега? Абдулла Қаҳҳор ўз қаҳрамонлари феъл-атворидаги асосий нуқта — «жон»ни беҳато топган. Аслида илми ғариба шу...

Мумтоз адабиётшунослигимизда илми ғариба, ғариба фани хусусида талайгина маълумотлар берилган. Ғариб (ғариба) — ажойиб, таажжубланарли, ҳайрон қоладиган нарса. Илми ғариба талқин фани билан бевосита боғлиқ. Илми ғариба матндаги асосий нуқталарни, ич-ичидаги маъниларни аңлаш санъатидир. Ғариба илми мавжуд фаилларни синчиклаб ўрганиш орқали кашфиёт даражасида хулоса чиқаришгача етиш, ажойибот нуқтаси қадар кўтарилишдир. Алишер Навоий «Хамсатул-мутахаййирин» асарида Абдурахмон Жомийнинг илмий уқуви ниҳоятда кучлилиги ҳақида тўхтаб: «Ва ғариб-дурким, зоҳир улумининг такмили вақтида неча иш аларга муюссар бўлубтурким, бу умматла ақобир ва соҳиб камоллардан ҳеч қайсига воқе бўлғони зоҳир эмас»², деган хулосага келади. Алишер Навоий «Тарихи анбиё ва ҳукамо» асарида Мусо алайҳис-саломнинг яқин қариндоши Қорун ҳақида ёзади: «Ва Мусо алайҳис-саломнинг яқин қаробатидур. Ва Мусо алайҳиссалом анинг тарбиятида муболага қилур эрди. Ва улуми ғариба ва фунуни ажибаким, файзи олиҳидин

муборак замирига мунаққош эрди, анинг фаҳми етконча анга таълим қилур эрди»¹.

Яна Алишер Навоий «Мажолисун-нафоис» асарининг аввалги мажлисида Хожа Абдулвафойи Хоразмий «улуми ғариба ҳам билур эрди» деб ёзди. Навоий яна мана бу фикрни кўшимча қилади: «Хожа авсофини ҳар киши битир бўлса, алоҳида бир китоб битмак керак, маълум эмаским, бир китобда ҳам сиқайму ё йўқ»².

Илми ғариба ҳақида Хасанхожа Нисорийнинг «Музаккири аҳбоб» асарида ҳам маълумотлар мавжуд. Олимлар раҳномаси Асомиддин Иброҳим ҳақидаги тавсиф диққатга сазовордир: «Кўпгина илм соҳалари бўйича яхши таснифлари бор. Айниқса ғариба фанида иқтидори кучли эди. Иншо ёзганда кўп маъноларни мўъжаз ва лўнда каломда баён этиб, сиқик ҳажм мазмунида катта ва кўп фикрларни аңлатарди. Ҳазрат Убайдуллоҳон пешиндан кейин арабий тилда бир рубоий айтиб юборган экан, мулло эса намозшомгача довр вақт ичида шу рубоий хусусида бир арабча рисола тасниф қилишга улгурганлар. Мазкур рубоийнинг ҳар бир мисраси бобида олти юз эллик маъно айтганлар»³. Мазкур асарда Асомиддин Иброҳимнинг шогирди Мавлоно Ҳусайн Туркистоний ҳақида мана бу маълумот берилган: «Илмлар икир-чикирини шу даражада ўзлаштирганки, бу соҳаларнинг кўпида маҳорат билан иш олиб борарди... Ғариба фанида фасоҳатомез нутқи ва баҳоғатангез каломи билан кўп гап танобини тортиб, фаровон маъноли фикрлар иншосини оз жумлаларда ойдин, равон баён қилардики, дунё кезувчи ақл исботлаш кемаси билан тасаввур денгизида кетидан қанчалик эргашмасин, уни шарҳловчи сўз топаолмасди, аниқроғи, исботланмас масалалар туркумидан ҳисобларди»⁴.

XX асрда, шўро адабиётшунослиги ва танқидчилигида илми ғариба нега ривож топмади? Биринчидан, ғариба фани ҳақиқий санъат асарлари талқинида пайдо бўлади. Шўро ада-

¹ Абдулла Қаҳҳор. Олти томлик асарлар. 2-том. Тошкент-1967, 183-саҳифа.

² Алишер Навоий. 15 томлик асарлар. 14-том. Тошкент-1967, 11-саҳифа.

¹ Алишер Навоий. 15 томлик асарлар. 15-том. Тошкент-1968, 215-саҳифа.

² Алишер Навоий. 20 томлик мукаммал асарлар тўплами. 13-том. Тошкент, «Фан» нашриёти-1997, 13-саҳифа.

³ Хасанхожа Нисорий. Музаккири аҳбоб. Тошкент-1993, 175-саҳифа.

⁴ Юқорида зикр этилган асар, 205-саҳифа.

биётида сиёсат, мафкура, тарғиботу ташвиқот қоришиб кетди. Қолаверса, шўро адабиётининг «халқчиллиги» талаби бадий адабиётни ўта соддалаштириб, одмиллаштириб юборди. Кўп ўринларда бадий адабиёт сайқаллаштирилган журналистикага айланаёзди. Шўро ҳукумати, коммунистик фирқа қандай масалани қўямасин, бадий адабиёт ҳамиша «лаббай» деб отилиб чиқди. Шўро республикаларида миллий мустақиллик учун кураш пайдо бўлди, адабиётда босмачиларга қарши кураш мавзуси кенг ишлана бошланди. Қишлоқ хўжалигини ёппасига жамоалаштириш ҳаракати бошландими, адабиётда «Очилган қўриқ» монанд романлар, «Муравия мамлакати»га ўхшаш достонлар кўпайиб кетди. Адабий танқид бадий адабиётга нисбатан-да мафкуралашди, сиёсийлашди. У бадий адабиёт соҳасида фирқанинг кўзи, қулоғи, овозига айланди. Адабий танқиднинг сиёсий хушёрлиги қатли ому қатағон, таъқибларга сабаб бўлди. Шўро ёзувчилари юксак минбарлардан туриб «қалб амрига кўра ёзажакликларини» ваъда қилдилар. Қалблари эса бус-бутун партияга бахшида эканлигини таъкидладилар. Қалб амри билан ёзиш — юрак қони билан битишдир. «Юрак қони билан ёзган одам узун ёзолмайди»¹, — дейди А.Мухтор «Тундаликлариди». Чин дилдан гапираётган, айтаётган гаплари масъулиятини сезган одам ҳам узоқ, равон гапира олмайди. «Абдулла Қодирий... сиртдан қараганда босиқ, камгап кўринар, чунки у ҳар бир сўзни тарозига солиб кўрар, оғзига келган ҳар бир сўзни айтавермас, секин ва гапи худди ўзига халал бераётгандек ёқинқирамай гап бошларди»², — деб ёзди Ойбек «Адабиёт, тарих, замонавийлик» мақоласида.

XX асрда илми ғарибага манба бўладиган асарларни Абдулла Қодирий, Чўлпон, Фитрат, Ойбек, Абдулла Қаҳҳор, Одил Ёкубов, Пиримқул Қодиров, Эркин Воҳидов, Абдулла Орипов, Рауф Парфи, Абдували Қутбиддин сингари истеъдодли ижодкорлар яратдилар. Тоғай Муроднинг қиссалари ва романи ғариба фани учун бебаҳо материал бўлди. Афсуски, асримизнинг 80-90-йилларигача машҳур асарлар-

нинг санъаткорона сир-асрорлари ҳақида мақола, тадқиқотлар кам яратилди. Аввало, шўро адабий сиёсати илми ғариба йўлидаги бош тўсиқ бўлди. Қолаверса, танқидчиларда маҳорат масалаларини ёритиш, асар гўзалликлари хусусида фикр юритиндан кўра замонасозлик туйғуси — асарнинг долзарблиги, мафкурага монандлиги, ижтимоий-сиёсий аҳамияти ҳақида гапириш кучайди. Муҳими, бадий адабиётда бўлмасин, санъат асарлари хусусида битилган тадқиқотларда бўлмасин гўзаллик туйғусига эътибор сусайди. Бадий адабиёт, у ҳақида битилган асарларда гўзаллик, назокат туйғусини тарбиялаш асосий гап эканлиги тўғрисида унутилди. Гўзаллик туйғуси деганда, аввало, маънонинг теранлиги, сўзларни чертиб-чертиб қўллаш, улар маънисини чақиш, фикрлашга ундаш етакчилик қилади. Алишер Навоий асарларидаги ҳар бир рамз, ҳар бир ифода, ҳар бир қиёс заминида олам маъно-мазмун яширинган. Китобхон буюк санъаткор асарларидаги маънони англагани сайин гўзаллик оламига кириб бораётганлигини, руҳан-маънан бойиб бораётганини ҳис қилади. Оғаҳийнинг қуйидаги рубойиси ҳам илми ғариба — талқин учун асос бўла олади:

Ўн ақл, тўқиз сипехру секкиз жаннат
Ҳам етти мунири ахтару ҳам олти жиҳат,
Ҳам беш ҳису тўрт унсури уч мавлад
Ҳам икки жаҳон бир сенга айлар хизмат.¹

Алишер Навоий асарларида ўн ақлдан тортиб икки жаҳоннинг маъно мазмуни кўрсатиб ўтилган. Хусусан, «Ҳайратул-аброр» достонининг учинчи ҳайрат бобида беш ҳавас-сезги бундай тасвирланади:

Босира-у сомиъа-у ломиса,
Зойиқа-у шомъиа-ла хамиса.²

¹ Асқал Мухтор. Уйку қочқанда... (Тундалиқлар). Тошкент-1997, 10-саҳифа.

² Ойбек. 10 томлик асарлар. 9-том. Тошкент, Ғафур Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти-1979, 341-саҳифа.

¹ Оғаҳий. Ажиб оҳангу наволар. Урганч, «Хоразм» нашриёти-1998, 24-саҳифа.

² Алишер Навоий. 20 томлик мукамал асарлар. 7-том, Тошкент-1991, 94-саҳифа.

Алишер Навоий сўзга шундай таъриф берадики, унинг ҳар бир фикри, киёси, рамзи ғариба илми имкониятларини очаётгандай бўлади:

Эй сўз, не бало ажаб гуҳарсен,
Гавҳар неки, баҳри мавжварсен...
Айтиб сорумас тарона сен-сен,
Олиб қуримас Хизона сен-сен...
Олам эли зарра йиғса жовид,
Нурини кам айлағайму хурийд.¹

Ғарб адабиётшунослигида континуум истилоҳи бот-бот қўлланилган. Ҳақиқий санъат асари ўзлаштирилгани, уқиб борилгани сайин янги-янги маъно қатламлари юз очаврадики, мана шу баҳри мавж, қуримас хизона, нури камаймайдиган хурийд фанда континуум дейилади. Континуум-илми ғарибанинг ўрганиш ўзаги.

Моҳир санъаткор бир ишора, бир байт орқали тарихнинг катта одимини, ўн йилликлар тажрибасини бера олади. Ғариба фани тарих ҳақиқатини-қисқа сатрлар заминидаги маънони ёритиб бериши билан гаройиб, гўзалдир. Масалан, Абдулла Оришовнинг:

Лабда табассуму кўзда ёш билан
Сента талпинаман, буюк набирам².

Эркин Воҳидовнинг:

Сен ҳилол, юлдуз, салиб,
Таврот, Забурдан юксалиб
Боймисан, ёки ғариб,
Комрон ўзинг, яксон ўзинг³.

¹ Алишер Навоий. 20 томлик мукаммал асарлар. 9-том, Тошкент, «Фан» нашриёти-1992, 30-саҳифа.

² А. Оришов. Сайланма. «Шарқ» НМК, Тошкент-1996, 237-саҳифа.

³ Э. Воҳидов. 2 жилдик Сайланма. 1 жилд Тошкент-1986, 345-саҳифа.

Рауф Парфининг:

Парчин-парчин бўлди ёдим сирлари,
Симлар -кўзларимга мил тортган чизгу¹

сингари мисралари ғариба фани учун бой манбадир. Тадқиқотчи шоир руҳига синчков назар ташлаб, тарих ҳақиқати — фожиаларини акс эттириши мумкин.

Ғариба илмида санъаткор ва тадқиқотчининг ўзаро муносабати диққатни жалб этади. Санъаткор айтмоқчи бўлган фикрини назик яшира олса, катта маънонинг бирон қиррасига ишора қилиш билан чекланса, фикрни лўнда айтсаю, ҳис-туйғуни жиловлай олса ёхуд асарни давом эттириш имконини яратса, ғариба фани учун майдон яратилади. Тоғай Муроднинг «Отамдан қолган далалар» романида уч қатор-мисрадан иборат бўлим бор. Мана шу уч сатр заминидаги ҳис-туйғуни алоҳида китоб қилиб ёзиш мумкин. Ёзувчи ҳис-туйғулар оламида жўнишни ғариба фани устасига қолдирган. Мана ўша «қуруқ» хабар — мисралар:

Куйди-куйди — аёлимнинг тани куйди.

Куйди-куйди — мени бағрим куйди.

Куйди-куйди — болаларимнинг иғри куйди².

Ғариба мақола ёзувчи тани куйган аёлнинг роҳат-фаронатсиз ўтган умрини ўйлаб қуяди; умр бўйи инсон шаънини оёқ ости қилувчи меҳнатдан бошқасини билмаган, ёлғиз қувончи, дардкаши, гамгусори аёлидан айрилган Дехқонқул ҳолатига қуяди; шу уч мисра ҳақида ёзар экан, болалиги болаларча ўтмаган, энди шум етимлик азобига дучор бўлаётганлар болалар тақдирига қуяди; шу уч куйдирувчи мисра ҳақида ёзувчи одам «Осмон йироқ, ер қаттиқ» мақолини эпиграф қилиб олса янглишмаслигини сезди.

Илми ғариба имкониятлари чексиз. Шоир борки, шамол ўйини, нур ранги, денгиз мавжи (Йосиф Бродский сингари) орқали туйғуларини ифодалайди; шоир борки, юрагидаги огрикларни — маломат топила очилган гулларни (Рауф Парфи

¹ Р. Парфи. Сабр дарахти. Тошкент-1986, 174-саҳифа.

² Тоғай Мурод. Отамдан қолган далалар. «Шарқ» НМК-1994, 176-саҳифа.

сингари) тасвирлайди; шоир борки, юрагини очгани сайин намакоб тўла коса допиллаб гоҳ у ён, гоҳ бу ён бориб келаётгандай бўлаверади.

Илми ғариба ижодкор руҳидаги ҳолатни нафис ифода этмоғи жоиз. Руҳий ҳолатнинг бадий асардан танқидий-талқиний асарга кўчиб ўтиши ғаройиб-ғўзалдир. Илми ғариба ҳақида гапириб биз сиқиклик, ихчамлик масаласига ургу бердик. Хўш, ихчам сўзларни танлаб-танлаб ёзини деганда биз бадий асарними ёхуд талқиний талқиқотними назарда тутдик? Бадий асардаги сиқиклик китобхон диққатини асосий манба — «жон»га жалб қилишликдир. Илми ғариба яратувчи танқидчи маънолар қатлами, зичлиги аниқ кўринадиган ракурсни топиб бериши керак. Талқинчи маънолар қатламини очиб учун ўз имкониятидаги барча воситалардан — танқидий дастур, қоида, ёндашув, таҳлиллардан унумли фойдаланади. Илми ғарибанинг ғаройиблиги шундаки, китобхон тадқиқот (мақола)ни ўқиб, асарни баҳолашга рағбат, куч сезади. «Танқидни баҳоловчилик деб англаш бемаъниликдир, — деб ёзади Л.Н. Толстой. — Уни имкон даражаси қадар талқин деб тушунилса, катта маъно чиқади».¹

Илми ғариба намунаси жорий адабиёт, эндигина яратилган бадий асар ҳақида ҳам, боқий асарларни қайта баҳолашда ҳам пайдо бўлиши мумкин. Мухими, шундай маданий-ижтимоий муҳит пайдо бўладики, ғаройиб талқин, тадқиқотлар кўпилаб яратилади. XX аср 80-йиллари ўрталаридан, айниқса, Мишлий Мустақилликдан кейин ўзбек танқидчилигида ғаройиб талқинлар кўпилаб яратилдики, илми ғариба қайта жонланаётганлиги дарҳол сезилди.

Хуллас, илми ғариба-ҳамиша навқирон, нафис талқин кўриниши. Унинг тарихи юз йилликлар ичрадир. Янги фикр, ўзига хос талқин, юксак дид, бадийликка интилиш илми ғарибанинг хусусиятидир.

¹ Л.Н. Толстой фикри. «Избавление от миражей. Социализм сегодня». «Советский писатель»-1990 йил, 372-саҳифадан олинди.

III фасл. АДАБИЙ-СИЁСИЙ ТАЪЛИМОТЛАРДАН ТАЛҚИНИЙ ПЛЮРАЛИЗМГА

Шарҳ, тафсир, таъвил, талқин ҳақидаги фикрлар Форобий, Ибн Сино, Имом Ғаззолий, Замахшарий, Шайх Аҳмад Тарозий, Навоий, Иммануил Кант, Хергелдан бошланади-да Фрейд, Фромм, Хайдеггер сингари файласуфлар ижодига улангил кетади. Эътибор берилса, Хегелдан сўнг узилиш бўлади, азалий боғлиқлик маълум муддат йўқолади. Мана шу «узилиш», «азалий боғлиқлик»нинг йўқолиши палласида муҳим ўзгаришлар рўй бердики, улар XX аср шўро, хусусан, ўзбек шўро адабиётшунослигида тўлиқ акс этди.

«Ижтимоийлик» истилоҳи XIX асрнинг ўрталаридан XX аср охиригача марксча-ленинча фалсафа, адабиётшуносликда ҳаддан ортқ даражада қўлланилди. Эстетика ва адабиётшунослик соҳасида ижтимоийлик концепция, қараш, метод, ёндашув, талқин, таҳлил сингари тушунчаларда етакчилик қилади.

«Ижтимоийлик» тушунчаси марксча-ленинча фалсафа, дунёқаранда таянч, асос вазифасини ўтади. Ижтимоийликнинг эстетика ва адабиётшуносликка кириб келишининг ўзи мукамал, мураккаб бир тарих. Хергел — В. Белинский — Н. Чернышевский — Н. Добролюбов — Дм. Писарев — Г. Плехановлар аро илмий-ижодий боғлиқликда абсолют идея (мангу рух)нинг илмий ижтимоийликка айланиши жараёни кўзга ташланади. Манхур рус марксист олими Георгий Валентинович (Бельтов) Плеханов (1856-1918) пансоциологизм назариясининг асосчиси.

Г. Плеханов, К. Маркс ва Ф. Энгельснинг толмас тарғиботчиси, талқинчиси, таҳлилчиси эди. У илмий коммунизм асосчилари асарларини кунг билан ўрганди, русчага таржима қилди, ҳаётга тадбиқ эта бошлади.

Г. Плеханов XIX асрнинг II ярми, XX аср бошларида яшаган, ижод этган ёрқин нафосатшунос, донишманд, аҳли дарк эди. У К. Маркс, Ф. Энгельс асарларидан ташқари, Ғарб файласуфлари, Белинский, Герцен, Добролюбов, Чернышевский, Писарев сингари рус мутафаккир-нафосатшунослари асарларини кунг билан ўрганди. У Н. Чернышевский, Н. Добролюбовларнинг реал танқид ҳақидаги қарашларини, Дм. Писаревнинг шафқатсиз реализмга асосланган тадқи-

қотларини ўзлаштирди, улардаги камчиликларни танқид қилди. В.Г. Плеханов Виссарион Белинский қарашларининг, ижодий меросининг ашаддий мухлиси эди. Шиддатли Виссарион — Белинский қарашлари Г. Плеханов руҳига яқин эди. Дарвоқе, Плеханов Белинскийга она томонидан қариндош — жиян эди. Ҳар иккисининг аччиқ тақдири ҳам ўхшаш эди. Ҳар иккала мутафаккир сил касалидан вафот этади, Петербургдаги Волково қабристонига дафн этилади. В.Г. Белинский Плеханов наздида ниҳоятда улкан сиймо. У қандай қилиб бўлмасин, Белинский ижодининг ёрқин саҳифаларини француз инқилобига келтириб боғлашни жуда-жуда хоҳлар эди. Қарангки, Плеханов ўз ижодининг чўққиси — гулгожисини Белинский ижодидан топди. Хеорг Хегел асарларини мугоала қилар экан Белинский немис файласуфининг идеалистик моҳиятини (абсолют идея — мангу руҳни) материализм томон буришга журъат этади. Хеорг Хегел инсон тақдирини ҳам, сўзнинг онтологик моҳиятини ҳам, қадриятни ҳам тақдири азалга, мангу руҳга боғлар эди. Бошқача айтганда, Хегел Шарқ ва Ғарб файласуфларининг азалий анъанасини давом эттирди: Руҳ абадийлигини тасдиқлади. Хегелни кунт билан муголаа қилган Белинский мана бундай муҳим хулосага келди: «Танқиднинг муҳим вазифаси — ёзувчи ижодини тафаккур тилига ўтиришдир». Хегел ижодини таҳлил ва талқин қилганлар немис файласуфи қарашларининг асосида мантиқ етакчи эканлигини таъкидлаб, панлогизм Хегел ижодининг етакчи хусусияти деганлар. Г. Плехановга Белинскийнинг Хегел ижодидан келтириб чиқарган хулосаси ниҳоятда маъқул бўлди. У Белинский мантиқини ижодий давом эттириб, ўзининг муҳим кашфиётини аниқ-изчил ифодалади: «Адабий танқиднинг биринчи вазифаси — бадиий асарни социология (ижтимоийлик) тилига ўтиришдир». Ёхуд асарнинг ижтимоий эквивалентини белгилашдир. Ижтимоий эквивалент деганда ижтимоий-психологик, синфий таянч асос қилиб олинади. Фанда Хегел қараш панлогизм номи билан машҳур бўлди. Г. Плеханов нозик дидли нафосатшунос эди. У бадиий асардаги эстетик таъсир, руҳоний-маънавий асосни ҳис этарди. Унингча, танқиднинг биринчи

вазифаси ижтимоий талқин бўлса, иккинчи босқич танқиднинг кейинги вазифаси-марксизмга алоқаси йўқ томони — асарнинг бадиий хусусиятларини кўрсатиб беришдир. Бадиий асарни ижтимоий томондан ўрганиш Плеханов бошлаб берган удумдир. Мазкур удум Октябрь тўнтарилишидан кейин ўзининг салбий томонларини намоён эта бошлади. 20-30 йиллар шўро адабиётшунослиги ва танқидчилигидаги ижтимоий таҳлил вульгар социологизм — сохта ижтимоийлик номи билан донг таратди. Сохта ижтимоийлик «Ўткан кунлар», «Меҳробдан чаён», «Кеча ва кундуз» романлари, Чўлпон, Боту, Фитрат, Ойбек лирикаси, қатор драма асарларига қора муҳрини босди. Сохта ижтимоий танқид Абдулла Қодирий, Чўлпон, Фитрат, Боту, Элбек, Усмон Носир сингари ижодкорларни қатағонга олиб келди.

В. Ленин билан Г. Плеханов XX аср бошлариданоқ сиёсий рақиблиarga айландилар. Ленин Плехановнинг инқилобий қарашларини изчил инкор этиб, танқид қилиб борди. Лекин В. Ленин Г. Плехановни ёрқин сиймо, марксчи олим сифатида эъзозлар эди. Октябрь тўнтаришидан бир неча кун ўтгач, ёш шўро ҳукумати «Фуқаро Г.В. Плеханов ва унинг мол-мулки даҳлсизлиги ҳақида декрет» (3 ноябрь 1917 йил) қабул қилди. Владимир Ленин: «Плехановнинг фалсафага оид асарларини, зеро улар халқаро марксча асарлар орасида энг мўтабарлисидир, ўрганмасдан, ҳа-ҳа, ўрганмасдан — онгли, чин коммунист бўлиши мумкин эмас»¹ деб ёзган эди. Адабиётшунос Степан Шешуковнинг «20-йиллардаги адабий курашлар тарихидаги ғазабкор жонқуярлар» (Москва, «Худ.литература» — 1984) асарида сохта ижтимоийликнинг адабиётшунослик ва танқидчилик соҳасидаги Леопольд Авербах, Юрий Либсдинский, А. Безименский, В. Ермилов, Семен Родов, А. Курс, Ил. Вардин сингари намояндалари фаолияти ёритиб берилади. Ўзбекистонда Л. Авербахнинг М. Швердин, Сотти Хусайн, Усмонхон, Раҳмат Мажидий сингари излошлари пайдо бўлди. Бу мунаққидлар сохта ижтимоийликни байроқ қилиб кўп ёзувчиларни бадном

¹ Г.В. Плеханов ва унинг назарий қарашларига оид материаллар Мйх Лифшицнинг «Г.В. Плеханов» (Москва, «Искусство»-1983, 49, III-саҳифалардан) асарида олинди.

қилдилар, ҳақиқий асарлар устидан қора бўёқ тортдилар. Сохта ижтимоийлик ғазоби, ҳужумидан четда қолган ёзувчи қолмади, ҳисоб. Абдурахмон Саъдий, Миён Бузрук, Ж. Бой-бўлатов, К. Триғулов сингари адабиётшунослар «ҳақиқий, чин коммунист» эканликларини исботлаш мақсадида қанчадан-қанча сохта ижтимоий руҳдаги мақолалар яратдилар.

XX асрнинг 60-йилларига келиб адабиётшуносликдаги сохта ижтимоийлик (вулгар социологизм) рўй-рост танқид қилина бошлади. Лекин бу танқидлар ёзувчиларни эркин қилиб қўймади. «Оғзи куйган қатқни ҳам «пуф»лаб ичди», деган гап бор. Ёзувчилар бир бор юракларини олдириб қўйганларидан кейин ўзларига кела олмадилар.

Шўро даврида ёзувчи руҳида шафқатсиз, адолатсиз китобхон образи пайдо бўлди. Бу ўқувчининг шахси, шакли-шамойили аниқ эмас. Лекин унинг бош белгиси шуки, у коммунистик партия мафкурасига содиқ. Бундай китобхонда «Ўтган кунлар»ни билар-билмас ер билан яксон қилган М. Швердин, Сотти Ҳусайн, Чўлпон шеърятини сохта ижтимоий талқин қилган Айнларнинг нимасидир бор. Руҳдаги бу ўқувчи ёзувчини эҳтиёткор, қўрқоқ қилиб қўйди. Озод Шарафилдинов «Ҳаётийлик жозибаси ва схематизм инерцияси» мақоласида руҳдаги китобхонни «алланечук муҳаррир», деб атайдди: «Санъаткор ҳаётни кузатар, ҳаёт ҳодисалари ҳақида мулоҳаза юритар экан, уларнинг реал нисбати ва таққослардан келиб чиқмай, улар ҳақидаги тайёр тасаввурлардан, аввалдан мавжуд қолиплардан келиб чиқади. Бундай ҳолларда ҳаёт ҳақиқати ёзувчига керагидан ортиқ кескин, шиддатли, юмшатмаса, силлиқлаб тарашламаса бўлмайдигандай кўринади. Санъаткор ичидаги алланечук муҳаррир унинг елкаси оша ёзганига қараб, қаламини эркин ва бемалол югуришдан тийиб туради. Бундай ҳолларда, асарда асл ҳақиқатнинг ўзи эмас, балки шакл ҳақиқатга ўхшаган, лекин моҳиятига кўра ундан жуда олс турадиган ясама нусхаси пайдо бўлади. Схематизмнинг энг ашаддий зарари ҳам мана шунда. Ҳаёт ҳақиқати қаршисида ҳадиксиран, уни баралла овоз билан айтиш ўрнига бир чимдим, бир чимдимдан намоён этиш — бадий асарни

қўламдан маҳрум этади, заифлантиради, умрини қисқартиради»¹.

Ижодкор руҳидаги «алланечук муҳаррир», «аллаким» — кўз илғамас китобхон руҳий саросималикни авж олдиради. Етук истеъдод соҳиби, табиийки, руҳидаги манфий кучларни енгиб боради:

Олти ойким, руҳим шундай учмиш танадан,
Олти ойким, мени ҳаёл эзар беомон,
Олти ойким, аллакимлар пана-панадан
Тош отади дарвозасиз қалбимга томон...
Ҳазон тўла боғчаларга бораман тагин,
Яна ўзни ҳаёл билан шеърга ташлайман.
Тўниб қолган югаримга бериб бир таскин
Яна қувноқ қўшиқларни куйлай бошлайман².

Сохта ижтимоийликни қаттиққўллик, зўравонлик билан сингдириб борганларни ҳақиқий танқидчи, талқинчи деб бўлмайди. Ҳўш, унда «Ўтган кунлар»ни, Чўлпон шеърларини сохта ижтимоийлик гази билан ўлчаб, улар устидан ҳукм чиқарганларни қандай ном билан аташ жоиз? Озод Шарафилдинов ёзувчи қалбида кўрқув солиб турувчиларни «алланечук муҳаррир» деса, Абдулла Орипов «пана-панадан тош отаётган аллакимлар» ҳақида гапиради. Илмда медиум, воситачи деган атамалар бор. Бир пайтлар руҳлар билан алоқа қилишга кўмак берган муқаддас кучлар бўлган. Уларни медиумлар (ўртачилар) дейилган. Медиум талқинчи эмас, ўртадаги куч, боғловчи, холос.³ Адабиётшуносликда, санъат соҳасида талқинчидан ташқари воситачи шахси бўлган. Воситачи вазифаси қабул қилиш эстетикасида кўзга аниқ ташланади. Воситачи — маънавият даллоли.

Сотувчи билан оловчи орасидаги воситачини, унинг вазифаларини яхши биламиз. Лекин санъат, журналистика, бадий ижоддаги воситачи вазифаси дарҳол англашилмайди.

¹ Шарафилдинов О. Адабиёт — ҳаёт дарслиги. Тошкент, Фафур Гулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти-1981, 81-82 саҳифа.

² Абдулла Орипов. Йиллар армони. Тошкент-1987, 135-136 саҳифа.

³ Словарь иностранных слов. Москва, «Русский язык»-1986, 331 стр.

Лекин бир нарса аниқки, яратувчи (санъат намунаси, асар матнини тайёрловчи ва жўнатувчи) билан уни қабул қилувчи (томошабин, тингловчи, китобхон) оралигида талқиний нуқта мавжуд. Воситачи мана шу талқиний нуқтада фаолият кўрсатади. Воситачи ҳар икки томон — ҳам бадий восита яратувчи ва жўнатувчи манфаатини ҳамда жўнатиш воситани қабул қилувчи ва ўзлаштирувчи эҳтиёжини қўзлайди. Воситачи қабул қилувчи томонида туриб яратувчи, жўнатувчи олдига талаблар қўяди, айни вақтда яратилган-жўнатиш воситани қабул қилувчига маълумлашга интилади. Мухими шундаки, воситачи ҳукумат сиёсатини, партия мафкурасини тарғиб қилиш вазифасини зиммасига олиши мумкин. Социалистик жамиятдаги воситачининг тотал бадий коммуникацияни узатувчи дор эдилар. Ўз манфаати йўлида интилар, ҳаракат қилар экан, воситачи шахси, қиёфаси аниқ кўриниб туради.

Асар матнининг бадийлиги, санъат асарининг баркамоллиги масаласи кўтарилса, воситачи мавҳум (имплицит), яширин (латент) кучга айланиб қолади. Бадий ўтиш, ўтказиш (коммуникация) таълимотида воситачининг ўрни, имконияти, вазифаси ҳақида булгориялик адабиётшунос И. Знеполскининг «Художественная коммуникация и её посредник»¹ мақоласида анча кенг маълумот берилган.

Ҳақиқий танқидчи билан воситачи орасида ер билан осмонча фарқ бор. Танқидчининг ўз овози, бастакор услуби, ижодкор шахс эканлиги ҳақиқий бадий асарни куйиб-ёниб ҳимоя қилишида, аксинча, сохта асарнинг яроқсизлигини ишонарли исботлаб беришда кўзга ташланади. Ҳақиқий бадий асар, истеъдодли санъаткорга тўхмат қилинганда танқидчи адолат учун жангга киради. Танқидчининг масъулияти адабиёт даргоҳини сохта, юзаки матнлардан тозалаш учун олиб борган курашда сезилади. Аксинча, воситачи мафкура йўлида хизмат қилади. Шўро адабиётшунослигида воситачи деган истилоҳ ишлагилмади, лекин шўро адабиётшунослиги ва танқидчилиги тарихига назар солсак, адабий танқидчи ҳаминча, аниқроғи, РКП(б) МКнинг 1925 йил

18 июндаги «Партиянинг бадий адабиёт соҳасидаги сиёсати» резолюциясидан кейинг «адабиётдаги аксилишқилобий кучларга қарши қатъиятчан кураш олиб борувчи»¹ кучга айланди. Коммунистик фирқа бадий адабиётни ўз мафкурасини кенг тарғиб қилувчи асосий соҳа деб билди. Шўро танқидчиси партиянинг бадий адабиётдаги кўзи, қулоғи, тили, ҳиссига айланди. В.Лениннинг содиқ сафдошларидан, коммунистик мафкура асосчиларидан А.В. Луначарский «Марксча танқиднинг вазифалари ҳақидаги тезислари»да («Новый мир» журналы, 1928 йил, 6-сон) марксчтанқидчи ёзувчининг устози, ўқитувчиси эканлигини таъкидлайди. Мунаққилнинг устозлиги, аввало, изчил марксчилигида, нозик дил-фаросатида, теран билимида сезилади. Марксчтанқидчи китобхоннинг ҳам устози-ўқитувчиси: у китобхонни хушгаъм бўлса-да, моҳиятан заҳар; аксинча, сирти тошметин бўлгани билан моҳиятан ҳаётбахш уруғи бўлган асарлардан огоҳ этади. Кўринадики, танқидчи комфирқанинг бадий адабиёт соҳасидаги воситачисига айлана ёзди. Шўро замонида яратилган адабий-танқидий мақолаларни, минглаб китобларни ҳаёдан кечирганда, ўша пайтларда танқидчи кўп бўлганми ёки воситачими деган савол кўндаланг бўлади. Акмал Икромов, Усмонхон сингари комфирқа етакчилари бошлаб берган воситачиликни кейинчалик не-не фирқа арбоблари давом эттирмади?!

XX асрнинг 80-йилларда сохта ижтимоийлик қайта бош кўтариб қолганда, М. Ваҳобов, Р. Абдуллаева сингари воситачилар енг шимариб хизматга тушиб кетдилар. Лекин замон ўзгарганлиги сабабли сохта ижтимоийлик қайта ил-диз ота олмади.

Одамлар онги ривожланган, оқу қорани жуда аниқ фарқлашларига қарамай, XX асрнинг 90-йилларигача Шўро ҳукумати, коммунистик мафкура зўравонлигини давом эттирди. Бошқача айтганда, 20-йилларда «Ўткан кунлар» ҳақида билдирилган сохта ижтимоий қарашилар, Чўлпон ижодини ишкор этиш шўро ҳукумати тутатилгунча давом этди. Фарқ шунаки, 60-йиллардан кейин сохта ижтимоий таҳдидга учраган

¹ Китоб: Назариялар, мактаблар, концепциялар. (Танқидий таҳлиллар). Москва, «Наука» нашриёти-1985, 102-саҳифа.

¹ Русская советская литературная критика (1917-1935) Хрестоматия. Москва, «Просвещение»-1981, 83-стр.

асарлар муаллифлари таъкиб, қувгин қилиндилару халқ душмани сифатида қатли омга учрамадилар.

Ижтимоий муносабат шўро ҳукумати даврида ҳўб ривожланди. Ижтимоий муносабатни, аслида, зинҳор инкор этиб бўлмайди: ҳамма нарса, барча воқеалар, жамики инсонлар ижтимоий муносабатда намоён бўладилар. Лекин ижтимоий ёндашув, ўйлаб қўрилса, бир ёқлама, юзаки муносабатдир. Ҳаётнинг, инсоннинг, воқеа-ҳодисаларнинг асл илдизи ижтимоий қатламдан чуқурроқда бўлади. Масалан, инсон ижтимоий муносабатлар бир бутунлиги. Лекин унинг илдизини бетақрор ўзлик белгилайди. Ҳаётда ижтимоий асос муҳим, лекин унинг теран фалсафий асослари бор. Шўро даврида ижтимоийлик ҳаддан ташқари улутланди, барча муносабатлар асосига айлантириб қўйилди. Бадиий адабиётда ижтимоий муносабат матн, сўз моҳиятини англашни иккинчи даражага тушириб қўйди. Характер деганда ўзлик, индивидуаллик эмас, ижтимоий муносабатлар бир-бутунлиги асос деб қаралди. Муҳими, адабиётшунослик ва танқидчилик ижтимоий ёндашув, муносабат, метод, таҳлилдан нарига силжий олмади. Барча адабий-танқидий асарларда ижтимоий ёндашув, таҳлил асосий мезон бўлиб қолди. Ижтимоий ёндашув, таҳлил билан мантиқий таҳлил ҳам ривожланди. Бадиий асарнинг ҳаётийлиги, бадиийлик даражаси таҳлил қилинганида мантиқий (гносеологик) ёндашувга сал-пал эътибор қаратилди.

Шўро адабиётшунослиги ва танқидчилигида матнни синчиклаб таҳлил қилиш, онтологик ёндашув, оҳанг таҳлили камдан-кам ҳолларда учради. Нега? Матн талқини, онтологик ёндашув, асар руҳига кириб бориш, оҳанг, услуб таҳлили сўзнинг тирикчилигини, руҳоний асосни тан олишга ундар эди. Шўро адабиётшунослиги ва танқидчилиги бадиий асар руҳига, асл табиатига кириб боришни мақсад қилиб қўймади. Шўро адабиётшунослигида поэтика тушунчаси сюжет, композиция, характер сингари катта-катта, мустақил йўналишларни қамраб оладиган бўлди. Ваҳоланки, поэтика бадиий асарнинг нозик тўқимаси, ҳис, идрок орқали англаб етиладиган томонларидир.

Шўро адабиётининг ижодий методи-социалистик реализмда ҳаётни ҳаққоний акс эттириш қоидаси асос эканлиги

таъкидланган. Ҳаётни ҳаққоний акс эттириш борлиққа ижтимоий муносабатда бўлиш билан алмаштирилди. Соцреализм асарларида ҳаётга, халққа ижтимоий, синфий муносабатда бўлиш етакчилиқ қилди. Шўро адабиётининг қайси асарини олманг, социалистик ижтимоий муносабат кўзга яққол ташланади. Шўро адабиётининг ижтимоий моҳиятини социалистик реализм методида аниқ кўриш мумкин.

Шўро адабиётшунослигида энг кўп қўлланган ибора қайси, ёзувчи-ю олимлар қайси муаммо устида эринмасдан, тишни тишга қўйиб жилд-жилд китоблар битганлар, ойлаб-йиллаб баҳсу мунозаралар ўтказганлар, диссертация-ю рисоаларнинг, ҳатто мақолаларнинг «анъанавий кириш»и нима ҳақида бўлган? Олиму мунаққидлар тилидан тушмаган, аммо дилига жо бўлмаган, моҳияти зинҳор ярқ этиб очилмаган масала қайси эди? Адабиётга елдай бостириб кирган, бир зумда ҳам ўтмиш, ҳам келажак санъатига ҳукмини ўтказмоқчи бўлган, социалистик мамлакатлар адабиёти туғул жаҳон халқлари санъатига ҳукмронликни даъво қила бошлаган «назария» қайси эди? Саволларнинг жавоби битта: социалистик реализм.

Ўзбек адабиётшунослигида соцреализм ҳақида ёзиш, уни талбиқ қилиш авжланаётган пайгда Фарб ва Россиядаги баъзи дадил, ҳақиқатни айтишдан чўчимайдиган ёшлар соцреализмга қафан бича бошлаган эдилар. Бу синчков ёшлар санъат табиатида катта ҳақиқатни тарғиб қилиш хусусияти мавжудлигини, аммо у ҳар хил сохта доктриналарни ҳақиқат сифатида илоҳийлаштирилавериши куфру зарар эканлигини дилдан ҳис этдилар. Аввалига чўчиб, шивирлабгина айтилган ҳақиқат бора-бора баралла янграй бошлади. XX асрнинг 80-йилларига келиб соцреализм адабиётларда назарий-ғоявий мурдага айланган, санъатшуносу адабиётшунослар ундан қўлларини ювиб қўлтиққа уриб бўлган, у ҳақда кесатик, пичинг, қаҳру ғазаб билан гапира бошлаган эдилар. «Эстетикадаги соцреализм — биологиядаги лисенкчилик, мисоли»¹ (А.Гангурс); «Позитив эстетика — соцреализм ижодни мафкурага чатиштириб ташлади... Ҳаётни ҳаққо-

¹ Избавление от миражей. Соцреализм сегодня. Москва, «Советский писатель»-1990. Страницы: 148, 71, 191, 241, 334.

ний, инқилобий тараққиётда акс эттириш — ҳақиқатни идеал ёлдурида тасвирлаш, воқеликни идеал талқин этишдан ўзга нарса эмас»¹ (А.Синяевский); «...А.Платоновнинг бадний башоратлари, воқеликни олдиндан кўра билиб яратган асарлари «воқеликни революцион тараққиётда» акс эттириш эмасми?»² (Авнер Зисъ); «Инсон қалби бус-бутун аёлга, дўстга, отага, онага бахшида қилинган бўлиши мумкин, лекин зиҳор партияга эмас. Сенга қадрдон одамлар яшайдиган Ватани, уйни севиш мумкин, аммо, у партия бўладими, қасаба уюшмасими, Вазирлар Маҳкамасими, боришти, БМТми — танкилотни севиб бўлмайди»³ (И.Золотусский), «Соцреализм — афсона эмас. У тарихий — адабий тараққиёт воқелиги. Дахшатли воқелик. Уни шундай тушуниш, талқин қилиш лозим»⁴ (Е.Добренко).

Афсуски, ўзбек адабиётшунослари ва танқидчиларида социалистик реализмга хайрихоҳлик билдириб ёзилган мақолалар 1996 йилда ҳам чоп этилди. Социалистик реализм ҳаминга мақталди, улутланди, десак ҳақиқатта зид борган бўламиз. Умарали Норматов: «... келажакни олдиндан кўриш» табиий равишда ҳаётни бир ҳолда аниқ эмас, қандай бўлиши кераклигини назарда тутган ҳолда тасвирлаш талабига айлана борди. Энг ёмони, шу талаб адибларни реал ҳаёт муаммоларидан узоқланишга олиб келди, адабиётни реал ҳаёт, унинг зиддиятлари таҳлили ўрнини ҳаётнинг қуруқ мадҳи, ҳаёт ҳақидаги, нузли келажак ҳақидаги афсоналар эталлай бослади; 30-йиллар, урушдан кейинги давр адабиётида бу тенденция янги кучайди⁵, — деб ёзади. Норбой Худойберганов «Сиёсий қуролмас, бадний восита» мақоласида соцреализмнинг «воқеликни революцион

¹ Избавление от миражей. Соцреализм сегодня. Москва, «Советский писатель»-1990. Страницы: 148, 71, 191, 241, 334.

² Избавление от миражей. Соцреализм сегодня. Москва, «Советский писатель»-1990. Страницы: 148, 71, 191, 241, 334.

³ Избавление от миражей. Соцреализм сегодня. Москва, «Советский писатель»-1990. Страницы: 148, 71, 191, 241, 334.

⁴ Избавление от миражей. Соцреализм сегодня. Москва, «Советский писатель»-1990. Страницы: 148, 71, 191, 241, 334.

⁵ Норматов У. Методизмнинг моҳияти ҳусусида. «Шарқ юлдузи» журнали, 1989, 5-сон, 188-саҳифа.

тараққиётда акс эттириш» шартда ноаниқлик мавжудлигини таъкидлайди: «...ҳаёт ҳамма вақт революцион тараққиётда бўлавермайди. Ахир, тараққиёт бўлиши учун, аввало, замин ҳозирланмаса, сўнгра муайян шароит вужудга келтирилмаса, ҳеч қандай натижага эришилмайди. Бинобарин, революцион ривожланишга боглиқ ҳодисалар, ўзгаришларни четлаб ўтиш мумкин эмас-ку?!»¹.

Аксарият ўзбек адабиётшунослари социалистик реализмни сиёсат, мафкуранинг адабиётда акс этиши деб тушундилар, жон-жаҳдлари билан метод воситасида коммунистик мафкура, ҳукумат сиёсатини ҳимоя қилдилар. Шундай адабиётшунослар ҳам борки, улар шўро адабиётининг ижодий методи ҳақида бевосита ёзмаганлар. Озод Шарафиддинов шўро адабиётининг методи ҳақида бундай дейди: «Соцреализм ҳақида кўплаб китоблар ўқидим. Лекин, барибир, пиروвардида унинг моҳиятини ҳеч тушуна олмадим... Янги метод жаҳон эстетикаси тараққиётида янги саҳифа очини керак. Хўш, соцреализм баднийат борасида қандай қаромат кўрсатди? Бу саволга жавоб йўқ эди»².

Ўзбек адабиётшуносларининг ҳаммаси учун соцреализм моҳияти мавҳум, ноаниқ бўлган дейиш хато бўлур эди. Академик Иззат Султонов соцреализм методидаги дунёни қайта қуриш гоясини доимо таъкидлайди: «Шундай қилиб, марксизм асосчилари воқеликни революцион ривожда тасвирлаш даври келганини, ҳаёт ҳақиқати шунга талаб этаётганини уқтириб ўтган эдилар»³. «Социалистик реализм адабиёти ва санъатида халқ характери тасвирлаш ўзи янги гачадир; унда халқ ва унинг вакили дунёни қайта қурувчи актив куч сифатида тасвир этилди»⁴. «Социалистик реализм адабиёти ва санъати меҳнаткаш оммани фақат адолатсизликдан... мудофаа қилибгина қолмайди, балки

¹ Худойберганов Н. Сиёсий қуролмас, бадний восита. «Ёш куч» журнали, 1989, 10-сон, 18-саҳифа.

² Шарафиддинов О., Қўлдошев Р. Инсон йўли излайди. «Ўзбекистон адабиёти ва санъати» газетаси, 1996, 26 апрел.

³ Султонов И. Адабиёт назарияси. Дарслик. Тошкент, «Ўқитувчи» нashриёти-1980, 374-саҳифа.

⁴ Султонов И. Адабиёт назарияси. Дарслик. Тошкент, «Ўқитувчи» нashриёти-1980, 375-саҳифа.

оммани шу адолатсизлик билан курашга чақиради, дунёни коммунистик руҳда қайта куришга ўргатади»¹.

Издат Султон ўз фаолиятида соңреализмни тасдиқлаб келган бўлса, айрим адабиётшунослар унинг асос-моҳиятини танқид қила бошладилар. Соңреализм инсоннинг ўзини англаш, ўзлигини топиш йўлидаги зина бўла олмаслиги профессор Акрам Каттабековнинг «Тарихий ҳақиқат ва бадий талқин» мақоласида исботлаб берилган: «Соңреализм методининг «ҳаётни инқилобий тараққиётда кўрсатиш», жамият тарихини «синфий кучлар кураши таърифида акс эттириш» каби талаблари ижобий қаҳрамон ёнида албатта бирон салбий шахс бўлиши ва улар кўчкорлардек олиш-шини шарт қилиб қўяр эди»². Мазкур мақоланинг энг маъқул томони шуздаки, муаллиф соңреализм моҳиятига назар ташлашга интилан. Синфийлик ҳам, ғоявий муросасизлик ҳам, коммунистик мафкура ҳам соңреализм таърифининг ўзида акс этанлиги А.Каттабеков мақоласида сезилади. Соңреализмнинг асоси — «ҳаётнинг инқилобий тараққиётда кўрсатиш»ни таҳлил қилишга киришамиз. Профессор Озод Шарафиддинов юкорида эслатишган мақоласида: «Айтадиларки, соңреализм воқеликни революцион тараққиётда кўрсатади. Бу нима дегани?», — дея асосли савол қўяди-да, — «Катта назарийчилар, жумладан, Луначарский буни шундай тушунтиради: ҳаётда камчиликлар борлиги аниқ, уларни қаламга олишнинг ҳаққоний бўлиши мумкин. Лекин камчиликлар, нуқсонлар ўткинчи, улар бутун бор, эртага йўқ. Сен ҳаётни келгуси кун юзасидан ёритишнинг лозим. Шу тариқа ҳаётнинг яхши томонларига диққат қилиниб, салбийларидан кўз юмилган», — деган хулосага келади. Зўр хулоса, ҳаққоний хулоса... Ҳаётнинг яхши ва салбий томонлари масаласини қўя турайлик-да, «сен ҳаётни келгуси кун юзасидан ёритишнинг лозим», — деган фикрга қаратайлик. Соңреализм ҳаётдаги янгилик куртакларига диққатни қаратишни уқтирган. М.Горький совет ёзувчиси ўтмишдан

сабоқ чиқариб, бугунни англаб етиб, келажак ҳақида ёзади, дея таъкидлаган. Келажакка шонилини, келажакка маҳлиё бўлиш — футуризмдир, Италия, Россия сингари юртларда авжланган фалсафий оқим, адабий тамойилдир. Маяковский футурист, Хлебников футурист... 20-йиллар ёшлари-келажак шайдолари, янгилик тарафдорлари. Пролеткультчилар орасида футуристлар, конструктивистлар кўп. Келажакка интилиб, келажакдан завқланиб, кечаги ўтмишдан йироқланиб, ундан бетониланиб яшаш бор эди, маъқуллашар эди. «Бу дунёда туғилмоқ, яшамок, ўлмоқ — янгилик эмас», дегани учун Есенинни, унинг руҳини қанча эзишли, хўрланди. Янги ҳаётга яшамок, меҳнат қилмоқ, келажакка интилмоқ — бебаҳо бахт дея бонг уришли. Хулоса шуки, футуризм замон тақозоси, инқилобий ёшлар қайфияти сифатида соңреализм руҳига кириб қолди. Лекин у соңреализмнинг асоси, моҳияти эмас эди. «Ҳаётни инқилобий тараққиётда тасвирлаш»-соңреализм моҳияти на футуристлар, на Луначарский, на Горький ва на маншур марксчи назариячи Плеханов ихтироси эди. Оддийгина айтганда, соңреализмнинг илдизи чуқур, у зинҳор ўйлаб чиқарилган, шарт этиб айтиб юборилмаган эди. Реализм ҳам, соңреализм ҳам тасодифан пайдо бўлган, тўртта-бешта ёзувчи кашф этиб қўя қолган нарсаси эмас. Унинг илдизи жуда тегин, фалсафа, тарихи моддийнинг курашлар замирига қараб кетади. Реализмнинг асоси материализмга бориб боғланади. Соңреализмнинг асоси, моҳияти марксча-ленинча диалектик материализмдан келиб чиқади.

Маркс, Энгельс идеалистик фалсафани, унинг илдизини инкор этдилар. Илоҳиятга боғланган фалсафага қарши бориб, ўз назария, фалсафаларини яратдилар. Олмонидан чиққан доҳийлар диннинг халқ учун захар, афъюн эканлигини юз қарра, минг бор турли алфозда таъкидладилар. Дин тарихи, Шарқда бўлмасин, Ғарбда бўлмасин, маърифат, маънавият, ҳақиқат тарихи билан узвий боғлиқ. Динни инкор этиш инсоният яратган маънавий-маърифий бойликларни бир йўла йўққа чиқармоқдир. Ботиний, руҳоний оламнинг ўз тартибот, ажойибот ўлчовлари, саволу жавоблари, баҳсу мунозаралари, мингларча ёркин сиймолари

¹ Султонов И. Адабиёт назарияси. Дарслик. Тошкент, «Ўқитувчи» нашриёти-1980, 377-саҳифалар.

² Каттабеков А. Тарихий ҳақиқат ва бадий талқин. «Тафаккур» журна-ли, 1996, 1-сон.

бор. Кўз билангинамас, қалб билан кўриш, англани назариёлари илоҳият оламида исботланган...

Маркс ва Энгельс инсондаги маънавий-руҳоний асосни инкор этгач, меҳнат гўзаллик манбаи эканлигини уқтирди. Кейинчалик марксизмнинг улкан назарияси — гўзалликнинг ижтимоий концепцияси ҳар томонлама ривожлантирилади бошланди. «Гўзаллик — инлайини. Гўзаллик — унган ин»... Қишни қиш, ботқоқни ботқоқ, тунни тун демай меҳнат қилавериш, мажруҳ бўлиб қолган Павел Корчагин идеаллаштирилди. Айни саратонда, кун тиккага келганда ҳам тинмай инлайверган Йўлчибой, Гофир, Дўнанбой... сингари-лар мадҳ этилди.

Қишлоқ ҳўжалигидаги оғир, аёллар бажариши мумкин бўлмаган юмушларни бажариб жувонмарг бўлган Турсуной, Ширмонойлар ҳақида қўшиқлар куйланди, юзлаб, минглаб қизалоқлар Турсуной, Ширмоной бўлишга қасамёд қилдилар. «Меҳнат аҳли» деган, Акмал Пулат шеъри билан айтиладиган қўшиқ бўларди, унинг мусикаси зўр, ижроси олий эди. Радио ҳар кун илоҳи борича бу қўшиқни эшиттирарди. Коммунистик мафкура бу қўшиқни меҳнаткаш Ўзбекистоннинг порасмий мадҳияси деб биларди, қўшиқнинг авж нуқтаси:

Уринг кетмонни, дўстлар
Куйиб кул бўласи душман,

деган сўзларда ифодаланиларди. Ҳали ҳам қўшиқ тингловчини бефарқ қолдирмайди. Аммо унинг мафкуравий мазмуни — кетмончи, колхозчи, кончи, илгчи ўртоқларни янада кўпроқ ишлаганга чорлаши ғазабни кўзгайди.

Совет романчилигида меҳнат мавзуи, меҳнаткаш характери яратилиш ҳаммаша долзарб, фахрли эди. Минглаб романлар орасида, менинг билишимча, иккита асарда ёзни ёз, қишни қиш демай меҳнат қилавериш одами инсонликдан маҳрум қилиши ёрқин кўрсатилган. Бири жабрлийда Андрей Платоновнинг «Бахтли Москва»¹ романи, иккинчиси

¹ Платонов Андрей. Счастливая Москва. Роман. Журнал «Новый мир», Москва-1991, № 9, страницы 9-76.

Тоғай Муроднинг «Отамдан қолган далалар»¹ асари. Етим қиз Москваойни расмий пойтахт Москва коммунистик меҳнатгагина чорлар, порасмий Москва қизни бузуқликка, тубан ҳаёт кечиринишга ундарди. Москваой меҳнат қила-қила мажруҳ бўлади, маишат, бузуқлик қила-қила инсонгарчиликдан чиқади.

Дарвоқе, нега А. Платонов ташландиқ қиз ҳақида асар ёзди? Уйлаб кўрилса, совет адабиётида етимлар ҳақида ёзилган асар низоҳатда кўп экан. Етимларварлик совет сиёсати, мафкурасининг асосига айланаёзган экан. Феликс болалари ҳақидаги қўшиқ, ҳикоя, роман, фильмларнинг ўзи бир олам. 1941-1945 йилларнинг етимлари ҳақидаги асарлар-чи? Қуёндай меҳрибон Ватан-етимнинг онаси, меҳнаткаш мушфиқ халқ — етимнинг отаси... Етим бўлганлар, интернату детдомларда тарбияланганлар мустабил тузум ғазабига нисбатан камроқ дучор бўдилар. Отасини фони этган Павлик Морозов тузумнинг эъзозли фарзанди бўлди. Гапнинг индаллоси шуки, ота-она, қариндош-уруғ болаларга дину иймонни, чин маърифату комилликни сингдирган. Совет империяси учун коммунистик гоё — оламни ўзгартириш мафкураси муҳим. Чингиз Айтматов «Кассандра тамғаси» романида коммунистик мафкура раҳномалик қилган энг тубан, ғайриинсоний кашифиётни фони қилган. Романнинг мағиз-мағизидан марксизмнинг динга қарши қарашларини инкор этиш, коммунистик гоёнинг ғайриинсоний моҳиятини кўрсатиш сизиб чиқади. Бошқача айтганда, соопреализм моҳиятига сингдирилган марксча-ленинча назария инкор қилинади.

Ҳаётни инқилобий тараққиётда тасвирлаш оламни бутунлай ўзгартириш демакдир. Инқилобий тараққиёт — дунёни ўзгартириш. Инқилоб — бузиш, ёриш, маромдаги ҳолатни остин-устин қилиш. Марксгача файласуфлар, донишмандлар борлиқни ўзларича таърифлаб, тасвирлаб келдилар. На идеалистлар, на материалистлар оламнинг яралишига қарши чиқмадилар: ўзларини табиатнинг парчаси, худонинг-холиқнинг бандаси деб билдилар. Яратувчи худого сажда қилди

¹ Тоғай Мурод. Отамдан қолган далалар. Роман. «Шарқ» НМК, Тошкент-1994.

инсон. Ўзини табиатнинг фарзанди деб бидди инсон. Минг йиллар давомида сайқалланиб келган бундай қараш, Маркста ёқмади. Маркс, сўзсиз, XIX асрнинг ёрқин сиймола-ридан бири. Унинг назарияси ҳали кўп ўрганилади, талқин қилинади. XX асрда Маркс назарияси амалда қўлланди. Инқирозга юз тугди. Эҳтимол, Маркс назарияси ногўтри, чуқур ўйланмасдан тadbиқ қилинандир. Эҳтимол, Карл Маркс-нинг олами ўзгартириш назариясини бошқача талқинлари берди. XX аср файласуф, донинмандлари марксизмни талқин этишни, шарҳлашни давом эттирдилар. Фикримизни Эрих Фроммнинг «Карл Марксда инсон концепсияси»¹ тадқиқоти мисолида исботлашимиз мумкин. Қолаверса, маркча-ленинча фалсафани асос қилиб олган давлатларда марксизмнинг янгича, ҳар томонлама тараққий этадиган XXI асрга монанд талқинлари пайдо бўлар.

XX асрда Ленин етакчилигидаги назариётчилар, инқилобчилар томонидан Маркснинг олами ўзгартириш ҳақидаги назарияси бузиб, сохталантириб талқин қилинди, чоғи. Маркс фалсафасидаги бош гап сопреализмга янада айнаган, бузиб-ёриб талқин қилинган ҳолда кириб келди. Олам шундай мукаммал, мураккаб тузилганки, шу пайтгача ўтган олимлар, аҳли донишлар, валийлар, пайғамбарлар, санъаткорлар мана шу мукаммаллик, етуклик учун яратганга ижрокналар айтадилар. Алишер Навоий олам тузилишидаги мукаммалликни бундай тасвирлайди:

Қатрагача қулзуми захҳордин,
Заррагача шамсаи заркордин,
Они мунга, мун анга банд этиб,
Бир-бирига борчани пайванд этиб,
Воситалар бўлди аён тў-батў,
Бир-бирига боғланибон мў-бамў.
То тикилиб ушбу бийик боргоҳ,
Бўлди муҳайё бу улут коргоҳ².

¹ Фромм Эрих. Душа человека. Москва. Изд. «Республика»-1992. 375-414 стр.

² Навоий А. Мукамал асарлар тўплами. 20 томлик. 7-том. Тошкент, «Фан» нашриёти-1991, 26-саҳифа.

«Бу улут коргоҳ, бийик боргоҳ»даги энг шариф зот инсондир. Наҳотки, шариф инсон зарраси-ю қатраси мукамал яратилган борлиққа зулм қилса?! Наҳотки, инсон зоти ўзини табиатта, борлиққа зид қўйса, «биз табиатдан инъом-эхсон кутмаймиз, уни ўзимизга бўйсиндирамыз», — деган даҳрий шиорни айтишгача борган бўлса?! Инсоннинг барча қутуринларига табиат чидади, «шариф-ку инсофга келиб қолар», — дея ўзига таскин берди. Бўлмади. Табиат ҳам инсонга қарши бош кўтарди. Табиат ва инсон ихтилофи қиёмат қойимни нақд қилиб қўйди. Инсон табиатнигина эмас, ўзини ўзи побуд қилишга шитоб билан киришди. Қиёматнинг аниқ кўринишлари рўй берди. Ададсиз шукр-ларки, инсоният эси борида этагини ёшишга чоғланди.

Сопреализм оламга тажовуз қилиш, борлиқни ўзгартириш, инқилобий тараққиёт тақозосини даъволаб кириб келди. Инқилоб совет кишиларининг севимли сўзига айланди. Оғизни тўлдириб, гурур билан инқилоб, инқилоб дейдиган бўлди. Фарзандларга бу номни раво кўрдик. Инқилоб инсониятни жар ёқасига келтириб қўядиган офат экан. XX аср инқилоблар асри бўлди-инсониятни қиёматга яқинлаштирди. Инқилоблар етакчилари коммунистлар бўлдилар. Совет адабиётида коммунистнинг салбий типини яратини мумкин эмас эди. Бу тескари ҳақиқат эмасми?! Коммунистларни миҳларга (Н. Тихонов балладаси — А.Р.), оламни яшнатувчиларга ментзалик. Куйдирувчи, ёпдирувчи лаққа чўтти халқ «олов яшнади» — дер экан. Бу ҳам тескари ҳақиқат эмасми?!

«Оламни ўзгартириш» ибораси сопреализмга ҳаётни инқилобий тарзда тасвирлаш тарзида кириб келган, дедик. Оламни ўзгартиш — ҳаётни инқилобий тарзда тасвирлаш демак ҳаётни революцион ўзгаришда тасвирлаш — дунёни ўзгартиш. К. Маркснинг фалсафада яратган янгиликларининг қаймоғи Ф. Энгельснинг «Людвиг Фейербах ва немис классик философиясининг охири» асаридаги илювада «К. Маркс «Фейербах гўтрисида тезислар»да ўз ифодасини тошан. Ун бир тезисни шунинг учун ҳам марксизмнинг қаймоғи деймизки, у К. Маркс вифотида сўнг, Энгельс файласуф сифатида энг етилган палласида эълон қилинган. Социалистик реализм методи таърифига «воқелиқни революцион тарақ-

қиётда акс эттириш» талаби К. Маркснинг Фейербах хақидаги ўн биринчи тезисидан келиб чиққан: «Философлар оламни турлича изоҳлаб келдилар, ҳодос, лекин тап уни ўзгартиришдадир»¹.

Россияда оламни ўзгартиш имконияти пайдо бўлди. Лекин бу ишни қандай амалга оширишни ҳеч ким билмас эди. К. Маркс гўзалликнинг «ижтимоий консепцияси»ни, меҳнат жараёнида тутилажак янги инсон назариясини олга сурди. Қарабсизки, тоғларни талқон, чўлларни бўстон қилди, дарёларга банд солиб, эскилик сарқитларини аёв-сиз кириб ташлайдиган инсонга бўлган талаб кун тартибига қўйилди. Пешонани қаттиқ боғлаб, қора терга тушиб меҳнат қилаверадиган — оламни ўзгартишга киришган инсон улутланди. Павел Корчагин (Н.Островский), Москва Ивановна Честнова (А.Платонов), Макар Нагульнов, С. Давидов (М. Шолохов) сингари янги инсонлар образи яратилди. Т. Лисенко, И. Мичурин табиат қонун-қоидаларини инкор этганликлари учун машҳур бўлиб кетдилар. Ўзбек адабиётида Кўкан, Жонтемир, Зайнаб, Сидиқжон сингари меҳнатдан «бахт тошанлар» образи яратилди. Мазкур қаҳрамонлар фақат меҳнат қилдилар, эскиликка қарши курашдилар. «Нега бундай қилаётиман» — деган гап ҳаёлларига келмади. «Давримизнинг ақли, шон-шухрати, ор-номуси — коммунистик партия халқ ҳақида ўйлаётти — шунинг ўзи етарли». Мана шу ақидага юрмаган, ўйлаб-фикрлаб иш юритадиган, ўзлигини ҳимоя қиладиган кишилар-олимлар, алиблар, санъаткорлар йўқ қилиндилар.

Воқеликни революцион тараққиётда акс эттириш - оламни ўзгартиш инсонни худнинг баъдасидан табиат кушандасига айлантирди. Оламни ўзгартиш инсон руҳида асрлар давомида тарбияланиб келинган иймон, инсоф, диёнатни йўқ қилди. Воқеликни революцион тараққиётда акс эттириш талаби баъдий адабиётда сунъий шартлиликларни вуҷудга келтирди. Масалан, «Қутлуг қон» романида рус инқилобчиси Петров, «Қўшчинор чироқлари»да мухбир аёл Новикова,

«Қорақалпоқ қиссаси» асариди Степан, «Мангъл»да Иванов образларининг яратилиши, «Душман», «Олтин водийдан шайбадалар» романиларида, «Ғолиблар», «Дарёлар туташган жойда», «Опа-сингиллар», «Синчалар» асарларида партия ташкилоти раҳбари тимсолининг берилиши социализм адабиёти вужудидаги бедаво дардга айлана бошлади. Лирик шеър, дostonларда фирқавий руҳ етакчи бўлиб қолди. Рус кишиси образининг керакли ва кераксиз ўришларида тикши-тиридаврини, партия ташкилоти раҳбари тимсолидаги қу-руқлик, расмийлик китобхон ғанига тега бошлади.

Воқеалиқини революцион тараққиётда акс эттириш шўро адабиётидаги йўқни йўқлирини, ғўрадан ҳолва пиширини авж олтирди. «Бахтлар водийси», «Ўзбекистон» (Ҳ. Олимжон), «Назир отанинг газаби», «Бритадир Карим» (Уйғун), «Бор», «Сайлон қасидаси» (Ғафур Гулом) сингари шеърлар қора қирғин шарпаси яқинлашганда, оммавий қатагон авж олган йилларда ёзилган. Шўро мамлакатлари рўй бераётган даҳият, фикс-фужур, душман излаш сингари балолардан шоирлар гўё қочиб кетган-у ҳаётдаги осойишта, жаннатдай ҳаётни акс эттираётгандай туюлади. Бадий асарлар оламнинг ўзгараётганини, янги кишилар камол топаётганини кўрсатдилар. Ҳаётни революцион тараққиётда акс эттирдилар — социализм методи йўриғини изчил амалга оширдилар.

Шаклан миллий, мазмунан социалистик деган қоида социалистик реализм методининг энг омонат, узилай-узилай деб турган интичка ҳалқаси эди. Коммунистик партия социалистик реализмнинг мана шу қондасини кўз қорачигидай асраб авайлади. Шаклан миллий, мазмунан социалистик талаби қанчалик-қанча асарларни ёмонотликка чиқарди, уларнинг муаллифларини халқ душмани сифатида йўқ қилишига сабаб бўлди. Чўлпон, А. Қодирий, Фитрат, Усмон Носир сингари истеъдодли санъаткорлар санъатнинг мукаддас қонунига хиёнат қилмаганликлари сабабли душман, ичкаридаги ёв ҳисобландилар. Соцреализмнинг мана шу қондаси ёрдамида коммунистик мафкура, шўро давлати сиёсати бадний асарларнинг руҳига сиғий бошлади. Одми китобхон бора-бора мазмунан социалистик адабиётга қўника бошлади. Мазмунан социалистик адабиёт коммунистик партия дастёри, мафкуравий кулолига айлана бошлади.

¹ Ф. Энгельс. Людвиг Фейербах ва номис классик философиясининг охири. К. Маркс. Фейербах тўғрисида телислар. Тошкент. «Ўзбекистон»-1992, 61-саҳифа.

Мазмунан социалистик асарлар деганда ўтмиш қораланган, босмачилар дахшатли душман қилиб кўрсатилган, ўрта ҳол деҳқон ҳам қулоқ сифатида тасвирланган, феодал қулоқ эрга қарши дадил курашган аёллар ҳимоя қилинган, ниҳоят, Октябрь инқилоби туфайлигина бахтга эришган халқ қувончи акс эттирилган шеър, дoston, ҳикоя, қисса, романлар тушунилди. Мазмунан социалистик адабиёт диний эътиқодни, миллий руҳни, шажара, уруғ-аймоқ суриштиришни, ўтмишдаги ушвон, табақаларни тирилтиришга интилишни кескин қоралади. Миллий қаҳрамонларни улуғлаш шаккоқлик деб билинди. Хуллас, социалистик реализм адабиётнинг обрўсини жаҳон адабиёти қаршисида ер билан битта қилган мана шу шаклан миллий, мазмунан социалистик қоида бўлди.

Соцреализмнинг бу қоидаси инсоннинг табиий, ўзига хос куч эканлигини инкор этади. Санъаткор асар ёзар экан, ўз руҳидан, моҳиятидан келиб чиқади. Асар яратиш жараёнида ижодкор ҳар қандай қоида, қонунларни унутади, қалбини изҳор этади. «Олам ичидаги пинҳон олам пардаланган, нафис олам мавжудлигига ўзимни ишонтиришга берилганман, — деб ёзади шоир Абдували Қутбиддин. — Уни ақл кўзи билан кўришга кучим ҳам, илмим ҳам етмаслигини биламан... Ҳар бир одам, эй кўнглим ёки эй юрагим деб оҳ чекар экан, ўзининг унга нисбатан ғайритабиий, ноаён муносабатини билдиради. Ана шу ғайритабиий ноаён муносабат шарҳи — гўзал шеърдир».¹ Ёзувчи Ш. Бошбеков соцреализмнинг шаклан миллий, мазмунан социалистик қоидасини бузиб-бузиб юборадиган фикрни айтади: «Асарларимга сюжетни ҳам, ундаги бирон-бир персонажни ҳам ҳаётдан олмайман. Бунга ҳаётдан кўчириш деб биламан... Ҳаётдан эса фақат оғриқ оламан, холос».² Оғриқ, дардни шаклан миллий, мазмунан социалистикка ажратиб бўладими? Кўринадими, шаклан миллий... деган қоида гўзаллик оламига ёт тушунча, у санъатни сиёсат сиртмоғига боғлайди.

¹ Қутбиддин А. Кўнглимнинг фуқаросиман. «Ўзбекистон адабиёти ва санъати» газетаси 1990, 19 январь.

² Бошбеков Ш. Ҳаётдан эса фақат оғриқ оламан. «Ёш ленинчи» газетаси, 1989, 6 октябрь.

Олимлар, шоирлар, санъаткорлар бекорга социалистик реализмни эстетик категория эмас, сиёсатнинг ўзига хос кўриниши дея зорланмадилар. Башариятнинг яшаш, севиш, эзгуликка хизмат қилиши сингари ўзгармас қонунлари бор. Уларга соцреализмнинг шаклан..., мазмунан — қоидасини қўллаб бўладими?! Жаҳон адабиётининг мангу барҳаёт сиймолари ўлим ҳақида жуда кўп ёзганлар. Ўйлаб кўринг, ўлим тушунчасига шаклан миллий, мазмунан социалистик қоидасини тадбиқ этиб бўладими?! «Аслида, санъатда шакл эмас, мазмун миллий ва умуминсоний бўлиши зарур. Бу тескари қоида кўп замонлар бутун санъатни тор доирада чеклаб ташлади. Санъаткорлар бу доира ичида ўзларини тўла ва тўғал намоён қилаолмадилар», — дейди Иброҳим Гафуров «Ҳужайрадаги сувратлар» мақоласида. — Қоида эркин ижодий такомил йўлини тўсди»¹.

Бадиий асар сунъий метод қоидалари асосида, тил қонунлари воситасида, ниҳоят, сиёсий кўрсатма, йўл-йўриқлар кузатувида ясалмайди. Санъат асари завқли, сирли ҳолатларда яратилади. Санъаткордаги хусусиятлар, бетақорорлик, гўзаллик туйғуси бадиий асарда акс этади. Унда ҳамма гапирадиган сўзлар, гаплар, қочиримлар, сўз ўйинлари бўлади. Лекин санъаткор услуби асардаги умум томонларни ўзига бўйсундиради, бетақорорликни таъминлайди. Бадиий асар услуби — санъаткор ўзлиги. Санъаткор диди, тушунчалари бировга ёқиши, бировга ёқмаслиги ифода йўсини кимгадир тушунарли, кимгадир мураккаб туюлиши табиий. Ҳар бир китобхон бадиий оламдан ўзига ёқадиган, руҳий ҳолатига монанд келадиган асарларни, ижодкорларни излайди. Социалистик реализм мстоди халқчиллик деган қоидани тасдиқлайди. Халқчиллик қоидаси шаклий изланиш, услубий бетақорорлик сингари қарашларни чеклади. Шўро адабиётида жўнлик, ҳаммабоплик авж ола бошлади. Халқчиллик қоидасини мустаҳкамлаш мақсадида «санъат санъат учун» деган сохта шиор ўйлаб чиқарилди, услубдаги ўзига хослик, шаклий бетақорорлик мазах қилинадиган бўлди. Бадиий ижодни жўнлаштириш, одмилаштириш тамойилига кент

¹ Гафуров И. Ҳужайрадаги сувратлар. «Ўзбекистон адабиёти ва санъати» газетаси, 1993, 19 январь.

имкон яратилди. Бадий ижоддаги сирлилиқ, истеъдоднинг илоҳий инъом эканлиги йўққа чиқарилиб борилди. Натижада, ишлаб чиқариш жараёнида, оғир меҳнат туфайли ногирон бўлиб қолган кишилар, айрим амалдорлар ўзларини бадий ижод жабҳасига урдилар. Салкам 60 йил давомида Н. Островский ижоди, асарлари мактаб дарсликларидан фахрли ўринли эгаллади. Павел Корчагин шўро ёшларининг орзусидаги қаҳрамонга айланди. У ҳар жиҳатдан янги тузум одами эди: буржуяларни ёмон кўради, дин-иймонни мазах қилади, социализмни мустаҳкамлаш йўлида тинимсиз меҳнат қилишга тайёр. Унинг тушунчасича, инсон туғилдими, яшайптими — бор, ҳаётдан кўз юмдими, ўлдими, — йўқ. Инсон бутун кучи имкониятини капитализмни йўқ қилишга сарфламоғи лозим. Шўро ҳукумати Николай Островскийни роса кўтар-кўтар қилди: соғлигида бу одам астойдил меҳнат қилди, тўшакка миҳланиб қолганида бадий ижод орқали шўро сиёсатини, коммунистик мафкурани тарғиб қилди. Н.Бирюков, В.Титов, В.Гафуров сингари ногирон кишилар ҳам бадий ижод соҳасига киришга мажбур бўлдилар. Мен зинҳор бу жабрдийда инсонларни камситмоқчи эмасман. Уларнинг ижод маҳсуллари минг-минг нусхада чоп этилди, матбуотда уларнинг асарлари ҳақида мақолалар босилди. Лекин бадий ижод ўз бошидан ўтган воқеаларни ҳикоя қилиб беришдан, ногирон кишиларга меҳр-шафқат кўрсатганларни улуғлашдангина иборат эмас. Бадий ижод ўзига хос олам яратиш, бу оламга кишиларни ром этишдир. Шўро ҳукумати мажбуран бадий ижод соҳасига кириб қолганларни рағбатлантирди. Чунки улар ўз асарлари билан совет сиёсатини, партия йўригини тасдиқлаб бордилар.

1934 йилда бўлиб ўтган шўро ёзувчиларининг I Бутунитифок қурултойи СССР ёзувчилари уюшмаси ташкил қилинганлигини расман эълон қилди. Ёзувчилар уюшмасининг низоми қабул қилинди. Унда, жумладан, совет адабиёти ва танқидчилигининг ижодий методига оид бундай сўзлар битилган эди: «Социалистик реализм совет бадий адабиёти ва адабий танқидининг асосий методи бўлиб, санъаткордан воқеилиқни инқилобий тараққиётда ҳаққоний, тарихан аниқ тасвирлашни талаб этади. Айни пайтда

воқеилиқни ҳаққоний ва тарихан аниқ бадий тасвирлаш меҳнаткашларни социализм руҳида ғоявий қайта қуриш ва тарбиялаш вазифаси билан бирлаштириши лозим»¹.

Социалистик реализмга берилган таърифда бир қанча англашилмовчилик, чалкашлиқлар бор. Биринчидан, соцреализм таърифи буйруққа мойиллиги билан кишини ҳайрон қолдиради (...талаб қилади, ...вазифасини кўяди). Иккинчидан, таърифда мавҳумлик етакчилик қилади. Бадий ва адабий танқидий ижод тури орасидаги фарқ аниқ, лўнда кўрсатилмаган. «Воқеилиқни инқилобий тараққиётда кўрсатиш», деган бирикманинг маъноси очиб берилмаган. Учинчидан, соцреализм таърифида эстетик асос эмас, ғоявий-мафкуравий моҳият етакчи эканлиги аниқ-равшан кўриниб турибди. Соцреализм методи бадий адабиётни, адабий танқидни партиявий-сиёсий ўзанти тушириб юборди. Эстетик моҳият эмас, партиявий-мафкуравий руҳнинг етакчилиги бу метод умрини қисқартирди. Бадий ҳамда адабий-танқидий ижод орасидаги фарқни белгиламаслик ёзувчи ва танқидчилар орасидаги келишмовчиликларга, танқидчилар билан адабиётшунослар орасидаги самарасиз баҳсларга сабаб бўлиб келди. Соцреализм методи тугатилиб юборилди-ю, ҳануз «воқеилиқни революцион тараққиётда» акс эттириш нима эканлиги кўпчиликка мавҳум, қоронғу бўлиб қоляпти.

Хуллас, Шўро ҳукуматининг адабий-танқидий сиёсати барҳам топди. Лекин ленинизмнинг ижтимоийлик ҳақидаги қарашлари, соцреализм методи, адабиёт ва санъат ҳақидаги ўнларча қарор ва кўрсатмалари бадий адабиёт табиатида акс этди. Шўро адабий сиёсати ҳаётни юзаки акс эттиришга, бадий асар матнига етарли эътибор бермасликка йўналтирилди, демакки, чинакам талқинга тўсқинлик қилди. 80-90 йилларга келиб, XX асрда яратилган асарлар турли талқинларга, эстетик плюрализмга кенг йўл очиб берди.

¹ Русская советская литературная критика (1917-1934). Хрестоматия, Москва, «Просвещение»-1981, стр. 374-444. Наим Каримов. Ўзбекистонда адабий ҳаракатлар. «Ўзбекистон адабиёти ва санъати» газетаси, 1995 йил 20 январ.

БИРИНЧИ БОБНИНГ ХУЛОСАСИ

1. Бадиий матн, унинг яратувчиси, ўзлаштирувчиси, бу жараёнда унга таъсир ўтказувчи — танқидчи, талқинчи муаммоси Шарқда, Ғарбда, қадимда, ҳозирги — ҳамиша мавжуд.

2. Ижод жараёни, бадиий матннинг яратилиши билан боқлиқ муаммолар бўлганидай, бадиий матнни ўзлаштириш — уқиш, ҳис этиш, танқиду талқин воситасида мураккаб масалаларни ҳал этиш ўзига хос йўналишдир. Ўзлаштириш эстетикаси номи билан адабиётшунослигимизга кириб келётган бу соҳа ўз муаммоларини намоён этмоқда.

3. Адабий танқид — адабиётшуносликнинг қадимий, таркибий қисми. У бадиий асар воситасида ҳаёт ҳақида мушоҳада юритади, ўзлигини намоён этади, асар орқали ёзувчи ифодаламоқчи бўлган ғояни қиёслар, маънавий далиллар ёрдамида очиб беради. Адабий танқид замоннинг ижтимоий-мафкуравий, маданий-эстетик эҳтиёжларини ҳисобга олган ҳолда хулоса чиқаради.

4. Талқин — адабий танқиднинг асоси, таянчи. У матннинг ботиний, сийратий тузилишини нозик ўрганади. Талқинда бадиий матннинг чин ҳолати — мутаносиблик, «синиқ»лик, сўзнинг ўринли, ўринсизлиги аниқ кўринади. Талқин ёзувчининг асл мақсадини аниқлаб беради.

5. Адабий танқид ва талқин санъат, хусусан, бадиий асарнинг руҳий покловчилик — катарсис, маънавий таъсирга тортилиш — каолокогот имкониятини ҳар томонлама очиб, кучайтириб кўрсатишга интилади. Унда катализаторлик хусусияти намоён бўлади.

6. Шарқ — мусулмон дунёсида ўзлаштириш нафосатшунослиги (рецептив эстетика) узоқ тарихга эга. Алоҳида ёзувчилар ижодини ўрганувчи, талқин этувчи ўзлаштириш мактаблари бўлганидай, алоҳида асарлар шарҳи хусусида илмлар бўлган. Шарқда уқиш даражасига кўра китобхонлар аҳли дарқ, зурафо, урафо деб табақаланган. Ғарб эстетикасида талқин таълимоти герменевтика, баҳолаш мезонлари аксиологияда ўрганилган. Ғарбда талқин ва баҳо йўсинлари изчил тизимга туширилган, фан даражасида эътибор топан.

7. Мумтоз адабиётшуносликда бадиийликка оид барча соҳалар жиддий ўрганилган, илм даражасига кўтарилган. Илми ғариба — мумтоз адабиётшуносликдаги талқиннинг юксак, нафис кўриниши. Илми ғарибада сўз имкониятларига, адиб истеъдодига, кам сўз орқали кенг маънонинг ифодаланишига эътибор қаратилган. Илми ғарибада донг таратганлар адиб дейилишдан ташқари дабир атамаси билан эътибор топан. Ғарб адабиётшунослик илмида континуум деган истилоҳ мавжуд. Асар талқин қилингани, матн ботинига кириб борилаверилгани сари маъно остидан янги маъно қатлами юз кўрсатаверади. Бу жиҳатдан бадиий матн жонли мавжудотга ўхшайдики, унга ғарб олимлари алоҳида эътибор берганлар.

8. Ғарб адабиётшунослиги, эстетикасида герменевтика тараққиёти натуралистик, фалсафий, психологик, аллегорик-рамзий йўналишларнинг гувоҳи бўлган. Эстетика, адабиётшунослик тарихида шундай босқич, даврлар бўладики, ижтимоий-сиёсий, фалсафий-эстетик қарашлар талқиннинг эркин тараққиётини маълум даражада бўғиб қўяди. XX аср Шарқий Европа ва Ўрта Осиё, аниқроқи, шўро адабиётшунослигида герменевтика, талқин ижтимоий-сиёсий-мафкуравий муносабатлар томонидан сиқиб, чеклаб қўйилди.

9. Ижтимоий ёндашув ёхуд бадиий асарнинг ижтимоий моҳиятини асос қилиб олиш — шўро адабиётшунослиги, танқидчилиги тараққиётининг ожиз, саёз босқичи бўлганлиги. Ижтимоийликнинг сохта, сиёсий-мафкуравий тарзда намоён бўлишини кўрсатувчи фактлар, асарлар кўпайди.

10. Шўро адабиётининг методи социалистик реализм эстетика соҳасига сиёсий-мафкуравий назоратнинг кириб келиши ҳолисаси бўлганлиги. Социалистик реализм адабиёти моҳиятидаги юзакилик, бирёкламаликнинг ҳаёт, характер тасвирида намоён бўлганлиги. Соцреализм — коммунистик мафкуранинг санъат ва адабиёт устидан назоратини тутани билан талқиннинг ҳар турли, қизиқарли кўринишлари пайдо бўлганлиги, сиёсий-партиявий доктринанинг эстетик плюрализм, талқиний ранг-баранглик билан алмашганлиги.

II БОБ

ТАЛҚИННИЙ ЁНДАШУВЛАР ЁХУД МАҚСАДЛИ ТАҲЛИЛ

Адабий талқин — матнни тирик мавжудот сифатида қабул қилиш, англашдир. Бадиий матнга қандай мақсад билан ёндашилса, ўша мақсадга эришилади. Кўпинча бадиий матн орқали ёзувчи тақдирини, асарнинг миллий-маданий-адабий қатламдаги ўрнини, матнда акс этган воқеликнинг қай даражада ҳаётӣй, ҳаққонӣй эканлигини билишга интилинади.

Ҳозиргача давом этган танқидчилигимизда ижтимоӣй ёндашув, мантиқӣй англаш етакчилиқ қилдики, у асарнинг ҳаётӣйлиги, ҳаққонӣйлигини ёритишга хизмат қилди.

Ҳаққонӣйлик ва ҳаётӣйлик метёри ижтимоӣй тузум тушунчаси, буюргмасига кўра белгиланди. Натижада ижтимоӣйлик сохталаштирилди, мантиқӣйлик мафкуравийликка юз бурди. Бадиий матнда ёзувчи тақдири (руҳияти, кайфияти, қай даражада эркинлиги) биографик, ижодӣй-генетик ёндашув орқали намоён бўлади. Шўро адабиётшунослигида бундай ёндашув ривожлантирилмади.

Шўро сиёсати, коммунистик мафкура ёзувчини шахс, сиймо сифатида қадрламади. Аксинча, истеъдодли, фикрловчи ижодкорлар аксарият ҳолларда душман, кўпоровчи сифатида кўрилди. Ёзувчи руҳиятидаги ўзгаришлар онтологик ёндашувда аниқ кўринади.

Онтология — сўзлар, тасвирлар, умуман, матн орқали ёзувчи қалбини, симпатия—антипатияларини, истеъдоди даражасини аниқлашдир. Онтология матнни тирик ҳолат деб қарашга асослангандир. У матндаги ҳар бир ҳаракат, ҳолат орқали ёзувчи қалбини англашга йўналтирилган ёндашув.

Хуллас, талқин — ёндашувлар, таҳлиллар демак. Таҳлил, ёндашув, талқин, танқиддан мақсад асар баҳосини белгилашдир.

I фасл. БАДИИЙ АСАРДА ЁЗУВЧИ ТАҚДИРИ ЁХУД ТАРИХИЙ-БИОГРАФИК ЁНДАШУВ

Биографиябозлик шўро ҳукумати даврида роса авж олди. Маълумки, тўрачилик тизими нимага зиёд ружуъ қилса, ўша нарса ёки ҳолат сийқалашади, туссизланади. Аслида, «биография» эътиборга лойиқ, эъзозланадиган тушунча: зотан юнонча бўлган бу атама «умр тарихи», «битикдаги тақдир», «ҳаёт» маъноларини ифодалайди. Аҳли тамаддун қатори ўзбеклар бу атамани инкор этмайдилар, ундан юз ўтирмайдилар. Аммо шўро тўрачилик тизими «биография»ни «маълумотнома» мақомитача пасайтирди.

«Биография» ўзбекчага «таржимаи ҳол» тарзида ўтирилган. Аксарият кишилар «таржимаи ҳол» нима, қачон, қандай пайдо бўлган, моҳияти қандай эканлигини, миллий асоси борми-йўқми ўйлаб ўтирмайдилар. «Таржимаи ҳол» деймиз, ёзамиз, онгимизда эса ўша-ўша сийқаланган, мавҳум «биография» тураверади.

Алишер Навоӣй асарларида «ҳол» сўзи бисёр даражада қўлланган. «Ҳол» — арабий калом. Кўплиги «аҳвол», «ҳолат». Навоӣй асарларида «ҳасби ҳол», «ҳолат адоси», «ҳолат кайфияти», «завқу ҳолат», «паршон ҳолат» сингари бирикмалар бот-бот, ўрни-ўрнида учрайди. Завқу ҳолат, шавқи ҳолат кўтаринки кайфиятни ифодалаган бўлса, «беҳол бўлмоқ», «ҳоли хароблик» тушқунлик, маънавий таназзулни билдирган.

Инсон ҳаёти, тақдири, ҳуқуқи, соғлиғи, ижтимоӣй-сиёсий, маънавий-адабий фаолияти билан боғлиқ соҳа борки, биография-таржимаи ҳолга мурожаат қилади. Адабиётшунослиқ фанида биографик метод (ёндашув), бадиий адабиётда биографик жанр бор. Жаҳон адабиётида машҳур сиймолар характери́ни ёритиш орқали тарихий тараққиёт қонуниятлари, ҷамиятнинг маънавий-руҳий ҳолати, ўсиш-ўзгаришлари жараёни ишонарли кўрсатиб берилган асарлар талайгина¹.

¹ Ромен Ролланнинг «Жизнь великих людей» (Ереван, «Айтастан» 1987); Андре Моруанинг «Литературные портреты» (Москва, изд. «Прогресс», 1971); К.Фединнинг «Горький среди нас» (Москва, «Молодая гвардия», 1971); И.Гариннинг «Пророки и поэты» асарининг 2-томига («Терра», Москва, 1992) киритилган биографик асарлар назарда тутилади.

Шарқ мумтоз адабиётида пайгамбарлар, авлиё, машойих, ҳакимлар, уламолар, ёзувчилар, давлат арбоблари-шоҳлар, султонлар, амирлар ҳақида битилган асарлар бисёр. Шарқ адабиётшунослигида тазкира, манокӣб-ҳолат асарлар кўп.

Ўзбек адабиётшунослиги ва танқидчилигида 50-90-йилларда юздан ортиқ танқидий-биографик очерклар, адабий портретлар, адабий лавҳа — эсселар яратилди. Лекин на танқидий — биографик асарлар, на адабий портретлар ва на эссе — бадиалар назарияси, муаммолари илмий адабиётда мукаммал ёритилмади.

1975 йил 27 августдан 1976 йил 14 январгача «Литературная газета»да «Биографическая литература: были и небылицы» мавзусида баҳс бўлган эди. Унда И.Золотусский, Я.Гардин, Е.Муза, А.Латынина, Д.Брегова, В.Поруламинский, М.Бойко, Т.Бек, Арман Лану сингари ёзувчи, адабиётшунослар иштирок этиб, бадиий, илмий, адабий, илмий-оммабоп биография орасидаги тафовут, фарқларни кўрсатиб берган эдилар.

Илмий биографияда, бадиий биографиядан фарқ қилиб, тўқима, кўшиш-чатишларга ўрин йўқ. Унда далилу манбаларнинг давомийлиги берилади. Тарихий романда, масалан, ёзувчи воқелик, аниқ шароит билан ҳисоблашади. Биографик асарда шароит таржимаи ҳолни ишонарли тиклашга ёрдам беради.

Рус адабиётида Радищевнинг 1789 йилда яратилган «Фёдор Васильевич Ушаков» асари романлаштирилган биографиянинг илк намуналаридан ҳисобланади. В.Г.Белинский биографик романда:

- 1) тўқимага йўл қўйилмаслиги;
- 2) далиллар жонли, кўтаринки руҳда берилиши;
- 3) ҳужжатлар воқеа (сахна)ларни ташкил этиши;
- 4) ўзаро ёзишмалар диалог шаклида берилиши;
- 5) воқеа ривожини умумий гоё томонидан бошқариб борилиши лозимлигини таъкидлайди.

Ксенофонт Полевой М.Ломоносов ҳақида биографик асар ёзган экан. В.Белинский мана шу асар ҳақида бундай ёзади: «Сиз шунчаки асар (копиляция) ўқимайсиз, далиллар уюми қаринисида туриб қолмайсиз, жонли, тўлақонли ҳаёт ичида сузасиз... Бу аслида на роман, на биография. У

ақл ва жозибали ҳаёлот маҳсули, у ҳам илм, ҳам санъатга тааллуқли: у тамоман бетакрор, оҳорли турдир»¹.

Ўзбек адабиётшунослигида Ҳамза ҳақида уч жиддий (Л.Қаюмов); Фафур Фулом ҳақида икки жиддий (С.Мамажонов); Ойбек ҳақида Ҳ.Ёқубов, М.Қўшжонов, Б.Назаров, Л.Қаюмов; А.Қаҳҳор ҳақида П.Қодиров, Ҳ.Абдусаматов, Н.Владимирова, В.Смирнова, О.Шарафиддинов, И.Боролина; Яшин ҳақида Ҳ.Абдусаматов, М.Саматов; Ҳ.Олимжон ҳақида С.Азимов, Н.Каримов; Уйғун ҳақида Тожи Қорасев тадқиқотлари ёзилди. Сўнгги ўн йилликда Абдулла Қодирий ҳақида У.Норматов, Чўлпон ҳақида Н.Каримов, О.Шарафиддинов, С.Мамажонов, Д.Куронов, Фиграт ҳақида Б.Қосимов, Ҳ.Болтабоев, И.Ганиевларнинг тадқиқотлари яратилди. Ўзбек адабиётшунослигида Ҳамза, А.Қаҳҳор асарлари, ижодини қайта баҳолаш тамойили кучайди. Б.Назаров, С.Мамажонов, Ғ.Мўминов, О.Шарафиддинов, Л.Қаюмов, Н.Каримовларнинг Ҳамза ҳаёти ва ижоди ҳақидаги тадқиқотлари пайдо бўлди. А.Қаҳҳор ижоди, асарлари О.Шарафиддинов, М.Қўшжонов, У.Норматов, С.Содиқов, Р.Қўчқор, Ҳ.Каримов тадқиқотларида қайтадан, жиддий ўрганилди.

Бадиий асар — хоҳ у лирика, хоҳ наср, хоҳ драма бўлсин — ёзувчининг ижод маҳсули. Фарзанд ота-онага ўхшамаслиги мумкин эмас. Бадиий асар талқин, таҳлил қилинганда, табиийки, ёзувчининг руҳий ҳолати, кайфияти ҳисобга олинади. Адабиётшуносликда бадиий асарни талқин этишда ёзувчи руҳияти, кайфияти — ҳолатини ўрганувчи соҳа бор. Уни биографик метод ёхуд бадиий асарга ёзувчи ҳолати нуқтаи назаридан ёндашиш дейилади. Нафосатшунос олим Юрий Борсеевнинг «Талқин ва баҳолаш санъати» китобининг «Санъаткор ва асар тақдири — маънони очувчи калит» бўлими «Биографик ёндашув» боби билан бошланади. Олимнинг таъкидлашича, бадиий асарга ёзувчининг шахсияти муҳрланган бўладик, шу унсурнинг бетакрорлигини таъминлайди. Биографик ёндашув бадиий асарни ёзувчи шахсияти, руҳий-маънавий ҳолати

¹ Маълумотлар Л.П.Гроссманнинг «Поэтика Белинского» тадқиқотининг «Биографик портрет» қисмидан олинди. «Ученые записки. Том XXXIV кафедра русской литературы. Выпуск 3. Московский городской пединститут им. В.П.Потёмкина. Москва, 1954.

нуқтаи назаридан ўқиниши тақозо қилади. «Санъаткорнинг ҳеч кимникига ўхшамаган тақдири унинг ижоди талқинидаги асосий калитдир»¹. Биографик метод ёхуд ёндашувнинг асосчиси деб француз адабиётшуноси, адиби Шарль Сент-Бёв (1804-1869) танилган. Ўрта аср француз адабиётини, ХУҲ аср поэзиясини, Корнель, Мольер, Лафонтен, Вольтер, Дидро, Бомарше, Руссо, Шатобриан, Гюго, Жорж Санд, Флобер асарларини чуқур ўрганиш орқали у биографик ёндашув методини ишлаб чиқди. «Мени ҳамиша мактубларни, суҳбатларни, фикрларни, характернинг турли ҳолатларини, руҳиятини, бир сўз билан айтганда, машҳур ёзувчилар таржиман ҳолини ўрганиш ром этиб келди»², – деб ёзади Сент-Бёв.

Адабий танқид ҳамиша излани, унинг янги-янги соҳалари пайдо бўлди. Аммо тутилганига 2006 йилда 202 йил тўладиган мўсафид Сент-Бёв қараилари эскиргани йўқ. Аксинча, улар турли йўналиш, нуқтаи назарлар билан баҳс-лашмоқда, ҳақлигини исбот қилмоқда. Париж Жарроҳлар Академиясининг аъзоси, Техрон Озод Ислон Тибб университетининг кафедра мудири, Байналмилал Жарроҳлар жамиятининг Эрондаги вакили, Озарбайжон университетлари ва миллий академиясининг фахрий профессори ва доктори, қалб амри ила адабиётшунослик билан ярим асрдан бери шуғулланиб келаятган Жавод Ҳайбатнинг «Адабиётшунослик»³ китобида «Адабий танқид»га кенг ўрин берилган бўлиб, ахлоқий, ижтимоий, марксистик, психологик танқидга алоҳида-алоҳида тўхталилади. Муаллиф «Психоанализ ва танқид», «Фрейднинг санъат назарияси» сингари масалаларга эътибор беради. Ижтимоий танқид ҳақида фикр юритиб Жавод Ҳайбат XIX асрда яшаган инглиз адабиётшуноси Х.Тейннинг «Инглиз адабиёти тарихи» (1858) китобидаги «Санъат ва адабий асарнинг яратилишида ирк, муҳит ва замоннинг катта таъсири бордир», – деган сўзларини келтиради.⁴

¹ Боров Юрий. Интерпретация и оценка. Москва, «Советский писатель», 1981, стр. 56.

² Сент-Бёв Ш. Литературные портреты. Критические очерки. Москва, 1970, стр. 313.

³ Жавод Ҳайбат. Адабиётшунослик. Боку, «Илим» нашриёти, 1996 (Озарбайжон тилида).

⁴ Уша асар. 50-саҳифа.

Жавод Ҳайбат «Психологик танқид»да санъаткорнинг шахсияти билан асарлари орасида узвий боғлиқлик мавжудлигини таъкидлар экан, 1) асарни ойдинлаштирмоқ учун санъаткор ҳаёти ва шахсиятини тадқиқ этмоқ; 2) санъаткор психологияси ва шахсиятини ойдинлаштириш мақсадида асарларини мисол қилиб келтирмоқ лозимлигини ўқтиради.¹ Табиийки, муаллиф психологик танқид йўлини Сент-Бёв очтапчилигини айтади. «Ёзувчи ҳаётида бош берган ҳолисалар, ичида яшагани паронт, оила муҳити, ўқиган китоблари, бошидан кечирган ишқ можаролари ва бу каби ҳолисалар ҳаммаси ёзувчининг шахсияти ва асарларини яхши англаши учун лозим ва фойдали маълумот таъмин этади». Ж.Ҳайбатнинг таъкидлашича, асарни (унинг маъно қатламларини) ёзувчидан яхши биладиган одам йўқ. Лекин, айти вақтда, бадиий асар қаршисида ёзувчи ҳам биз сингари ўқувчи. Асар ҳамиша янги тафсир, талқинларни юзага келтирадиган, баъзан ёзувчи ҳам ўз маҳсули қаршисида ҳайратта тушади.

Ж.Ҳайбат таъкидлашича, бадиий асардаги барча ҳолатларни ёзувчи психологиясига боғлайвериш тўғри эмас. Ёзувчи асар ёзар экан, ҳам шахс, ҳам санъаткор сифатида намоён бўлади. У санъаткор сифатида йўқни йўндириши, руҳий ҳолатларга ишонтириши мумкин. Берилиб ўқиш, қиссланиш орқалигина ёзувчи руҳиятини асардан топиб олиш мумкин.

Шарль Сент-Бёв психологик танқид, биографик метод асосчиси сифатида ниҳоятда маълум ва машҳур эди. Маркча-ленинча назарияга асосланган шўро адабиётшунослиги буржуазия олими Шарль Сент-Бёв назариясини кўр-кўрона тан олиши, ўзлаштириши мумкин эмас эди. Адабиётшунос В.Бараховнинг ёзишича: «А.В. Луначарский Сент-Бёв яратган портретларни нозик таҳлили, образли услуби боис қадрлаган эди. Айни вақтда у Сент-Бёвнинг биографик методидаги чекланганликларни ҳақли равишда танқид қилган эди»². 20-30 йиллардаги шўро санъатшунослиги, хусусан, адабиётшунослигининг асосий назариячиларидан бўлган А.В. Луначарский (1875-1933) Сент-Бёв назариясини марксизм ғояси

¹ Жавод Ҳайбатнинг юқорида кўрсатилган асари, 51-52-саҳифалар.

² Барахов В.С. Литературный портрет Ленинград, изд. «Наука», 1985, стр. 44.

томон «силжитди». Яъни, Сент-Бёв назариясида ёзувчининг ижтимоий ҳаётдаги мавқеи кўрсатилмаганлиги, бадий асар сиёсий ва мафкуравий нуқтаи назар эканлиги диққатдан соқит қилинганлиги танқид остига олинган эди.

XX асрнинг машҳур олимларидан бири Пётр Капица «Ижодий «бебошлик» ҳақида» мақоласида қуйидагиларни ёзди: «Ахир, даҳолик, аввало, бебошликла намоён бўлади-ку! Одам мавжуд нарсдан қаноат ҳосил қилмагандагина унга эргашмайди, янгисини қидиради. Павлов, Пирогов, Суворов ва Менделеевларнинг таржимаи ҳолидаги бебошликларни эсласак — бебошлик фанда, санъатда, адабиётда, фалсафада ҳамisha янгилик ахтарувчи ва кашф этувчи кишиларга хос хислат, деган хулосага келмай иложимиз йўқ. Шундай қилиб, кишининг салоҳиятини ривожлантирадиган шартлардан бири — бу эркин бебошлик, деган хулосага келиш мумкин».¹

Шўро ҳукмати, коммунистик мафкура истеъдодли кишилар бошини кулфат-фалокатдан чиқармай қўйди. Қанчадан-қанча истеъдодлар йўқ қилинди, шахс сифатида синдирилди, руҳан мажруҳ қилинди. 30-йилларнинг иккинчи ярмида бошга ташвиш тушмаган, ўлим хавфини ҳис қилмаган биронта истеъдодли ёзувчи қолмади, ҳисоби. Ойбек, Ҳ.Олимжон, Миртемир, Ғ.Ғулом сингарилар қанчалик қийналганликлари ҳақида кўплаб манбалар мавжуд. Шундай мураккаб вазиятда ёзувчилар атайин биографияларига ўзгартиришлар кирита бошладилар: асл насл-насабларини яширдилар; ўзларини чаласавод, ўқимаган қилиб кўрсатдилар. Халқ руҳиятига сиғиб қолган хусусият шуки, у ўзини қанча хокисор, оддий оила кишиси қилиб кўрсатса, жамиятда мавқеи шунча баланд бўлган. 2000 йилда проф. С.Мирвалиевнинг «Ўзбек адаблари» китобининг иккинчи, тўлдирилган нашри чоп этилди. Китобга XX асрда ижод этган 175 та ёзувчи ҳаёти ва ижоди ҳақида маълумот берилган. Аксарият ёзувчилар деҳқон, боғбон, ишчи, хизматчи, ҳунарманд-тўқувчи, бўзчи, косиб, маҳсидўз, кулол, темирчи, мастар оиласида туғилган экан. Ўн-ўн бештагина ёзувчи зиёли оилада туғилганини ёзди. Таажжубки, ёши элликка етиб, етмаган ёхуд 20-30-йиллар-

даги сохта ижтимоий муносабатлардан кейин туғилган адабларнинг аксарияти «оддий меҳнаткаш», «оддий хизматчи», «оддий ишчи», «оддий деҳқон» оиласининг фарзанди эканлигини ёзди. 20-30-йилларда «оддий» аниқловчиси бойга, диндорга, амалдорга, синфий душманга, ёзувчи синфга яқин эмас деган маънони билдирди. Ўзбек адабларидан икки нафаригина мусиқа ўқитувчиси, «маталгўйлик, дostonхонлик урф бўлган оилада» туғилганлигини қайд этади. Таржимаи ҳолда моддий-маънавий, ижтимоий-сиёсий томонга эътибор қаратиш керак. Лекин оиладаги руҳий маънавий иқлим ҳароратини четлаб ўтиш мумкин эмас.

Шўро даврида яппа ижод этган ёзувчиларнинг бир қанчаси қамалган, қатагон, сургун қилинган, судланган эди. Муҳими, жабрдийда ёзувчилар айбсиз айбдор бўлганлар: не сабабдан қамалганликлари, қатагонга учраганликларини терговчидан эшитганлар. Қизиги шундаки, шўро даврида сиёсий айблов билан қамалган, қатагон қилинган, бадарға, ҳуқуқсиз бўлган кишилар таржимаи ҳолларида айбсиз айбдор эканликларини, гарчи қўлларида оқлов (айбсизлик) васиқалари бўлса-да, ёза олмас эдилар.

60-йиллардан бошлаб шўро адабиётига ГУЛАГ мавзуси, сиёсий маҳбуслар ҳаёти кириб кела бошлади. 80-йиллардан бошлаб ўзбек адабиётида Шукруллонинг «Кафансиз кўмилганлар», К.Икромовнинг «Отамнинг тергов иши» романлари, Ҳ.Қодирийнинг «Қодирийнинг сўнгги йиллари», Набижон Боқийнинг «Қатагон» қиссалари, С.Аҳмаднинг биографик ҳикоя, бадиалари чоп этила бошланди. Шукруллонинг «Тирик руҳлар» романи ҳам қатагон мавзусида. Биз қатагон деганда фақат 30-йилларнинг иккинчи ярми, 50-йилларнинг бошларидаги қатли ом, сиёсий айблов жараёнларинигина тушунмаслигимиз керак. Ўйлаб, мулоҳаза қилиб кўрилса, шўро ҳукмати Ўзбекистонда мунтазам равишда ҳар ўн йилликда камида бир мартадан «сиёсий тозалаш» тадбирини ўтказиб турган экан. 20-30-йилларда «сиёсий тозалаш» ҳаракати деярли тўхтамаган. 60-йилларда етук олим, арбоблар куткиланганлиги, 70-йилларда миллатчилик кўри-нишларига қарши хуруж, 80-йиллардаги «ўзбеклар иши» минг-минглаб кишиларни қақшатди.

¹ «Жаҳон адабиёти» журналы, 2000 йил, 12-сон, 140-саҳифа.

Шўро давридаги қатагонлар ижодкорлар ҳаётида қора доғ бўлиб қолган, кўплаб асарларда акс этган. Ҳозир таржимаи ҳолларда ўша бедодликларни баралла ёзиш лозим. Шу нуқтаи назардан мен «Ўзбек адиблари» китобини кўздан кечирдим: «Миртемир 30-йилларнинг бошларида номаълум сабабларга кўра қатагон этилиб, «Москва-Волга» канали қурилишига юборилади»¹, М.Шайхзода «Урушдан кейинги тинч қурилиш йилларида қатагонлик жабрини тортган»². «Саид Аҳмад ҳам қатагон даврининг иккинчи тўлқинига (?) дучор бўлган, лагерь азобларини тортган ижодкордир»³. Шухрат ҳам 30-йилларнинг охири, ҳам 50-йиллардаги қатагондан жабр кўрганлиги, 60-йилларда турткилаганлиги ҳақида ёзилган⁴. Табиийки, «Ўзбек адиблари» китобида А.Қодирий, Чўлпон, Фитрат, У.Носир, Сўфизода, Элбек, Ш.Сулаймон, О. Ҳошим 30-йилдаги қатагон қурбони бўлганликлари ёзилган. Ажабки, 50-йиллардаги қатагон ҳақида ҳам бадиий, ҳам публицистик асарларни кўплаб ёзаётган Шукруллонинг қатагонга учраганлиги, «Кафансиз кўмилганлар» романида ёзувчининг қамоқдаги ҳаёти тасвирланганлиги эслатилмади⁵.

С.Мирвалиевнинг «Ўзбек адиблари» китоби муносабати билан ёзувчи таржимаи ҳолига оид яна бир мулоҳазани айтиб ўтиш жоиз. XX асрда Тошкент шаҳри ҳар томонлама ўсди, ривожланди, оламга танилди. Пойтахт шаҳримизнинг ҳудуди тобора кенгайиб бормоқда. XX асрнинг 20-йилларигача Тошкент кичкинагина, мўъжазгина шаҳар эди. 40-йилларда, 60-йилларда (зилзиладан кейин), 80-йилларда Тошкент ҳудуди беқиёс кенгайди.

Мустақиллик йилларида Тошкент гўзал, меъморий қиёфага эга шаҳар бўлиб бораёпти. О.Кўчқорбеков, Р.Абдурашидов, Г.Нуриллаева, Ў.Ҳошимов, М.Мансуров, Зоҳир Аъламли Тошкент ён бақридаги мавзеларда туғилганлар. Ҳозир ҳам туғилган ерларида яшашади. Ў.Ҳошимов ва Г.Нуриллаева, Р. Абдурашидов ва А.Иброҳимов кўшни бўлишган. Салим Кўчқорбеков ва М.Мансуров Қатортолда туғилишган. Лекин мазкур ёзувчиларнинг таваллуд топган ерлари

ҳақида «Ўзбек адиблари» китоби куйидагича маълумот беради. Г.Нуриллаева Тошкент вилоятининг Чоштепа қишлоғида (Чоштепа қишлоқ кенгашига қарашли Дўмбиравот қишлоғида — А.Р.) туғилган» (170-бет). Ў.Ҳошимов Тошкентнинг Дўмбиравот даҳасида... таваллуд топган» (187-бет). Аслида, Дўмбиравот Бешёғоч даҳасига қарашли мавзе бўлган. Ў.Ҳошимов «Дунёнинг ишлари» қиссасида Дўмбиравотдан Янги маҳалла (Бешёғоч)гача йўлни — боғ, узумзор, тупроқйўл, симон кўприкни тасвирлаб берган. О.Кўчқорбеков «Занги ота туманининг Қатортол қишлоғида» (127-бет), Муроджон Мансуров «Чўлпон отанинг ёнбағридаги Қатортолда» (189-бет) туғилган. М.Мансуров туғилган Қатортол мавзеси Бешёғоч даҳасида алоҳида мавқега эга бўлган. Чўлпон отадан (Чўлпон ота эмас-А.Р.) Қатортол манхурроқ бўлган. Қолаверса, М.Мансуров «Жудолик диёри» романида Чўлпон ота, Қатортол, Кўтарма, Катта Қангли, Якка боғ, Изза қишлоқлари табиатини гўзал тасвирлаган. Хуллас, Тошкент ичи ва ташида асрнинг биринчи ярмида туғилганлар даҳа, маҳалла, мавзе тушунчаларига кўра йўл тутсалар — туғилган манзилларини ёзсалар тўғри бўлса керак. Акс ҳолда, Тошкент шаҳар ва вилоятдаги туманлар номи неча бор ўзгарди. Даҳа, маҳалла, мавзелар номи сақланиб келмоқда. А.Қодирий «Ўтган кунлар», «Обид кетмон» асарларида Тошкент даҳалари, мавзелари, маҳаллалари ҳақида яхши маълумот берган. С.Мирвалиев Ғафур Ғуломнинг Қўрғонтеги, Ғайратийнинг Дегрез, Ғ.Зафарийнинг Каттабоғ, А.Авлонийнинг Ўқчи, Шухратнинг Хастимом, С.Аҳмаднинг Самарқанд дарвоза маҳалласида туғилганини ёзади-ю, Ойбекнинг Говкуш, Абдулла Қодирийнинг Эшонгузар, Хуршиднинг Комолон, Ў.Умарбековнинг Миробод маҳалласида туғилганлигини ёзмайди. Китобда Мирмуҳсин, Раҳмат Файзийлар туғилган маҳалла, даҳа номи тўғри кўрсатилган.

Шўро ҳукмронлиги даврида инсон ҳол-аҳволи бузиб ёзилди, ҳолати адоси сакталикларга тўлиб кетди, ҳолати кайфияти сохталikka йўғрилди. Нега? Шўро давлати марксча-ленинча дунёқарашта асосланган бўлиб, лаҳрий фалсафа ОДАМ-у ОЛАМ эгаси, яратувчиси борлигини тамоман инкор этди; оламни тамоман ўзгартириб ташламоққа жазм этди. Марксизм-ленинизм тақдирларни ўйинчоқ деб билди, инсонни

1, 2, 3, 4, 5 Мирвалиев Собир. Ўзбек адиблари. Ўқув қўлланма. Тошкент, «Ёзувчи», 2000, 68, 61, 96, 89, 100-101-саҳифалар.

не-не қийноқ-қистовларга гирифтор қилди. Инсон ҳолати биографияси битилар экан, ғайритабиий, ғайриинсоний тушунчалар асос қилиб олинди. Одам бир ён, унинг тўқиб ча-тилган биографияси бир ён бўлиб қолди. Ҳамиша барча эзгу-ликлар инсон учун дея конституцияга ёзиб қўйилгани ҳолда, шўро даврида барча нарсалар, ҳатто инсон ҳам гоята бус-бутун бўйсундирилди. Давлат халққа эмас, омма-хамма давлат, сиёсат, мафкурани қўлаб-қувватлаш воситасига айланди».

XX аср ўзбек адабиётидаги ғалати тақдирли ёзувчилар-дан бири Ҳ.Ҳ.Ниёзийдир. Ҳамза 40 йил яшади. Унинг ижоди ҳақида 80 йилдан бери мақола, тадқиқотлар ёзилапти, асарлари, синоатларга бой ҳаёти ҳақида баҳс, тортишувлар бўляпти. Ўйлаб кўрилса, 1931-1938 йилларда Ҳамза ҳақида кам ёзилиб, кам гапирилган экан.

Шоир таваллудининг 50 йиллиги, фожиали ҳалок бўл-ганлигининг 10 йиллиги муносабати билан Ҳамза, унинг асарлари яна оғизга тушди. Аниқроғи, Ҳамзани ўзбек шўро адабиёти асосчиси сифатида белгилаш, ҳаёт йўлига асосий асарларини улуғлаш шу вақтдан бошланди. Олим Шара-фиддинов, Сотти Ҳусайнлар «Ўзбек адабиёти» мақолала-рида ёзадилар: «... эски зиёлилар совет ҳукумати позиция-сига мустаҳкам ўтиб, ўзбек меҳнаткаш халқининг маорифи, маданияти учун курашдилар. Бундай зиёлиларнинг энг са-докатли вакили отанин халқ хизматчиси, партиясиз боль-шевик Ҳамза Ҳакимзода бўлди».

Ҳ.Ҳакимзода бугун кучи билан маданиятимизни ўсти-риш йўлида қизғин ишлади. У адабий меросимиздан, халқ адабиётидан совет адабиётини кўтариш учун фойдаланди. У классик адабиётимиздан ва бошқа халқлар адабиётидан Ле-нин-Сталин партияси кўрсатганича фойдаланиб, шаклан миллий, мазмунан социалистик адабиётни тараққий қилди-риш учун кураш намуналарини берди. У эски адабиётимиз-даги энг яхши традицияларни давом эттирди. Навоийдан тортиб энг яхши ёзувчиларимиз томонидан кўрсатилган ва халқ адабиётини ишланган қозилар, муфтилар, эшонлар об-разини қайтадан ишлади»¹.

¹ 15 йил ичида ўзбек совет адабиёти. Тўшам. Нафис санъат Давлат нашриёти, Тошкент, 1939, 32-33-бет.

Ҳамза, сўзсиз, истиснодли адиб бўлган. Лекин унинг марксча-ленинча дунёқарашни дарҳол ўзлаштирганлиги; Октябр тўнгаришидан буруноқ социализм методида асар-лар яратганлиги, асарларида дин пешволарини аёвсиз фолш этганлиги; Ҳамиша эзилганлар томонини олганлиги... Ҳамза биографиясининг тўқилган «янгиликлари» эди. Ҳамза асар-лари коммунистик мафкура нуқтаи назаридан танланди, таҳлил қилинди, таъмирланди. Айниқса, «Бой ила хизматчи» асари янги замон, янги адабиёт, социализм методи қоида-ларига мослаб қайта ёзилди. К.Яшин «Бой ила хизматчи»-нинг таъмирланган биринчи варианты ҳақида тўхталиб ёзади: — «Шу тариқа саҳнабон биринчи вариант вужудга келди ва уни режиссёр Е.Бобожонов билан биргаликда кўриб чиқ-дик. Бироқ бу вариант режиссёрни қониқтирмади, Солиҳ-бой, Ғофир, Жамила, Холмат, Ҳаким, элликбоши, имом, мингбоши, Сифатбуви, қози, пристав образлари бор, лекин Солиҳбой хонадонининг ҳаёти кўрсатилмаган, шуни очиб бермасангиз бўлмайди деб туриб олди.

Драмадаги Ҳожи она, Хонзода, Гулбаҳор, Раҳима хола, Мостон образлари... вужудга келди»¹. Адабиётшунос С.Мелиев «Бой ила хизматчи» ёки тикланган нусха муаммолари» («Ёшлик» журнали, 1989 йил №11, 69-72-бетлар) мақола-сида бошқа йўналиш — ўзбек адабиётшунослигидаги кўчир-мачилик (плагиат)ка диққатни қаратади. Қарийб 50 йил давомида Ҳамза ижоди кенг ўргатилди, ўрганилди. Ҳамза номи нафақат шўро давлатида, балки кўплаб ривожланган мамлакатларнинг зиёли табақалари орасида танилди. Про-фессор Л.Қаюмовнинг Ҳамза ҳақидаги асарлари бир қанча хорижий тилларга таржима қилинди. Ҳамза ҳаёти ва ижоди бир қанча халқаро анжуманларда ўрганилди, баҳс-торти-шувларга сабаб бўлди. Шўро адабиётшунослари, табиийки, Ҳамзани марксча-ленинча дунёқараш, социализм методи талаблари остида — бирёқлама дунёга танитдилар. Хорижлик олимлар Ҳамза ижодининг марксча фалсафа, коммунистик мафкурага тўғри келмаган томонларини ёритдилар. XXI аср тонг отарида ҳолис фикр юритсак, шу нарса аён бўлаяптики,

¹ Комил Яшин. Давр овози. «Совет Ўзбекистони» газетаси, 1989 йил 5 март.

биринчидан, Ҳамза катта истеъдод соҳиби бўлган: катта-катта анжуманларнинг биронтасида ҳеч ким Ҳамзани истеъдодсиз демаган. Иккинчидан, ўзбек адабиётшунослиги, тарти замонасозликка йўл қўйиб бўлса-да, Ҳамза ижодини ўрганиб, тартиб қилиб тўғри йўл тутди: дунё аҳли ўзбек халқининг бой адабиёти, жаҳоний тамаддунини англади, унга ижобий баҳо берди.

80-йиллардан бошлаб Ҳамза ҳаёти, ижодини ўрганишнинг янги даври бошланди. 1988-1989 йилларда Ҳамза Ҳакимзода Ниёзийнинг беш томлик «Тўла асарлар тўплами» («Фан» нашриёти, Тошкент) чоп этилди. Мазкур тўпламнинг кўзгу мисоли Ҳамзани ким эканлигини кўрсатди. Муҳими, Ҳамзани истеъдодли адиб бўлганлиги ҳақидаги фикр ортса ортдики камаймади. Олимлар Ҳамза ҳаётига янги, кенг қўламда ёндаша бошладилар. Академик Б.Назаровнинг «Ҳамза абадияти» (Тошкент, «Фан» нашриёти 1988 йил), академик С.Мамажоновнинг «Барҳаёт Ҳамза» («Фан» нашриёти, Тошкент, 1991 йил), академик М.Қўшжоновнинг «Ҳамза ижодининг эволюцияси» (рус тилида, Тошкент, Ф.Ғулом номидаги нашриёт, 1989 йил), Ўзбекистон Фанлар академияси Тил ва адабиёт институти ходимлари «Ҳамза Ҳакимзода ижоди проблемалари» («Фан» нашриёти-1988), «ФАН» нашриёти Беруний номидаги Давлат мукофоти лауреати Р.Иброҳимова сўзбошиси билан «Жадид адабиёти» руқни остида «Ҳамза» («Фан» нашриёти-1994) тўпламини чоп этди. Проф. Қ.Йўлдошев «Кашф этиш эҳтиёжи» мақола-ласида Ҳамзанинг октябр тўнтаришидан кейинги ҳаётидаги мураккабликларни кўрсатади-да, драматургнинг «Партия мажлиси» драмасидаги баъзи персонажлар характери-ни ёри-тиб беришга ҳаракат қилади: «Драмадаги Аҳмаджон исми персонаж инқилобдан кейин кенг ёйилган одамга белпосанд муносабат, инсон шахсини қадрсизлантириш, одамнинг иш-ини унинг ўзидан устун қўйиш сингари ҳолларни кино-яомуз ифода-лайди. Пьесада шахс эркини топган, партия-вий интизомини нодонларча талбиқ қилиш ҳоллари ҳам қулуга олинади. Персонажлардан бири ўта чанқагану ариқ-дан сув ичишга кўрқади. Негаки, партмажлисда қайнатил-маган сув ичилмасин деб қарор қилинган ва қарорни бузган киши «особий отдел» томонидан ҳибсга олин-иши

мумкин. Партия мажлисида асосан ўзбеклар қатнашаётган бўлишига қарамай, биргина рус Михаилни раис, биргина татар Султонфни қотиб қилиб сайлаш сингари ҳолларнинг тасвирланиши ҳам Ҳамзанинг бадиий нигоҳи ғоят теран бўлганлигини кўрсатади.¹ Янги тузумнинг авра-астарини аниқ кўра олган, бадиий акс эттирган сиймони Шўро ҳуку-мати ардоқлаши, унга кенг имкониятлар яратиб бериши мумкин эмас эди.

Н.Каримов «Ҳамза Тошкентда» мақола-сида муҳим бир муаммога қўл уради. Шўро ҳукумронлиги йилларида Ҳамза-нинг жадид ёзувчилари билан ҳамкорлиги, дўстона алоқа-ларини кўрсатиб беришнинг имкони бўлмади. Мазкур ма-қолада Ҳамза узвий боғлиқ бўлган ижодкорлар, ижодий гуруҳ, ижодий ҳамкорлик хусусида фикр юритилади: «Ҳамза Тошкентта келиши билан, қайд этилганидек, усули савтия мактабларининг бирида таҳсил кўриб, шу мактабдаги ўқи-тиш услубини эгаллаб олди. Ҳали маҳаллий театр тўдалари (трушпалари) ташкил топмаган. Демак, Оврупо тарзидаги театр санъати ҳам пайдо бўлмаган бир пайтда Тошкентта гастролга келган рус ва татар театрларининг спектакллари-га бориб, сахна санъати билан танишди ва унга ихлос қўйди. «Раҳимия» мактабида муаллимлик фаолиятини давом этти-риш жараёнида 1908 йилнинг 11 декабридан бошлаб-қир сифатида ҳурмат қилган ва этагини ушлаган Мунаввар қори билан тез-тез кўришиб, «миллий анжуман»ларда иш-тирок этди. Тошкентлик жадидларнинг бу «миллий анжу-манлар»ида бўлиб ўтган суҳбатлар, шеърхонликлар мустам-лака шароитида яшаётган халқнинг оғир иқтисодий ва мада-ний аҳволи билан танишиш Ҳамза дунёқарашида кескин ўзгариш ясади. Шу даврдан бошлаб у ўз олди-га Фарғона водийсида усули савтия мактабларини очиб, халқни маъри-фатлаштириш вазифасини қўйди ва адабий фаолиятини ҳам худди шу ғояга бўйсундирди. Шиорнинг Тошкентда «охирги муҳаббат ила ортгирдики» аҳбобнинг рўйхатида гар-чанд Абдулла Авланийнинг исми тилга олинмаган бўлса-да, у худди шу даврда атоқли маърифатпарварнинг «Адабиёт ёхуд Миллий шеърлар» деб номланган тўплами билан та-

¹ «Ёшлик» журнали, 1990 йил, 9-сон, 62-саҳифа.

нишди. Олти жуздан иборат бу тўшамнинг биринчи жузъи 1909 йилда, Ҳамза Тошкентдалик вақтида чоп этилди. Шоирнинг кейинчалик «Миллий ашулалар учун миллий шеърлар мажмуаси» ва «Гул» тўшамлари Авлонийнинг зикр этилган китоблари таъсирида майдонга келди. Хуллас, Ҳамзанинг жадид мактаби ва жадид адабиётининг вакили сифатида туғилишида Тошкентдаги «Миллий анжуманлар» ва бошқа учрашувлар муҳим аҳамиятга молик»¹.

Ҳамза Ҳакимзода Ниёзий таваллудининг 110 йиллиги арафасида профессор Л.Қаюмовнинг «Биз билмаган Ҳамза» мақоласи чоп этилди. Илмий фаолияти давомида асосан Ҳамза ижоди билан шуғулланган, аниқроғи, Ҳамза ижодини коммунистик мафкура асосида талқин қилган олим Ҳамза ҳаёти, ижоди ҳақида янги далил, маълумотларни келтиради. Муаллиф Ҳамзанинг ҳеч қачон атеист бўлмаганлигини, муҳит-шароит туфайли у «ўзлигидан, дўстлардан баҳраманд эмас»лигини таъкидлайди. Лазиз Қаюмов мақоласидаги мана бу фикр диққатга сазовордир: «...аввалги илмий ишларда мавжуд Ҳамзани атеист, динсиз деб тақдим этиш барча динларга бирдек қарши бўлган социалистик тузум сиёсатида ҳамзашуносликни ҳам хизмат эттиришга уринишнинг бир кўриниши деб ҳисоблаймиз... Аввал айтганимиздек, шўро ҳокимияти йилларида ҳамзашуносликда, ҳеч шубҳасиз, ҳукмрон сиёсатга мослашиш ҳукм сурди. Шу фикрнинг бир мисоли сифатида Ҳамзанинг Россияга муносабати ҳам фақат ижобий мисол ва баҳоларда ёритилганини эслатиб ўтиш мумкин».²

1999 йилда Ҳамза таваллудининг 110 йиллиги нишонланди. Юбилей муносабати билан Ҳамза ҳаёти, ижодига оид кўплаб мақолалар чоп этилди. Мазкур мақолаларда Ҳамза ҳаёти ва ижодини ҳаққоний ёритиш ва баҳолаш таъмоийли етакчилик қилди.

Ҳамза ҳаёти ва ижоди ҳақида ҳамон янги-янги талқиқотлар чоп этилмоқда. Профессор О.Шарафиддинов «Ис-

¹ Н.Каримов. Ҳамза Тошкентда. «Тафаккур» журнали, 1999 йил, 3-сон, 92-саҳифа.

² Л.Қаюмов. Биз билмаган Ҳамза. «Ўзбекистон адабиёти ва санъати» газетаси. 1999 йил, 29 январ.

тибдод курбони» мақоласида ниҳоятда далил, 90-йилларнинг бошларида ҳам айтилишига ақл бовар қилмайдиган фикрни илгари суради. Яъни, ўзбек шўро адабиётининг асосчиси сифатида авлодлар онгига сингдирилган Ҳамза шўро шоири бўлган эмасмиш. Олим ўз қарашларини бамайлихотир, фактларга, қиёсларга асосланиб исботлайди. М.Булпаков, Б.Пастернак, А.Ахматова, М.Цветаева сингари ёзувчилар шўро замонида яшадилар, аммо социалистик реализм адабиёт намояндаси бўла олмадилар.

«Дарҳақиқат, биз 20-йилларда рус адабиётида ҳам, бошқа миллий адабиётларда ҳам, ўзбек адабиётида ҳам кўпгина ёзувчиларни кўрамизки, улар шўро ҳудудида истикомат қилган, шўро паспортига эга бўлган, шўро идораларида ишлаган бўлса-да, роман ва қиссалар, ҳикоя ва дostonлар, шеърлар ва драмалар ёзган эса-да, «Шўро ёзувчиси» ёхуд «шўро шоири» бўлган эмас. Бунинг энг ёрқин мисоли сифатида С.Есенинни кўрсатиш мумкин. У, албатта, шўро фуқароси эди, лекин уни «Шўро шоири» деб атасак, анча-мунча ноҳақликка йўл қўйган бўламиз. Шу аҳволни Ҳамза ижоди мисолида ҳам аниқ кўриш мумкин — ҳеч шубҳасиз, у шўро фуқароси бўлган. Шўро идораларида ишлаган. Уларнинг турли топшириқларини бажарган... Ҳамза, эҳтимол, шўро мафкурасининг қай бир жиҳатларига хайрихоҳ ҳам бўлгандир. 20-йилларнинг бошида унинг партияга кирганини шу билан изоҳласа бўлади. Лекин уларнинг ҳеч қайсиси ҳали Ҳамзани «шўро шоири» деб таърифлаш учун етарли эмас. Нега? Гап шундаки, ҳали инқилобий воқелик ва революцион мафкура Ҳамза учун ижодий воқеликка, ижод фактига айланиб улгурган эмасди».¹ Танқидчининг мана шу фикриёқ Ҳамза ҳақида, унинг инқилобий ижоди тўғрисида битилган юзлаб мақолаларни йўққа чиқарди.

Таржимаи ҳол қай даражада ҳаққоний эканлигини ёзувчи асарлари рўй-роғ кўрсатади. Шўро даврида нафақат таржимаи ҳол сохталаштирилди. Балки маъхур санъаткорлар асарлари ҳамиша «тахрир килинди», қайчиланди. Навоий, Бобур, Ҳамза, А.Қодирий, Ойбек сингари санъаткор-

¹ О.Шарафиддинов. Истибдод курбони. «Тафаккур» журнали, 2000 йил, 3-сон, 75-76-саҳифалар.

лар асари зинҳор тўлиқ, асл ҳолида чоп этилмади. Навоий асарлари, масалан, деярли «бошсиз» — анъанавий кириш қисмисиз чоп этилди. 1989 йилдан бошлаб чоп этила бошлаган 20 жилдди Алишер Навоий мукаммал асарлари тўплами буюк санъаткор ҳақида яхлит, тўлиқ маълумот беради. XX асрда Навоий ҳаёти ва ижодини ёритишда ҳам не-не сохталик, сакталикларга йўл қўйилмади?! 20-30-йилларда Алишер Навоий ижоди ҳақида ҳар хил — паст-баланд, улугловчи, инкор этувчи фикрлар айтилди. Шўро адабиётшунослигида бошланган вульгар социологизм тўфони Навоийни гоҳ у қирғоққа, гоҳ бу қирғоққа олиб бориб урди. Ҳар хил «изм»лар буюк Навоийга заррача ҳам зарар етказмади: олтин ўтда тобланганлиги мисоли Навоий асарлари ҳам сохта дунёқараш, соцреализм деб аталган ёлғон метод гирдобларида чиникди, ҳаётийлиги исботланди. 1938 йиллардан эътиборан А.Навоий ҳаёти ва ижодига муносабат шўро мафкурасида ижобий тусга кирди. Буюк санъаткор ижоди анча жиддий ўрганила бошланди. Лекин... Навоий муҳити, ҳолати, ижоди замонага, коммунистик мафкурага мослаб талқин этила бошланди. Олим Шарафиддинов, Сотти Хусайн «Ўзбек адабиёти» мақолаларида: «Навоий даврида халқ устидан феодал эксплуатация ҳукмрон эди. Халқ бу зулмга қарши кураш олиб борарди. Навоий халқнинг шу орзу ва истакларини чуқур, ҳаққоний акс эттирди.»¹ — деб ёздилар. Проф. А.Саъдий «Алишер Навоий ижоди ўзбек мумтоз адабиёти тараққиётининг юксак босқичи» номли докторлик диссертациясида О.Шарафиддинов, С.Хусайннинг юқоридаги, Навоий даври ҳақидаги қарашларини янада «бойитди». Чунончи, у Навоийни моддиюнчи, аниқроғи марксча моддиюнчи даражасига кўтариб қўйди. А.Саъдий А.Навоий дунёқарашини халқ кўзгонида таъсирида шаклланганлигини дағал ёзиб юборди. А.Саъдий диссертациясига тақриз ёзган донишманд Е.Э.Бертельс ишдаги замонасозлик унсурларини ётиги билан талқид қилиб туриб, Навоий дунёқарашини ҳақидаги «кашфиёт»га ўзининг кескин муносабатини билдиради. «Навоий дунёқарашини халқ кўзгонида таъсирида шаклланган бўлса, ундан йирик феодал

¹ 15 йил ичида ўзбек совет адабиёти. Тўплам. Тошкент, 1939, 22-саҳифа.

бой эмас, Инкилобчи етишган бўларди. Бу ўта бўрттирини ва модернлаштиришдир».¹ Алишер Навоий ҳақида 40-60-йилларда яратилган бадиий асарларда ҳам уни курашлар майдонида кўрсатиш, кўзгонида ҳамфикр қилиб тасвирлаш тамойили етакчилик қилади. Бу ҳол Уйғун ва И.Султоннинг «Алишер Навоий» драмасида аниқ кўринади. «Навоий» (Ойбек) романида ҳам асосий қаҳрамонни замона монанд йўсинида тасвирлаш унсури сезилади. «Мана, Навоий қапдай буюк сиймо, лекин унга ҳам олим ва адиблар коммунистик мафкуранинг кўзи билан қарар эдилар, — дейди адабиётшунос И.Ғафуров. «Мустақиллик одимлари» суҳбат мақоласида. — Аксинча, Ойбекдек қудратли истеълод соҳиби Навоийни том маънодаги сиймо даражасида яратиб беришлари мумкин эди. У кишидаги иқтидор ҳам билимлар ҳам бунга қодир эди. Лекин, барибир, охир-оқибат мафкуранинг чизигидан чиқиб кетолмаганлар».²

Сўнгги 20-30-йил ичида, айниқса, мустақиллик давридан эътиборан Навоий ижоди ҳаққоний, илмий талқин қилиниб, асарлари мукаммал ҳолда нашр қилинишига эришилмоқда.

Шўро ҳукмронлиги йилларида қийин-қийин истеъдодли, ақлли, билимли санъаткорларга қийин бўлди. Масалан, Ойбек адабиёт майдонига янгиланаётган миллий анъаналар давомчиси, Чўлпон, Фитратлар издоши сифатида кириб келди. Аммо у Чўлпон изидан бориши, Фитратнинг илмий йўсинига қўшилиши мумкин эмаслигини англади.

Ойбек А.Қодирий асарларини ўз истеъдодидаги миллий асос ҳукми-ла севди. Лекин Ойбек олган марксистик билим Чўлпон, А.Қодирий, Фитратни қўллашга йўл қўймас эди. Ойбек ўз истаги, истеъдоди йўналишига зид бориб, Чўлпон, А.Қодирий ижоди ҳақида марксистик руҳдаги тадқиқотлар яратди.

Ойбек Навоий ижодининг асоси, ўзати нимада эканлигини теран англади. Бу ҳол унинг Навоий ҳақидаги мақолаларида кўринди. Лекин у Навоий ҳақидаги асарларида

¹ Бертельс Е.Э. Танланган тадқиқотлар. Москва, «Наука», 1965, 455-саҳифа.

² И.Ғафуров. Мустақиллик одимлари. «Шарқ юлдузи» журнали, 1994, 1-2-қўшма сонлар, 132-саҳифа.

соцреализм андозаларига риоя қилишга мажбур эди. Бошқача айтганда, Ойбек калбида ҳамisha икки тўлқин кураши давом этди. Қалб кураши натижаси шу бўлдики, Ойбек кўнгли истаган йўлдан бораолмади, замон, мафкура гагини айтишга мажбур бўлди. 60-йилларда Ойбек ўз шеърларида бўлмасин, илмий фаолиятида бўлмасин асл ўзлигини йфода-лашга интилишди. Ойбек таржимаи ҳолини ёзганда тазйиқлар, рухий зиддиятлар уни жисман ногирон, руҳан аламзада қилиб қўйганини кўрсатиш лозим.

Бундай рухий-маънавий зиддиятлар Ф.Ғулом, А.Қаҳҳор, М.Шайхзода, Миртемир, Ҳ.Олимжонда бўлмаган дейсизми?! Халқи, юртини севгани, истеълодли бўлгани учунгина отилган Чўлпону Элбеклар, Қодирий-ю Фигратлар, У.Носиру Ботулар руҳида қандай ҳолатлар кечди экан?!

Шўро мустабил тузуми даврида «Агар дуншман таслим бўлмаса, уни йўқ қиладилар» — деган шир энг оммавий эди. Социалистик тузум миллион-миллион кишилар ҳаёти, тақдирини юя учун курашга бўйсиндирганди. Истеълодчилик — ўзлиқни таодиклаш демакдир. Шўро давлати, унинг мафкураси ўзлиқни тасдиқлашни зинҳор истамаган эди. Шўро даврида истеълодчилар ё таслим қилинди, ё махв этилди. Сирли, ваҳимали идоралар рўйхатида туриш, қамаллиш шўро ҳукуматида одатий, сира ажабланилмайдиган ҳодиса эди.

А.Қодирий «Меҳробдан чаён» романи ёзилишидан сал олдинроқ қамалди. М.Шайхзода ҳали 20 ёшга тўлмай туриб, 1927 йида Давлат хавфсизлиги кўмитаси томонидан ҳибсга олинади. Тўхтасин Жалолов, Саид Аҳмад, Шухрат, Мирза-қалон Исмоилий, Ҳамид Сулаймон, Шукрулло сингарилар турли баҳонаи сабаблар билан 50-йилларнинг бошларида қамалдилар. Қамалиш, жамият ҳаётидан зўрлик билан ажратиб ташлаш инсон руҳига, ҳолатига қандай таъсир этишини тасаввур этиш қийин эмас.

Рухий ҳолатда ўчмас из қолдирган ҳақорат, хўрлик санъаткор асарида акс этмаслиги зинҳор мумкин эмас. Чўлпон «Тағўр кимдир» мақоласида бундай ёзади: «Тағўрга ўлимнинг зарбаси ҳам жуда қаттиқ бўлгон. Шунинг учун унинг асарларида «ўлим» тўғрисида кўп учратиладир. 1885-нчи

йилда хотини, ўгли ва кизи ўладир; 1905-нчи йилда кичик ўгли ва отаси ўладир. 1918 да яна бир кизи ўладир».¹

Шўро ёзувчиларининг фожиаси яна шунда эдики, улар ўз ҳолларини, рухий кайфиятларини очиқ-ойдин йфода-лаш олмади эдилар. Марксча-ленинча дунёқараш диалектик ўсиш-ўзгаришнинг табиати таби олар эди. Яъни, «тараққиёт» деган сўз сиёсатда, иқтисодда, илмда, ижодда-бадий адабиётда ҳаминша олға интилиш, галабадан галабага бориш маъносига кўланарди. «Социализмнинг тараққиёти», «иқтисоддаги ютуқлар», «адабиётдаги ўсиш-ўзгариш», «ёзувчи ижодидаги эволюцион тараққиёт» сингари бирикмалар шууримизга сингиб кетган эди.

Бадий асар талқинида ҳам ижодкор руҳияти, асардаги бадий воситалардан кўра эволюцион тараққиёт кай даражада акс этганига эътибор қаратишар эди. Совет кишилари тушунлиқ, инқирозга маҳкумлик капитализмгагина хос деб билар эдилар. Адабий танқид: «Совет ёзувчиси салкам фаришта: у ҳамisha олға интилади, ижтимоий-сиёсий, рухий-маънавий, оилавий жабҳада ўзгаларга фақат ўрناق бўлади, ўлиб бораётган капиталистик мафкурага қарши ўт очади», қабилда фикр юритарди.

«Ўзбек совет адабиёти тарихи» китобининг (1967 йил) 1-жилдидан жой олган «Абдулла Қодирий» танқидий-биографик очерк, 1977 йилда чоп этилган «Абдулла Қодирийнинг ижодий эволюцияси» рисоласининг муаллифи Иброҳим Мирзаев «Ўткан кунлар»дан сўнг «Меҳробдан чаёни»нинг юзага келунига қадар ўтган киска даври «Абдулла Қодирийнинг ижодий эволюциясида ўзига хос бир босқич»² деб қарайди.

Чиндан ҳам, икки романнинг яратилиши оралигидаги муддат А.Қодирий тақдирида, рухий ҳолатида чуқур из қолдирди. Ёзувчи буюк дея кўкларга кўтаришган Октябр инқилобининг асл моҳиятини англай бошлады. «Меҳробдан чаён»ни сингичлаб ўқиган китобхон ёзувчи ҳолатидаги ўзгаришларини сезмаслиги мумкин эмас.

¹ Чўлпон. Адабиёт намуна. Тошкент, «Чўлпон» нашриёти, 1993, 63-саҳифа.

² Мирзаев Иброҳим Абдулла Қодирий ижодий эволюцияси. Тошкент, «Фан» нашриёти, 1997 йил, 77-саҳифа.

Иброҳим Мирзаев бўлса, икки роман оралиғидаги социалистик воқелик тез суръатлар ила тасдиқлана борганлиги, совет санъати ва адабиёти ривожланганлиги, Абдулла Қодирий, қисқа муддат давомида, Москвадаги В. Брюсов номли олий курсада таҳсил кўриб, қарашларида ижобий ўзгаришлар ясалганлиги хусусида ёзади. И.Мирзаев, бошқа тадқиқотчилар ҳам, А.Қодирий «Меҳробдан чаён»ни ёзгунча «Москов хатлари» (1925), «Йиғинди гаплар» (1927) мақолаларини битганини, 1926 йилда ёзувчининг сирли қамалганлигини, судда сўзлаган нутқини четлаб ўтадилар.

«Меҳробдан чаён»ни яратишга киришишдан аввал ёзувчи инқилобий ҳаётдаги жумбоқларни англади, буйруқбоз-тўрачилик асорати илдиз отаётганлигини, тили билан дили бошқа одамларнинг бошқарувда етакчилик қила бошлаганлигини ич-ичидан ҳис қилди. Ёзувчи ҳолатида рўй берган ўзгаришлар «Меҳробдан чаён»да ўз аксини топди. Романда инсон эрки поймол этилган тузум тасвирланган, имонсизларнинг кўпгина образлари яратилган экан, ёзувчи маълум маънода ўзи яшаб турган муҳитдаги норасоликларни ҳам назарда тутди. Инқилоб туфайли меҳроб чаёнлари зумда ўзгариб қолди дейсизми? Инсон табиати жуда секинлик билан ўзгаради. Абдурахмон домла, Шаҳодат муфтилар саллаларини чувалаштириб, Шаҳибек, Ғози эшонлар менидай қоринларини силкилатиб, Гулшанлар эшилиб-буралиб инқилобий ҳаётга қадам қўйдилар, янги турмушга мослашдилар. «Меҳробдан чаён» тарихий роман бўлса-да, битилган даврининг ижтимоий-сиёсий ҳаётини, ундаги камчиликларни сатрлар орасига моҳирона жо эта олган санъат асари намунасидир. Абдулла Қодирий инсон руҳини, табиатини, улуғлигини, ожизликларини чуқур англади. У шуни яхши билардики, инсон табиатини ўзгартириш игна билан қудуқ қазинидай мураккаб, узоқ муддат талаб этадиган ишдир.

М.Шайхзоданинг 1927 йил июль ойида ОГПУ томонидан,¹ Абдулла Қаҳҳорнинг 1931 йил 25 апрелда ДХК томонидан²

¹ Н.Каримов. Булутли баҳор. «Шарқ юлдузи» журнали, 1994, 1-2-қўшма сон.
² Ҳ.Узоқов ва И.Турсунов Салим Тиллахонов иши «Ҳаёт ва иқтисод» журнали, 1992 йил, 11-сон, 65-саҳифа.

қамоққа олинганлиги, маълум муддатдан сўнг ҳибсдан озод қилинганлиги ёзилади. Давлат хавфсизлиги қўмитаси ўзининг собиқ маҳкумларини қанчалик унутмаган бўлса, Сиёсий бошқармада сўроқ берганлар ҳам тақдирларидаги қора кунни сира унутмайдилар. Айниқса, ижодкор аҳли қалбида чанлиқ қолдирган ҳодисани унутиши мумкин эмас эди. Демоктизмизки, тузум қийноғига учраган санъаткор қалб ярасини зинҳор унутмайди: уни барибир қайсидир йўсинда акс эттиради.

Шўро даврида азоб чеккан санъаткорлар асарини талқин қилганда масаланинг шу томонини унутмаслигимиз лозим. Кези келди, таъкидлаб ўтай. Туркия фуқароси Ҳусайн Барган «Жаҳон адабиёти» журналининг 2000 йил, феврал сониде «Мақсуд Шайхзода» номли биографик тадқиқотини эълон қилди. Асар, баъзи фактик чалкашликларни ҳисобга олмаганда, Мақсуд Шайхзоданинг мураккаб ҳаёт йўли ҳаққоний тасвирланган жиддий ижодий портрет бўлиб қолади.

Шўро даврида яшаган аксарият санъаткорларнинг шахсий ҳаёти, ҳақиқий таржимаи ҳоли билан расмий хужжатлараро мослик йўқ. Фафур Фулом ёшлигида ниҳоятда қийналганлиги, дурустроқ илм ололмаганлиги кўпчилик биографик мақолаларда ёзилади. Фафур Фулом асарларини ўқиган одамда ғалати ҳолат пайдо бўлади: наҳотки, дурустроқ билим олмаган одам шу даражада сермулоҳаза, қомусий билим, қувваи ҳофизага эга бўлса.

Ғ.Фуломнинг 90 йиллиги муносабати билан эълон қилинган материалларнинг (Мухаррам Фуломова «Вафодай узун йўл» «ЎзАС», 1993 йил 7 май; В.Рўзиматов «Нодири даврон инсон» «ЎзАС» газетаси, 1993 йил, 7 май) гувоҳлик беришича, академик шоиримиз Бароқхон мадрасасида таълим олган, мударрис Саидаҳроҳ Махсумдан форсийдан сабоқ тинглаган экан.

Шўро даврида яратилган илмий адабиёт, дарсликларда А.Қодирий, Чўлпон, Фитрат, Элбекларни Фафур Фулом, Ғайратий, Ҳамид Олимжон, Абдулла Қаҳҳорга зид қўйиш тамойили мавжуд эди. Сўнгги 5-10 йил ичида пайдо бўлаган хотиралар, суҳбатлар шуни кўрсатмоқдаки, Чўлпон ва Ғ.Фулом ўзаро ака-укадай бўлишган.

Чўлпон ўзининг ёш дўстларини ҳамини қўлаб-қувватлаган. Иззат Султон Фигратнинг аспиранти бўлган. Ойбек, Ҳамид Сулаймонларнинг Абдулла Қодирий билан муносабаби ўта беғубор кечган. Чўлпон, Фиграт, Абдулла Қодирий, Элбек, Ойбек, Миртемир, Уйғун, Яшин, Саид Аҳмад, Ҳамид Гулом, Шухрат, Рамз Бобоҷонлар ҳам аслида ўзига тўқ, оқ-қорани таниган оилада туғилиб тарбия топганлар.

Саид Аҳмад ота-бобоси ҳақида бундай ҳикоя қилади: «Мен яшаган оила, мен дунёга келган хонадон умуман адабиётга, маданиятга яқин оила эди. Масалан, бобом Дадахўжабой Тошкентда 2 та рус-тузем мактабини очганлар. Бу даргоҳда жуда пухта билим бериларди шекилли, кейинроқ 20-30-йилларда масъул лавозимда ишлаган кишиларнинг ҳаммаси шу мактабни битиргандилар. Далам Ҳусанхўжа ҳам шу мактабда таҳсил олганлар. Улар рус тилини ниҳоятда мукамал билганлар. Ўрисча ёзган хатларида биронта хато бўлмасди.

Бобом Дадахўжабой Чорсудан то Самарқанд дарвозагача тахминан 8 км йўлга ўз ҳисобларидан тош тердирганлар... Яна бир бобом, онамнинг отаси Гуломхон қози Тахтапул даҳасининг қозиси эдилар. Раҳматли жуда саводхон эдилар. Бундан ташқари у кишининг матбааси бўлган. Тошбосма. Бу ерда Қуръон босилган. Менда 1334 хижрий (1914 милудий) йилда босилган шу Қуръондан биттаси бор. Унга «Гулом Расул Хўжа Халафий» деб қози бувампнинг муҳрлари босилган»¹.

Хуллас, бадиий асар — ёзувчининг ботиний ҳолати кўзгуси. Бадиий асарни англаш, талқин қилиш, баҳолашда ёзувчи таржимаи ҳоли бекиёс аҳамиятга эга. Ҳаққоний ёзилган таржимаи ҳол бадиий матн руҳини, моҳиятини очишда бебаҳо манбадир. Тийрак талқинчи асар орқали ёзувчи ҳолати ҳақида кўп нарсаларни сўзлаб беради.

¹ Саид Аҳмад. Давр шиддатли, бешафқат. «Шарқ юлдузи» журнали, 1993 йил, 5-6-қўшма сон, 114-саҳифа.

II фасл. МАНГУ АСАР ЁХУД ОНТОЛОГИК ЁНДАШУВ

Инсон хотираси шундай тузилганки, у нокерак, ўткинчи нарса, ҳодисаларни унутди. Аксинча, замон ва макон синовидан ўтган бадиий-руҳоний бойликларни эъзозлайди, уларга бот-бот мурожаат қилади, қайта баҳолаб боради. Ўқимчили, шавқ-завқли аҳли идрок борки, ўнларча боқий асарларни санаб беради. Иккинчи милудий мингйиллик башариятга «Шоҳнома», тўрт машҳур «Ҳамса», «Бобурнома», «Қирол Лир», «Илоҳий комедия», «Фауст», «Жиноят ва жазс», «Уруш ва тинчлик», «Ўткан кунлар», «Кеча ва кундуз», «Чол ва денгиз», «Юз йил танҳоликда», «Қумдаги хотин», «ГУЛАГ ороллари», «Асрга татиғулик кун», «Қиёмат», «Улуғбек хазинаси», «Кўҳна дунё», «Юлдузли тунлар», «Кўнгли», «Йўлчи», «Авюллар довоғи», «Инсон», «Рухлар исёни», «Жаннатга йўл», «Генетика» сингари бебаҳо, барҳаёт асарларни инъом этди. Бадиий бойликларни қадрлаш руҳида тарбия топган халқ борки, боқий асарларни кўнглига, ойга, мовий денгизга, улкан тоққа, ям-яшил дарахтга, унутилмас боққа менгзайди.

Бадиий бойликларнинг мангу барҳаётлиги ҳақидаги тушунчаларнинг илмий-назарий асоси қандай? Моддий, маънавий-руҳоний бойликми, илмий кашфиётми, замон синовидан ўтган, инсонларга наф келтираётган бўлса, ўша ҳақда илм яратилади. Бадиий-руҳоний бойликлар кўпайиб, инсониятга маънавий-руҳий-эстетик таъсир ўтказа бошлагач, боқий асарлар ҳақидаги илм пайдо бўлди. Уни қадимдан юнонча ибора билан **онтология** (яъни илми) деб атадилар. Шарқ-мусулмон адабиётида шубҳасиз, мангу асарлар ҳақида илм пайдо бўлган. Бу илми зурафо, урафолар яратганлар. У ҳам бадиий асарлар моҳиятини, ҳам муқаддас китоблар сифатларини қамраб олган. Даҳо санъаткорлар сўзнинг тирикчилигини, бадиий асарнинг мангулигини Яратганнинг мўъжизаси сифатида талқин этганлар.

Яъни бор экан, ўлим ҳам табиийдир. Мангу асарлар кам яратилади. Лекин ожиз асарларнинг «ўлиши»ни ҳар бир аҳли идрок кузатган, гувоҳи бўлган. Ожиз асарларнинг унутилишга маҳкумчилигини аксарият ҳолларда моҳир танқидчилар исботлаб берадилар.

XX асрда шўро адабиётида минглаб, юз минглаб асарлар яратилди. Ўша асарларнинг неча фоизи янги асрга ўтди экан? Юз минглаб асарлар неча замон синовидан ўтмади, одамлар руҳиятидан жой ола билмади? Ҳар бир одам бетакрор олам. Баъзиларда бетакрорлик кўзга дарҳол ташланади, баъзиларнинг бетакрорлиги ижтимоий-сиёсий-мафкуравий қарашлар таъсирида емирилади. Буюк Қудрат, Яратувчи куч баъзиларга шундай бетакрорлик, қувват берадики, одам уни бошқаришга қийналиб қолади. Улкан истеъдод соҳиблари бетакрор сиймо ҳисобланадилар. Уларнинг хатти-ҳаракатлари, қилмишлари зинҳор қуюшқонга синмайди. Бобур, Машираб, Пушкин, Лев Толстой, Кафка сингари истеъдод соҳибларининг ҳаётларидан қизиқ-қизик, андозага тунмай-диган воқеа-ҳодисаларни сўзлайдилар. Истеъдодли сиймолар яратган маънавий бойликлар Яратганнинг алоҳида рўйхатида туради — унутилиб, йўқ бўлиб кетилишга йўл қўйилмайди. Бошқача айтганда, мангу асарлар Яратганнинг истеъдодли зотлар қулоғига қуйган, кўзига кўрсатган, тили билан айттирган, қўли билан яраттирган мўъжизадир. Мангу асарлар ҳақида гап борар экан, «яратилган» деган ибора қўлланилади. «Яратилиш»да илоҳийлик, ғайришуурийлик, мангулик тамғаси бор. Яратилган қадрият — бадий асар, мусиқа, рангтасвир, амалий санъат замондан замонга ўтаверади, ҳар қандай ижтимоий-сиёсий-мафкуравий муҳитда яшайверади, муҳими, одамларга руҳий-маънавий-эстетик таъсир ўтказаверади. Истеъдод шахсдаги ўзликни, бетакрорликни, ғалатиликни (ижтимоий муҳит билан чиқишга олмасликни) намоён этади. XX асрда яшаган испан мусаввири шу даражада ғалати бўлганки, «Мен билан жиннининг ўртасидаги фарқ шундан иборатки, айнан мен жинни эмасман»¹, деган гапни айтган.

XX асрнинг 80-йилларида рус адабиётига кириб келган Вячеслав Пьесух «Китобхон кундалиги» эссесига ёзади: «Масалан, Иван Алексеевичнинг хотираларини охиригача ўқиб чиқсанг, бутун вужудинг жимирлаб кетади, негаки унинг хотираларида қайси бир ёзувчини олма, ҳаммаси ё

¹ И.Шомуродов. Сальвадор Дали: улуғворлик ва манманлик фалсафаси. «Моҳият» газетаси, 2001 йил, 8 июн, 46-сон.

телба бўлган ёки жилла бўлмаса, қай бир даражада «бир қайнови кам» бўлган»¹. Муаллиф Зинаида Гиппиус, Куприн, Успенский, Лев Толстойларнинг «бир қайнови кам»лигига мисоллар келтиради.

Истеъдодли инсонлар жамиятда «ўзлик»ларини имкон қадар намоён қилишга ҳаракат қиладилар. XX асрнинг машҳур олимларидан бири Пётр Капица «Ижодий бебошлик ҳақида» мақоласига ёзган: «Ахир даҳолик аввало бебошликда намоён бўлади-ку! Одам мавжуд нарсдан қаноат ҳосил қилмаганидигина унга эргашмайди, янгисини қидиради. Павлов, Пирогов, Суворов ва Менделеевларнинг таржимаи ҳолидаги бебошликларни эсласак, бебошлик фанда, санъатда, адабиётда, фалсафада ҳаминша янгилик ахтарувчи ва кашф этувчи кишиларга хос хислат, деган хулосага келмасдан иложимиз йўқ. Шундай қилиб, кишининг салоҳиятини ривожлантирадиган шароитлардан бири — бу эркин бебошлик, деган хулосага келиш мумкин!»² Истеъдодлилар XX асрда, Шўро давлатида ҳам бисёр эди. Аммо коммунистик партия, янгича дунёқарашдаги кишилар истеъдодига менсимасдан муносабатда бўлди.

Шўро ҳукумати даврида ёзувчилар саноғи кўп, аммо истеъдодлилари кам эди. Социалистик тузум ёзувчиларни «лабораторияда тарбияланидай» инсоният эшитмаган тажрибани амалга оширди. О.Шарафилдинов «Чўлпонни англаш» асарида ёзади: «Ҳукмрон мафкура, айниқса, ҳар нарсани синчиклаб тагига етадиган, ўринсиз ва ilmoқли саволлар бериб жонга тегадиган, мустақил фикрли, истеъдодли ёзувчилардан безор эди. Шунинг учун айни йилларда «талант» буржуа олимлари ўйлаб чиқарган нарса» деган гаплар чиқди, «станокдан адабиётта» деган шиорлар ташланиб, илгор ишчилардан ёзувчилар ясала бошланди. 30-йилларнинг бошларида ана шундай ясама ёзувчиларнинг асарларини ўз ичига олган «Бизнинг довруг» деган мажмуа чиқаришган эди. Унга юзга яқин муаллифларнинг шеърлари, ҳикоя ва очеркларини киритилган. Қизиги шундаки, оламга довруг солган

¹ «Тафаккур» журнали, 2001 й, 2-сон, 72-саҳифа. Эссе таржимони Озод Шарафилдинов.

² «Жаҳон адабиёти» журнали, 2000 йил, 12-сон, 140-саҳифа.

адабиётта кириб келган шу юз ёзувчидан лоақал биттаси кейинчалик адабиётда яшаб қолмади. Шунга қарамай, ҳукмрон мафкура йўқсулардан чиққан қўлбола ёзувчиларни қўлаб-қувватлашда давом этди. Бу ишда унга манкуртликни мукамал егаллаган, бичилган танқид ёрдам берди.¹ Истеъдодли санъаткорлар «буржуа тарафдори», «меҳнаткаш халққа ёт унсур», «вақтинчалик йўловчи» сингари баҳонаи сабаблар билан ижтимоий ҳаётдан сиқиб чиқарила бошланди. Ёзувчи, ҳар қанча истеъдодли бўлмасин, тирик жон, одам яшаш учун курашади, шароитга мослашади. Ғафур Ғулом масалан, Селмашнинг дегрез шоирини мақтаб шеър ёзди. Ҳамид Олимжон бахт юз ўтирган юрт ҳақида «Бахтлар водийси» шеърини яратди. Шоир Уйғун 1937 йил 10 августда (Сталин репрессияси авж олаётган кўтарилаётганда — А.Р.) «Тасолиф» (таржимаи ҳолимга) шеърини яратди:

Бу, мен кўрган асл кунларни
Аждодларим кўрмаган сира,
Улар учун бугун қойноғ
Кўринарди туманли, хира.
Севинч билан ўтар кунларим
Гул умримнинг долазориди,
Бахт қўлини куйлапар баланд
Гул асримнинг асил торида.²

леб ёзади. Қанчадан-қанча ижодкорлар жаллоднинг маддоҳига айландилар.

Истеъдодли одамга ҳеч қачон, ҳеч қасрда осон бўлмаган. У ижтимоий-сиёсий-мафкуравий, адабий-маданий-илмий зиддиятларни енгиб, уларга қарши бориб ўз кашфиётини, қадриятини яратган. Мангу асарлар, қадриятларнинг ички тузилиши, тартиботи ўрганилса, уларда зиддиятлар кураши, рухий ҳолатлар аро «инкор» этиш ҳаракати мавжудлигини сезиш мумкин. Онтология ўзига хос қонун-қоидалар воситасида бадий бойликларнинг янговчанлик сабабиятини

ёритиб беради. Онтология инсоннинг ҳиссий фаолияти самараси, интуиция — кўнгил кўзи билан кўриш, юракдан ҳис этишга асосланган. Тиббиёт инсон табиатидаги тириклик, яшаш сабабларини, касалликлар, уларни даволашни ўрганади. Онтология қадрият, бадий бойлиқнинг «ҳаёти», «тириклиги», «узок умр кўриши» манбаларини ёритади. Бадий бойлик, қадрият «ҳаёти, тириклиги», жонзотлар ҳаёти каби зиддиятлар курашига асосланган. Бадий асар табиатида қандай зиддиятлар бор? Биринчидан, асар моддий неъмат сифатида маданий ҳаётда пайдо бўлиши биланок ўзини намоён этишга, маданий қатламдаги ўрнини белгилашга ҳаракат қилади: қайсидир асарларни дарҳол инкор этади, китобхон оммаси аро тарафдорларини белгилай бошлайди.

Иккинчидан, бадий асар қалб майилининг меваси, айни вақтда ақл, тафаккур неъмат. Қалб ва ақл аро асрий зиддият, кураш мавжуд. Ақл ҳамisha инсонни билиб қадам босишга, келинишга, муросан мадарага ундайди, қалбнинг ўз майл, қонунлари бор.

Ақл чексиз фазога ҳоким,
Ақл ҳоким олам юзига.
Борлиқ унга бўйсунар,
Лекин юрак кирмас унинг сўзига.

Шундан бир ён бошласа ақлим,
Бошқа ёнга етақлар юрак.
Билолмайман қай бири ҳақли,
Қай бирита инсонмоқ керак.¹

Ақл ва кўнгил баҳси мангудир. Демак, ақл ва юрак ҳаётини тасвирлаган асарда мангу яшаш имкони бор. Ҳамма гап истеъдодда. Ақл ва юрак баҳси ҳаммага аён. Истеъдодли зотгина бу баҳсни энг юксак даражада акс эттириши мумкин. Чингиз Айтматовнинг «Кассандра тамна»си асарида ақлнинг баъшият ривожини бошқариш ҳақидаги қараш юрак майли, худонинг иродаси тупунчаси олинди чекинади.

¹ Эркин Воҳидов. Юрак ва ақл. Шеърлар. Тошкент, «Ёш гвардия», 1963, 7-саҳифа.

¹ О.Шарафиддинов. Чўлпонни англаш. Тошкент, «Ёзувчи» нашриёти. 1994, 27-28-саҳифалар.

² Уйғун. Асарлар 6 томлик. 1-том. Тошкент, Ғафур Ғулом номидики нашриёт-1974, 103-саҳифа.

Учинчидан, бадий асар ёзувчининг ўзлиги ифодаси. Айни вақтда у ижтимоий ҳодисадир. Ёзувчи ҳамisha ўзлиги, қалби билан ижтимоий муносабатлар орасидаги зиддият маркази. Жамият ёзувчидан ижтимоий руҳиятни, мафкура-ни акс эттиришни ҳар хил йўллар билан талаб этади. Ирода-ли, ўзлиги қатъий ижодкоргина борлигини ижтимоий-мафкуравий-сиёсий қарашларга тобе қилиб қўймайди. XX аср шўро адабиётида ёзувчи иродаси, ўзлиги кучли синов-дан ўтди. Коммунистик мафкура ижодкор ўзлигини инкор этишга, тобе бўлишга жон-жаҳди билан ҳаракат қилди. Ис-теъдоднинг сиёсий-мафкуравий тазйиққа қарши бош кўта-риши — XX аср совет даври ҳаётининг асосий руҳий-маъ-навий-ижтимоий-мафкуравий зиддиятидир. 30-йилларда фирқавий, мафкуравий асарлар ёзган Ғафур Ғулом, Ойбек, Ҳамид Олимжон «Шум бола», «Наъматак», «Офелия», «Пушкин» сингари эркин руҳ ифодаси бўлган асарларини яратдилар.

Тўртинчидан, бадий асар орзу билан реаликнинг му-тапосиблашуви. Адабий матннинг серқатламлилиги деганда идеал ва борлиқ аро зиддият, аини вақтда мутаносиблик назарда тутилади. Бадий асар шунинг учун идеалки, у ҳамisha эзгу истакларни намоён этади. Бадийлик табиати мавҳум истакларни эмас, мавжуд ҳаётнинг ич-ичидан кел-тириб чиқарилган идеал тасвирини тақозо этади. Абдулла Қодирий «Калвак Маҳдумнинг хотира дафтарида», «Тош-қўлат тажанг нима дейди?» асарларида ҳаётнинг аччиқ, ма-лол келадиган ҳақиқатларини, аниқроғи, ўлимга маҳкум удум-олатларни ич-ичидан ёритиб беради. «Ўткан кунлар», «Меҳробдан чаён»да нурга йўғрилган ҳаёт ҳақиқатлари акс этган. Нур ва ҳаёт мураккабликлари мазкур асарлардаги мангу зиддият кўринишидир.

А.Қодирий асарларида ҳали етарлича талқин қилинмаган оталар ва болалар муаммоси бор. Мазкур масала анъана ва янгилик, аниқроғи, замон руҳи сингиб бораётган анъана-ларнинг таркиб топиши тарзида кўринади. XX аср ўзбек адабиётида оталар ва болалар муаммоси турли кўриниш-ларда намоён бўлди. Мазкур муаммонинг ўткир қирраси шуки, бола ота-она олдидаги бурчини адо эта олмай қол-ганлигини кечроқ, вақт ўтгач, ҳис қилиб қолади. Чингиз

Айтматовнинг «Асрга татиғулик кун» романи, «Алвидо, Гулсари» сингари қиссаларида бола бошида парвона бўла-ётган ота-она образи кўпроқ тасвирланди. О.Ёқубовнинг «Диёнат», П.Қодиоровнинг «Юлдузли тунлар», «Авлодлар дово» романида шу руҳ бор. Ўткир Ҳошимовнинг «Икки эшик ораси» романида, Шукр Холмирозевнинг «Қора ка-мар» драмсида болаларини ўйлаётган ота-оналар руҳи, қалби акс этди. Ўткир Ҳошимовнинг «Дунёнинг ишлари» қиссаси барча танқидчилар томонидан юксак баҳоланган-лигининг боиси шуки, унда фарзандлик бурчи, узилмаган қарз олами бугун мураккаблиги, зиддияти билан акс этган. Онтология — руҳий зиддиятлар, унинг миқёси даражасини аниқ кўрсатувчи руҳоний таълимот.

Академик М.Храпченко машҳур адиблар, ўлмас асарлар-нинг тарихан босиб ўтган йўлига назар солар экан, ғалати хулосаларга келади. Масалан, Шекспир ва унинг асарлари босиб ўтган йўл баланд-пастликлардан иборат эди. Класси-цизм даврида Англиянинг ўзида Шекспир асарлари кўпчи-ликда салбий таассурот қолдирган экан. Баъзи талқиқот-чилар Шекспирнинг комедиянавислик маҳоратини сал-пал-тан олган эканлар, холос.

XVIII асрнинг 30-йилларида француз китобхони учун Шекспирни Вольтер кашф этган, уни даҳо эканлигини ис-ботлаган экан. Шекспирни реалист ёзувчилар ниҳоятда улуглаганлар. Пушкиннинг «Борис Годунов» асарида Шекс-пир таъсири кўзга яққол ташланади. Қараптки, Л.Толстой Шекспир ижодини қадрламайди. М.Б.Храпченко Пушкин асарларининг биографиясини Шекспир ижодий тақдири сингари кузатади, қизиқарли маълумотлар беради.

Л.Толстой: «Замон — адабиётнинг элаги», — деган экан. Унингча, Гётенинг ўтгиз икки жилд асари босилган бўлиб, улардан нари борса икки томли асаргина яроқлидир. Замон унинг ўзга асарларини ортда қолдириб кетди. Замон битта асарнинг ўзини ҳам ҳар хил баҳолар экан. Масалан, бир пайтлар «Анна Каренина» асаридаги Левин йўналиши — унинг қишлоқда шахсий хўжаликларни тиклаш ҳақидаги фикри ҳеч кимни қизиқтирмай қўйди. М.Храпченко таъ-кидлашича, ҳар бир миллат, халқ машҳур санъаткор ижо-дидаги ўз менталитетига, руҳига мос томонларни танилайди.

Масалан, ҳиндлар ҳаминша Л.Толстойни диний мутафаккир сифатида улуғлаганлар. Машҳур назарийчи ва мунаққид А.Горнфельд «Бадиий асарни изоҳлаш ҳақида» мақоласида: «Машҳур асар ёзиб бўлинганида уруққа ўхшайди: у яхши заминга тушса кўкаради, улутворлик касб этади, аксинча, тошлоқ, қурғоқ ер донни қуритиб ташлайди. Тарих буюк асарларнинг ўсиб-улғайишида бекиёс имкониятдир», — деган экан. Шу мунаққиднинг ёзишича, ҳар бир авлоднинг ўз Гамлети бўлганидай, ҳар бир китобхон ўз Гамлетини кашф этади. Академик М.Б.Храпченко санъат асарларининг — драмалар, мусиқа асарларининг замонавий талқинлари ҳақида ҳам мулоҳазалар юритади.¹

Бадиий асар табиатидаги тириклик манбаи, онтологик асос ҳақида «Художественная рецепция и герменевтика» (Москва, «Наука» — 1985) китобига кирган мақолаларда асосли, илмий қарашлар баён қилинган. Машҳур олим М.М.Бахтин: «Биронта фикр янги ҳам, сўнги бор айтилаётгани ҳам йўқ. У занжирнинг ҳалқаси, холос, уни занжирдан узиб олиб ўрганиб бўлмайди».² Булфор олими Ц.Тодоров ишончига кўра: «Номатдан пайдо бўлган биронта матннинг генезиси (келиб чиқиши) ҳақида гап бўлиши мумкин эмас. Истисносиз бирон матннинг бошқаси асосида қайта ишланганлиги ҳақида гап бўлиши мумкин».³ Инсоният айтмаган гап, билдирмаган фикр қолмаган. Бадиий асар ўзида шу пайтгача яратилган асарларнинг мухтасар тажрибасини акс эттиради. Ҳар бир санъаткор дунёни ўзича кўради, ўзича тасвирлайди; кўрган-билганларини замонавий қарашлари билан бойитади, тўлдиради. Санъат қонуни шундаки, матнда аллақачон айтилган фикр ифодаланган бўлса-да, ёзувчи асарини бетакрор, ўзига хос ҳодиса сифатида ўрганамиз,⁴ деган фикрни «Бадиий асарнинг изоҳланиши ҳақида» (А.Горнфельд) мақоласида ўқиймиз.

¹ М.Б.Храпченко. Творческая индивидуальность писателя и развитие литературы. Москва, «Советский писатель», 1972, стр. 207-241.

² М.Бахтин. Эстетика словесного творчества. Москва, 1979, стр. 340

³ Ц.Тодоров. Поэтика. В книге: Структурализм: «за» и «против». Москва, 1975, стр. 98.

⁴ Горнфельд фикри «Художественная рецепция и герменевтика» (Москва, «Наука», 1995) китобининг 231-саҳифасидан олинди.

Бешинчилан, бадиий асарда ўзига хос воқелик яратилади. Ёзувчи аниқ, изчил гоё ва образлар орқали ўз бадиий дунёсини яратади. Мана шу яратилган дунё орқали изчил концепция, реал олам ҳақидаги қараш пайдо бўлади. Бундай асарларни талқин қилганда тасвирланган ҳаёт реал борликқа қай даражада мос, монанд, деган савол қўйилмайди. Бундай асарлар талқинида инсонлардаги руҳият, маънавий зиддият қай даражада акс этганлиги ўрганилади. Мурод Муҳаммад Дўстнинг «Лолазор» романи ўзбек насрида ўзига хос кўриниш. Муаллиф воқеа-ҳодисаларни ўзига хос ракурс орқали тасвирлайди, баҳолайди. Муаллиф асар қаҳрамонлари хатти-ҳаракати, қилмиши, муносабатларига умумжаҳоний тамаддун юксаклигидан боқали, биқиқлик, муносабатлардаги торлик, чекланганлик устидан аламли, руҳни қийнайдиган баҳо чиқаради. Аҳли идрок: «Наҳотки, шундай эдик, сохталик ҳам шунчалик иддиэ отиб кетадими, ҳаётимиз нақ томоша саҳнасига менгаб қолган экан», деган хулоса чиқаради. Бу хулоса, баҳо китобхонни қийнайди, руҳий исканжага солади.

«Лолазор»да қаҳрамонлар бир гапни гапирадилару ўзга мақсадни кўзлайдилар. Назар Яхшибоев ўзида соддалик имиджини (ниқобини) пайдо қилган. Одамлар унинг телба-тескари, пала-партиш гапларидан, оила эъзолари-ю, шогирдларига қилган муомалаларидан куладилар. Лекин Назар Яхшибоев ўта устомон, кимга қандай муносабатда бўлишни сув қилиб ичиб юборган одам. У қаерда бўлмасин, ким билан гаплашмасин, ўз манфъатини кўзлайди. Назар Яхшибоев ҳеч кимни яхши кўрмайди: хотинига ишонмайди, катта ўғли ўзиникилигига шубҳа билан қарайди. Ошподан у қанча яхшиликлар кўрган, лекин имкон топилса дўстига ҳам хиёнат қилинга тайёр. Назар Яхшибоев одамларга ишонмайди, аммо улардан меҳр-оқибат, садоқат куғади. Унинг қилмиши тикан уруғини ерга қадаб, буғдой ҳосилини кутган анойининг ҳолатини эслатади. Мурод Муҳаммад Дўст қаҳрамонларини, улар орасидаги муносабатларни шу даражада аниқ, нозик биладикки, асарини эмин-эркин, ўйнаб-ўйнаб ёзади.

Ёзувчи Эркин Аъзам ўзбек халқи босиб ўтган ижтимоий ҳаётга ўз нигоҳи, ракурсидан муносабатда бўлади. Унинг «Отойининг туғилган йили» қиссаси ўзига хос асар. Мурод Муҳаммад Дўст сингари, Эркин Аъзам ҳам зиёлилар деб

номланган қатламни бадиий «текширув»дан ўтказди. Ёзувчи чала мулла олимлар, кийиниши ўта замонавий бўлгани билан рухий дунёси қаншоқ ёш-яланглар ҳаётини тасвирлайди. Қисса ғалати таассурот туғдиради: маъно бошқа-ю, баҳо бошқадай. Аслида, ёзувчи пичинг, кесатув орқали ўз қарашларини ифодалайди. Эркин Аъзамов қисса ва ҳикояларида ижтимоий муҳитга қарши турган серзарда, ғайратли, ҳеч нарсадан тап тортмайдиган йигит образи яратилади. У ўз муҳити билан жангга киришади. Бундай ҳолни ёзувчининг кўплаб ҳикоя, киноқиссаларида ҳам учратиш мумкин.

Ёзувчи Тоғай Мурод «Отамдан қолган далалар» романида янги ғояни ўзига хос ижтимоий муҳит орқали ёритиб беради. Ёзувчи асарларидаги шартлилик, мажозийлик, умумлаштирувчилик сингари хусусиятларни англаб етмасдан, уларни талқин қилиш мумкин эмас. Тоғай Мурод ҳаётни тасвирлашда бадиий умумлашмадан унумли фойдаланади. У оқ подшонинг Скоблев сингари генераллари билан қизиллар ҳукуматиинг Полтарацкий, Успенский, Чанишев сингари амалдорлари аро катта фарқни кўрмайди. Оқ генералми, қизил комиссарми, барибир ўзбекни кирган, косасини оқартирмаган. Тоғай Мурод Клара Ходжаевна тимсолида барча қизил мафкура намояндаларини акс эттирган. Дехқонқул — ўзбек деҳқони, қишлоқ аҳлининг умумлашма характери. Дехқонқулнинг хотини, онаси рўшнолик кўрмаган ўзбек аёлининг ёрқин тимсоллари. Тоғай Мурод романида конкретлилик ва умумлашма, симпатия ва антипатия, онгсизлик ва гурур, сохталиқ ва самимийлик, садоқат ва нафрат ўзаро қоришиб, бирлашиб кетган. Роман руҳидаги бундай зиддиятлар унинг онтологик асосини мустаҳкамлайди. «Отамдан қолган далалар» романида изчил тасвир, услубий бетакрорлик, сўзни чертиб-чертиб танлаш муҳим онтологик аҳамиятга эга. Афсуски, Тоғай Мурод асарлари ҳали теран талқин қилинмаган. Улар ҳақида энди-энди тадқиқотлар пайдо бўлмоқда.

«Отамдан қолган далалар» романи билан Эркин Воҳидовнинг «Ўзбегим» қасидаси, Чўлпоннинг «Бузилган ўлкага» асари аро узвий боғлиқлик бордай. Мазкур уч асарда ўзбек халқининг XX асрдаги фожиаи, мураккаб тақдири акс этгандай. Яна шуки, онтология таълимотида инсоннинг турли

хил алоқаларини акс эттирувчи қатламлар мавжуд. Шундай қатлам борки, унда «мен» — «биз» боғлиқлиги ёхуд «мен» — «миллат» (элат, халқ) тақдири акс этади. Ўзбек адабиётида ҳозиргача «мен» — «мен» ёхуд шахснинг турлича бадиий талқини; «мен» — «сен» ёки бир одамнинг иккинчи бир одам билан ижтимоий, шахсий, севги сингари алоқалари кенг акс эттирилган.

Сўнгги йиллар ўзбек поэзиясида инсоннинг ўзини ўзи англаши муаммоси жиддий талқин этилмоқда. Инсон руҳиятидаги ҳаёт, зиддият, фалсафий-руҳоний талқин ҳеч кимни бефарқ қолдирмайди. Абдулла Ориповнинг «Бир қарасам» шеърида ўзини ўзи англаш, рухий ҳолат, ички кураш акс этадики, у асарнинг умри боқийлигини таъминлайди:

Бир қарасам, дўсту ёрдан кўнглим тўқдай,
Бир қарасам, атрофимда ҳеч ким йўқдай.
Бир қарасам, суянчиқдай болаларим,
Бир қарасам, улар синиқ лолаларим.
Бир қарасам, бу дунёда бахтим борлай,
Бир қарасам, буткул олам мента торлай.
Бир қарасам, муродимга етгандайман,
Бир қарасам, кўзим очиқ кетгандайман.
Бир қарасам, шону шуҳратга йўлланман,
Бир қарасам, эндигина туғилганман.¹

Сўнгги йиллар ўзбек адабиётида инсоннинг жонсиз табиат, наботот ва ҳайвонот олами билан узвий боғлиқликда кўрсатувчи «мен» — «ҳамма нарса» қатлами акс этапти. Мисол тариқасида Тоғай Муроднинг «От кишнаган оқшом», Нормурод Норқобиловнинг «Тоғ одами», «Қоялар ҳам йиғлайди» қиссаларини келтириш мумкин. Мазкур қатлам халқ оғзаки ижоди намуналарида кенг тасвирланган. Ўзбек адабиётида «мен» — «яратган ҳамма нарсамиз» қатлами ёхуд инсон фарзандининг табиат ва жамият бағрига тўла кириб бориши, «мен» — «қоинот» қатлами ёки илмий-диний-фалсафий қарашларни яхлитликда акс эттирган мураккаб асарлар ҳали кўп эмас.

¹ А.Орипов. Бедорлик. Шеърлар. Тошкент, «Ёзувчи», 1999, 91-саҳифа.

Биз юқорида XX аср ўзбек адабиётида яратилган минглаб асарлар йўқ бўлиб кетганлигини ёзган эдик. Демак, истеъдодсиз ёзилган, табиатида зиддиятлар кураши акс этиб турмаган, ҳаёт қатламлари бадиий талқин қилинмаган асарлар иссиз йўқолди. Айниқса, сиёсий-мафкуравий тазйиқ, тарғибот таъсирида ёзилган асарлар йўқ бўлди.

Истеъдодли, кучли шахсларнинг асарлари ҳаётда ўз ўрнини сақлаб қолди. Истеъдод ҳақида гапириб, унинг Оллоҳ томонидан суйган бандаларига берилишини айтдик. Яна шуниси борки, истеъдоднинг иккинчи кўриниши тинимсиз меҳнатдир. Ўлмас асар яратган санъаткор борки, у тинимсиз меҳнат қилиш, изланишнинг завқ деб билган. Изланишдан ҳузур қилган истеъдод (даҳолар) инсоният босиб ўтган фалсафий-бадиий-маданий йўлни чуқур ўзлаштирганлар. Даҳо санъаткорлар асари ўзига хос энциклопедия, билимлар мағзи акс этган маданий майдон. Ўлмас асарларни ўзлаштириш учун улардаги сўзлар, атамалар маъносини чақиш лозим.

Шундай асарлар борки, уларда машҳур санъаткорлар, файласуфлар, пайғамбарлар, олимлар номи, улар яратган асарларга ишора бор. Демакки, мазкур асарни ўзлаштириш учун қўшимча қанчадан-қанча асарларни билиш жоиз. Масалан, Жеймс Жойснинг «Улисс» асарини ўзлаштириш учун ўнларча манбалардан хабардор бўлиш лозим. Рауф Парфи, Абдували Қутбиддин, Фахриёр сингари шоирлар асарларида тарихий номлар, асарлар, диний тариқатларга ишоралар борки, уларни ўзлаштириш учун маълум тайёргарлик босқичини ўташ жоиз. Омон Мухторнинг сўнгги йилларда яратилаётган романиларида ҳам ўзлаштирилиши лозим бўлган маълумотлар кўп.

Онтология тарихини айтиш, бадиий асарнинг «жони»ни кўрсатиб бериш, матидаги қатламлар ҳақида сўз юритиш фойдали, албатта. Лекин онтологияни англаб етиш йўллари қандай? Оддий китобхон асарнинг «тирикчилигини», мазмундорлигини қандай билиб олади?

Ниҳоят, китобхонни асар руҳига олиб кирадиган, унга «раҳнамолик» қиладиган куч борми? Бизда китобхонлик муаммоси бўйича кўп ташкилий масалалар ёритилган. Лекин ўқиш, ўзлаштириш ҳолати ҳақида тадқиқотлар яратилмаган. XX асрнинг 70-йилларидан эътиборан Ғарб

адабиётшунослиги, рецензив эстетикасида ўзлаштириш, ўқиш ҳолати жиддий ўрганила бошланди.

Бадиий матн икки босқичда ўқилади, ўзлаштирилади. Эвристик ўқишда асар бошдан охиригача, бетма-бет ўзлаштирилади. Шу босқичда асар маъноси қабул қилинади. Ретроактив мутлолаа борки, унда ўқиб бўлинган асар энди қайтадан хотирада тикланади. Бу босқичда ўзлаштирилган маънонинг аҳамияти ҳам англашилади.

Ўқишнинг икки босқичида асар китобхон томонидан талқин қилинади, баҳоланади. Ҳар қандай матн китобхон томонидан ўзлаштирилади. XX асрнинг 70-йилларидан бошлаб бадиий асар ва китобхон масаласи жиддий ўрганила бошланди. Бу ишни италиялик олим, семиотика профессори Умберто Эко, америкалик олим М.Рифатер ва бошқалар бошлаб бердилар. Германиялик олим В.Изер «Имплицит китобхон» (1976), «Ўқиш ҳолати» (1978) номли китобларида янги масалаларни қўйди. (Бу масалага яна тўхталинади — А.Р.). Ёзувчи кўнглидаги, унга маъқул ўқувчи имплицит дейилади. В.Изер ёзувчи қалбидаги ўқувчини имплицит деса, С.Фишер уни «ахборотга бой — информированный» ўқувчи дейди, Э.Вулф қарағича, бу «тасаввурдаги» ўқувчи.

Ёзувчи ўқувчининг саволхонлик, маданий даражасини ҳисобга оладими? Албатта, олади. Кўпчилик ёзувчилар ўртача ўқувчига мўлжаллаб асар ёзадилар. Бундай асарларга нисбатан «ёпиқ матн» ибораси қўлланади. «Ёпиқ» асарда ёзувчи китобхонни эриштиради, асарида ўқувчига мўлжаллаб «белгилар» қўяди. Мен ўртача ўқувчига мўлжаллаб ёзилган асарлар сирасига «Ўтган кўнлар»ни киритган бўлардим. Кумуш Отабекка қараб бир мартагина «Сиз ўшамми?» деган саволни беради. Лекин китобхон қулоғи остида ҳаммиса «Сиз ўшамми?» саволи жарағлаб туради. Отабек ҳар жойда, ҳар бир қилмишида «Сиз ўшамми?» деган саволга жавоб бераётгандай бўлади. Бошқача айтганда, «Сиз ўшамми?» деган савол ортида Отабекнинг мардлиги, садоқати, синовларга чидами ўлчанаётгандай бўлади. Отабек уста Олим уйида бўлар экан, Ҳомидлар билан чапанича жангга киришар экан, «Сиз ўшамми?» деган синов олдида тургандай бўлади. Отабек борлиғи «Сиз ўшамми?»да очилса, Кумушнинг сев-

гиси, садоқати, ақли, зийраклиги Зайнабга қиёсда кўзга ташланади. Менинг назаримда, ёзувчи Кумушни синаш, унинг борлигини тўла ёритиш учун асарга Зайнаб образини киритгандай туюлади. Асардаги мукаммал, идеал образлардан бири, шаксиз, Юсуфбек Ҳожи. У ўз умрини мазмунли яшаб бўлаёзди. Лекин Юсуфбек Ҳожи қариганида дабини тишлади, қилган ишидан илк бор пушаймон еди. Бу ўринда мен икки авлод — Юсуфбек Ҳожи ва Отабек орасидаги зиддиятни назарда тутяпман. Отабек ота-она ризоси билан қилинган ишга қарши. У ота-она ризосига қарши бормаиди-ю, бугун борлиги билан бу ишга қарши эканлигини сездиради. Ота-она ризолиги ҳақидаги масала Хушрўй ва унинг оила қуришга боғланиб кетади. Ўйлаб кўрилса, Хушрўй — Отабек сингари ёшлар авлодининг намояндаси. Хушрўй қилган ишларни Отабек ҳам қилиши, ота-онасининг шармандасини чиқариши мумкин эди. Юсуфбек Ҳожи мана шу хавфни сезди: хато қилганини билиб қолди. Хуллас, «Ўтган кунлар»даги воқеа-ҳодисалар ўзаро узвий боғланиб кетган, улар ўта поэтиклик билан бошқарилиниб борилади.

«Очиқ матн» — асар нима? Ёзувчи ўқувчини эртангириб юрмайди. Аниқроғи, унинг асари ўртача ўқувчигамас, билангон — сезгир китобхонга мўлжалланган. «Очиқ» асарда ёзувчи услубни мураккаблантириб боришдан, ўқувчини шошириб қўйишдан чўчимайди.

«Очиқ» асарларни адабий мутолаа тажрибасига эга, услуб мураккабликларини ҳис қиладиган ўқувчи ўзлаштиради. Кенгайтирилган семема — «Очиқ матн»ли асарларда тил нормаларида қечкиниш — аграмматикалиятлар учрайди. Масалан, «Отамдан қолган далалар» романининг биринчи жумласидаёқ нормадан чекиниш, аграмматикалиятга дуч келамиз: «Мен фарғоначи Жамолддин кетмон набираси бўламан». Аниқроғи, «фарғоначи» ҳам, «кетмон» ҳам мураккаблик.

Тажрибали китобхон матн ичра матн бошланганлигини сезади. У асар услубидаги мураккаблик — матн ичра матн кўринишларига тайёрлана бошлайди. Услуб мураккабликлари дарҳол бошланади: «фарғоначи» деган одам қисқа-қисқа, қофияли-қофияли гапларни босиб-босиб гапирди. Масалан, «Ибодин соқов пир-пир чошиб қўя бергани»ни, Оқпошшо малтиқ пешлаб, Ибодин соқов чуйдасини кўзлагани»ни ай-

тади. Асарда тарихий шахслар билан тўқима тимсоллар қоришиб кетади, замон тушунчасидаги конкретликка путур етади.

Матн ичра матини «Лолазор» романида кўриш мумкин. «Йигирма йил аввал эди, куз эди, еру осмон тиниқ. Ва осмонда ўргимчак ишлари оҳиста сузардики, Назар Яхшибоевнинг ҳаслига айна чиройли ўй келди»; «Қорувули», «Саркашлик», «гажирлик», «иддао» сингари баландпарвоз сўз, бурама жумла романининг ғайриодатий, ички мураккабликларига эгалитидан далолатдир. Асардаги бундай оҳанг, бурама жумла, олифта сўзлар китобхонни хушёр торттиради, ғайриодатий воқеалар гирдобига шўнғинишдан дарак беради. Лекин моҳир китобхон бундай «Очиқ матн»дан завқлана бошлайди.

Ўқувчи бадиий олам ажойиботларидан бохабар бўлгани боис бундай ғалатиликларни ҳал қила олади. Туйғулар оламини акс эттирувчи асарларда ҳислар, таъин ҳолатлар, эстетик бойликлар тасвири бир-бирига яқинлашиб келади. Анна Ахматова, Борис Пастернак, Андрей Вознесенский, Иосиф Бродский, Рауф Парфи, А.Қутбиддин, Фахриёр асарларида шундай яқинликлар учрайди. Бадиий асарлардаги лингвистик ва адабий ўзига хосликлар ҳақида М.Рифатер «Поэзия семиотикаси» (инглиз тилида, Лондон — 1987) асарида маълумот беради.

Адабий матн ва китобхон масаласи Европа, англо-америка адабиётида кенг ёритилган. Бизнинг адабиётимизда 80-йиллардан бошлаб «очиқ матнли» мураккаб асарлар яратила бошланди. Мен бу ўринда Мурод Муҳаммад Дўст, Тоғай Мурод, Хушид Дўстмуҳаммад, Назар Эшонқул пасриши, Рауф Парфи, Йўлдош Эшбек, Чўлпон Эргаш, А.Қутбиддин, Фахриёр назмини назарда тутяпман. Лекин ҳозирги ўзбек танқидчилигида бундай асарлар талқини Н.Раҳимжонов, Б.Акрамов, Қ.Йўлдошев, А.Отабой, Б.Рўзимухаммад, У.Ҳамдамовларнинг айрим мақолаларида кўзга ташланган, холос.

Матн ва китобхон боғлиқлиги яна бир муаммони келтириб чиқаради. Маълумки, ҳақиқий бадиий асарларнинг тирикчилиги, онтологик моҳияти кўп жиҳатдан ўқувчига боғлиқ. Талқинчи, танқидчи ҳам аслида етук ўқувчи, ҳис қилувчидир.

Гарб олимлари тадқиқотларида матн ва ўқувчи боғлиқлигигамас, матн моҳиятидаги ўқувчига ҳам эътибор берилган. Ёзувчи қалбида ҳам албатта ўқувчи бор. Биз уни имплицит китобхон деймиз. Биронта ёзувчи йўқки, у ўз қалбидаги ўқувчига эга бўлмасин. Мана шу, қалбадаги ўқувчи «имплицит», «тасаввурдаги», «ўрнак бўлувчи», «ахборотга бой» дейилади. Ёзувчи қалбидаги ўқувчи матн моҳиятига ҳам сингийди. В.Изернинг ёзишича: «Унинг (ўқувчининг) томири матн қурилмасига қоришиб кетган, уни (асарни ўқийдиган) китобхон билан қўшиб юбормаслик керак». Олмонийлик бу олим мазкур фикрни «Ўқиш ҳолати» китобида ёзган.¹

Матн қурилмасига сингдириб юборилган китобхон реал ўқувчи ҳолати, кайфиятини ҳис қилади. Матн қурилмасидаги китобхон билан реал китобхон орасида алоқа ўрнатилиши асарнинг онтологик асосини белгилайди.

Рус тадқиқотчиси А.Н.Белецкий муаллифнинг «ички, руҳий суҳбатдошлари» деган атамани қўллади.² Белецкий фикрича, ички суҳбатдош — руҳдаги ўқувчини а) келажак авлод; б) ҳаммаслак; в) ағёр, рақиб; г) руҳий баҳсчи; д) мавҳум куч — халқ, башарият дейиш мумкин. Озод Шарафиддинов «Ҳаётийлик жозибаси, схематизм инерцияси» мақоласида шўро ёзувчиси қалбида тергаб турувчи каттиққўл муҳаррир руҳи бош кўтаришини ёзади.³

Шарқ китобхони учун бадиий асар (ғазал, дoston)даги келажак авлодга мурожаат, дўст билан суҳбат, ағёрдан нолиш туйғулари яхши таниш. Ҳозирги ўзбек поэзиясида ҳам келажак авлод — ўғил, набира; дўст-ҳамфикр билан суҳбат, рақибдан нолиш туйғулари аниқ сезилади.

Абдулла Оринов «Генетика», «Нутқ» сингари шеърларида руҳдаги ўқувчига мурожаат қилади. Шоир Эркин Воҳидовнинг кўпчилиқ шеърлари баҳс, руҳдаги ўзар ки-

тобхон билан тортишиб ёзилганлиги сезилади. Бир пайтлар олимлару ёзувчилар аруз вазнига ҳужум бошладилар.

Эркин Воҳидов «Ёшлиқ девони»даги «Дебоча»да руҳдаги «ғазал» жанри душмани билан баҳслашади. Шоир ғазал бўстонига кирмоқчи, Навоий билан бу бўстонни кезмоқчи бўлади. Ниҳоят лирик қаҳрамон «мунаққид» — ғазал жанри душмани билан баҳслашади.

Эркин Воҳидов ўз устозларининг гўзаллик ҳақидаги шеърларини билар, лекин ҳамма билган нарсаларини айтиши мумкин бўлмаган бир пайтда — 1962 йилда «Гўзаллик» шеърини ёзади. Бу шеърда ҳақиқий гўзаллик бор, руҳ бор. Айни вақтда бу шеър «Гўзаллик ишлайиш, манглайни терлатиш» мисралари билан баҳсланиб ёзилган эди.

Э.Воҳидов — табиатан халқпарвар, миллатпарвар шоир. Ўзбек халқи камситилаётган, тарихдаги буюк ўрни ҳаспўшланилаётган бир пайтда шоирнинг «Ўзбегим» асари ярагилди. Бу шеърда ҳам баҳс, тортишув руҳи сезилади.

Бошқача айтганда, шоир қалбидаги баҳсчи — китобхон «Ўзбегим» қасидаси матнининг руҳ-руҳига сингиб кетган. Қасидани ўқиган реал ўқувчи асар матни қурилмасидаги ўқувчи билан дарҳол тил топишади. Руҳдаги ўқувчи ва реал китобхон «Ўзбегим» асарининг онтологик асосини мустаҳкамлайди.

Шундай қилиб, онтология таълимотида реал, ҳаётдаги ўқувчи билан матн қурилмасига сингдирилган ботиний, шоир руҳидаги ўқувчи учрашади. Матн руҳидаги ўқувчи реал ўқувчига ўз замони, замондошлари, адиб (шоир) руҳияти ҳақида хабар беради. Реал ўқувчи эса узоқ замонлардан етиб келган асарни ўз замони, макони, замондошлари руҳий ҳолатлари билан бойитади. Натижада, узоқ замонларла яратилган асар янги замон, ёш авлодга хизмат қила бошлайди.

Онтология таълимоти табиатида плагиат тушунчаси билан баҳс, тортишув ҳолати бор. Плагиат деганда кўр-кўрона кўчириш, матни ўзлаштириш, «ўтирлаб олиш»гина тушунилмайди.

Г.Э.Фон Грюнебаумнинг «Основные черты арабо-мусульманской культуры» (Москва, «Наука», 1981) китобида «Арабий назарияда плагиат концепцияси» деган мақола бор. Унда адабий матннинг ўрганилиши, ўзлаштирилиши йўллари,

¹ У.Эко, М.Рифатер, В.Изер китоблари ҳақидаги маълумотлар О.Солюхинанинг «Ҳозирги Гарб адабиётшунослигида «китобхон» концепцияси» мақоласидан олинди. Китоб: Художественная рецепция и герменевтика. Москва, «Наука», 1985, 212-239 саҳифалар.

² Ўша асар. 212-239 саҳифалар.

³ О.Шарафиддинов. Ҳақиқатга салоқат. Адабий-танқидий мақолалар. Тошкент, 1989, 162-саҳифа.

сарқ (плагиат)нинг кўриниш ва номланишлари ҳақида фикр юритилади. Арабларда «бадиъ»нинг кўчириб олиниши гуноҳи азим ҳисобланган.

Мутабака (антитеза), тажнис, ташбеҳнинг — бадий топишмаларнинг ўзлаштирилиши каттиқ қораланган. Лекин маънони ўзлаштириш айб ҳисобланмаган. У ҳаммага тааллуқли¹.

Шарқ адабиётидаги сайёр сюжетлар масаласи ҳам маънонинг умумийлигидан келиб чиққан. Бундан юқорида айтиб ўтганимиз, М.М.Бахтиннинг янги, айтилмаган фикр қолмаган деган мулоҳазаси ўз исботини топади.

Демак, инсоният ўз имконияти даражасидаги фикрларни айтиб, мавжуд маъноларни ифодалаб бўлган. Бадий асар деганда мавжуд фикр, маъноларнинг бетакрор, безавол янгилик йўсинида, истейлод билан ифодаланган тушунилади.

Маънолар, ҳаётий ва инсонлар ҳақидаги барча гашлар айтиб бўлинган экан, демак, ўтмишга яратилган асарларнинг моҳияти, мазмуни бизга таниш.

Демак, таниш маъно ифодаланган матн руҳи, қурилмадаги ўқувчи билан реал китобхон орасида яқинлик, умумийлик бор. Мана шу умумийлик бадий асарнинг мангу тирикчилигини — онтологик асосини исботлайди. Онтология, бошқача айтганда, инсонлар аро руҳий яқинлик риштасининг ҳамшиша лавом этиши, узлуксизлигидир.

Онтологик ёндашув ёзувчининг истейлоди, билими, маданияти, китобхон руҳиятига раҳнамолик қила билиши даражасини кўрсатади. Бадий асарнинг мангу барҳаёлиги ҳақидаги қараш санъаткорнинг улут сиймо эканлигини амалда — таҳлил, талқинда кўрсатишдир.

Онтологик ёндашув масаласининг изчил ёритилиши миллий танқидчилик, талқинчиликнинг таракқиёти кўрсаткичидир.

¹ Г.Э. Фон Грюнебаум. Основные черты арабо-мусульманской культуры. Москва, изд. «Наука». Главная редакция восточной литературы, 1981, стр. 133.

III фасл. ТАРИХИЙ — ФУНКЦИОНАЛ ЁНДАШУВ ЁХУД БАДИЙ АСАРНИ ҚАЙТА БАҲОЛАШ

Инсон хотираси — мўъжиза: тинимсиз ишлайди, янгиликларни узлуксиз қабул қилади, саралайди. Хотиранинг гаройиблиги шундаки, у номуҳим, ўткинчи, назифасини ўтаб бўлган воқеа-ҳодисаларни, маълумотларни, муносабатларни унутади. Унутини — янгиликка йўл очини, мангу хотираларни излаш йўлидаги имконият. Қоинот — мангу, сайёрлар — собит деймиз, ўзимизни шунга кўликитирамиз. Олами кабирдаги мангуликларга ишопганимиздай, олами сағирдаги мангу, унутилмас қадриятларни муқаддас биламиз, уларнинг ўчмас бўлиб муҳрланишига ҳаракат қиламиз. Жаҳон адабиётида «шоҳ асарлар», «мангу руҳоний бойлик» мақомини олган қадриятлар борки, ҳар бир миллат, ҳар бир замон кингиси улардан бир нечтасини дарҳол айтиб беради. XX аср кишини қайси шоҳ асарларни, мангу қадриятларни тугилмасдан, дона-дона айтиб бериши қундай равшан. Изоҳ лозимки, ҳар бир миллат, диндош ўзига, руҳига, менталитетига қадрдон асарларни биринчи бўлиб айтади.

Шарқ-мусулмон дунёсида ўзбекнинг ўз ўрни, илмий-эстетик салоҳияти, зурафалик даражаси кўзга дарҳол ташланади. XXI асрда ҳам назиктаб ўзбек китобхони жаҳон адабиётининг ўлмас асарларини юксак қадрлайди. Айни вақтда зиёли, нафис дидли ўзбекнинг мангу асарларни белгиланда ўз йўсини, тартиботи бор. Ўзбекнинг гўзалликка, бадийлик оламига муносабатини Алишер Навоий ижодида бўлган юксак эътиқодий тасаввур этиши мумкин эмас. Ўзбекнинг руҳоний оламида Навоий асарлари мисли қуёш, зиё, гўзалликнинг доимий манбаи.

XX асрнинг 70-йилларида А.Навоий ижоди ҳақида талайгина асарлар яратилди. Ўзбекистон Фанлар академиясининг Тил ва адабиёт институти жамоаси томонидан яратилган беш томлик «Ўзбек адабиёти тарихи»нинг иккинчи томи (30 босма табоқ) тўдалитишча Алишер Навоий ҳаёти ва ижоди бағишланди. Олимлар Навоий яшаган ижтимоий муҳитни, шоир лирикасини, дostonларини, илмий-назарий,

биографик асарларини жиддий таҳлил этдилар. Бу асар Навоий маҳоратини, буюк истеъдодини конкрет таҳлиллар мисолида кўрсатса-да, мутахассисларга, филология билан махсус шуғулланувчиларга мўлжалланганлиги сезилиб туради. «Муфрадот», «Муҳокаматул — лугатайн» асарлари арузнинг вазн, руқн, схемалари ҳақидаги мулоҳазалар, табиийки, мутахассислар диққатини жалб қилади. Азиз Қаюмовнинг «Фарҳод ва Ширин» сирлари» (1979), «Садди Искандарий» (1975) сингари рисолалари шоҳ асарлар талқинига мисол бўлади. Биз Алишер Навоий дostonларидан парчалар ўқишга, айрим ҳикоятлар хусусидаги қарашларни ўзлаштиришга ўрганган эдик. Ойбек, И.Султонов, В.Зоҳидов, А.Қаюмов, А.Ҳайитметов, А.Абдуғафуров сингари олимлар Навоий асарларини чуқур ўзлаштирган, улар ҳақида аниқ концепцияга эга бўлган ҳолда баъзи асарларни талқин қилишга киришдилар. Азиз Қаюмовнинг Навоий дostonлари ҳақидаги рисолалари китобхон учун ниҳоятда тансиқ. Танқидчи шоҳ асарларни ўз даврининг талаб ва эҳтиёжлари нуқтаи назаридан таҳлил қилади: асардаги шу кун учун муҳим бўлган муаммоларга диққатни қаратади. Бу жиҳатдан Азиз Қаюмовнинг «Алишер Навоий» номли биографик асари диққатга сазовор. «Ажойиб кишилар ҳаёти» туркумидаги бу асар «Ёш гвардия» нашриётида 1976 йилида чоп этилди. Бу асар кўпроқ ёш китобхонларга мўлжалланганлиги сезилиб туради. Муаллиф Навоий ҳаёти ва ижоди ҳақида қизиқарли, оммабош ҳикоя қилиш йўлини танлайди. «Алишер Навоий» кенг китобхонлар оммаси диққатини жалб қилди.

Профессор Азиз Қаюмов 80-90-йилларда Абу Райҳон Беруний, Абу Али ибн Сино, Аҳмад ал-Фарғоний, Фурқат ҳақида биографик асарлар яратди: халқимизнинг улуг фарзандлари ҳаёти, илмий-ижодий фаолияти хусусида кенг китобхонлар оммасига зарур материаллар берди. Илмий-техника тараққиёти, информация-глобаллашув жараёни тобора авж олаётган ҳозирги пайтда ўрта асрларда яшаган, фан ривожига бебаҳо ҳисса қўшган алломалар ҳақида ёзиш зарур эди. Бошқача айтганда, илм-фаннинг юксак даражада ривожланишига Беруний, Ибн Синолар муносиб ҳисса қўшганлар. Байналмилаллик, халқлар ўртасидаги ижтимоий-сиёсий, адабий-маданий муносабатлар ривожланиб бораётган ҳозирги

пайтда Фурқат сингари санъаткор ҳақида ёзиш улар асарларини кенг тарғиб этиш зарур эди.

80-йилларнинг ўрталаридан бошлаб ўзбек мумтоз адабиётининг етук намояндалари ҳаёти ва ижоди ҳақида кенг китобхонлар оммасига мўлжалланган, ҳозирги адабий жараён билан узвий боғланиб кетадиган мақола, бадиа, рисолалар яратилмоқда. Адабий танқид кенг китобхонлар оммаси руҳиятидаги ўзгаришларни, адабий-эстетик талабларни нозик ҳис этади. Халқда мумтоз адабиётнинг етук санъаткорлари ҳаёти ва ижодини, шоҳ асарлардаги ўлмас гоёларни англаб етишга қизиқиш кучайган. Алишер Навоий ғазали билан айтиладиган «Қаро кўзим», «Жонизоримни», «Айлагач...», «Куйида йиғлар эдим...», «Шифои васл қадрин...» (Фузулий), «Жамолинг соғиниб...» (Бобур), «Ўртар» (Машраб) сингари қўшиқларни жон қулоғи билан тингламайдиган ўзбекни учратиш амримаҳол. Сўнгги йилларда мазкур қўшиқларнинг матни, улардаги гоёвий-бадиий гўзалликларга қизиқиш ортди. Газета ва журналлар «бир қўшиқ (ғазал) талқини» руқнини очдилар. Эркин Воҳидов Алишер Навоийнинг бир неча ғазалларини нозик, теран талқин қилиб берди. Комил ишонч билан айтиш мумкинки, гўзалликни ҳис қилувчи барча кишилар бу талқинларни тўла ўқиб олди. «Ёшлик» журналида Алишер Навоийнинг «Қаро кўзим» (1987 йил, 2-сон), «Ҳар лабинг...» (1987 йил 6-сон), «Каманд учига еткурмас...» (1987 йил, 7-сон) ғазалларининг Нажмиддин Комилов томонидан қилинган талқини берилди. Мазкур талқинлар Навоийнинг буюк санъаткор эканлигини аниқ-равшан кўрсатди. Ҳар бир ғазал бадиийликнинг юксак намунаси, пурмаъно хазина мисоли. Мазкур талқинларда Навоийнинг дунёқараши, бадиий маҳорати узвий бирликда, боғлиқликда акс эттирилди. Шоҳ асарларнинг бош фазилаги шундаки, уларда маъно қат-қат бўлади. Ижодкор маҳорати шунда кўринадики, у маъноларни, ўлмас гоёларни сиқик сатрларга, мўъжаз ғазалга жо қила олади. Талқинлар шуни исботладики, Навоий ғазалларининг ҳар бир мисраси шунчалик пухта, зички, уларга нарвон қўйиб «пастга тушини», маънолар қатламини бир-бир ўрганиш мумкин. Н.Комилов талқинларида синчиклаб таҳлил қилиш (микрo-анализ) кўзга аниқ ташланади. Ғазал — маъноси кенг, сиқик

бир дунё. Талқинчи бу дунёдаги ҳар бир белги, нуқтага синчиклаб بازار солсагина маънолар оламини қамраб ола билали.

Мунаққид — жонли адабий-тарихий жараённинг фаол иштирокчиси, аниқроғи, уфқи кенг йўналишларга йўл очувчи, адабий ҳаракатдаги вазиятни синчиклаб кузатиб борувчи. Айни пайтда мунаққид адабиёт тарихидаги машҳур санъаткор, ўлмас асарнинг доимий мухлиси бўлиши мумкин. Иброҳим Гафуровнинг «Ўттиз йил изҳори» тўпламидан Навоийнинг «Лайли ва Мажнун», «Фарҳод ва Ширин», «Сабъан сайёр» дostonлари ҳақидаги мақолалар ўрин олган. Мазкур мақолалар тарихий-функционал ўрганишга ёрқин мисол бўла олади. Мунаққид «Хамса»ни бутунги китобхон тушунчаси, қарашлари нуқтаи назаридан баҳолайди. Сир эмас, дили шаклланаётган ёш ўқувчи, китобхонлар «Хамса»даги dostonлар қаҳрамонлари руҳиятида рўй бераётган жараён, ҳолатларни ҳазм қилолмайди. Иброҳим Гафуров «Лайли ва Мажнун» dostonи ҳақидаги мақоласини ота ва ўғил ўртасидаги адабий суҳбат тарзида қўрган. Ўғилнинг «Ота, нега Қайс тез-тез ҳушидан кетиб қолаверади? Одам шунча кўп ҳушидан кетиши мумкинми? Мен ҳеч ҳушидан кетган одамларни кўрмаганман. Айтинг, нега шундай?» — деган саволни «Лайли ва Мажнун» dostonи мавзусида дарс ўтадиган ўқитувчи доим ўқувчидан эшитади. Афсуски, аксарият ўқитувчи ўқувчини қониқтирадиган жавоб бермайди. Иброҳим Гафуров ўғил саволига жавоб берган: doston моҳиятидаги ғояни ифода этган. Лекин, очиги, ўғилга берилган жавоб мени қониқтирмайди. Эҳтимол мунаққид ошнқ қалбли инсон ҳақида кенгрок, Навоий қарашлари асосида жавоб бергани маъқулрок бўлармиди. Балки инсон туйғуларида асрлар оша ўзгариш бўлганлиги, илмий-техника тараққиёти кишиларни сертуйғу эмас, ақлли, ўта удлабурон қилиб қўяётгани ҳақида тўхталиш лозимиди. Ҳар ҳолда ўғилнинг лўнла, шу куннинг руҳи тўла акс этган саволи етарли, қониқтирарли жавобга эга бўлмайди.

Иброҳим Гафуров Навоий «Хамса»си ҳақидаги мақолаларида инсон руҳияти масаласини асос қилиб олади. Инсон ўзгариб кетди. Янги одам пайдо бўлди. Янгича қарашлар инсон борлигини қамраб олди, деб лоф урамай. Жилдий-

рок ўйлаб кўрилса, инсон руҳияти, адабий тушунчаларга муносабати улча ҳам ўзгариб кетгани йўқ. Шоирнинг маъломат тоши мунаққидга отилганига ҳаммаша қойил қоламан.

Эй мунаққид, сен газални
Кўҳна деб камситмагил,
Севги ҳам Одам Атодин
Қолган инсон қонида

(Эркин Воҳидов)

Инсон қонида мавжуд, ҳали узок-узок умр кўрадиган фазилату кусурлар талайгина. Абдулла Орипов «Ижоднинг безовта онлари» суҳбат-мақоласида қуйидагиларни ёзди: «Агар мен Данте билан суҳбатдош бўлиб қолсам нима ҳақида гаплашар эдим? У менга энг яқини замондош бўларди. Асар бундан олти юз эллик йил бурун ёзилган. Шундан бери одамлар ўзгармабди. Аксинча, иллатлар кучайибди. Дантедан порахўрлар, ўғрилар, ҳасадтўйлар, лаганбардорлар ва ҳоказо-ҳоказолар кўриб келади. Шунинг учун ҳам унинг бу асари доим актуал»¹. Бундан ронша роса минг йил муқаддам Шоми шарифда Абдул Аъло ал-Мааррий (973-1057) деган шоир жўшиб ижод қиларди. Унинг шеърларида разолатдан, фисқ-фукр, гийбат-хиёнатдан полиш туйғулари акс этган. Шу шоир ҳақида умрининг қарийб 60 йилини муҳожирликда ўтказган Аветик Исаакян (1875-1957) етти сура (боб)дан иборат doston ёзган. «Абул-Аъло ал-Мааррий» (1909-1911) dostonида асосан ал-Мааррийнинг ўз асарлари асос қилиб олинган. Шоир кўн шеърларида одамларнинг тубанликларидан, сотқинликларидан шикоят қилган: у жамоdot, наботот, ҳатто хайвонот оламини инсонлар тўдасидан аъло деб билган. А.Исаакян dostonида хусусан мана бундай мисралар бор:

Товланиб инсон тили ёлтонни пинҳон этди, бас,
Этди пинҳон, бўлмади ҳақгўй ҳатто бир нафас.
Талшин, эй қарвон, илдамрок биёбонлар томон,
То тошай мисдай қизиб ётган тоғу тошдан макон.

¹ Орипов А. Ижоднинг безовта онлари. «Ўзбек тили ва адабиёти» журнали, 1987 йил, 4-сон, 76-саҳифа.

О, илон ин кўйса майли, унда чайламга бироқ,
Менга бас, инсон зотида дийр аро бўлсам йироқ.
Учраса у дўст бўлиб очгай менга багрин яна,
Сеҳрлаб ёлгон ила, сочгай бўса захрин яна.

А.Исаакян достони кўплаб халқлар тилларига таржима қилинган. Уни рус тилига Валерий Брюсов, Павел Антокольский ўттирган. Достонни ўзбек тилига шоир А.Мухтор таржима қилган. Мазкур таржима ҳақида М.Маҳмудов мақола ёзиб, «Аҳли дил» китобига киритган. Ажаб, ал-Мааррий минг йил муқаддам одамларнинг ёвузликларидан шикоят қилган. Абул-Аълодан роппа-роса 900 йил кейин вафот этган А.Исаакян араб шоирининг инсонлардан нолиб ёзган шеърларини достонига асос қилиб олди. Хўш, А.Исаакян достонини ўзбекчага таржима қилган, ХХI асрга бир баҳягина қолганида вафот этган Асқад Мухтор дўстлардан ёлчидими, одамлар унинг ҳурматини ўрнига қўйдиларми? Ёзувчи Хайриддин Султонов Асқад Мухтор ҳаётининг сўнгги кунлари ҳақида қуйидагиларни ёзади: «Ёдимда, икки-уч марта раҳматли устозимизни туғилган кунларида — 22 декабрь куни Хадра ортидаги сокин, осуда уйларида йўқлаб бордик.

Бир сафар кириб борсак, касаллик қаттиқ хуруж қилиб, қийналиб ётган эканлар. Лекин шунда ҳам истиқболимизга нешвоз чиқишга қанчалик уринганлари асло эсимдан чиқмайди.

Домланинг вафодор умр йўлдоши Роза она, фарзандлари жам бўлиб, устозни шифохонага олиб кетинг ҳаракатида эдилар.

Ўша йили домла «Дўстлик» ордени билан мукофотланган эдилар. Биз у кишини юксак мукофот билан табриклаган бўлдик. Шунда, ҳеч эсимдан чиқмайди, Асқад ака маънос жолмайиб, ниҳоятда қийинчилик билан икки-уч сўзни шивирлаб айтдилар, яъни: «Ҳа-а... Дўстлик бор, дўстлар йўқ», дедилар»¹ Таажжуб, қадимда ҳам, ҳозир ҳам аҳли дониш беоқибатлик, бемуруватлик, бемехриқдан, дўстнинг хиёнатидан «дод» деб ўтганлар. Одам табиатининг ўзгариши қийин кечар экан-да...

¹ «Тафаккур» журнали, 1999 йил, 2-сон, 20-саҳифа.

Иброҳим Гафуров «Хамса» достонлари ҳақидаги мақола-ларида инсон руҳияти масаласини асос қилиб олган. Навоий билан замонамизни, замондошларимизни улайдиган яқин йўлни танлайди. Мунаққид инсон табиатидаги фазилатларнинг даҳо шоир томонидан топиб-топиб тасвирланганига диққатни жалб қилади. Фарҳоднинг муруватлари ҳақида фикр юритар экан, Навоий қаҳрамони билан илғор замондошимиз аро яқин боғлиқликни кўради. «Фарҳод ўзи эришган ва биз йигирманчи аср одамларига ҳам ибрат-фазилатлари билан гоятда мароқли қаҳрамондир... Фарҳод ишқнинг абадий, сўнамас тирик алангаси, Ширин эса, шу аланганинг қизил гунчасидир.

Не бахтки, улар бизга, адабиётимизга ХХ асрда ҳамон фусункор шуълаларини ёғдириб турадилар. Шуъла умри барбод бўлмагай»¹.

«Дунё кезувчиларнинг доноликлари» мақоласи «Сабаъи сайёр» достонига бағишланган. Мазкур достонда Навоийнинг улғу санъаткорлиги ёрқин намоён бўлган. Буюк Навоий коинот, мангу ҳаракат, адабий зиддиятлар ҳақида, Низомий, Дехлавий достонлари тўғрисида, ўзининг асар яратишдаги мақсадлари ҳусусида ёзади. «Сабаъи сайёр» инсон руҳиятини ўта нозик тасвирлаган асар. И.Гафуров Навоий достонларида учраган, «Сабаъи сайёр»да кўзга аниқ тапшланган Хизрваш пир образини ажойиб талқин қилади. Хизрваш пир — Навоийнинг генийси. Санъаткорлик даҳоси Навоийни улғулайди, уни сеҳрли бадийят осмонига олиб чиқади. Навоий Хизрваш пир билан ҳаёт ва ижоддаги устози образини бир-бирига улаб юборади. Навоий ўз достони билан Низомий ва Дехлавий достонлари аро фарқни исботлайди. Достонда Баҳром Гўр характери асосий ўринни эгаллайди. Иброҳим Гафуров Баҳром образининг адабиётдаги генезиси ҳусусида гап очади. Баҳром характеридаги ҳусусиятлар, мураккабликлар ҳақида гапиргач, «Навоий... Баҳромнинг... ишқ изтиробларини тасвирлашга, ишқнинг айрилиқ азобини ёритишга қаратади... Навоий учун ҳиссий-эмоционал кечинмаларни тасвирлаш, уларни оқим тарзида ифодалаш биринчи дара-

¹ И.Гафуров. Ўттиз йил изҳори. Тошкент, Гафур Фулом номидаги Адабиёт ва санъат наприёти, 1987, 38-саҳифа.

жалти аҳамият касб этади»¹ — деб ёзди муаллиф. Баҳром характери ёритиб бериш таъқидчининг мақсадига айланади. Баҳромнинг етти саройда етти мусофирдан тинглаган ҳикоясида ҳам асосий мақсал диққатдан қочмайди. Ҳикояларнинг қаҳрамонлари характер ичра образлар, олам ичра оламлар сифатида намоён бўлади. Характер таҳлили Баҳром устидан чиқарилган қуйидаги ҳукм билан якунланади: «Баҳром ҳаётининг сўнгги давларида ер юзини оҳулар ва қулошлар, тирик маҳлуқларнинг қонига ботирди. Навоий ер юзини қонга ботириш картинасини бугун маънумлиги билан чизади. Улуғ символ яратади. Ўз даври одамларини ҳам, келажак насларини ҳам огоҳ, ҳушёр бўлишга даъват этади. Унинг назарида қон тўқувчи ғолиб эмас, қон тўқувчи — қонга ботувчи, қон ботқоғида дом-лараксиз ғойиб бўлувчидир»². Иброҳим Рафуров Навоий санъатига маҳлиё бўлиб, дostonни, қаҳрамонлар характери таҳлил қилаётган эди. Қарангки, мунаққид кутилмаганда Баҳром образи хусусидаги таъни бизнинг ҳозирги замонга буради. Хаёлимиздан «Қиёмат» (Ч.Айтматов) романидаги тўс-тўполон-сайгоқларнинг қирилиши, Авдийнинг қийнаб ўлдирилиши ўтади. Жаҳоннинг турли ҳудудларида давом этаётган уруш, ёвузликлар, одамларнинг силласини қуритаётган турфа хил террорчиликлар ёдимизга тушади. Шоҳ асарларнинг янги замон, авлодларга хизмати деганда худди шунини назарда тутамиз. Ўлмас асарларнинг янги замонлар муаммолари билан боғланиб кетиши — уларнинг ижтимоий-эстетик функциясидир.

Иброҳим Рафуров Навоий дostonларини, Фарҳод, Баҳром образларини шундай таҳлил қиладики, китобхон ҳаёлидан ҳозирги кун масалалари, замондонларимизнинг мукамал қиёфаси ўтиб туради. Афсуски, Навоий дostonларининг стук қаҳрамонлари таъқид қилинган мақолалар шаклида номукаммаллик сезилади. Иброҳим Рафуров Навоий асарларидаги шакл ва муназария мутаносиблиги ҳақида берилиб ёзди-ю, ўзи ёзган мақолалари шаклига старли эътибор

¹ И. Рафуров. Ўттиз йил илҳори. Тошкент, Рафур Фулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 1987, 49-саҳифа.

² Ўша асар. 55-56-саҳифа.

бермайди. «Фарҳод ва Ширин» ҳақидаги фикрларни битта мақолага жойлаш мумкин эди. «Саъйи сайёр» дostonи ҳақидаги мақола муаллиф фикрларини «сигдира» олмайди. Баҳромнинг чоршанба, пайшанба, жума кунлари тинглаган ҳикоялари ҳақида деярли ҳеч нарса дейилмайди. Гап ҳикоялар мазмунини, таҳлилида эмас, албатта. Иброҳим Рафуров ҳикоятлар воситасида Баҳром характери ёритади. Сўнгги уч кеча ҳикояси, агар муносиб жанр танланганда, Баҳром характерининг яна бир қатор хусусиятларини ёритган бўларди.

Алишер Навоий асарлари бизнинг замонамизга, келажак авлодларга яна ҳам унумлироқ таъсир этмоғи учун пималарга эътибор бериш керак? Бу ҳақида адабиётшунослигимизнинг икки ёш вакили сўзларига кулоқ тутайлик: «Навоий ижоди қадимги Шарқ фалсафаси билан уйғунлашиб кетган. Ҳўн, қадимги Шарқ фалсафасини ўрганмасдан туриб Навоий қарашларини тушунишимиз мумкинми? Йўқ, албатта. Навоий осмондан тушмаган. У ўша фалсафа заминиде ўсиб вояга етган. Шарқ фалсафий тафаккурининг энг илгор йўналишларини ижодий ривожлантирган, бойитган. Буни англамасак, «Навоий беҳад буюк»дан нарига ўтолмаймиз»¹ (Мусурмон Номозов). «Давр ва ижодкор фалсафасини билмай туриб, маданий мероснинг мағиз-мағзитача англаш мумкин эмас. Биз тарихни яхши билмаймиз, жумладан халқимиз мураккаб тарихий тараққиётга эга эканлигини ҳар доим ҳам тўлиқ ҳис этавермаймиз. Тўлиқсиз тасаввур тарихий шахсларга бўлган ёндашувимизни ҳам кемтик қилиб қўяди. Биз умуман, ўзбек классик адабиётининг ўзига хос хусусиятларини атрофлича билмаймиз. Рамзлар, қаҳрамонлар. Шарқ афсоналарисиз Навоийни ҳам чуқур билиб бўлмайди»² (Афтондил Эркингов).

Ўзбек мумтоз адабиётида ўлмас санъаткорлар, шоҳ асарлар кўп. Афсуски, манхур санъаткорлар ижоди, ману асарлар ҳар хил баҳона-ю сабаблар билан ўрганилмади. Тараққиётнинг шундай палласига кўтарилиддики, халқнинг ижтимоий-эстетик тупғунчаси шунчалик ўсдики, ўтмишда яратилган

¹ «Ёшлик» журналі, 1988 йил, 2-сон, 72-74-саҳифалар.

² Ўша ерда 72-74-саҳифалар.

буюк асарларни ҳозир бемалол чоп этишимиз мумкин. Халқ китобхонлар оммаси ўша асарлардаги ўзига зарур, замона зайилга мос томонларни бемалол ажрата ола билади. Адабиётшунос, танқидчиларимиз машҳур санъаткорлар, етук асарларни шу кун талаблари эҳтиёжлари асосида таҳлил талқин қилиб бера оладилар. Бегали Қосимовнинг «Излай излай тошганим», Нажмиддин Комиловнинг «Тафаккур карвонлари», Фозида Сулаймонованинг «Шарқ ва Ғарб» асарлари адабиётшуносликка доир тадқиқотлардир. Лекин уларда масалаларни ҳозирги кун талаблари, замон ва замондошлар тушунчаси, қарашлари асосида ёритиш тамойили кучли. Бошқача айтганда, мазкур тадқиқотларда улуг санъаткорларнинг XX аср охиридаги эътибори, шоҳ асарларнинг ҳозирги авлод маънавиятига таъсири масаласи алоҳида маъно қатламини белгилайди. Гоҳо шундай бўладики, ўтмишда яратилган биронта шеър ёхуд дostonни ўқиб, ўз замонамиз хусусиятларини очик-ойдин кўраётгандай, ўтмишда ҳам яхшилик ва разолат, қуволч ва қайту худди бизнинг кунларимиздай ёнма-ён юрганини сезамиз. Муҳаммадали Қўшмоқовнинг «Зоти қулzum Турди» («Шарқ юлдузи» журнали, 1987, 12-сон) бадиаси турғунлик йиллари деб номланаётган босқич тугалланиши билан яратилиши, «Субхонқулихон...» асарида хон, унинг қулилари, амирларининг бидъатлари ва золимлиги, Байлоқ қушбегининг иноқ бўлиши, Турдининг уларни ҳажв қилиб туркий муҳаммас ёзгани, дostonнинг назик таҳлил қилиниши кишини ром этади. Замондошимиз онгини эгаллаб бораётган янги тафаккур кечаги ҳаётга, бюрократик муносабатлар иддиз отиб кетган бошқарув усулига қарши бош кўтармоқда. Қарангки, М.Қўшмоқов Турди дostonини таҳлил қилиш орқали «Оламни сел атар тугса, баланддир жойим», «Арк ичи маҳкам эди, айладим ўзимга ятоқ», дейдиган амир-амалдорлар билан замонавий тўралараро боғлиқлик, ягона иддиз топади. Турди шеърларида замонасида, порага аждаҳодек оғзини очиб турган, «Қамчилар солиб, халқнинг бўйни, бетини қонатган беклардан, халқ домини эпштадиган Хисрави одил шоҳ йўқлигидан нолийди, «дилги тиги ситамдин пора бўлган халқ» аҳволига ачинади. Янги тафаккур мумтоз

адабиётимизнинг нодир асарларини янги таҳлил қилиб беришга туртки бўлади деб ишонамиз.

Ўзбек мумтоз адабиётининг етук намояндалари замондошимиз маънавиятида қанчалик жиддий ўрин эгалласа, жаҳон адабиётининг буюк санъаткорлари яратган шоҳ асарлар бугунги кунда катта аҳамият касб этмоқда. Навоий, Бобур, Машраб, Ҳувайдо асарлари ўзбек китобхони томонидан қанчалик эъзозланса, Фирдавсий, Саъдий, Ҳофиз Шерозий, Жомий, Фузулий, Махтумқули сингари сўз санъаткорлари асарлари халқимиз томонидан севиб ўрганилган, ўрганилмоқда. Қизиги шундаки, жуда кўп ўзбек китобхонлари «Шоҳнома» дostonи, Фузулий газаллари, Бедил рубоийлари, Саъдий, Ҳофиз, Махтумқули кўшиқлари ўз-ўзиники эканлигига шубҳа қилмаган, мазкур санъаткорлар асарлари Навоий, Машраб, Фазлий, Завқий асарлари сингари қадрданган. Рухий, маънавий қардошлик форсий ва туркий тилларда яратилган асарларни ўзаро яқинлаштирган: туркий тилда газал битган деярли барча шоирлар форсча шеърлар ёзганлар. Фақат ўзбек, форс-тожик шоирларигина эмас, мусулмон дунёсида яшайдиган турли миллат ёзувчиларининг адабиётларида гоёвий-фалсафий асослар, поэтик санъатлар, мавзулар, сюжетлар ўзаро яқин.

Ўзбек адабиётшунослари форс адабиётининг йирик намояндалари, уларнинг ўлмас асарлари ҳақида тадқиқотлар яратмоқдалар. Халқаро Фирдавсий мукофотининг лауреати, профессор Шоислом Шомухамедов 60-йиллардан бошлаб форс-тожик адабиётининг йирик намояндалари, шоҳ асарларини ўзбек китобхонлари орасида кенг тарғиб қилиб келмоқда. Олим аксарият мақолаларида форс-тожик адабиётидаги инсонпарварлик руҳи алоҳида таъкидлайди. Бу адабиётни турли миллат вакиллари яратганлигини алоҳида кўрсатар экан, ҳозирги адабиётшуносликдаги хато бир тенденцияни қаттиқ қоралайди:

«Фирдавсий қайси миллатга хос, Форобий ким?» – деган савол метафизикларча қўйилган сўроқ эмасмикин? Маданиятимиз даҳоларини таланиши ўрнига бу фактларни тарихий ҳаққоният билан шарҳласак, ҳозирги кунда ёшларни байналмилаллик руҳида тарбиялашимизга ҳам, халқлар ора-

сида дўстлик, тинчлик, тоғувлик, бир-бирита ишонч ҳисларини тарбиялаш ишимизга ҳам файз қўймасмикан.

Ҳозир чет эл пантуркистлари, панэронистлари ва бошқа «пан»лар орасидагина эмас, ахён-ахёнда бўлса-да, бизнинг ижодий интеллигенциямиз орасида ҳам шундай кайфиятлар сезилиб қолади. Албатта, ҳар бир халқнинг ўз маданий анъанаси, ўз адабиёти бор. Буни инкор этмоқчи эмасмиз. Аммо қандай бўлмасин «классик» қовлаб топиш тенденцияси ҳам шундай уришларга берилиб кетиб, маданиягимиз, адабиётимиз, манба ва мангикдаги умумийликни кўрмаслик ҳам масаланинг илмий ва тарихий моҳиятини чуқур англамасликдир».¹

Маълумки, Ғарб адабиётининг Гете, Байрон, Пушкин, Лермонтов, Горький, Есенин, Тихонов сингари санъаткорлари форс-тожик адабиёти классиклари ижодида юксак баҳо берганлар, ўзлари ҳам улар услуби-ю жанрида асарлар ёзганлар. Шарқ халқлари орасида форс-тожик адабиётига ҳурмат шунчалар юксак бўлганки, Фирдавсий, Саъдий, Умар Хайём, Бедил, Ҳофиз асарларини мукаммал билган, юксак маҳорат билан талқин қила олганлари сони доим ортиб борган. Ҳар бир давр кишиси бу туғанмас бойликдан ўз имкони, тушунчаси даражасида фойдаланган. XXI асрда китобхонларнинг янги-янги авлуди пайдо бўлмоқда. Улар ҳам форс-тожик адабиёти хазинасига мурожаат қиладилар. Тўғри, форс-тожик адабиёти классикларининг асарлари суянчиқ — ҳимоячига зор эмас: уларни асрлардан-асрларга парвоз қилдирган «қанот» ҳам, ўқувчи билан яқинлаштириб, қулфи дилини очадиган калит ҳам моҳиятда, бадийий ўзакни таниқил қилган зарраларда. Лекин шундай бўлса-да, Рудакию Фирдавсийга, Хайёму Бедилга, Саъдию Ҳофизга замон гувоҳномасининг берилишида Шоислом Шомухамедов сингари олимларнинг тавсияномалари зарур. Ш.Шомухамедов яратган илмий-назарий, илмий-оммабон асарлар асосини «Форс-тожик адабиёти классиклари ижодида гуманизм» деб номланган тадқиқот белгилайди. Олим форс адабиёти классиклари ижодида ҳур инсон улуғланганлигини, етук одам-

¹ Шомухамедов Ш. Хазиналар жалоси. Тошкент, Фафур Фулом номдаги адабиёт ва санъат нашриёти, 1981, 317-318-саҳифалар.

лар абадий мавзулар атрофида мушоҳада юришганлигини таскиллайди. Маншхур санъаткорлар улкан мақсадлар билан яшовчи буюк инсоннинг ёрқин тимсолини яратдилар. Даҳо санъаткорлар инсон учун умрининг беазаги — эзгу ишлар, мангу қоладиган яхшиликлар ҳақида ёздилар.

Яхши ҳам, ёмон ҳам қолмас пойдор,
Яхшиси яхши иш бўлсин ёдгор.
(Фирдавсий)

Тананг ҳам кетажак, бору йўтинг ҳам
Бахтлидир яхши ном қолдирган одам.
(Ҳофиз)

Абдурахмон Жомий бигта рубоийда инсон умрининг мазмунини чизиб беради:

Ёдда тут дунёга келган чоғингда,
Ҳамма кулар эди, фақат сен гирён.
Шундай яшагилки, кетар чоғингда,
Ҳамма йитлаб қолсин, сен эса хандон.

Даҳо санъаткорлар — улар шарқлими, ғарблими, оқ танлими, қора танлими, мусулмонми, мажусий ё насронийми — юксак тояларни қуйлаганлар. А.Жомий эндигона тугилган гўдакнинг йиғисига ҳамманинг қувончини қарши қўяди: йиғи ва қувонч. Вильям Шекспирда ҳам йиглаб тугилган гўдак образини учратамиз. Аммо донишманд Шекспир бу образни янги маъно билан бойитади. Яхшиси, шу ўринда Саъдулла Аҳмаднинг «Эдин» деб номланган бамаъни китобидан кўчирма келтирамиз.

«Шекспир Лондонда «Лорд Камергер трушаси» театрида актёр ва драматург бўлиб иш бошлайди. 1599 йил ёзида труппа Темза дарёсининг жануб қирғоғида ўзи учун янги «Глобус» театрини қуради. Янги театр кўп қиррали призма шаклида солинган бўлиб, кираверишга ер шарини елкалаб олган паҳлавон — Геркулеснинг сурати солинган эди. Шунга кўра, театرنинг номи ҳам «Глобус» ёхуд «Ер шари...» деб аталган. Яна театр пенгтокига: («Бугун дунё ролга кирмоқда» маъносини ҳам билдирувчи) «Дунё найрангбоздир»

деган сўзлар ҳам ёзилган эдики, буларнинг ҳаммаси Шекспирдан чиққан ақл, деб тахмин қилинади. Чунки у «Гамлет»да дунёни зиндонга менгзаёди, гўрков тили билан, Англияда ҳамма ҳам жинни – «демона» дейди; Қирол Лир:

Туғиларкан биз йиғлаймиз, чунки ҳаётнинг
Саҳнасида аҳмоқларнинг ролин ўйнаймиз,

– деб айтади»¹. Кези келганда шунини айтиш керакки, Саъдулла Аҳмад Шекспир асарлари, Софоклнинг «Шоҳ Эдип»и таржимаси ва саҳна талқинлари ҳақида ёзади. Муаллиф Софокл асарининг замонлардан замонларга ўтиб келишини қисқагина ёзади-да, Шукур Бурҳон Эдипи ҳақида батафсил фикр юритади.

Саъдулла Аҳмаднинг «Эдип» асари босилганига салкам 20 йил бўлди. Бошқача айтганда, Саъдулла «Эдип»ни Ўзбекистон мустақиллигидан аввал ёзган эди. 2000 йилда мунаққид Улугбек Саидов «Шоҳ Эдип»ни янги талқин қилишга ҳаракат қилган. Янги ўзбек эстетикаси, адабиётшунослиги инсоннинг ўзлигини, асл моҳиятини ёритиб беришга интилоқда. У.Саидовнинг «Эдип айбодорми ёхуд инсонийлик масъулияти ҳақида» мақоласининг пировардида мана бу фикрни ўқиймиз: «Яратган инсонга илоҳий нур – ақл-фаросат ато этди, уни фаришталардан устун билиб, дунё ишларида ўзига ҳабиб қилди. Инсон бўлиб туғилмоқ-катта масъулият. «Ўзлигинини англаб ет», – демоқдан мурод иймон, виждон, адолат, меҳр, мурувват. Ҳақиқий бахт, шухрат, обрў, тахт шулар ортидан келади. Софокл сўйлаган ҳақиқат, у берган сабоқ эскирмайди. Бугунги кунда «адашгиш», «беҳабарлик», «хато» фожиасини бошдан кечираётганлар бунинг далили».²

У.Саидов мақоласининг қиммати шундаки, муаллиф «Шоҳ Эдип» асарининг онтологик моҳиятини ёритиб беришга интилади. Бунинг учун у «гуноҳ» ва «худбинлик» деган тушунчалар моҳиятини талқин қилади. Муаллиф эътиқодича, барча гуноҳлар қораланиши мантиқдан эмас. Гуноҳ – излашиш, ўзликни тафтиш этиш самараси. У бирламчи ғоялардан

¹ Саъдулла Аҳмад. Эдип. Тошкент, Гафур Ғулом номидаги адабиёт ва санъат нашриёти, 1988, 108-саҳифа.

² «Жаҳон адабиёти» журналы, 2000 йил, 12-сон, 169-саҳифа.

бўлиб, кўхна қарашлар тизимида марказий ўринни эгаллайди. Худбинлик-чи? У салбий тушунчами? «Худбинлик инсонни тараққиёт, ривожланиш сари етаклайди, ихтиро ва кашфиётлар қилишга ундайди. Бўрттириш бўлмаса, худбинликсиз одамзот ҳамон ибтидоий чўқморини кўтариб юрган бўлармиди». Софокл асарининг мангу яшовчанлиги бойси яна шундаки, муаллиф қаҳрамонни шундай нуқтага кўя олдики, бир қарасангиз, у энг гуноҳкор банд. Мана шу қараш «Шоҳ Эдип»ни мангу талқинга дучор қилган. Хуллас, ўзбек танқидчилиги ўлмас асарларни синчиклаб ўрганишда давом этмоқда. Саъдулла Аҳмад Шекспирнинг миллий адабиётларга таъсири масаласини, хусусан «Шекспир ва Пушкин» мақоласида маромига етказиб ёритиб берди. Биз Пушкиннинг даҳо санъаткорлигига шубҳа қилмаймиз. Қарангки, Пушкин Шекспир даҳосининг мухлиси бўлган, бир печа тарихий фожиаларини Шекспир асарлари таъсирида ёзган экан.

Биз жаҳон адабиётининг ўлмас сиймоларини ёрқин юлдуз, сайёраларга қийслаймиз-у, бу юлдузларнинг ўзаро боғлиқликлари, тортилиш қонуниятлари ҳақида гапирмаймиз. Саъдулла Аҳмад Шекспирнинг Пушкинга таъсирини очган бўлса, жуда кўп танқидчилар Пушкиннинг жаҳон ёзувчиларига таъсири, рус шеърини даҳосининг асарлари шу кунларда қандай буюк вазифаларни бажараётганликлари ҳақида ёзмоқдалар. Шоҳ асарларни ўзлаштириш масаласи, халқнинг эстетик даражаси муаммоси муҳим аҳамиятга эга. Халқнинг эстетик маълумотини ўстиришда таржиманинг ҳиссаси мунаққиднинг хизматида ортиқ бўлса борки, кам эмас. Таржимоннинг ижоди фақат таржима қилиш, шу санъат сирларини эгаллашгина эмас. Таржимон ўтмиш адабиёти, жаҳон адабиётининг етук билимдони, халқнинг ижтимоий-эстетик талабларини нозик ҳис этувчи шахс. Унинг диди, билимдонлиги қайси асарни қачон таржима қилиш лозимлигини англашда билинади. Иброҳим Гафуров, масалан, саргузашт, детектив асарларни қотириб таржима қилиши мумкин эди. Лекин у Достоевский, Айтматов, Нитше, Маркес, Хемингуэй асарларини таржима қилиш зарурлигини англаб етди. Ўзбек китобхони ўта мураккаб, психологик асарларни англаб етадиган даражага кўтарилди.

П.Мериме, Стендаль, Ж.Боккаччо, М.Булгаков, Ги де Мопассан, Кафка Хемингуэй, Сервантес, Сент-Экзюпери, Камю сингари санъаткорларнинг асарлари китобхон учун мураккаб бўлмай қолди. Қодир Мирмухамедов, Ҳ.Тўрабеков, О.Шарафиддинов, Н.Комилов ва бошқа таржимонлар ҳам ўзлари таржима қилган шоҳ асарлар, уларнинг ҳозирги китобхон маънавий дунёсидаги ўрни ҳақида бемалол мақола ёзишлари мумкин эди. Бу ишни таржимашунослик муаммолари билан шугулланувчи олимлар бажармоқдалар. Лекин, менимча, таржимашуносларимиз таржимада танлаш ва мугаржим концепцияси масаласига етарли эътибор бермаётдилар. Биз таржимон деганда ўз адабиётини ўзга адабиётларнинг мангу асарлари ҳисобига бойитувчиларининг эмас, ўз адабиётининг нодир асарларини ўзга халқлар билан баҳам кўрадиганларни ҳам назарда тутамиз. Шоир ва таржимон Ҳамид Исмоилов ўзбек шеърининг етук асарларини рус тилига таржима қилади. «Муз кучоғида юлдуз» мақоласи билан Ҳ.Исмоилов пишиқ танқидчи эканлигини исботлади. У Чўлпон ижодида, шахсига бўлган совуқ муносабатлар ҳақида ёзар экан, Чўлпоннинг рус адабиётига, рус санъаткорларига, ўлмас асарларга нисбатан жўнқин мухаббатини кўрсатиб берди. «Ҳақиқий байналмилалчи бўлган Чўлпоннинг миллатчи сифатида маҳв этилганлиги кишини таажжублантиради, сталинизм моҳияти ҳақида теранроқ ўйлашга ундайди,¹ — деб ёзди Ҳ.Исмоилов.

Тарихий-функционал ўрганиш фақат ўтмиш адабиёти ва жаҳон адабиётининг етук санъаткорлари, мангу асарларгагина нисбатан қўлланилмайди. Бу мезон ҳозирги ўзбек адабиётига нисбатан ҳам бемалол қўлланиши мумкин. Ўзбек адабиётини манхур санъаткорлар, шоҳ асарлар талайгина. Лекин ҳақиқий санъаткорларнинг хизматлари ҳамиша кўнгилдагидай эъзозланадими? Шоҳ асарлар яратилиши билан халқ қўлига етиб боради-ю, ҳамиша унинг хизматида бўладими? Пушкиннинг даҳо санъаткорлиги замондошларига, подшо ва унинг атрофидагиларга яхши маълум эди.

¹ Исмоилов Ҳамид. Звезда подо льдом. (О русской культуре в творчестве Чулпана). Журнал «Вопросы литературы», 1988, №4. Стр. 212-225.

Лекин амалдорлар Дантеснинг қўлидаги ўлим қуролини уриб туширмадилар. Машраб оддий одам эмаслиги, унинг юрағида сеҳрли ўт борлиги дорга осилиш буюрганларга аён эди. Немис-фашистлари Юлиус Фучик, Муса Жалил деган оддий жангчиларни эмас, санъаткорларни ўлдираётганликларини яхши англадилар. Ҳамзанинг рақиблари уни ўлдириш билан халқни қатта истеъдоддан маҳрум қилаётганликларини тушунардилар. Хуллас, санъаткор ҳамиша аниқ ижтимоий-сиёсий йўналишга эга бўлган шахс, шоҳ асарда ҳам сиёсий, ахлоқий, эстетик қатлам мавжуд бўлади. Ундаги сиёсий йўналиш, маънавий масалалар даврлар ўтиши билан эскириши мумкин. Аммо шоҳ асарнинг эстетик таъсири ҳамиша ортиб боради. Янги ўзбек адабиётининг етук санъаткорлари ижтимоий-сиёсий ҳаётда фаол иштирок этдилар. Уларнинг асарлари турли тунунчадаги, турли маданий-эстетик савиядаги кишилар томонидан турлича талқин қилинди. Бадиий асар талқинчиларининг савияси, тушунчаси, маънавий эстетик бойлиги даражаси санъаткорлар тақдирини муҳим роль ўйнайди. Асримизнинг 20-йиллари ўрталаридан то 50-йилларнинг иккинчи ярмигача сиёсий ҳушёрлик масаласи, аниқроғи, ҳар бир кишидан сиёсий айб топишга интилиш, шубҳа билан қараш ниҳоятда авж олди. Сталиннинг синфий курашнинг мудом кескинлашиб бораверини ҳақидаги назарияси¹ адабиёт тараққиётига жиддий зарба бўлди. Адабиётнинг қўлаб намоёндалари халқ душмани ниқоби остида озодликдан маҳрум этилдилар. Улар яратган асарларни йўқ қилиб юборишга ҳаракат қилинди. А.Қодирий, Усмон Носир, Боту, Чўлпон, Фитрат сингари санъаткорлар ғайриинсоний сиёсий қарашларнинг қурбони бўлдилар. А.Қодирий, Усмон Носир, Боту сингариларнинг асарлари 20-30 йил, Чўлпон, Фитрат асарлари 50-60 йил давомида халққа «хизмат қилиш» вазифасини ўтамади. 30-йилларда тутилган авлоднинг маънавий дунёси ўнлаб шоҳ асарлардан баҳраманд бўлмай шаклланди. Қарапқи, мана шу авлод балоғатга етиб, замон юқини елкасига олиш пал-

¹ Бу ҳақда, жумладан, П.Фелосеев «Тарих фани: адабиётнинг актуал масалалари» мавзусида ўтказилган конференцияда сўзлаган нутқиди тўхталинди. «Литературная газета», 1988 йил, 18 май, 4-саҳифа.

ласи турғунлик йиллари деб атала бошланди. Кўйди-чиқди, маънавий-ахлоқий тубанликлар, порахўрлик, бюрократизм шу йилларда авж олди. Мана бу камчиликларда маънавий дунёдаги кемтикликнинг ҳиссаси йўқ деб бўладими?

20-30-йиллар адабиётшунослигида вулыар социализм авж олди. Ёзувчининг асарлари фақат замон, жорий сиёсат нуқтаи назаридан «баҳолана бошланди». Истеъдодли мунаққид Олим Шарафиддинов «Қизил Ўзбекистон» газетасининг 1927 йил 14 феввалида босилган «Ўзбек шоирлари. Чўлпон» мақоласида шоир асарларини замонасозлик руҳида, сохта талқин қилади. Чунончи шоирнинг «Қўшнинг ҳадиғи» шеърида революцияга қарши фикр йўқлиги айтилади-да, шоирнинг русларга қарши чиққанлиги таъкидланади. Шу муаллифнинг «Ўтган кунлар» тақризиди Абдулла Қодирийнинг шоҳ асари саёз, бир ёқлама талқин қилинади. Шундай ҳолни М.Шеввердиннинг «Биринчи ўзбек романи» тақризиди ҳам учратамиз. Сотти Хусайн «Шарқ ҳақиқати» газетасининг 1929 йил июнь, июль, август, сентябрь, октябрь ойларида «Ўтган кунлар» ҳам ўтган кунлар» монографик — тақризини чоп эттирди. Тадқиқот-тақризд «Ўтган кунлар» романининг сиёсий, ахлоқий томонлари кенг ёритилади-ю, унинг эстетик қиммати хусусида асосли фикр айтилмайди. Тўғри, гап Олим Шарафиддинов, М.Шеввердин, Сотти Хусайннинг Абдулла Қодирийга муносабати ҳақида эмас. Ўша даврда бадиий асарга бир томонлама қараш, санъаткорнинг синфий, партиявий муносабатига ургу бериш кучли эди. Ойбекнинг А.Қодирий ҳақидаги монографиясида, Ҳамид Олимжоннинг Фитрат тўғрисидаги мақоласида ўша давр адабиётшунослигининг руҳи аниқ сезилади.

«Сароб» (А.Қаҳҳор), «Кеча ва кундуз» (Чўлпон), «Қутлут қон», «Навоий» (Ойбек), «Қўшчинор» (А.Қаҳҳор) сингари халқ ҳурматиға сазовар бўлган асарлар дастлаб бир ёқлама, сохта таҳлил қилинди.

XX асрнинг 50-йиллари охири, 60-йилларда шоҳ асарларни бадиий бойлик сифатида баҳолаш кучайди. Шу пайтда А.Қодирий, Ойбек, А.Қаҳҳор, У.Носир, М.Шайхзода, Миртемир асарлари И.Султонов, Ҳ.Ёқубов, М.Қўшжонов, О.Шарафиддинов, П.Қодиров, Ҳ.Абдусаматов сингарилар томонидан ижтимоий-эстетик йўналишда таҳлил қилинди.

Бошқача айтганда, санъаткорлар ижодини ўрганишда янги давр бошланди. «Ўтган кунлар», «Меҳробдан чаён», «Сароб», «Қўшчинор чироқлари», «Навоий» сингари машҳур асарлар янги авлод китобхонларига таъсир этиб, уларнинг маънавий дунёсини бойита бошлади. 80-йилларда Ойбек ижоди янги талқин қилина бошланди. 50-60-йилларда биз кўпроқ носир Ойбек маҳорати ҳақида асосий гапларни эшитдик, жиддий мақолаларни ўқидик. 80-йилларга келиб Ойбекнинг илк шеърияти, 60-йилларда яратган лирик асарлари янги талқин қилинди. Н.Каримов, И.Ғафуров, М.Али, А.Шаропов мақолаларида Ойбекнинг лирик шеърлари ҳақида оҳорли фикр айтилди. Хусусан, И.Ғафуров «Шеърият — изланиш демак» рисоласининг «Ғаол инсон ва ижтимоий оптимизм» бобида Ойбек поэзиясини бир бутун ҳолда таҳлил қилади, шоирнинг илк лирикаси ҳақида кент тўхталинади: «Йигирманчи йиллар ўзбек шеъриятиға турли ўзига хос сўзлар, образлар, рамзлар, шеърий усуллар кириб келган эди. Мана шу нарсаларнинг бари Ойбекнинг романтик усулбига ҳам хос. Ойбек ўз романтик услубининг табиатиға ва йўналишиға кўра куёш, қуш, чечак, шарқ, ел, эрк, ҳурлик сингари сўзлар, тушунчаларини шулар билан боғлиқ образларни кўп қўллайди.

Ойбекнинг мана шу даврда яратган шеърларининг ҳар бир қатори, ҳар бир образи, кечинмалар тасвирида унинг ўзини топишга, лирикасининг мундарижаси ва ғоявий йўналишини аниқлашга интилгани сезилиб туради. Ойбек лирикаси табиатға жуда яқин эканлиги, табиатдан саховатли қалб билан чексиз илҳомлар ола билиши, тўғрироғи, табиатни худди шеър каби қабул қилиш кузатилади. Унинг табиат нафаси кирмаган, табиат билан боғланмаган шеъри йўқ ҳисоб. Ойбек лирикасида «мен» шахси ҳар бир сўзда, кечинмаларда, руҳий ҳолатларда табиат билан боғланади, табиат билан юракдан суҳбатлашади, сирлашади. Унда табиатни ҳис қилиш жуда кучли. «Мен» кечинмаларига табиат мумтоз ва тақрорланмас эмоционаллик бағишлайди»¹.

¹ Ғафуров И. Шеърият — изланиш демак. Тошкент, Ғафур Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 1984, 106-саҳифа.

Шоир Муҳаммад Али «Ойбек ҳақида этюдлар» мақола-сида шоир шеъриятидаги гўзалликни теран ҳис этади. Муаллиф Ойбек шеърларини севиб, ардоқлаб таҳлил қилади. Таъкидлаш жоизки, Муҳаммад Али шеърлардаги унча-мунча шеършунос сезмайдиган сохталикларни ҳам кўради. Нимага шоир Ойбек, имконияти бўла туриб, шеърларидаги баъзи камчиликларни тўтриламаганлиги сабабини айтади: «Туйғуларнинг зўрлигидан, ҳаяжоннинг ёмбиллигидан шеър қоғозга бир тушади. Қандай тушади — гап шунда. Аксарият шеърлар қоғозга бир тушганча уларга қайта қалам урилмайди... Агар қалам урилса, балки шеър силлиқ, равон бўлар, аммо туйғуларнинг, ҳаяжоннинг яхлитлигига путур етиши мумкин. Шеърда ҳаяжоннинг, туйғуларнинг сохталашувини Ойбек ҳеч ёқтирмас эди».¹

Ойбекнинг илк шеъриятини мунаққид Асқарали Шаропов ўзича талқин қилди. Ойбек шеъриятидаги гўзаллик ҳақида А.Шаропов бундай ёзади: «Уларнинг (кузги япроқларнинг — А.Р.) сирли сасида қуёш, баҳор ҳақидаги илқлик бор. Ана шу излаб топилаётган илқлик шоир поэтик идроки, ҳаёқ қудратининг маҳсули. У ўз навбатида гўзалликни кашф этишдир.

Шуниси характерлики, Ойбек табиатнинг ҳар қандай кўринишида бевосита гўзал шеъриятни кўради. Унинг учун шеърият табиатнинг ҳар бир заррасида, сирли ўзгаришлари ва доимий шаффофлиги-ю, бетакрорлигида яширинган».² Ҳар учала талқинчи Ойбек лирикасидаги табиат гўзаллигига, табиийлигига эътибор беради. Шоир Хуршид Даврон «Ойбекнома» шеърида юқоридаги талқинларга бадиий ҳулоса ясагандай бўлади. «Ойбекнома» Ойбекнинг илк лирикаси ҳақидаги шеърий, мангу баҳодир:

Ойбекнинг шеърини далага чиқиб,
Майсага ёнбошлаб ўқимоқ керак.
Ва сокин шивирни — оҳангни ўқиб,
Ойбекми? Майсами? — деб толсин юрак...

¹ Ҳаёт кўзгуси. Мақолалар тўплами. Тошкент Фафур Фулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти. 1984, 295-296-бет.

² Шаропов А. Юлдузли осмон сеҳри. Мақолалар. Тошкент, Фафур Фулом номидаги нашриёт, 1983, 21-саҳифа.

Ойбек тирик ҳамон, у кўкда ҳилол,
У шамол, боғларда ҳамон еладир.
У мени чорлаган ойдин бир ҳаёқ,
Кўкдаги қаҳқашон унинг йўлидир.

Ишонч билан айтиш мумкинки, ХХI аср ўзбек адабиёт-шунослиги Ойбек шеъриятини талқин қилишда давом этади. Ойбек насри — ХХ аср ўзбек прозасининг таянч асосларидан. Ёзувчи қисса, романлари ҳақида ХХ асрда қўшлаб тадқиқотлар яратилди. «Қутлуг қон» ва «Навоий» романларини қайта баҳолаш йўлида баъзи интилишлар бўлди. Шўро даврида академик Матёкуб Қўшжонсов Ойбек романларини теран, асосли тадқиқ этди.

Тадқиқотчи ўз услубига лойиқ қолган ҳолда бадиий матнга суяниб иш олиб борди. Айни вақтда тадқиқотчи Ойбек асарларини ҳукмрон мафкура, етакчи дунёқараш асосида ўрганди. Яъни Йўлчидаги инқилобий онгнинг ўсишини, ижтимоий муносабатлар даврасида характерининг шаклланишини кўрсатди. Тадқиқотчи «Қутлуг қон»даги барча муносабатларни синфий кураш, ижтимоий онг нуқтаи назаридан очиб берди. Аниқроғи, Ойбек «Ўч», «Темирчи Жўра», «Бахтиул ва Соғиндиқ» сингари дostonларидаги инқилобий руҳни романга олиб киришга интилди.

Мазкур дostonлар сюжети, характерларини романга сингдирди. Лекин романда галати бир ҳолат кўзга ташланади: синфий кураш, инқилобий онг масаласи асарга зўрлаб сингдирилаётгани сезилиб қолади. Истеъдодли Ойбек ижод жараёнида, воқеа-қаҳрамонларни ғайришуурий кўрсата бошлаганида тамоман янги рух, қараш намоён бўла бошлайди. Романдаги янги рух, муаллифнинг табиий тасвири инқилобий-ижтимоий муносабатларни ўзгартиради. «Қутлуг қон» реалистик миллий роман сифатида китобхонга қўй нарсалар ҳақида сўзлайди.

Биринчидан, Йўлчидаги ҳалоллик, маънавий поклик, гуноҳдан қўрқиниш, савоб ишларга қўл уриш сингари фазилатлар ўзбекнинг асрлар давомида шаклланган хусусиятидир.

Иккинчидан, Мирзакаримбой, масалага ҳаққоний ёндашилса, тубан, инсофсиз, диёнатсиз эмас. У бойми, камба-

ғалми, қариндошми, бегонами — барчага ўз тажрибаларини рўй-рост айтади. Унинг гаплари, иш юритишида ақлли, мураккаб ҳаёт синовларида чиниққан одамнинг характери кўринади. Романда синфий кураш масаласи ҳар қанча бўртирилмасин, ўзбеклар зинҳор бир-бирита (ижтимоий табақаланиш нуқтаи назаридан) бўри бўлмаганлар. Шокир отанинг кампири кунини бой-бадавлат оилаларникида ўтказди; Йўлчи билан Абдишукур бир дастурхон атрофида фикрлашадилар; Салим, Ҳаким, Нури бўлмасин Йўлчига камбағал, хизматкор сифатидагина муносабатда бўлмайдилар.

Ниҳоят, шуниси ҳам борки, романнинг ҳар бир боби, саҳифаси, картинасидан ўзбекона ҳаёт тарзи, гўзалликка шайдолик сезилиб туради. Буни ўзбеклар юртига илк бор келган одам ҳам дарҳол сезади. «Қутлуг қон»да Салимнинг қистови билан ресторанга кириб қолган Йўлчи ҳолати, «оз ичиб, кўп овқат саятган» Абдишукурнинг кўшни столдаги икки руснинг суҳбатига зимдан қулоқ солиши тасвирланган. Суҳбатдош руслардан бири: «Менинг мушоҳадамга қараганда, уларда, масалан, бадийий сезги анча ўсган. Улар гулни севадилар. Кийимлари чиркин бўлса ҳам, қулоқларига гул қистириб юрадилар. Ашулани, ўйинни жуда ёқтирадилар...»¹ — дейди.

«Қутлуг қон»даги Абдишукур характериға катта вазифа юклатилган. Адабиётшунос Дилмурод Қуронов «Кеча ва кундуз» романидаги Шарафутдин Хўжаев билан «Қутлуг қон»даги Абдишукурни қиёсан таҳлил қилади: «Бир қарашда Абдишукур билан Ш.Хўжаев ягона мақсадга интилаётгандай, лекин аслида бундай эмас.

Ш.Хўжаевнинг миллий сармоя ҳақидаги гаплари ҳам, маърифатпарварлик ҳақидаги гаплари ҳам бир мақсадга — мустамлака зулмидан қутулиб, мустақил давлат қуришга бўйсундирилган. Абдишукур эса бойлар билан бирга подшога омонлик тилайди...

Ш.Хўжаевнинг сазй-ҳаракатларини миллий озодлик ҳаракатининг бир кўриниши сифатида қабул қилиш мумкин эди. Абдишукур эса инқилобий йўлдан ислохотлар йўлини

¹ Ойбек. 10 томлик асарлар тўплами. 3-том. Тошкент, Фафур Гулом номидagi нашриёт, 1969, 88-саҳифа.

афзал билади. Абдишукурнинг шахсий сифатлари ҳам ғоявий қарашларига мос тушади. У бойларнинг олдида ялтоқланади, уларнинг даврасига кўшилиб юрганидан қувонади. Ш.Хўжаев мусулмон бойлари орасида кенг тарқала бошлаган бузуқликларга қарши, Абдишукур эса бу «неъматлар»дан тогинганига хурсанд»¹.

Дилмурод Қуронов Чўлпон ва Ойбек романларини ижтимоий-ғоявий жиҳатдан талқин қилади. У ҳар икки романда феодализм, буржуазия хусусиятларининг намоён бўлиши масаласига эътибор қаратади. Унинг талқинича, Чўлпон буржуазия муносабатларининг пайдо бўлишини кўрди.

«Ойбекнинг қарашлари «расмий нуқтаи назарга» мос тушади, лекин шунда ҳам адиб юқорига маъқул келадиган қилиб (кейинги таҳрирлар бундан мустасно) ёзган дейишдан тийиламиз, — деб ёзади Д.Қуронов. — Ёнг Мусо шахс ва адиб сифатида шаклланган шарт-шароитларни, унинг Ойбек бўлишида инқилобнинг аҳамияти назарда тутилса, ёзувчи ўзи англаган ҳақиқатни бориға, қўлидан келганича тасвирлашга ҳаракат қилганини билиш қийин эмас»².

Д.Қуронов мақоласи миллий истиқлол арафасида ёзилди, чош этилди. Муаллиф қарашларида ленинизм таъсири, адабиётни ижтимоий-синфий восита деб билиш ёки шундай кўриниш майли кучли. ХХI аср бошларида «Кеча ва кундуз» ҳам, «Қутлуг қон» ҳам истеъдодли ёзувчиларнинг халқ руҳини ишонарли ёритиб берилган асарлари сифатида талқин қилиниши, баҳоланиши мақсадга мувофиқдир.

Ойбекнинг 100 йиллиги муносабати билан унинг асарлари теран ўрганилди. «Миллатни уйғотган адиб», «Академик Ойбек» (А.Қаюмов), «Ойбек ва Зарифа» (Н.Каримов), «Қалбда севги тоши» (Р.Иброҳимова) сингари тадқиқотлар ёзилди, ўнлаб мақолалар яратилди.

¹ Қуронов Д. Икки роман — икки талқин. «Ёшлик» журнали, 1991 йил, 6-сон, 31-32-саҳифалар

² Юқоридаги мақола. 31-саҳифа.

ИККИНЧИ БОБНИНГ ХУЛОСАСИ

1. Бадий асарга аниқ, изчил муаммолар нуқтаи назаридан ёндашиш — мақсадли таҳлил кўриниши. Асарнинг ҳаётӣ-ҳаққонийлиги ижтимоӣ, мантикий ёндашув; ёзувчи тақдир, истеъдоди даражаси биографик, ижодий, генетик, онтологик ёндашув; асарнинг тарихий-маданий қатламдаги вазифаси тарихий-функционал ёхуд қайта баҳолаш орқали намоён бўлади.

2. Янги ўзбек адабиётшунослигида шу пайтгача асосан ижтимоӣ ёндашув етакчилик қилди. XX асрнинг 70-йилларигача ижтимоӣ ёндашув кўпинча сохталаштирилди, мафкуравий-сиёсий ўзанда давом этди. 80-90-йиллар адабиётшунослиги ва танқидчилигида биографик, ижодий-генетик, онтологик ёндашув хусусиятлари кўзга ташлана бошлади.

3. Мумтоз адабиётшуносликда қайта баҳолаш — бадий асарнинг янги маъно қатламларини ёритиш кенг ривожланган эди. Бедилхонлик, навоийхонлик, ғузулийхонлик мактаблари асосан қайта баҳолаш билан манғул бўлган. XX асрнинг 80-90-йилларидан нафақат ўзбек мумтоз адабиёти намуналари, балки жаҳон адабиётининг нодир асарлари қайтадан баҳолана бошланди.

4. Мумтоз адабиётшуносликда истеъдод масаласига эътибор кучли бўлган. Мумтоз санъаткорлар сўзни асраб-авайлаганлар: унинг жонли, жозибалилигига эътибор қаратганлар. Тирик сўз ҳақидаги тушунчалар Ғарб адабиётшунослигида онтология таълимоти сифатида ривожланган. Онтология бадий ижодга сиёсий мафкуравий тазйиқлар ўтказиладиган шароитда ривожланмайди. Шўро адабий сиёсати, унинг сунъий қонун-қоидалари инкор этилгач, онтология таълимоти ривожлана бошлади. Онтология истеъдодни тан олишдан бошлаб, бадий матннинг яратилишигача бўлган жараёни қамраб олади.

5. Онтология — ўзлаштириш эстетикаси ёхуд талқиннинг асосий тиргакларидан. Агар бадий матн тирик сўзлар, рангин картиналардан, жонли одамлардан ташкил топмаган бўлса, талқинчи ўз вазифасининг удласидан чиқа олмайди. Аниқроғи, у матннинг жонсизлигини исботлаб беради-ю, чин гўзалликдан маҳрум эканлигини таъкидлайди.

6. Ҳақиқий ёндашувлар — мақсадли таҳлиллар инсонпарварлик ғоялари аниқ кўриниб турган адабиётшуносликларда ривожланади. Шўро адабиётшунослиги 60-йилларнинг ўрталаригача асосан ижтимоӣ-мафкуравий ғоялар тарғиботи билан шуғулланди. Бадий адабиётда ҳақиқий гуманистик қараш, инсон эрки, ҳақ-ҳуқуқларини эъозлаш етакчи бўлса, ҳақиқий ёндашув, таҳлил, талқинлар ўзини оқлайди. Бадий асар воситасида ёзувчи тақдир, истеъдоди даражаси ўрганилади. Қайта баҳолаш ҳам эрк ҳукмронлиги палласида чин ривожини топади. XX асрнинг 80-90-йилларидан бошлаб ўлмас асарларнинг инсонпарварлик моҳияти теранроқ кашф этила бошланди.

7. XX асрнинг 80-90-йиллари ўзбек адабиётшунослиги ва танқидчилигида мумтоз адабиётшунослик ва илғор Европа-Америка адабиётшунослигидаги тамойиллар уйғунлашиб, бир-бирини бойитиб, тўлдириб бора бошлаганлиги кўзга аниқ ташланмоқда.

8. Ҳақиқий адабий-танқидий ёндашувлар вақт-замон элаги вазифасини ўташи англашиляпти. Ҳақиқий асарлар, истеъдодли ёзувчилар ижоди ёндашувлар воситасида қайта баҳоланмоқда. Аксинча, истеъдодсиз, маъноси (саёз) ижтимоӣ-мафкуравий талаблар асосида ёзилган асарлар ўз-ўзидан йўқолиб, қадрсизланиб бормоқда.

9. Истиқболдаги ўзбек адабиётшунослиги услуб, оҳанг ёндашувлари орқали бадий матннинг жонлилигини, ёзувчининг истеъдодини намоён этиб бориши лозим. Ҳозирги адабиётшунослигимизда услуб, оҳанг, ургу сингари нозик масалалар таҳлили ривожланмаганлигини таъкидлаш ўринлидир.

10. Ёндашув, таҳлил, талқинлар доирасининг кенгайиб бориши ўзбек адабиётшунослигининг ўсиб, бойиб бораётганидан далолатдир.

III БОБ

ТАЛҚИННИЙ ЖАРАЁН: ТАҲЛИЛ ЙЎЛЛАРИ, МАҚСАД ВА ВАЗИФАЛАРИ

Таҳлил — адабий-танқидий фаолиятнинг асоси, талқиннинг намоён бўлиши, қадрият баҳосининг зухурланиши. Таҳлил-матн моҳиятига кириб бориш, маъно қатламларини қунт, зийраклик билан ўрганиш, сўзлар, ҳатто оҳангларга юкланган вазифа-маъноларни қалбнинг нафосат тарозусида ўлчаш. Таҳлил-сатрлар силсиласини англаш, улар қувватини белгилаш, маънолар қатламларини синчковлик билан ўрганиш. Дейлик, шоир: «Сўйласин Урхун хати» деган матн яратган экан, мунаққид шу матнни ижодий ўқиши, таҳлил қилиши, бутун борлиғи билан тинглаши, кўҳна битик ғам-андуҳларини, руҳини ёритиб бериши жоиз.

Адабий матн — жисм-структура (тузилма). Мунаққид жисм (структура)ни таҳлил қилар экан, уни ҳаракатлантираётган, тириклигини таъминлаб турган асос — «жон»ни илганга интилади. Тилшунос ҳам жисм (структура)ни таҳлил қилади, лекин унинг мақсади тузилма тартиботини ўрганиш. Адабий танқидчи структура (жисм)ни таҳлил қилар экан, асос, илдизни белгилашга интилади: «жон» белгиланмас экан, сўзлар, жумлалар маъноси ёришмайди, улар жилваси, тобланиши сезилмайди. Структурали таҳлил — адабий матн моҳияти, «жони»ни белгилаш, шу асосда асар «ўзлиги», «қадр-қиммати» ҳақида баҳо чиқаришдир. Кўринадики, структурали таҳлил, ёндашувдан фарқли ўлароқ, бугун асар бўйлаб изланиш, мақсад сари кўп йўналишли ҳаракатдир.

Адабий матн — белгилар, имо-ишоралар парласига ўралган тилсим. У услубий бетакрорлик, кўникилмаган оҳанг. Қилни қирқ ёрадиган, маҳоратдан заргарга дарс берадиган мунаққидгина тилсимлар сирини англайди, услуб, оҳанг бетакрорлигидаги маъноларни очиб беради. Ҳозирги ўзбек адабиётида семистик (имо-ишоралар, белгилар) таҳлиliga тоб берадиган асарлар бор. Муҳими, кейинги йилларда мумтоз,

замонавий ўзбек шеъриятини семистик таҳлил қилишга йўналтирилган асарлар пайдо бўлмоқда.

Адабий матн мураккаблашиб, имо-ишоралар кучайиб, маънони пардали ифодалаш йўсинлари кўпаймоқда. Модерн адабиётни ўзлаштириш алоҳида тайёргарликни талаб этмоқда. Ўртача китобхон машҳур асарларни ўқиш, ҳузур қилишдан маҳрум бўлиб қолаяпти. Аксарият китобхонлар Чингиз Айтматовнинг «Қиёмат» романини маза қилиб ўқиганлар. Лекин ҳамма китобхон ҳам шу романдаги матн ости маъноларни, имо-ишораларни англаб етганмикин? Рус танқидчиси Лев Аннинский «Кентаврлар пойгаси» мақола-сида «Қиёмат» романини шундай таҳлил қиладики, талқин кишида ҳавас уйғотади. Мунаққид асарнинг асосий қаҳрамонларидан бирининг исми, насаби мазмунидан романининг муҳим қалитини топиб олади. Авдий — туноҳларни кечирувчи; Иннокентий — шафқат қилинган, бегуноҳ; Каллистрат — ёқимтой жангчи, жаҳолатга қарши боровчи, деган маънони англатар экан. Мақола пировардида Л.Аннинский ўзининг барча ҳамкасбларига қувлик қилади: «Сизларни, мунаққидлар, Айтматов роса тузлади! «Қиёмат» — белгилар, имо-ишоралар романи. Унда янги замон тафаккури бор».¹

Хўш, модерн адабиётда имо-ишоралар, белгилар, интел-лектуал даража ортиб бораётган, адабий матн сирли бой-лика, тилсимланган ҳузурга айланаётган экан, унга эришиш йўллари қандай, китобхонга (танқидчига ҳам) йўл-йўриқ кўрсатадиган восита, адабиётлар мавжудми? Бизла китобхонлик, унинг даражаси ҳақида кўп гапирилади-ю, аммо муаммо-нинг ҳал қилиш йўлларига эътибор берилмайди.

XX асрнинг етмишинчи йилларидан эътиборан Ғарбий Европа, Америка халқлари адабиётшунослити ва танқидчи-лигида китобхон муаммосига алоҳида эътибор берилди. Ўзлаштириш эстетикаси фан сифатида ривожланиб, ўз мак-сеини мустаҳкамлай бошлади. Ганг Роберт Яусс, Уилсон Найт, Де Хаард, Вольфганг Изер, Роберт Пенн, Оустин Уоррен, Рене Уэллек, Нортрон Фрай, М.Рифатер сингари олимлар китобхонлик муаммолари билан шуҳулландилар. Булар инглиз Томас Элиот (1888-1965), рус Валентин Асмус

¹ «Вопросы литературы» журналы, 1987 йил, 3-сон.

(1894-1975) сингари олимларнинг эстетика, адабиётшуносликка оид қарашларини изчил давом эттирдилар. Айниқса, «Поэзиянинг вазифаси ва танқиднинг ўрни» (1933, Т.Элиот) асари улар учун таянч вазифасини ўтади. Бадиий асарнинг ўқилиши, ўзлаштирилиши муаммолари немис олими Вольфганг Изернинг «Имплицит китобхон» (1976), «Ўқиш ҳолати» (1978) китобларида ўртага қўйилган. Олимнинг таъкидлашича, ҳар қандай бадиий матнда икки кутб мавжуддир. Биринчи кутб бадиий матннинг мукамаллигига тааллуқли.

Бадиий асар тузилмаси (структураси)да диққатни жалб этувчи марказлар кўп бўлиши лозим. Ҳар бир структуравий марказ-маъно тугунчаси, ўзига хос йўналиш вазифасини ўтайди. Бошқача айтганда, адабий матндаги бадиий кутб қанча жиддий, мукамал бўлса, унинг мазмун-маъноси сертармоқ, баҳоси юксак бўлади. В.Изернинг таъкидлашича, адабий матнда яширин (имплицит) китобхон фаолият кўрсатади. У ҳамиша реал китобхон билан рўбарў келади: асарнинг эстетик бойлиги имкониятини реал китобхонга юктиради. Адабий матндаги бадиийлик кутби ўзгармаган ҳолда, эстетик кутб-имплицитив китобхон реал китобхон таъсирида ўсиб, ўзгариб боради — замоннинг эстетик-маънавий эҳтиёжларига юз буради. Шундай асарлар борки, китобхон (танқидчи)даги эстетик эҳтиёж бойиб, ортиб боравергани сайин матндаги заҳира қаватлар, имкониятлар ўзини намоён эта боради. Буни В.Изер маънолар зич, тизмаланишнинг континууми (қат-қатлиги) дейди. Адабий матн ҳеч қачон бир йўналишдаги ахборот ёхуд ҳужжат сифатида қабул қилинмайди. У ҳамиша, ҳар қачон маънолар кўпқаватлилиги, зичлиги манбаидир. Бадиий матн талқин қилинган реаллик ортида юз кўрсатган яна аллақандай тушунчалар, ҳолатлардан хабардор қилини жоиз. Гоҳо шундай бўладикки, одам қанча сув ичса ҳам чанқоғи қонмайди. Ҳақиқий бадиий асар рухий-маънавий чанқоқни орттириб, кўчайтириб, аynи вақтда онг билан эмас, қалб билан англаш туйғусини ўстириб бораверади.

Ўқиш ҳолати, адабий матннинг бадиий имкониятлари, эстетик завқ — шавқнинг даражаси ҳақида гап борар экан, Чўлпоннинг «Улуг Ҳиндий» мақоласидаги мана бу гап — муносабат ёдга тушаверади: «Навоий, Лутфий, Бойқаро,

Машираб, Умархон, Фазлий, Фурқат, Муқимийларни ўқийман: бир хил, бир хил, бир хил!

Кўнтил бошқа нарса — янгилик қилирадир: Боту, Гайратий, Олтой, Ойбек, Жулқинбойларни ўқиймен, қувонтирадир, холос! Улар менинг учун ёнғон чироқлар бўлса ҳам, менинг эртанг учун! Авлоний, Тавалло, Силдиқий ва Ҳакимзодаларни ўқимаймен, ўқимаймен, мени шу ҳолга солғон ўшалар!...¹

Чўлпон фикрини ҳар ким ҳар хил талқин қилади. Менимча, Чўлпон маъноси теран, китобхонни ром этадиган, ўйлантирадиган асарларни орзу қилиб, аксинча, панд-насихат йўсинидаги, маъноси саёз асарлардан нолиб юқорида келтирганимиз — фикрни айтган.

Ўқиш ҳолати ҳақида тўхталинар экан, В.Изер қабул қилишнинг жамлаш кўринишига эътибор беради. Биронга китобхон йўқки, у асарни бевосита, қандай бўлса шундай қабул қилсин. Китобхон асарни ўқир экан, замоннинг мазмун ва ижтимоий ҳолатини, эстетик ҳис ва шакланган дидни, ўқилаётган асарнинг қабул қилиниши тарихини кўшиб олиб боради. Бошқача айтганда, ўқиш, истеъмол қилиш жараёни ижтимоий-маънавий қарашлар билан тўлдирилиб, бир нуқтага уюштирилиб оптика ҳолатига келтирилиб берилади. Демак, бадиий матнни ўзлаштириш ўта мураккаб ҳолат, жараёндир.

В.Изернинг «Ўқиш ҳолати» асарида бадиий матннинг мутахассис китобхон (танқидчи) ва оддий қабул қилувчи томонидан ўзлаштирилиши масаласига алоҳида эътибор берилади. Оддий китобхон асарни ўзича қабул қилади, унинг қарашини, тушунчасини ўзига хос бўлади. Мутахассис китобхон — танқидчи асарни ўқир экан, беихтиёр жамиятнинг эстетик қарашларини сингдириб юборади.

Ҳозирги ўзбек танқидчилигида қизиқ бир ҳолат кузатишмоқда. Яъни, XX асрда, Шўро даврида ижод этган истеъдодли шоирларнинг асарларида истиклол, Мустақил Ўзбекистон куйланганлиги аниқ кўриняпти. Чўлпон шеърининг асосий масалаларидан бири — эрк, озодлик эди. Шоирнинг озодлик, инсон эрки ҳақидаги асарлари бутунги ўқув-

¹ Чўлпон. Адабиёт надури. Тошкент. «Чўлпон» нашриёти-1993, 57-58-саҳифа.

чининг маънавий — эстетик эҳтиёжларини қониқтирмоқда. Абдулла Орипов ўз ижодини 60-йилларда, Ўзбекистон истиқлолидан 30 йил муқаддам бошлаган эди. Унинг аксарият асарлари Ўзбекистон мустақиллиги йўлида «курашганлиги» очик — ойдин кўринмоқда.

Эркин Воҳидовнинг «Ўзбегим» қасидаси, «Инсон» газали, «Шаркий кирюқлар», «Қалб шундай уммонки...», «Куллиқ қил демасман» шеърлари қатида эрк алангаси сезилиб туради.

Шавкат Раҳмон истиқлолга бундай ишонган эди:

Порлар тошга дўнган сўзларим,
Порлар мангу одамий руҳим¹.

Хуллас, таҳлил ва унинг турли шакл-шамойиллари танқидчи истеъдодининг кўрсаткичи, талқиннинг синалган воситалари, ишонарли баҳо ифодаси.

I фасл. САТРЛАР РУҲИГА СИНГИШ ЁХУД МИКРОАНАЛИЗ ИМКОНИАТЛАРИ

Микроанализ — кунт билан ўқиш, маъзини чақиш орқали таҳлил қилиш. Адабий матнни синчиклаб ўрганиш, биринчидан, ундаги узук-юлуқликни, ямоқ-яскоқни, иккинчидан, матндаги «синган», «мажруҳ бўлган» ўринларни, учинчидан, бир услубнинг бегона услуб билан алмашиб қолишини, тўртинчидан, матнга сингишиб кетмаган, «бегоналигича» қолиб кетган образларни, бешинчидан, асар муаллифи руҳияти-ҳолатида рўй берган ўзгаришларни беҳато кўрсатади. Кунт, диққат-эътибор билан таҳлил қилишга — микроанализга мисоллар кўп. Самарқанд Давлат университетидида XX асрнинг 60-йилларигача профессор бўлиб ишлаган, синчиклаб ўқиш методини янгича қарашлар билан бойитган Я.О.Зунделович Ф.М. Достоевскийнинг «Жиноят ва жазо» романини синчиклаб ўрганар экан, машҳур роман матнига ташқаридан аралашув бўлганини, асл матннинг баъзи ўринлари сохта-лаштирилганлигини сезади, ўз қарашларини баён этади.

¹ Шавкат Раҳмон. Сайланма. «Шарқ» НМК-1997, 155-саҳифа.

Кейинчалик талқикотчи В.Я. Кирпотин архив материаллари, Ф.М.Достоевскийнинг мактубларини ўрганиш натижасида ҳақиқатан ҳам «Жиноят ва жазо» романи матнига четдан аралашини жинояти рўй берганини аниқлайди. Аниқроғи, «Жиноят ва жазо» романининг хотима қисми адабий амалдорларнинг аралашуви билан ўзгартирилганлиги факти ойдинлашади¹.

XX аср ўзбек танқидчилигида синчиклаб ўқиб, ҳолис талқин қилинган асарлар бор. Масалан, Валуд Маҳмуд Чўлпон лирикасини севиб ўқиган, маҳорат билан таҳлил қилган. Ойбек ҳам 20-йилларда Чўлпон лирикаси ҳақида самимий қарашларини ифодалаган. Танқидчилик 40-йиллардаёқ А.Қаҳҳор ҳикояларини, Ҳамид Олимжон лирикасини [Ойбекнинг «Армуғон» тўпламида (Тошкент - 1944 йил) босилган «Оташин ватанпарвар ва талантли шоир» мақоласи назарда тутилади — А.Р.] синчиклаб ўқиш орқали таҳлил қилган. 50-60-йилларда М.Қўшжонов, О.Шарафиддинов сингари мунаққидлар матн таҳлилига асосланган танқидни ривожлантирдилар. Кейинчалик Наим Каримов, Бегали Қосимов, Шерали Турдиев, Гаффор Мўминов, Нўъмон Раҳимжонов, Бойбўта Дўстқораев сингари адабиётшунос — танқидчилар бадиий асарни асл матн асосида текшириш зарурлиги қондасини асос қилиб олдилар. Раҳмон Қўчқор, Яшар Қосим, Сувон Мели, Баҳодир Карим сингари адабиётшунос-танқидчилар асл матнга асосланган ҳолда хулоса чиқармоқдалар. Афсуски, 20-йиллардан бошлаб ўзбек танқидчилигида бадиий матнга бепарволик билан қараш, унга юзаки муносабатда бўлиш кайфияти авж олди. Олим Шарафиддинов, Усмонхон, Сотти Ҳусайн, Раҳмат Мажидий, А.Саъдий сингари танқидчилар бадиий матнни, синчиклаб ўқишни муҳим деб билмадилар. Бадиий матнга бепарво муносабатда бўлиш ўзбек шўро танқидчилигини обрўсизлантирди. Танқидчилигимизнинг яқин тарихида шундай мақола, талқикотлар борки, уларни ўқиб уялиб кетасан киши. Ваҳоланки, микроанализ — сўзни ҳис қилиш, ёзувчи услубини англаш, матн маъзини чақиш.

¹ Маълумот Ю.Боревнинг «Талқин ва баҳолаш санъати» (Москва, «Советский писатель»-1981 йил) китобининг 74-саҳифасидан олинди.

лари, кўзларининг таърифлари бериляпти. Борингки, бунинг қонуний ҳол деб ҳисоблайлик, лекин гўзалнинг кўзлари нима учун жодуга, яғмога, ҳатто Сайхун ва Жайхунга қийсалган?...

Шоир ғазал битаётганда рубоб торлари, шеър сатрлари, гўзал ёр, дилбарни эслабди, сўнгра сайрга чиқибди, қайтиб келса, икки дўсти ташриф буюрган экан, бироқ буларни айтиб бизга нимани ўргатмоқчи, қандай завқ-шавқ бермоқчи? Афсуски, саволга қаноатланарли жавоб топиш қийин. Ахир, шеърнинг бир бандида бир фикр, иккинчисида яна бошқа мулоҳаза, учинчисида тагин бир ҳукм-хулоса ифодалангандан кейин нима бўларди?! Пиравардида, китобхон шоирдан: ҳар бир сўзингиз, ҳар бир калимангиз бизга гоёвий-бадий озуқа бериши керак, ҳар бир сўз маънавий сабоқ бериши зарур, деб талаб қилишга ҳақли¹.

Синчиклаб ўқиб маълум фурсат санъаткор руҳига кириш, унинг асли мақсадини англаб етишдир. Санъаткор боғдан келса-ю, танқидчи тоғдан келса, синчиклаб ўқиб-ҳақиқий таҳлил бўладими? Микроанализ — синчиклаб ўқиб, аслида бадий асарнинг таъсир қувватини ошириш, унинг янги-янги қатламларини кашф этиш. 20-30 йилларда бадий асарни восита қилиб олиб, ёзувчига сиёсий айб қўйиб иллати вужудга келди. Бора-бора шундай мантиқсизликлар пайдо бўлдики, ақли расо одам: «Наҳотки, наҳотки...» дея ёқа ушлади. Озод Шарафиддинов «Абдулла Қаҳҳор» асарида ноҳолис, илмга заррача даҳли йўқ «танқид» намунасини мисол қилиб келтиради. «Тажрибали адабиётшунос профессор Абдурахмон Саъдий айрим ўзбек ёзувчиларини гоёсизликда айблаб шундай деган: «Энди Уйғуннинг «Раққоса» шеърини кўрайлик. Қандай раққоса бу — совет раққосасими ёки бошқами? Ахир, буржуа жамиятида ҳам раққосалар кўп. Йўқ, бу ўринда совет раққосаси кўринмайди...

Менинг собиқ шоғирдим Зулфиянинг «Халқ» шеъри ҳақида бир оғиз гапираман. Бу шеър, ўртоқлар, юз фоиз индивидуалистик буржуа поэзиясининг намунаси...

Миртемирнинг «Амударё» шеърини олайлик. Шеърни ўқиб чиққач, ўзини ва шоирга савол берасан — қайси Амударё

¹ Худойберганов Н. Чўққилар чорлайди. Тошкент: Фафур Фулом номидаги адабиёт ва санъат нашриёти-1975, 138-141-саҳифалар.

бу? Феодал давридагими, буржуазия давридагими ёхуд совет давридагими?... Бундай асар ҳеч нарсага ярамайди. Бу Миртемирнинг жуда катта гоёвий камчилигидир». Кўриниб турибдики, адабиётга бундай ёндашишда илмийлик ўрнини, объективлик ўрнини сиёсатбозлик, демагогия, дўқ-пўписа эгаллаган¹.

XX асрнинг 70-йилларига келиб адабиётшуносликдаги иқлим ўзгарди. Матншунослик, манбашуносликка эътибор кучайди. Навоий, Ойбек, Фафур Фулом, Ҳамид Олимжон сингари ижодкорларнинг кўп томли асарлари чоп этила бошланди. «Алишер Навоий асарлари тилининг изоҳли лугати» устида иш бошланиб кетди. Матн маъзини чақиб томон бурилиш бўлди. Афсуски, шу йилларда матнга бепишандлик билан яратилган асарлар ҳамон сероб эди. 1987 йилда рус тилида чоп этилган «Ўзбек совет адабиёти тарихи» китобининг I жилди фикримиз исботи бўлади. А.Қодирийнинг «Меҳробдан чаён» романига бағишланган қисмда мана бундай «ихтиро»ларга дуч келамиз: «Анвар — қаншоқлашган бўёқчи (!) Солиҳ Махмуднинг ўғли». Раъно хон ҳарамига олиб борилмаганлиги, қанизлар қаторига қўшилмаганлиги барчага аён. Лекин «Ўзбек совет адабиёти тарихи»ни яратувчилар: «Хон ҳарамидан қочиб фикри Анвардан эмас, Раънодан чиқди» — деб ёзадилар. «Ўтган кунлар» яратилибдики, Абдулла Қодирий тарихга синфий нуқтаи назардан боқмаганлиги боис ур калтак, сур калтак қилинади. Ёзувчига хайрихоҳлик қилмоқчи бўлганлар эса «Меҳробдан чаён»нинг асосий қаҳрамони оддий халқ вакили эканлигини ҳамиша эслатадилар. «Ўзбек совет адабиёти тарихи»да мана бу «янгилик»ка дуч келамиз: «Ҳар икки романда ёзувчи ижобий қаҳрамонларни халқ орасидан топади, унинг барча салбий персонажлари — ёзувчи синф намояндалари». Ҳозиргина ижобий қаҳрамонларни оддий халқ вакили деб турган муаллифлар Раъно, Султоналини шу қаторга қўшиб қўядилар. «Ижобий қаҳрамонлар Анвар, Раъно, Султонали, Сафар бўзчи, Қобилбой, Шариф, Раҳим ва уларнинг дўстлари индивидуаллаштирилган. Абдулла Қодирий уларни инсонларвар,

¹ Шарафиддинов О. Абдулла Қаҳҳор, Тошкент: «Ёш гвардия» нашриёти-1988, 174-175-саҳифалар.

ҳақиқатгүй, дилдан сева оладиган вафодор қилиб тасвирлайди». Ижобий қаҳрамон, персонажлар ҳозиргача кўкларга кўтарилган эди. Энди бўлса; «Худоёрхон ва унинг яқинларини ҳаққоний ва ишонarli тасвирлай олган ёзувчи Анвар, Раъно, Султонали, Сафар бўзчи, халқ вакиллари намояндалари тақдири ва характерини чуқур ёрита олмаган»¹, — деган томдан тараша тушгандай хулосани ўқиймиз. Кўринадики, «Ўзбек совет адабиёти тарихи»ни яратганлар бадиий матн масаласига деярли эътибор бермаганлар. Ваҳоланки, дарслик, «тарих»ларда матини ўқиш масаласида пихоятда синчков, зийрак бўлмоқ жоиз.

Матнинг маъзини чақишти, сатрлар сийратига синчиклаб қарашни машхур асарлар талқинлари орқали кўрсатилса, микроанализ моҳияти аниқ кўринади. XX аср ўзбек адабиётида «Бой ила хизматчи» ярим асрдан мўлроқ вақт давомида асосий, таянч асар бўлиб келди. Бу асар мактаб ўқувчилари онгига чуқур сингдирилди, аксарият ўзбек театрлари ҳар йили мавсумларини шу асар билан бошладилар. «Бой ила хизматчи» соцреализмнинг етук асари сифатида хорижий мамлакатларда ҳам ўрганилди. Ғоявий-мафкуравий жиҳатдан юксак бу асарнинг поэтикаси, структура (тузилма)си қандай эди? Ҳамза қаламига мансуб бу асар 1918 йилда ёзилган, бир қанча вақт саҳнада кўрсатилган эди. Лекин асар матни сақланмаган. Ҳамзанинг 5 жилдли мукаммал асарларининг 3-жилдли (Тошкент, «Фан» — 1988) асар матни уч саҳифада берилган. Ҳамзанинг «Бой ила хизматчи» асари 1939 йилда Комил Яшин томонидан қайта ёзилган. Наим Каримов фикрича, «Бой ила хизматчи» 1939 йилда Комил Яшин «томонидан тикланган» деб эмас, балки қайта ишланган ва таҳрир этилган нусха деб аташ тўғрироқ бўлади»². Комил Яшиннинг эътирофича, у «Бой ила хизматчи»нинг саҳнабон вариантини яратган³. Шоир Мирализ Аъзамга қолса К.Яшин Ҳамза асарини бузиб кўрсатган⁴. Адабиётшунос Сувон Мели

«Бой ила хизматчи» Комил Яшин томонидан тикланганлигини айтади¹.

«Бой ила хизматчи»нинг тикланган нусхаси ҳақида ўзбек адабиётшунослигида ўндан ортиқ мақола ёзилди. Лекин деярли ҳеч ким мазкур асардаги услубий курак (баланд-паст)лик ҳақида ёзмади. К. Яшин нусхасида Ҳамзанинг бошқа асарлари (масалан, «Бурунги сайловлар»)дан кўчган услуб. Комил Яшиннинг ўз услуби, қайсибир даражада «Кеча ва кундуз» романи услуби сингарилар сезилади. Мана, сўз санъаткори, характер нутқини яшнатиб юборадиган Ҳамза услуби: «Мана энди шухратингдан ўргилай, мўъжазгина, у тиззадан — бу тиззага учиб кўнадиган Жамилахоннинг дарагини эшигиб қолгандан бўён, бой поччадан ҳам иллари, бизнинг юрагимиз дирип-дирип ўйшайди. Билмайманким, у жонимни олгур, бойга тегиб олиб, бизнинг бу кир чопон билан, ёғлиқ дўппини назарларига илармикан? Мана бизда бу янги ишқ мижозининг ғами...» Ҳолматнинг мазкур сўзлари Мулладўст сўзларини эслатади.

Ҳолмат бирдан камбағал, Гофирнинг дўсти эканлигини эслаб қолади-да, Комил Яшин услуби билан гап бошлайди: «Шоиманг, Ҳолматжон тўра, ўзингча нима деб вайсаясан? Ҳадеб бойга пишанг берсан! Бой кимни олмоқчи! Жамилани-ку!.. Ўз Гофиримизнинг хотини...! Тикланган нусханинг учинчи пардасида Солихбойнинг маҳрами, хонаки масхарабози Ҳолмат ҳоким ҳузурида: «Ҳой, ҳақиқат борми, ҳақиқат?» дея исён кўтарадими, бу ҳам тамоман ёт услуб.

Тикланган нусхада мантиққа зинҳор мос тушмайдиган ҳолат бор. Солихбойнинг яккаю ягона меросхўри, Гулбаҳордан тутилган чакалоқ ўтилчаси ҳозиргина қайноқ сувда куйиб ўлган. Ушбу дақиқалардаги Солихбойнинг ҳолати: «Бой (кўзини Жамиладан узмай). Қандай офати жон? Қандай малак бу? (Хотинларга) Йўқолинг!... Бу нима гап? Яна шуни кўрдим-у, ўтдай ёниб турган одам мулойим бўлдим-қолдим. Қара, қандай соз, қандай тирик нарса бу? Ҳе, бу дунё беш кун... Бешови ҳам қора кун. Ўйнаш керак, кулиш керак. Қандай келинган нозанин бу?». Биринчидан,

¹ История узбекской советской литературы. В 5 томах. I том. Ташкент, Издательство «Фан»-1987. 154, 157-саҳифалар.

² Ҳамза Ҳакимовди ижоди проблемалари. Тошкент, «Фан»-1988, 62-саҳифа.

³ Яшин. Давр овози. «Совет Ўзбекистони» газетаси, 1989, 5 март.

⁴ «Ўзбек тили ва адабиёти» журнали, 1989, №1, 18-саҳифа.

¹ Сувон Мели. «Бой ила хизматчи» ёки тикланган нусха муаммоси. «Ёлшик» журнали, 1989, 11-сон, 68-72-саҳифа.

Ҳамза бундай ёзмайди. Иккинчидан, ёши бир жойга бориб қолган бойнинг ёш болаларча ошиқ бўлиши нотабиий.

Тикланган нусхадаги Ҳожи она на суврати, на сийрати билан ўзбек онасига, устига устак, ҳаж маросимини ўтаган сиймога зинҳор ўхшамайди: «Ҳожи она. Менинг уйимда текин овқат йўқ. Гофирга айтинглар, хотини чиқсин, ишласин! Қаллиқбозлик ҳам икки-уч кун бўлади-да, худо урди кетди! Бўлмаса кўч-кўронини онасининг уйига жўнатсин... Оллоҳу карим, мўминларга таффиқ бер. Кўпнинг қаторида имонимни басаломат сакла!»^{1,2}. Бундай услуб Ҳамзага таъмоман бегона.

Сувон Мели «Бой ила хизматчи»нинг тикланган нусхаси ҳақида ўта қалтис бир масалани кўтаради:

«Қисқа вақт ичида Пошшоойим, Хонзода, Гулбаҳор каби ҳар бири индивидуал қиёфага эга бўлган образларни йўқ жойдан бор қилиш осон эмасди.

Менинча, воқеалар тахминан шундай кечган. Етим Бобожоновнинг Солиҳбой хонадонининг ички ҳаётини кўрсатиш кераклиги ҳақидаги жўяли мулоҳазаси шундай фикр тугдирган: Тўхта, ... Чўлпоннинг босилиб чиққан романида режиссёр айтганга ўхшаш эпизодлар бор-ку, улардан нега ижодий фойдаланиш мумкин эмас. Ким билиб ўтирибди, Чўлпон номини тилга олиш ўлим билан тенг пайтда, Чўлпондан ўзлангирибсан дейишга кимнинг юраги бетларди»³. «Кеча ва кундуз» романида Акбарали мингбошининг Халичахон, Пошшоохон, Султонхон, Зебихон исмли хотинлари бор эди. Энди «Бой ила хизматчи» тикланган асардаги Солиҳбойнинг хотинлари Пошшо ойим, Хонзода, Гулбаҳор. Маълумки, кейинчалик зўрлик билан Жамилага ҳам уйланади. «Бой ила хизматчи» номли тикланган нусхадаги бой хотинлари руҳияти, хатти-ҳаракатлари, макрлари Акбарали мингбоши хотинлари руҳиятига жуда яқин. Ўйлаб кўрилса, мазкур ўхшашликда, тикланган нусха муаллифини ҳар қанча ҳимоя

¹ Ҳамза. 5 томлик тўлиқ асарлар тўплами. 3-том. Тошкент-1988, 224-саҳифа.

² Шу асар. 217-саҳифа.

³ Юқорида келтирилганимиз Сувон Мели мақоласи, «Ёшлик» журнали, 1989 йил, 11-сон. 71-саҳифа.

қилмайлик, шлатиат (кўчирмачилик) ҳили анқияпти. Комил Яшин талантили, давр руҳини назик ҳис этадиган ижодкор сифатида 30-йиллар охиридаги шўро адабиёти хусусиятларини, айниқса, социалистик реализм методи талабларини ўрнига қўйган.

Адабиётшунос Аҳмад Алиев «Фитрат ва унинг «Арслон» драмаси»¹ мақоласида, афсуски, яна фикримизни «Бой ила хизматчи»нинг нусхасига тортади. «Арслон»да Мансурбий деган бой тимсоли бор: у Солиҳбойга ўхшайди. Бойнинг Тўлиной исмли чўри-хизматкори бор. Тўлиной Арслонни севали. Мансурбий Тўлинини қўлга киритиш учун шундай хатти-ҳаракатлар қилиб, йўл тутадики, у Солиҳбойнинг қилмишларини ёдга солади. Аҳмад Алиев К.Яшин Солиҳбой ва Жамила муносабатларини тасвирлашда Фитратнинг «Арслон» драмасидан унумли фойдаланганлигини ёзади.

Адабиётшунос Наим Каримов «Бой ила хизматчи» драмасининг тикланган нусхаси хусусида билдирилган фикр-мулоҳазаларни қуйидагича хулосалагандай бўлади: «Адолат юзасидан айтганда, пьесанинг 1939 йил вариантини Яшин томонидан «тикланган» деб эмас, балки қайта ишланган ва тахрир этилган нусха деб аташ тўғрироқ бўлади.

Хўш, Яшиннинг бунга ҳақи бормида? Ҳамза асарининг гонимий-бадний қувватини ошириш унинг вазифасига кирармиди? Кирарди, албатта. Зеро, у Ҳамзанинг машҳур асари бундан кейин ҳам адабиётимизнинг гултожи бўлиб қолиши керак, деган эътиқоддан келиб чиққан ҳолда пьесани қайта ишлаганга киришди»².

Машҳур асарларнинг унутилиб кетганига зинҳор йўл қўйиш керак эмас. Лекин шуни ҳам борки, ҳақиқий асар — мукаммал тузилма (структура): ундаги ҳар сўз, белги, ибора, картина яхлитлигини, бирбутунлигини тасдиқлайди. Адабий матн нуқтаи назаридан қараганда, К.Яшин томонидан қайта тикланган «Бой ила хизматчи» конгломерат, ямоҳ-ясоқоқ асар. Унда Ҳамза, Яшин, Чўлпон, Фитратларнинг

¹ «Гулистон» журнали, 1989 йил, 12-сон.

² Н.Каримов. «Бой ила хизматчи» драмасининг ижодий тақдир. Юқорида тилга олганимиз «Ҳамза Ҳакимзода ижодий проблемалари» («Фан»-1988) китоби, 62-саҳифа.

услуги қоришиги бор. Иккинчидан, Ҳамза яратган драма-
даги Солиҳбой, Жамила, Гофирлар каторига бир қанча об-
разлар қўшилганки, улар мати бирлиги, уйғулиги нуқтаи
назарида асарга сингишиб кетмаган. «Бой ва хизматчи»-
нинг тикланган нусхаси гоёвий-мафкуравий асар сифатида
шўро тузумига хизмат қилди. Лекин маънавий эстетик
бирбугунлик, яхлитлик сифатида машхур бўлиши мумкин
эмас эди. Шўро ҳукумати тутатилар, унинг гоёвий-мафку-
равий тиргакларига ҳам зарурат қолмади. Бу гап «Бой ила хиз-
матчи»нинг тикланган нусхасига ҳам бевосита тааллуқлидир.

Саъйят асари замон, макон (демакки, ҳар хил ижтимоий-
сиёсий тузумлар) қаршилигини ентиб ўта олади. Тўғри,
мангу асарлар айрим шахсларга (масалан, Л.Толстой Шек-
спир асарларини ёқтирмаган), қайсидир ижтимоий-сиёсий
тузумга (Аҳмад Яссавий асарлари шўро ҳукуматида) маъқул
бўлмаслиги мумкин. Ҳақиқий асар доим, ҳар қандай вазият-
да турли талқинларга тоб бера олади. Талқинчиликда
«моно фикрли асар» деган ибора бор. Бошқача айтганда,
талқинларга тоб бермаган, битта талқиндаёқ имконияти тута-
ган, шър, ҳикоя, драма бўлиши мумкин. Масалан, Иброҳим
Ғафуров Шукр Холмировнинг «Кимсасиз ҳовли» ҳикояси-
ни таҳлил қилиб, уни «ҳаромга, маънавий разолатга қарши
дахшатли айбнома» сифатида талқин қилади. «Шахсан мен
ҳикояни икки-уч қайта ўқидим, — деб ёзади Олим Отахонов.
— Аммо мен бошқачарок, мана бундай — бундай тушундим,
дейиш учун бир эътироз тополмадим. Сабаби? Сабаби ҳи-
коянинг ўзи бундай қарама-қарши мунозарали талқинларга
изн бермайди»¹.

Олим Отахонов «Кимсасиз ҳовли» ҳикоясининг ўзга тал-
қинини тополмайди-ю, Абдулла Қаҳҳорнинг «Ўғри», Хулио
Кортасарнинг «Ишғол қилинган уй», Ясури Кавабатанинг
«Бамбук садоси, шафтоли гули» ҳикояларини талқин
қилади.

Олим Отахонов аргентинали Кортасар, япониялик Кава-
бата ҳикояларининг яна бир қанча талқинларини бемалол
келтириши мумкин бўлгани ҳолда, Абдулла Қаҳҳорнинг

¹ О. Отахонов. «Борса келмас» ваги ҳазина. Китоб: Тошкент. Ғафур
Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти-1987, 309-саҳифа.

«Ўғри» ҳикоясининг битта, энг муҳим талқинини тошади.
Қобил бобо-чиндан ҳам қобил, мўмин, кўй огзидан чўп
олмаган банди. Унинг ўта ношудлиги, ўта итоаткорлиги
кишининг газабини кўзгайди. Одам дегани ўгли-шудли,
лаб-даханли, ҳеч бўлмаганда, ўз қадрини биладиган бўлиши
керакмасми? Ўзини билган одам борки, «қорнимга эмас,
қадримга йиғлайман», — деган қондага риоя қилади. Қобил
бобо доим титраб, яппаётганидан уялиб кетаётгандай тую-
лади. Олим Отахонов ҳикоядаги «асосий ўғри... Қобилбобо»
— деган хулосага келади. — «У ўз юрагидаги шижоатни,
кураш туйғусини, зулмга исён аҳдини ўғирлаган шахс. У
узюк йиллар давомида муттасил шу иш билан шугулланиб
келган. Шунга кўниккан ва шундан бошқача яшашга ожиз.
Нега бўлмасам, ҳикоянинг бирон ерида у порозилик бил-
дирмайди... Буюк Гойя ўзининг машхур бир суратини бе-
корга «Тафаккурнинг уйқуси шайтанатни яратади» деб
атамаган. Қобилбобо образи инсонлик шаъни, номуси ва
одамчилигини билмаган, худди бунга ҳуқуқи йўқдек гарант,
афтодаҳол мусичадай беозорлиги билан аввал ўзи-ю қола-
верса, атрофдагиларга мугелик, қуллиқ психологиясини —
вирусларини беихтиёр тарқатувчи — юқтирувчи Қобилбоболар
тимсолидир»¹. Олим Отахоновнинг қуллиқ психологияси
ҳақидаги фикри жўли, муҳими, замонавий. 80-йилларнинг
охирларида одамлардаги шижоат, ўзликни англаш туйғуси
ниҳоятда ривожланди. Талқинчи «Ўғри»ни замон руҳида
талқин қилди. 1995 йил 23 июлда «Ўзбекистон адабиёти ва
санъати» газетасида Сувон Мелининг «Меҳр сеҳри» мақо-
ласи босилди. Мақола асосан «Ўғри» ҳикояси талқинига
бағинилган. Муаллиф «Ўғри» ҳикоясида ўтмин қорала-
нлигини, ижтимоий гоё етакчилиқ қилганини таъкидлайди.
Мақола муаллифини ҳайрон қолдирган нарса шуки, унда на
қаҳрамонга, на идеалга меҳр сезилмайди. «Ўғри» — тоталитар
даврининг бадний ҳужжати» деган хулоса чиқарилади. Ажаб,
на О.Отахонов, на Сувон Мели Абдулла Қаҳҳорнинг ижодий
методи — изчил, шафқатсиз реализм ҳақида тўхталинмай-
дилар. Бадний адабиёт қайси методга тааллуқлилиги билан
эмас, одамни қандай тасвирлашлилиги билан муҳимдир деган

¹ О.Отахоновнинг юқорида эслатилган мақоласи. 316, 317-саҳифалар.

қоида уларни бошқаради. Абдулла Қаҳҳор асарлари ҳақида А.Жабборов, М.Олимов, Ҳ.Каримов сингари мунаққидлар ҳам мақолалар ёздилар. Филология фанлари доктори Ҳакимжон Каримов «Ўзбекистон адабиёти ва санъати» газетасининг 1998 йил 26 июн сонидида «Ғоя ҳақиқатга мосми?» мақоласини чоп эттирди. Мунаққид Абдулла Қаҳҳорнинг «Дахшат» ҳикоясини талқин қилар экан, ундаги ҳаётий ноаниқликлар, деталлардаги номутаносибликлар ҳақида ёзади. Филология фанлари доктори Санжар Содиқов «Улкан маҳорат самараси» мақоласида Ҳ.Каримов билан баҳсга киришади: оппонентининг фикр-даъволарини инкор этади. Абдулла Қаҳҳор детал устаси, ҳаётий тафсилотлар билағони, ниҳоят, фикрини бир сўз, ишора орқали ифодалашга моҳир санъаткор. Санжар Содиқов Абдулла Қаҳҳор қуроли билан ўз қарашларини тасдиқлайди. Мақола сўнгида С.Содиқов «Дахшат»нинг ўзича талқинини беради: «Додҳо уйида саккизта хотини дахшатда яшаш тафсилоти зиммасига юкланган иккинчи, яъни консператив маъно шунда бўлса керакки, Абдулла Қаҳҳор мазкур рақам орқали Сталин зиндонхонасига мустамлака сифатида қамалган республикалар кўпчилигига сезиларсезилмас тарзда рамзий ишора қилишни мўлжаллаган бўлса ажаб эмас. Ҳикоядаги Унсиннинг ўлими ва Нодирамоҳбегимнинг додҳо хонадонини тарк этиши... орқали ёзувчи фақат Олим додҳо хонадонининг ёки чор империясининг емирилишигагина эмас, балки Сталин салтанати ҳам бир кунмас бир кун парчаланиб, ундаги халқлар Мустақиллик йўлига чиқишига билинар-билинмас ишора қилган бўлса ажаб эмас»¹. Тўғри, бадиий асарни ҳар ким ҳар хил талқин қилиши мумкин. Лекин Абдулла Қаҳҳордай ёзувчининг СССРнинг парчаланиб кетишини ишора қилиши мантиққа тўғри келмайди. Абдулла Қаҳҳор характерининг туб-тубида тузумга ишонч, ғоята содиқлик бор эди. Бошқача айтганда, 80-йилларнинг охиридан то ҳозирги кунларгача Абдулла Қаҳҳорнинг «Сароб», «Қўшчинор чироқлари» романлари, «Синчалак», «Ўтмишдан эртаклар» қиссалари бўйича давом

¹ Содиқов С. Улкан маҳорат самараси. «Ёшлик» журналы, 1999 йил, 6-сон, 35-саҳифа.

этаётган баҳслар, талқинлар шундай хулоса чиқаришимизга имкон беради.

Матёқуб Қўшжонов, Озод Шарафиддинов, Умарали Норматов, Раҳмон Қўчқоров сингари пешқадам мунаққидлар китоблари, талқинотларида Абдулла Қаҳҳорнинг асосий асарларини талқин, таҳлил қилдилар. Мазкур адабиётшунослар ўзбек адабиётшунослиги ва танқидчилигининг қарийб 60 йиллик тарихини ёритдилар, архив материалларини кунт билан ўргандилар. Айниқса, Озод Шарафиддинов Абдулла Қаҳҳорнинг «Сароб», «Қўшчинор», «Қўшчинор чироқлари» романларига бағишланган баҳс-мунозараларни архив материалларидан кўтарди. Адабиётшунос Раҳмон Қўчқоров Абдулла Қаҳҳор романлари ижодий тарихини кунт билан ўрганди. Унинг «Истеъдод қадри», «Мен билан мунозара қилсангиз...» асарлари А.Қаҳҳорнинг икки романи: уларнинг ижодий тарихи, талқинлари, сиёсий-ғоявий-мафкуравий-бадиий хусусиятлари, характерларнинг мукамал тарихи ҳақида. Ниҳоят, филология фанлари доктори Умарали Норматовнинг «Қаҳҳорни англаш машаққати» асари ўзига хос талқинистондир. Абдулла Қаҳҳор асарларининг янги шароитда, Мустақил Ўзбекистон адабий танқидчилигида ўрганилиши муҳим воқеадир. Мазкур масалани ёритмасдан 80-90-йиллар ўзбек танқидчилиги ҳақида фикр, хулоса айтиш мумкин. Абдулла Қаҳҳор асарларининг кенг талқини ҳақида шу фаслда фикр юритишимиз тасодиф эмас. Бир қанча услубдаги поэтик талқинларни ёнма-ён келтириш, бадиий асарнинг турли манбаларини муқояса қилиш, адабий матн тузилмасини ўзга соҳага оид адабиётлардан олинган фикрлар билан тўлдирилганлигига эътибор бериш — кўптармоқли ўрганиш — таҳлил йўсини. Бунда биографик, ижодий-генетик, онтологик ёндашувлар, таҳлилнинг структурали (тузилишига кўра), семиотик (имо-ишора, сўзлардаги сермаъноликка кўра), услубий ва оҳангга кўра кўринишлари ўзаро бирлашиб кетади. Абдулла Қаҳҳор асарлари 80-90-йилларда жиддий талқин ва таҳлил қилинлики, у мана шу давр танқидчилигининг асосий воқасига айланди. Мазкур талқин ва таҳлиллар XX аср пиравардидаги ўзбек адабиётшунослиги ва танқидчилигининг даражасини, имкониятларини, чекланган томонларини намоён этди. Иккинчидан, санъат асарлари «имти-

хони» зинҳор осон, текис кечмаслигини кўрсатди. Учинчидан, Абдулла Қаҳҳор асарлари талқин ва таҳлили Ойбек, Фафур Ғулом, Миртемир, Шайхзода, Ҳамид Олимжон, Уйғун сингари ижодкорлар асарларини ҳам шундай ўрганиш лозимлигини кўрсатди. XXI аср ўзбек адабиётшунослиги ва танқидчилигида Абдулла Қаҳҳор асарлари яна жиддий талқин ва таҳлил қилинишига шубҳа йўқ.

Эътибор берилса, янги ўзбек адабиётининг жонли, умрбоқий асарлари «туғилишиданоқ» адабий жанг-жадалларга сабаб бўлган экан. «Ўткан кунлар», «Навоий», «Сароб», «Улдубек хазинаси», «Ўзбегим», «Биринчи муҳаббатим», «Юлдузли тунлар», «Қора камар», «Отамдан қолган дала-лар» сингари асарларнинг адабий ҳаётда пайдо бўлишининг ўзи алоҳида бир тарих. «Сароб»нинг тарихи илк бор академик Бахтиёр Назаровнинг «Ўзбек адабий танқидчилиги» китобида кўтарилди: «1939 йил 14 июнда Ўзбекистон ССР Халқ Комиссарлари Совети қошидаги Фанлар Комитетининг ёзги мажлислар боғида ўтказилган «Сароб ҳақидаги диспут қарийб бир ҳафта (3 мажлисда) давом этди.

Ўзбекистон Компартиясининг масъул ходимлари раҳбарлигида бўлиб ўтган диспутда ёзувчи ва танқидчилардан Шокир Сулаймон, Уйғун, Ю.Султонов, Ҳ.Ёкубов, Р.Мажидий, Ҳ.Расул, Н.Охундий, Ҳ.Мусаев ва бошқалар фаол иштирок этдилар. Роман юзасидан асосий докладни Ю.Султонов қилди»¹.

Озод Шарафиддинов «Абдулла Қаҳҳор» китобида «Сароб»га баҳишланган диспут-баҳс тарихини кенгроқ ёритди. Яъни, шу баҳсда иштирок этган Саид Аҳмаднинг эслагини киритади, мажлисни Сулаймон Азимов бошқарганини, Юсуф Султонов нималар ҳақида гапирганини, роман ҳақида илк тақриз ёзган Ҳ.Мусаевнинг қуйиб-пишишларини тасвирлайди. О.Шарафиддинов мунозара хулосасини баён этади: 1) «Ёш ленинчи»да босилган Мусаев мақоласи ва умуман, «баъзи бир ўртоқларнинг чиқиши большевик танқидига ҳеч қандай алоқаси йўқ», 2) «Сароб»да айрим камчиликлар бор-лекин у сиёсий зарарли асар эмас, уни

¹ Назаров Б. Ўзбек адабий танқидчилиги. Тошкент, «Фан» нашриёти-1979, 225-саҳифа.

тубдан қайта ишланга ҳожат йўқ. У ҳозирги ҳолида ҳам фойда келтираверади. Унга сиёсий айб қўйиш «Сароб»га берилган асосий партиявий баҳо эмас». Бу хулосалар гоёт муҳим, принципиал аҳамиятга эга — улар кўпгина ўзбек зиёлиларининг гражданилик туйғуси балогатга етганидан далолат беради. Ўша пайтларда — сиёсий айб қўйилган одамни ҳимоя қилиш билан ўзи ҳам унга шерик бўлиб қолиши мумкин бўлган бир вазиятда уч кунлик мунозарада «Сароб»ни туҳматлардан оқлаб олиш — катта жасорат эди»¹. Бахтиёр Назаров ҳам, Озод Шарафиддинов ҳам баҳс моҳиятини тўлиқ англаб етган бўлсалар-да, уни мукаммал ёзиш имконига эга бўлмаганлар. Биринчидан, уларнинг тадқиқотлари шўро даврида яратилган, иккинчидан, асар жанри қандай ёзишни «тақозо» этарди. Ўзбекистон мустақиллигидан сўнг ёзувчилар тақдири, машҳур асарлар тарихи ҳақида «Қатағон қурбонлари» (Н.Усмонов), «Қатағон» (Н.Боқий), «Қодирийнинг сўнгги кунлари» (Ҳ.Қодирий), «Отамнинг тергов иши» (К.Икромов) сингари асарлар яратилди. Жуда кўп адабиётшунослар XX асрда яшаган, Сталин, Қизил империя қатли оми қурбони бўлган ёзувчилар, уларнинг асарлари ҳақида тадқиқотлар яратдилар. Истеъдодли адабиётшунос Раҳмон Қўчқор Абдулла Қаҳҳор романлари тарихи тадрижини ўрганди. «Истеъдод қадри» (Тошкент-1989) китобида «Сароб»нинг уч нашрини, «Қўшчинор» ва «Қўшчинор чироқлари» тарихини кенг ёритди. 1998 йилда Р.Қўчқорнинг «Мен билан мунозара қилсангиз...» рисоласи «Маънавият» нашриётида чоп этилди. Тадқиқотчи «Сароб» тарихини, тузилишини, образларнинг прототипи ва бадиийлигини чуқур ўрганди. У «Сароб»нинг II ва III нашрларида тушириб қолдирилган картина, эпизод, боблар тарихига назар ташлайди. Раҳмон Қўчқор «Сароб» романининг яратилишида қўшимча манба вазифасини ўтаган уч асар — П.Алексеевнинг «Кокандская автономия», «Удар по националистической контрреволюции. (Приговор над Касымовым и К.)», Р.П. Катаняннинг ҳосимовчилар устидан ўқиган айблов путқи жамланган китобни чуқур ўзлаштиради: мазкур китоблар руҳининг

¹ Шарафиддинов О. Абдулла Қаҳҳор. Тошкент. «Ёш гвардия» нашриёти-1988 йил, 56-саҳифа.

«Сароб»га сингиганини кўрсатади. Бошқача айтганда, Р.Қўчқор матнни, манбаларни синчиклаб ўрганади. «Мен билан мунозара қилсангиз...» китобида муаллифнинг қалб тугўни, куйиб-ёниб фикрини исботлашга интилиши аниқ сезилади. У, таъбир жоиз бўлса, икки ўт, икки оқим орасида турганини ҳис қилади. Биринчидан, Абдулла Қаҳҳор – XX аср ўзбек адабиётининг йирик намояндаси. Унинг асарлари ҳақида танқидий (фақат танқидийгинамас) фикрларни рўй-рост айтиш осон эмас. А.Қаҳҳор ҳақида XX аср ўзбек адабиётшунослигининг М.Қўшжонов, О.Шарафиддинов, П.Қодиоров, У.Норматов, Ҳ.Абдусаматов сингари номдор намояндалари китоблар, тадқиқотлар яратганлар. Муҳими, ҳеч бир мутахассис А.Қаҳҳор романини авра-астарини ағдариб текширмаган, у ҳақда ўта мураккаб, илдизли мулоҳазалар билдирмаган: «Хўш, нима бўлибди? Ахир роман ўз номи билан роман-ку, унда воқеалар ҳаётда қандай кечган бўлса, айтиш шундай тасвир этилиши шартми? Бу сатрлар муаллифи ёзувчидан шунини талаб қиляптими? Ёзувчининг ижодий ҳуқуқларини инкор қилмоқчимиз? Ва ҳоказо... тадқиқотимиз мақсади у ёхуд бу адабий ҳодисанинг айбдорини қидириш ва уни орадан неча ўн йилликлар ўғиб улгургач, ошқоралик баҳона қоралаш эмас... Биз фақат тушунмоқчимиз. Истеъдодли ёзувчи ва унинг оталаримиз ўтмиши ва тақдири ҳақида таланти ёзган асаринигина эмас, балки бу муаллифга таъсир этган, унинг сиғинган ҳақиқатларини шакллантирган турли ҳаётий ва сиёсий омилларни, асарнинг ёзилишига сабаб ва материал бўлган манбаларни ва уларнинг талқинидаги мантиқни англамоқчимиз»¹.

Мазкур асар муаллифини тўлқинлантирган, қалбида олов бўлиб ялликланаётган туйғу шундаки, «Сароб»га материал (аниқроғи, қўшимча материал — А.Р.). бўлган воқеалар ва уларнинг талқинидаги мантиқи масаласидир. Раҳмон Қўчқор учта манба устида тўхталинар экан, улар аслида маърифат-парварларимиз, Чўлпон, Мунавварқори, Абдулла Қодирий, Алавий сингари ёзувчиларимизга бориб улашини англайди. Қизил империя сиёсатидаги найранг, ус-

¹ Р. Қўчқор. Мен билан мунозара қилсангиз... Тошкент, «Маънавият» нашриёти-1998, 33-34-саҳифалар.

томонлик шунда эдики, у зинҳор оловни ўз қўли билан тутмас, сопини ҳамшиша ўзидан чиқарар эди. Абдулла Қаҳҳор — истеъдодли ёш ёзувчи англаб-англамай сиёсий найранглар тўрига илинаёзди. Китобда Абдулла Қаҳҳор руҳиятидаги мураккабликларга имо-ишоралар бор. Абдулла Қаҳҳор Шўро сиёсатида, партия мафкурасига ишонган, лекин у зинҳор ўз халқи, унинг вакилларида душманлик билан қараган эмас. Истеъдоднинг асосий белгиси инсонпарварликдир, юртта, халққа садоқатдир. Абдулла Қаҳҳор асарлари ҳамшиша мана шу илдизлардан келиб чиқилган ҳолда талқин, таҳлил қилинган. «Сароб» ҳақида ёзилган барча тадқиқот, мақолаларда янги-янги талқинларга интилиш сезилади. Профессор Озод Шарафиддинов «Абдулла Қаҳҳор» асарида «Сароб»ни, бош қаҳрамонни янги йўналишда талқин қилади: «Сароб» романининг асосини ташкил қилувчи ғоявий ният худбинликни ёхуд индивидуализм иллатини бадиий тадқиқ қилишдир. Маълумки, худбинлик инсоният тарихидаги энг қадимий ва энг хавфли иллатдир...¹. Муаллиф Саидийдаги одамовилик, шуҳратпарастлик, ақли қосидлик сингари белгиларни ёритиб беради.

Профессор Умарали Норматов «Қаҳҳорни англаш машаққати» китобида «Сароб» романи ҳақида билдириляётган фикрларга муносабат билдиради. Муаллиф «Сароб» ҳақида 30-йиллардан бошлаб билдириляётган танқидий фикрга — бош қаҳрамон ўтли-шудли замон кишиси эмаслигига ўз қарашини ифодалайди: «Жангари қаҳрамонларни асарга олиб кирмаслик фақат роман поэтикасининг ўзига хослиги билангина изоҳланмаса керак.

Ҳар ҳолда Қаҳҳордек реалист санъаткор бу хил расмий мафкура билан қуролланган, синфий рақибларни асло аямайдиган жангари курашчиларнинг ҳақиқий башарасини билган, лоақал ҳолис реалист савқи табиий сажия орқали беихтиёр англаган.

Эҳтимол бундай шахсларни асло ижобий қаҳрамон қилиб бериш мумкин эмаслигини, айтиш ўша кезларда бор ҳақиқатни айтиш, ифодалаш мушкул эканлигини тушунган,

¹ Шарафиддинов О. Абдулла Қаҳҳор. Тошкент, «Ёш гвардия» нашриёти-1988, 61-саҳифа.

хис этган ҳолда, яхшиси бундай шахсларни асарга киритишдан ўзини тийган бўлиши ҳам эҳтимолдан ҳоли эмас»¹. Умарали Норматов Саидийни Сотиболди, Туробжон, Қобилбобо сингари лапананг, иродасиз, бўш-баёв сифатида талқин қилади: «Жамиятнинг маърифатли, онгли аъзоси бўла туриб ҳам Саидий каби қатъиятсизлик туфайли жаҳолат ботқоғига ботиб кетиш, инсон — ихтиёрини ўзгалар изига тошпириб оддий малайга, кулга айланиб қолиш мумкинлигини, ўша кезларда биров сезди, биров сезмади... Бу нарса миллат, жамият, тун қанчалар қимматга тушгани маълум»².

Абдулла Қаҳҳорнинг «Қўнчинор чироқлари», «Синчалак», «Ўтмишдан эртақлар» асарлари У. Норматов асарида янгича талқин қилинади. «Синчалак» ҳақида тўхталишар экан, муаллиф ёзади: «Аёллар эрки ҳимояси бобида олиб боришган бир ёқлама сиёсатнинг туб моҳиятини очиб берувчи, фош этувчи ажиб, образли бир гап айтади: «Бу замонда хотин киши одам ўлдириб қўйса... одам ўлдириган хотин эмас, ўлик жавобгар бўлади». Бу хусусда бунидан ошириб гап айтиш мумкин эмас»³.

«Қаҳҳорни англаш машаққати» китобида А. Қаҳҳорнинг қатор асарлари, хусусан, «Ўтмишдан эртақлар» қиссаси абсурд адабиёт доирасига киритилиб таҳлил қилинади. У. Норматов «Ўтмишдан эртақлар» ва абсурд» мақоласида Абдулла Қаҳҳор руҳиятида рўй берган ўзгаришлар жараёнини кузатади. Мақолада ёзилишича, «Сароб» романидаёқ А. Қаҳҳор ҳаётни қандай бўлса шундай — абсурд ҳолда акс эттириш тамойили бошланганлигини кўрсатади. У. Норматов талқинига кўра, «Ўтмишдан эртақлар» қиссасининг аксарият қаҳрамонларида индивидуал хусусиятлар бўғиб кўрилади. Улар жамиятдаги диний-сиёсий-иқтимоий тартиботларга қарши ўзларича исён кўтардилар: «Темирчи Абдуқаҳҳорнинг жоҳиллар жабрита қарши чиқиши — аёлларга азайимхонлик қилиб дам солиши, уларга тегишини, рақиби Валихон сўфига эшак миёсини едириб жипнига айланишини

^{1,2} Норматов У. Қаҳҳорни англаш машаққати. Тошкент-2000, 24-27-саҳифалар.

³ Ўша асар. 35-саҳифа.

кутини, ниҳоят, шогирди билан уни «чироқноя» қилиши; ўғли оғриганида Оллоҳга, азиз-авлиёларга қилган илтижолари ижобат бўлмай, гўдак жони узилганида алам, жаҳд устида азиз авлиёларни қанғитиб сўкиши, телба аҳволда тоқчада турган Қуръонни олиб кулочкашлаб ерга уриши, бу ҳам етмагандек, ерда ётган Қуръонни телиб юбориши, беғуноҳ бузқни чавақлаб ташлаши — ўша жоҳил, абсурд муҳитга муносиб исён, беҳуда, маънисиз хатти-ҳаракатлардир»¹.

У. Норматовнинг янгича талқини ўқувчида қатта қизиқиш уйғотди. Лекин мана шундай талқинда хавфли бир ҳолат сезилган: биз ўз адабиётимиз намуналарини осонгина Ғарб абсурд адабиёти хирмонига қўшиб қўймаймизми? Иккинчидан, соцреализм методида ҳам гоёта иллюстрация деган гап бор эди. Абсурд адабиёти назарияси ўзбек асарлари асосида иллюстрация қилинса, қандай бўларкин? Шарқ, хусусан, ўзбек адабиёти ўзига хос муҳитда шаклланди, ривожланди. Уни на соцреализм, на Ғарб абсурд адабиёти бирикмасига атрофлича ўйлаб кўрмасдан киритиш мумкин эмас. Бизда худога инжонини, худодан мадад кутиб яшаш — пассив хатти-ҳаракат кучли бўлган.

«Ўтмишдан эртақлар» қиссасидаги уста Абдурахмон, унинг хотини, қизи, ўғли, онаси муҳитнинг ёрқин — пассив, сал ўжар намояндалари. Уста Абдуқаҳҳор ўз муҳитига қарши исён кўтаради. Лекин унинг бу исёни Олим новвойни ҳам, Тўрақул шоғурушни ҳам, ҳатто «чироқноя бўлган», «эшакмия» еган Вали сўфини ҳам гафлат уйқусидан уйғотмайди. У. Норматов талқинига қўшилмаслик мумкин, аммо унинг янги йўналишдаги талқини ҳеч кимни бефарқ қолдирмайди, адабиётшуносларни ўйлашга, фикрлашга ундайди.

Мисралар маъзини чақиш, сатрлар сийратидаги маъно, рамз, тимсолларни ёритиш шеърят таҳлилида кўзга аниқ ташланади. Хуршид Даврон шеърларини таҳлил қилган Муртазо Қаршибоев яхшигина сўзшунос эканлигини исботлайди.

Жонли, рангин сўзлардан яратилган шеърларни ич-ичидан англаши кишини қувонтиради: «Хуршид Даврон сўзларни

¹ «Ўзбекистон адабиёти ва санъати» газетаси, 2000 йил, 14 июль.

сайратиб ёзадиган шоир эмас. У сўзларни ўйлатиб ёзади, — дейди М.Қаршибоев. — Шоир шеърларидан ташқи фикр излаш унинг шеърларига жуда жўн муносабатдан бошқа нарса эмас. Аввало шеърдаги ички ҳаяжонни англаш керак, ундаги лирик кайфиятни юракка кўчириш керак¹.

80-йиллар пировардида танқидчилик фаолиятларини бошлаган М.Қаршибоев, А.Улуғов, Р.Қўчқоров, М.Маматвалиев сингарилардаги фазилят шундаки, улар қайси шоир, ёзувчи асарини таҳлил қилишга киришмасинлар, аввало, ўша ижодкор руҳига чуқур сингишга, маълум фурсат унинг таъсирида бўлишга иштилоқдилар. Санъаткор шоир, ёзувчи, драматург таъсирига ихтиёрий берилиш ҳали уни асосли, чин тушунишмас, жўшқин, ҳароратли қизиқиш, ҳалос. Туйғулар тўлқинининг ақл-идрок синовидан ўтган тушунчага айланиши ижодкор асарини чин ўрганиш томон ташланган собит қадамдир.

Ёзувчи асарини чуқур ўрганишда — етти ўлчаб бир кешининг ахлоқий-тарбиявий, илмий аҳамияти кучли. О.Шарафиддинов Сафо Очиловнинг «Шеър маълумоти ва фикр равлонлиги» мақоласига жавобан ёзилган «Бир тилда гаплашайлик» баҳс-мақоласида (ҳар иккала мақола «Ўзбекистон адабиёти ва санъати» газетасининг 1987 йил, 9 январь сонидида босилган — А.Р.) «... танқидчи асар ҳақида фикр юрита бошлагандан аввал шу асарнинг муаллифи даражасига кўтарилиши, ҳаётга унинг кўзи билан назар солиб, унинг қалби билан асарни ҳис этиб кўрмоғи лозимлигини таъкидлайди.

Мазкур фикр ижоднинг барча турларидаги асарлар талқинига тааллуқли. Хусусан, халқ оғзаки ижодини тушунишда асар руҳига сингиш ниҳоятда муҳим ва зарурдир.

Фольклор илмининг билагонлари Т.Мирзаев, Б.Саримсоқов, К.Имомов, М.Жўраев, Ш.Турдимов, Ж.Эшонқуловлар халқ оғзаки ижодига тааллуқли асарлар генезиси, образлари, имо-ишораларини теран англайдилар. Фольклоршунос Шомирза Турдимов «Бирнинг минг жилваси», «Ранго-ранг дунё» («Ёшлик» журналы, 1987, 8-сон) сингари мақолала-

¹ Қаршибоев М. Поэтик фикр мезони. «Ёшлик» журналы, 1987 йил, 7-сон, 76-саҳифа

рида халқ қўшиқларидаги ҳар бир ишора, ҳодиса, ранг рамз сифатида қўлланилиб, ўз маъно-мазмунига эгалитини ишонарли кўрсатади. Мана, битта тўртлик ва унинг талқини:

Бозорга борсангиз йўлингиз бўлғай,
Бир тўққиз олмага қўйнингиз тўлғай.

Аввал савдонгиз қўлрўмол бўлғай
Қўлрўмол бўлмаса савдонгиз қурғай.

Қўшиқларда «бозор» — севги муносабатларини реаллаштирувчи рамз. «Рўмол» (қўл-рўмол) — оила рамзи.

Қўшиқ талқини: «Лирик қаҳрамон (маъшуқа) ошиққа, мабодо севгингиз чин, ниятингиз холис бўлса, бекорчи гап-сўз қилмай совчиларни жўнатаверинг («Бозорга борсангиз йўлингиз бўлғай, аввал савдонгиз қўлрўмол бўлғай»). Умидим умидингиз. Фарзандларингиз кўп бўлсин («Бир тўққиз олмага қўйнингиз тўлғай»). Шунчаки кўнгил хуши деб келётган бўлсангиз, ниятингизга етолмайсиз. (Қўлрўмол бўлмаса савдонгиз қурғай). Келтирилган тўртликда олма илкин (рудомент) маънога — фарзанд маъносига эга¹.

Фаслни якунлаб айтиш жоизки, тала-партиш ёзилган адабий матн обрў-этибор топмаганидай, наридан-бери ўқиб таҳлил қилиш мумкин эмас.

Адабий матн қалб кўзи билан ўқилиб, ақл-хуш тарозусида обдан ўлчангач, талқин маромига етади. Бундай талқинда матннинг гўзалликлари ҳам, етишмовчиликлари ҳам, бегона қўлнинг аралашувидан топишган шикастлар ҳам аниқ кўринади.

Микроанализ — адабий матнни теран ўрганувчи, унинг ботинидаги ҳолатлардан хабар берувчи таҳлил йўсини.

¹ Турдиев Ш. Бирнинг минг жилваси. «Ёшлик» журналы, 1987, 5-сон, 70-саҳифа.

домла («Тўйда аза») уйланган жувонни маҳалла аҳли қизил шияша, қизил костюм, қизил туфлида кўради, унга «Хўрозқанд» деб ном беради. Кексайганида «хўрозқанд ялашни» ўзига лойиқ кўрган Домла устидан аёвсиз ҳукм чиқаради. Қаландаровнинг югурдаги, маҳрамига берилган «Эшон» лақаби антиқа («Синчалак»). Неъмат Аминовнинг «Зайнушун»и («Ёлгончи фаришталар») аслида «Эшон». Лекин ёзувчи қаҳрамонини «Эшон» даражасидан-да юксакроққа кўтара олган, «Зайнушун» поғонасига етказган. Характер моҳиятини аниқ, беҳато акс этгириш Саид Аҳмад ижодида кўзга аниқ ташланади. Иноят оқсоқолнинг («Уфқ») турган битгани гуноҳ: одамларни ранжитади, қилмишларининг деярли ҳаммаси ғирромлик, дил озорлиги. Ёзувчи уни «Жиноят оқсоқол»деб атайд.

Айтилганлардан бундай хулоса чиқарамиз: бадий асарда ҳар бир сўзнинг ўрни, вазифаси бор. Адабиётшуносликда адабий матнни тузилмасига кўра (қурилмасига кўра эмас — А.Р.) таҳлил қилиш бор. Бадий асар ғоянинг шаклланишига кўра қурилади — композицион қиёфага киради. Тузилма — адабий матн структураси. Тузилма мисоли тана — структура: у яратилади. «Жонли» одамнинг тузилишида тартиб, аъзоларнинг ўрни, вазифаси бўлганидай, адабий матннинг ҳам юраги, мияси, кўзи қулоғи... бор. Ижодкор бадий асарни изчил қиёфали, бетакрор характерли қилиб тасвирлаш лозим. Структурали таҳлил аниқ тузилмани, сўзнинг ўз ўрнида қўлланишини текширади. Одамдаги аъзоларнинг бир маром, бир меъёрга ишлагани каби, адабий матн тузилмасида ботиний мослик, тартибот бўлиши керак.

Шеърятда олами сагир билан олами кабирни ёхуд одам билан оламини қиёслаш, мослаш, ўхшатиш кўп учрайди. Шу жараёнда сўзларни танлаш, ўрни-ўрнига қўя билиш ниҳоятда муҳим аҳамият касб этади.

Рауф Парфининг «Ватан ҳақида Берд Иеншига мактубим» шеъри бор. Унда мактубнинг битилиши қор ёғатган пайтга тўғри келганлиги айтилади. Қор ёғяпти. Қор-тахайюл. Осмон — тахайюлстон. Инсон ва табиат аро мослик, монандлик яратилляпти.

Қор. Қор. Инсон говушларига тўлиқ қор.
Сочларга тўла туғун Суяклар чанги...
Аччиқ бир шеър бўтзимга келиб тикилди,
Кўзларимга сачради Бехер шеърининг қони.
Тўсиб қўйди қонларни.

Шеърдаги жараён лол этади одамни. Қор ёғяпти. Хаёл манзилдан манзилга, воқсадан ҳодисага елиб учяпти. Шеърни мунаққид бундай талқин қилади: «Хотиротнинг бунинг каби таърифдан ташқари даҳшатли лавҳалари шоир қаҳрамонини сергаклантиради, гофиллик фожиасидан аламзада, авлодлар тақдири учун масъул курашчилар сафига чорлайди: «Эҳтимол ечиб ташлашимиз керакдир қора рўмолини Дардди хотиротнинг мунгли бошидан, эҳтимол бизни орзулар оҳангидан алдаётганлар тўғрисида ўйлашимиз керакдир кўпроқ», — дейди у Бердга.

Қийпоқли хаёл ўз уфқларини кенгайтириб боради: Берд Ватанининг фожеъ хотиралари тадрижий сурада шу кунларнинг таҳликали ўйларига ўтади — «Йитирманчи аср деб номланган оғрик»қа айланади, бу мисрадан — мисрага томон кучайиб, дунёнинг турли меридианларидаги ватанини, она тилини, виждонини, инсонлик қиёфасини «унутганлар»га нисбатан поэтик айбнома даражасига кўтарилади¹.

Биз одам ва олам аро боғлиқлик ҳақида фикр юритаётганимизни унутмаган ҳолда, шеърятда яқиндагина поёнига етган XX асрга берилган баъзи таърифларга эътиборни қаратайлик.

Аср — вақт ўлчови. Шеърятда у инсоний ҳолатлар, туйғулар касб этияпти. Рауф Парфи таърифича, аср — оғрик. Асқад Мухторнинг шеърий наздида XX аср — зиддиятлар зичлиги. XX асрнинг:

Бир оёғи Ойда бўлгани билан
Бир оёғи гўдак устида...

¹ Акрамов Ботирхон. Оламнинг бутунлиги. Тошкент. Фафур Фулом номидаги нашриёт-1988, 179-180-саҳифа.

Абдулла Орипов XX асрни погон таққан кимса қиёфасида тасаввур этади, одамлар жангчидай сергак яшаганига ишора қилади:

Яшадик шу рангин дунёда масъул,
То эллар кўз ёши бўлмасин чашма.
Ўзни бағишладик курашга буткул,
Демакки, яшадик оромга ташна.¹

Рауф Парфининг «Оҳанг» шеърисида Она ва Олам бир-бирга ўхшатилади:

Менинг ўйчан, меҳрибон онам —
Ер шаридан олинган тасвир...
Ўй, сен оҳанг эмассан, ёлғон.
Сен қалбимда эпилган нидо.
Сен ҳам менга ўхшаган инсон,
Сен ҳам дунё, шу ёруғ дунё!

«Оҳанг»ни, мазкур парчани мунаққид бундай талқин қилади: «Аввало, она меҳри, унинг «ўйчан» сиймоси ер кулрасининг дард-ташвишларига, саховат ва заковатига қиёс этилишининг ўзиёқ китобхонни чуқур ҳаёлга толдирмайдими? Ёки оҳангнинг фақат мусиқа садоларимаслиги, унинг дунёга, инсонга, ҳусусан, инсон қалбидаги сирли қондаларга нисбатан берилиши-чи? Қалб нидолари замирида қандай теран-пинҳоний маънолар жойланганини, эҳтимол, шоирнинг ўзи ҳам тўла англаб етмагандир...»²

Рауф Парфи ижодида макромир ва микромир, Олами кабир ва олами сагир — Олам ва Одамнинг бир бутунлиги, бир-бирини тўлдириши диққатни жалб этади. «Одамнинг боласи» шеърисида куйидаги парчага эътибор беринг:

Юрагимнинг устки қатлами балки
Совуқ, ичи ёниб турар ловуллаб...
Дунё, мен кўтариб юрибман ҳамон,
Сенинг қайғу-ғаминг бўлган бошимни...

¹ Орипов А. Ёиллар армони. Тошкент. Фафур Фулом номидаги нашриёт-1984, 277-саҳифа.

² Акрамов Б. Оламнинг бутунлиги. Тошкент-1988, 189-саҳифа.

Она-ер-юрак: усти совуқ, ичи ловуллаб ёниб тургувчи. Инсон боши — дунёнинг ғам-ташвиши, аниқ режалари. Оламнинг одамга, Одамнинг оламга айланиши шеърининг хусусияти. Мана шу жараёни тасвирлашда сўзлар жойлашиши, шеър тузилиши, маънонинг сертармоқлигига эътибор қаратмоқ жоиз. Истеъдодли одам шеърдаги маромни, «юракнинг узлуксиз ҳаракатини» тасвирлай олади.

Асқад Мухтор шеърларидаги кутилмаган тузилма (структура) кишини ҳайрон қолдиради:

Кўк майсалар тагидан аста
Бетиним жилдираб оқарди умрим...

«Бу икки мисра Асқад Мухторнинг табиатдаги шеърининг, унинг инсон ҳаёти билан нозик, руҳий алоқасини интуитив тарзда ҳис этишидан, унинг юксак сўз туйғусидан далolat беради»¹, — деб ёзади Б. Акрамов. Б.Акрамов шеърни нозик ҳис қилади, туйғуларини нафис сўзлар билан ифода этишга интилади. Лекин, назаримизда, у шеърдаги аниқ кўришиб турган маъноларни гоҳо илғамай қолади. «Майсалар тагидан жилдираб оқётган умр»да яна бир маъно уч бериб турибди. Инсонлар ҳамиша янги авлодга (кўк майсаларга) эътибор берадилар-у, ўз умрлари «жилдираб оқиб бо-раётганини» унутадилар. Халқда гап бор: Болам, болам дер экансан-у, умринг ўтиб кетганини сезмай қоларкансан...

Хуллас, шеърда Оламнинг Одамга, Одамнинг оламга айланиши кўп такрорланади. Шу жараёнда тирик сўзни топа олиш, уни шеъринг тартибот (структура)да беҳато ишлата билиш муҳим аҳамият касб этади.

XX аср ўзбек адабиётида шундай асарлар борки, улар бот-бот талқин қилинади. 80-90-йилларда Чўпоннинг «Гўзал», «Бузилган ўлкага», «Халқ», Абдулла Ориповнинг «Биринчи муҳаббатим», «Мен нечун севаман Ўзбекистонни», Эркин Воҳидовнинг «Ўзбегим», «Инсон» сингари шеърлари неча бор талқин қилинди. Ҳусусан, Абдулла Ориповнинг «Тилла баллиқча»си серталқин шеърлардан биридир. Муҳими, мазкур шеър талқинида сўзларнинг ўрни, кўлланиши масаласига эътибор берилди.

¹ Акрамов Б. Оламнинг бутунлиги. Тошкент-1988, 129-130-саҳифалар.

Танқидчи Яшар Қосимовнинг «Тилла балиқча»нинг толеи» мақоласи тугал, ғариб (гўзал)лиги билан диққатни жалб қилади. Теран, илмий талқин асарнинг обрўсига обрў қўшади. Талқин, аслида, асар ичра асар кашф этишдир. Я.Қосимов структурали таҳлил усулини қўллайди. Ҳар бир сўз, имо-ишорага эътибор беради. Асар, талқинчи наздида тирик, жонли вужуд. Авваллари ҳам «Тилла балиқча» талқин қилинган, балиқ тимсолида усти ялтироқ, ичи қалтироқ кишилар кўрсатилганлиги айтилган эди. Яшар талқинида тилла балиқча — қурбон, фожий тимсол. Уни лойқа ифлос ҳовузчага келтириб ташладилар. Талқинчи ҳовуз, тилла балиқча устидан ҳукмронлик қилувчи кучлар борлигига ишора қилади. Ўшалар туфайли ҳовуз ифлос, пўпанак босган, балиқча бўлса ўша мудҳиш муҳит бандиси. Яшар Қосимов «Тилла балиқча»ни «Булоқ», «Гиёҳ», «Булут», «Дорбоз» шеърлари силсиласида кўради талқин қилади. Идсали (тимсоллар) бор: «Тилла» ва «лойқа» эшителарига шеърда кучли поэтик-мантикий урғу берилганлиги бежиз эмас. Улар марказий-бошқарувчи сўз даражасига кўтаришган бўлиб, шоирнинг эътироз ва ғазабини керакли нишонга «лойқа ҳовуз» муҳитига йўналтирган, шеърини конфликтнинг икки қарама-қарши кутбини — «тилла балиқча» ва «лойқа ҳовузча» антиподларини шакллантирган. Аслида шеърдаги қолган барча чизги ва образлар ҳам «ташландиқ ушоқ», «Хору хас, хазонлар», «мудроқ толлар», уларнинг «аччиқ хазони» ўз рамзий маънолари билан «лойқа ҳовузча»ни фош этишга, тилла балиқчанинг фожиасини кўрсатишга хизмат қилади»¹.

Академик Матёкуб Қўшжонов «Тилла балиқча»ни ўзича тушунади, талқин қилади. Олимнинг уқтиришича, «бор-йўғи 8 мисрадан иборат» бу шеърда «яратилган образ катта маъно касб этади». Талқинчи ҳовузни тасаввур этади, «хору хас, хазонларни» кўради, лекин бутун диққатини балиқча қаратади. Балиқча талқинчида ачиниш ҳиссини эмас, аксинча, антипатия, ёмон кўриш туйғусини кўзготади. Нега? Бу ўринда талқинчи табииоти, руҳияти билан балиқча — кўлмак сув бандиси орасида улкан фарқ бор. М.Қўшжонов

¹ Қосимов Яшар. «Тилла балиқча»нинг толеи «Шарқ Юлдузи» журнади, 1986, 12-сон.

— курашчан шахс, тўсиқ, ғовларга тоқат қилолмайдиган куч. Шеърда тасвирланган балиқча, талқинчи англашича, худбин, дунёқарашни ниҳоятда тор одам тимсоли: «Ахир, дунёни фақат ўзининг тор, бурқсиган дунёқарашни билан кўрадиган, баъзан фақат ўз шахсий манфаати нуқтаи назаридан ҳаётта муносабатда бўладиган, ўзини эр билиб ҳаётда шерлар борлигини тасаввур қила олмайдиган тилла балиқсифат худбинлар бор-ку ҳаётда»¹. Матёкуб Қўшжонов мазкур шеърни талқин қилган айрим талқинчилар «Балиқча тимсолидаги образни қўя туриб, уни яратган муҳитга урғу қилдилар», — дейдики, биз Яшар Қосимов талқинида худди шундай ҳолатни кузатдик.

Талқин талқинни келтириб чиқараверар экан, Сувон Мели «Тилла балиқча»ни ўзича ўқили, талқин қилди. Талқинчи аввал «Тилла балиқча»нинг М.Қўшжонов ва Яшар Қосимов талқинига муносабат билдиради: «Агар М.Қўшжонов ва бошқалар тилла балиқчани манфаатпараст, худбин кимсаларнинг тимсоли сифатида тамом салбий баҳоласа, Я.Қосимов уни нобоп замоннинг қурбони сифатида тамом ижобий баҳолайди». Сувон Мели «Мазкур фикрларнинг ҳар бири шеърда бир томонлама ёндашувдир» деган хулосани айтади. Бошқача айтганда, талқинчи янги талқинни, аввалги талқинлардан устун фикрни ҳавола қилмоқчи. Шеър саккиз мисра, қирқта сўздан иборат бўлса-ю, унинг яна қандай янги маъно қатламини очин мумкин? Талқинчи ҳар бир сўз, ҳар бир ибора, оҳанг, ифодага эътибор берди. Ниҳоят, унинг диққати учта сўзга жалб этилди: «Менга алам қилар». Бу сўзларни ким айтяпти, унга нима алам қияпти, нега? Сувон Мели мақсадини лўнда айтиб қўя қолмайди. У Яшар Қосимов мақоласини синчиклаб таҳлил қилади, машҳур адабиётшунос М.Бахтиннинг «кичик вақт», «улкан вақт» ҳақидаги фикрини келтиради, Абдулла Орипов билан Бахтиёр Назаров ўртасида «Тилла балиқча» шеъри хусусида бўлиб ўтган суҳбатни ёдга солади. Талқинчи асосий гоёни очини орқага сургани сайин ўқувчининг талқинга бўлган қизиқиши ортаверади. Аслида, ҳақиқий талқин адабиёт,

¹ Қўшжонов М., Мели Сувон «Абдулла Орипов» Тошкент, «Маънавият» нашриёти-2000, 30-31-саҳифалар.

ғўзаллик ҳақида мулоҳаза юритиш, китобхонни нафосат оламига бошлашдир. Ҳақиқий талқиний асарларда эстетика дунёсининг ажойиботлари, сир-саноатлари юзага чиқади, китобхон борлигини чулғаб олади.

Нихоят, талқинчи асосий нуқтага яқинлашади, ўз қарашини ифодалайди: «Бизнингча, шеър ғоясини «мен», яъни шоирнинг тилла балиқчага муносабатидан эмас, балки «мен»нинг тилла балиқча дунёни бир кўлмак ҳовуз деб билишига муносабатидан қидирмоқ керак. Алам қиладиган нарса ҳам аслида — шу.

Бу бошқа — бошқа тушунчалар бўлиб, кейингиси шеърга бироз ўзгача ёндашувни талаб қилади. Шунда тилла балиқча яхшими, ёмонми деган гаплар иккинчи даражали, майда гаплар эканлиги, асосийси тилла балиқча мажбуран ифлос муҳитга тушиб, унга кўникканида эканлиги аён бўлади. Шунинг учун ҳам шоир тилла балиқчанинг аянчли тақдиридан эмас, у катта эзгу имкониятларга эга бўлгани ҳолда кўлмак ҳовузчани дунё деб билиб, шу кўлмак қонунарига бўйсуниб яшашидан туганмас алам туяди. Туганмас аламнинг сабаби, бугун фожиа шунда¹.

Сувон Мели «Тилла балиқча» шеърини тасаввуф йўлида талқин қилишга чоғланади. Энди у тилла балиқни ҳам, ифлос ҳовузни ҳам, объект — у муҳитни кўриб турган «мен»ни ҳам бошқача кўради, англайди: «Тилла балиқча фақат биқик муҳит, чекланган жамиятда эмас, балки вужуд қобиғида қолиб, вужуд эҳтиёжларини ҳаётнинг бирдан-бир маънисини деб билган одам фожиаси. Фожиа ҳам шу одам учун (чунки у фақат еб-ичишга яралмаган, у тилла ахир) ва шундай ҳолни кузатиб алам чекаётган «мен» учун. Аламнинг беҳадлигига яна бир боис шуки, «мен»га ҳам тилла балиқчанинг вужудий биқиклиги ёт эмас. У ҳам хом сут эмган банда».

Талқин талқинга йўл очади. Шубҳа йўқки, «Тилла балиқча» ХХI асрда ҳам мунаққидлар диққатини жалб этади, янги-янги талқинларга имкон беради.

80-90-йиллар танқидчилигидаги талқин кўринишлари ҳақида гап борар экан, ёрқин сўзшунослардан бири — Иброҳим

¹ Қўшжонов М., Мели С. «Абдулла Орипов» Тошкент, «Маънивият» нашриёти — 2000, 84-85, 87-саҳифалар.

Ҳаққулов ижодини четлаб ўтиш зинҳор мумкин эмас. И.Ҳаққулов мақолаларининг диққатга сазовор томонлари, жозоба сирлари нимада? Мунаққид сўзлан сўзнинг фарқини, қимматини аниқ белгилайди; матндаги сўзларнинг вазифасини, имкониятини баҳолай билади. У асарнинг «жони»ни, асаб ришталарини, ижодкор концепциясини англаб етгач, «жон»га ўз «жони»ни, «концепция»га ўз қарашларини пайванд этади. И.Ҳаққуловнинг «Бадий сўз шукуҳи» (1987) китобини, «Сўз дарди — сўзларни енгмоқ» («Ёшлик» журнали, 1987 йил, 12-сон), «Навоий азиз билан»... сингари мақолаларини ўқисангиз, ижоди талқин қилинаётган шоир (ёзувчи) тўғрисидагинамас, таҳлил қилинаётган асар ҳақидагинамас, талқинчининг ўз дунёси, замон ва замондошларга муносабати, шеърни англаш уқуви намён бўлади. Энг муҳими, танқидчи асар баҳонасида зарур бир ғояни илгари суради. «Сўзни биринчи навбатда руҳ, оҳанг, образ, тасвир, ғўзаллик санъати мавқеига олиб чиқадиган шахс — бу шоир. Ҳақиқий шоирнинг хизмати туфайли ҳаётдаги олдиндан аён, авваллари дуч келинган кўп нарса ва ҳодисаларни дафъатан янгича кўра бошлаймиз. Улар янгича ҳаққоний жозибаси билан бизни мафтун қилади. Нега шундай? Чунки шоирнинг сеҳрли тили, услубидаги ўзига хос мукаммаллик ҳар қандай таассурот, ҳар қанақа ҳаётий маънони мисли кўрилмаган манзараларда нурлантириб юборади»¹, — деб ёзади И.Ҳаққулов. Бошқача айтганда, у бадийлик деган тушунчани ўз дунёси орқали ифодалайди. У ўзи англаб етган бадийлик даражасидан туриб шеърларни таҳлил қилади, баҳолайди. Унингча, Машираб Бобоев асарлари бадийлик даражасига кўтарилмаган. Нега? Биринчидан, у баёнчи шоир. Иккинчидан, шоир шеърларида «руҳий таянч, ғоя эҳтиросларининг йўқлиги». М.Бобоевнинг «у эгаклар орасида сув етаклаб юради» сатрини олайлик. Қани бу ерда ихчамлик, услуб туйғуси ва сўз юксаклиги? Тили нўноқ журналистгина поэтик файздан маҳрум шундай услубда чайналади»².

^{1,2} Ҳаққулов И. Бадий сўз шукуҳи. Тошкент. Гафур Ғулом номидаги нашриёт-1987, 191 ва 196-саҳифалар.

И.Ҳаққулов – сўз қалрита етадиган танқидчи. Қаердаки сўзга ҳурматсизлик пайдо бўлса, сўз нархи арзонлаштирилса, танқидчи бонг уради: «Рубоийда ҳар бир сўз ўз ўрнида, бўлак сўз билан алмаштириб бўлмас равишда собит туриши керак. Шундагина сўз оҳанг қалотида жаранглаб туради, мазмунга мос қайфият ва кечинмаларни акс эттиришга хизмат қилади. Бироқ «сўз гавҳарин арзон» қилмаслик ҳақида таширган Рамз Бобожоннинг ўзи тўртликларида сўзни ниҳоятда арзонлаштириб юборади:

Қамишнинг ичи ковак, бўйи узун бўлса ҳам,
Тўқай гули офтобдан нур ичолмас дамо-дам,
Не ажаб! Бўйра бўлиб, қамиш ерга тўшалса,
Чечаклар чеккаларда табассум қилса кўркам.

Биз аминимизки, қанча бонг қотирилмасин бу тўртликдан яхлит бир маънони ишлаб бўлмайди. Мантиқчи кўринг: «Тўқай гули офтобдан нур ичолмас дамо-дам». Негаки, «қамишнинг, ичи ковак, бўйи узун». Бунда, «не ажаб»га мутлақо эҳтиёж йўқ. Чечаклар «чеккаларда» бўлгандан кейин «бўйра бўлиб қамиш ерга тўшалмаса ҳам улар табассум қилаверади-да!»

И.Ҳаққулов ижодида ўзбек танқидчилигида бурилиш нуқтасини акс эттирган бир мақола бор. У 1981 йилда ёзилган, «Яна лирик қаҳрамоннинг маънавий олами ҳақида» деб аталади. Мақолада И.Ҳаққулов шеърни қандай тунгунини, талқин қилиш масаласида истеъдодли мунаққид, марҳум Н.Шукуров билан баҳслашади. Проф. Н.Шукуров «Лирик қаҳрамоннинг маънавий олами» мақоласида Р.Парфининг бир неча шеърларини соңреализм методи, тишқик талаби остида танқид қилган экан. И.Ҳаққулов танқидчи қозончидан фарқ қилишини: истаган жойидан қулоқ чиқараверишга ҳаққи йўқлигини уқтиради. Демак, мунаққид талқин қилиш учун шеър руҳига, шоир «ўзлиги»га ҳурмат билан қараш керак. Бонгача айтганда, шеърятда ўзликни ифода этиш муҳим фазилатдир. Рауф Парфи Асқад Мухтор, Абдулла Орипов, Эркин Воҳидовдан кейин ўзлигини ифода этаётган истеъдодли шоирдир. У Олам ва Оламини бирбутун кўради. Дунё андуҳини ўз гами деб билади. И.Ҳаққулов Р.Парфининг «Бир лаҳза достони» ҳақида ёзади: «Нима сабабдан у «Бир лаҳза достони» деб атаган. Лирик қаҳрамон «юрагида

лаҳзалик қайғу» билан лаҳзалина ўзини «япроқ қаби оёқ остида» «хазон бўлган» сезади. Шарқнинг буюк файласуфи шоир Мирзо Бедил «Инсон таштан беҳуд расидан будаста», яъни, инсон бўлмоқ ўзликни англамоқ экан, деб айтган. Рауф Парфининг лирик қаҳрамони ҳам ўзлигини чуқур идрок этган шахс. Лаҳзалик қайғу-ўткинчи қайғу. Шунинг учун ҳам у бир лаҳзага бўлсин «Сента ўзлик нима», деб таъйиқ қилишларига тоқат қилмайдди. Ҳолбуки, «Бечора онамиз – Ер шари» асрлар мобайнида шундай гаму ҳасратдан қийналиб келади. «Қаҳрамон ва жиноятчи асри»миз ҳали ўзликни билмаслик фожиасидан дунёдаги барча халқларни халос этиб ултургани йўқ. Лирик қаҳрамоннинг «Бир лаҳзалик бу ситами» моҳиятида бевосита башарий дард – бирор сония ҳам инсон фарзандини забун кўрмаслик тояси ётади¹. Иброҳим Ҳаққулов Рауф Парфи шеър талқини орқали ўзликнинг муҳим, таянч, асос эканлигини биринчилардан бўлиб исботлаб берди. Муҳими, мунаққид талқинда шеърдаги сўзлардан унумли ва ўринли фойдаланади. И.Ҳаққулов ижодида сўзга алоҳида эътибор, илмий манбаларга ҳурмат кўришиб туради. Бу хусусият олимнинг мумтоз адабиёт намуналари талқин қилинган асарларида кўзга яққол ташланади.

«Навоний азиз билган...» мақоласида мумтоз адабиёт, хусусан, Аҳмад Яссавий асарларидаги анъанавий «гупроқ» образини кенг миқёсда ёритади. Аҳмад Яссавий ўз даври кишиси, тасаввуф адабиёти намояндаси эканлиги кўрсатилади, унинг кўнлаб шеърлари таҳлил қилинади. Муҳими шундаки, И.Ҳаққулов Аҳмад Яссавий асарлари таркибидаги куранччилик, подонликнинг турфа хил кўринишлари фонт қилинишини алоҳида таъкидлайди. Аҳмад Яссавий шеърларида «фано бўлиш» кўн ишлатилади. Талқинчи «фано» сўзи маъносини атрофлича, чуқур талқин қилади. Мақола якунида талқинчи ёзади: «Яссавий хикматларидаги кўшгина поэтик образларнинг маъно таркиблари теран ва мураккаб. Шунинг учун уларни талқин этиш ҳам жўн эмас².

¹ Ҳаққулов И. Бадий сўз лукуҳи. Тошкент-1987, 153-154-саҳифалар.
² Ҳаққулов И. Навоний азиз билган... «Ёллик» журнали, 1988 йил, 4-сон, 72-саҳифа.

Иброҳим Ҳаққуловнинг «Бир байт талқини» мақоласи тузилма (структурали) таҳлилнинг ёрқин намунаси. Талқиқотчи муҳим, асосий сўзнинг илдизини, бошқа асарларда бажарган вазифасини ёритиб беришга интилади. Мақолада Алишер Навоийнинг аввал ҳам, ҳозир ҳам неча бор талқин қилинган «Қаро кўзим» ғазалидаги:

Таковаринга бағир қонидин хино боғла,
Итинга тамзада жон рингасин расан қилгил

шох байт талқин объекти сифатида танланади. Байтнинг аввалги, ҳозирги талқинчилари лирик қаҳрамоннинг бағир қони маъшуқа отининг туёқларига хино бўлишини ёзганлар. Иброҳим Ҳаққулга бундай талқин ёқмайди. Мисралаги мазмун бошқача бўлиши керак деган туйғу — ишонч талқиғчини изланишга ундайди. Мисралаги мазмун-моҳиятнинг қалибини у Фурқатнинг қуйидаги байтидан топгандай бўлади:

Қайда кўрсам наъли нақшини ўнарман из суриб,
Мақсадим еттаймукин деб анда сумми тавсанинг.

Маъшуқа отининг туёни теккан ер (наъли нақши) тавоф айланга, юзга сургинга лойик.

Иброҳим Ҳаққул ёзади: «Муҳаммад Фузулий девони дебачасида «Илмсиз шеър асоси йўқ девор ўлур ва асоссиз девор ғоятда безътибор ўлур», дейди. Биз «асоси йўқ девор»га ўхшаган «замонавий» шеърларни ўқийвериб, шеърни илм билан эмас, илмсизлик билан қабул айлаш ва ўрганишга одатланиб қолганмиз. Бу кўпикма мумтоз шеърятимизнинг завқ, руҳият ва санъат дунёсидан шу даражада йироқлангирлики, охир-оқибатда кўпчилигимиз у ёки бу шеърнинг мазмунини қуруқ чайнаш, йўқ сифат ва фазилатларни тўқиб уни мақташдан илтарилай олмайдиган бўлдик».

Иброҳим Ҳаққул Фурқат ғазалидаги «наъл» билан туркийларнинг исломгача бўлган ақидалари аро боғлиқлик борлигини айтади. От ўтмишда илоҳийлантирилган. Ислом оламида ҳам от муқаддас махлуқ. Муҳаммад алайҳиссалом Буроқ отга миниб меърожга чиққани ҳаммага маълум. Озарбайжон олими М.Сеидов ўз халқи орасида сақланиб қолган «Тангри уч нарсага — анжир, зайтун дарахтларига ва от наълига оғт ичмишидир» деб ёзади.

Шарқ адабиётида от тўрт оёкли ҳайвон эмас. Абу Нарс Саррож «ал-Лумаъ» асарида «ватан» сўзининг тасаввуфий мазмунига изоҳ берад экан, Жунайд Бағдодийнинг мана бу сўзларини келтиради: «Оллоҳнинг шундай қуллари бордирки, бир қанча мақомларга юксалурлар. Оллоҳнинг ҳадия ташувчи отларига минарлар ва суръат ила тўғри Оллоҳга томон олиб мусобақаланурлар». Мана шу ўриндаги от Навоий ғазалидаги «Таковар»га тўғри келади. Демак, Навоий отга миниб худота интилаётганга жонни садқа қилмоқчи, деб ёзади И.Ҳаққул.

Лекин байтда отнинг яна бир маъноси бор Таковар, аслан, форсий бўлиб, «таговар» («таг» «овар» югуриш, чонини маъносида) бўлган...

Иброҳим Ҳаққул байт талқини пировардида ёзади: «Агар биз аданмасак, байтнинг зоҳирий мазмуни бундай: «Эй бераҳм, бевафо ёр, васлинг учун чопиб югурувчи ошиништа бағир қонидин хино боғла. У сенинг вафодор итинидурки, бу «ит»нинг бўйнига хоҳласанг Жон рингасин расан қилгил! Байтдаги «таковар» ва «ит» ҳам, «хино» ва «расан» боғлаш ҳам рамзийдир»¹. Мазкур мақолада матндаги ҳақиқий маънони юзага чиқариш учун сўз тарихи, илдизига кириб боради. Неча-неча маъналарни: ўрганиш орқали «таковаринга» сўзининг янги мазмун-маъносини топишга эришади.

Бир байт, тўғриси ундаги бир сўз бутун бошли мақола ёзилишига асос бўлди. Талқин, аслида, матн бопинига кириш, илдизини аниқлашга интилишидир. Пиниқ — пухта, юксак санъаткорлик билан яратилган матнгина теран, ишонарли талқинга тоб беради. Тузилма (структурали), белги, имо-ишорали (семантик) таҳлилда илдизга, асосга интилиш, заргарона йўл туттиш диққатни жалб этади. Тузилма (структура)нинг расолигини асосдан туриб кузатиш мумкин. Талқинчи асосни аниқласа, матн «жони»ни топа олса, тузилма (структура) ҳақида аниқ тасаввурга эга бўлади. Матн илдизи, асоси, «жони»ни аниқлаган талқинчи имо-ишора, тағмаъноли белги моҳиятини тушуниб етади. Жаҳон адабиётининг ўлмас

¹ Ҳаққулов И. Бир байт талқини «Сирли олам» газетаси 1998 йил, май ойи, 5-сон.

асарлари ҳақидаги талқинлар кўп. Нета? Ўлмас асарларнинг илдииз-илдизига изланиб-изланиб йўл топиш мумкин. Аксарият асарлар илдизига кирадиган йўл йўқ — матида номукаммаллик бор. Шунинг учун ҳам улар умрбоқийлик васиқасига эга эмаслар. Генетикада ДНК назарияси бор. Инсон қонида туғма хусусиятларни ўзида мужассамлаштирган хужайра бўлиб, уни дезоксирибонуклейн ишқорлари (ДНК) дейилади. Олимлар ДНК функцияси, хусусиятлари, ҳатто, бузилишини ўрганадилар. Санъаткор, аниқроғи, етук ижодкор характернинг, таъбир жоиз бўлса, ДНК ситача, «жони»гача етиб боради. «Жони», табиатининг асоси англаб етилган характер ҳақида бир-бирига ўхшамаган талқинлар яратилиш мумкин. «Ўткан кунлар» романининг умрбоқийлиги шуңлаки, воқеа-ҳодиса, картина, тасвирлар, характерлар моҳияти математик формулалардай изчил, тенгламалардай тўғри, беҳато. Ёзувчи Хайридин Султонов «Андиша» мақола-сида: «Андиша, уят, ор-номус, виждон тушунчалари Қодирий романларининг маънавий устунларидир. Бу таянч устунлари халқимизнинг минг-минг йиллик ахлоқий анъаналарига, ислом фалсафаси ва шарқ маърифат сарбонларининг пойдор таълимотларига бориб тақалади»¹, — деб ёзади. Муаллиф андиша, уят туйғуси асосида Қодирий романларини талқин қилади-да: «Абдулла Қодирий инсон шарафининг гултожи бўлмиш андиша, ор-номус, уят каби муқаддас туйғуларни одамзот қалбидан абадий маскан топишини орзу қилган, бутун ижоди бутун умри билан шу мақсад сари чорлаб ўтган улуг адиб эди»², — деган мантқиқий хулосага келади. Бошқача айтганда, талқинчи Қодирий романлари тузилмаси (структураси)ни битта кичик нуқтадан туриб кутатади, унинг етуклигига ишонч ҳосил қилади.

Талқиқотчи У.Жўракулов «Ўзбек ойим нега «огма»?» мақола-сида жузъий масаладан катта хулоса чиқаради. Маълумки, Юсуфбек хожи оиласидаги одамларнинг ташаббускори Ўзбек ойим, унинг думбул хатти-ҳаракатлари. У Отабекни «анди» келин жодусидан халос қилиш учун озмунча жонбозлик кўрсатмадими? Мана, Ўзбек ойимни

қонига таинна қилган «анди», «жодутар» келин Тошкентга келяпти. Ўзбек ойим кутиш палласида ишакдай мулоғим бўлиб қолди. Ундаги «огмачилик» сабаби қерда? Биринчидан, Ўзбек ойим ҳар қавча думбул бўлса-да, эрининг жиддий тапшии зинҳор икки қилмаган. Иккинчидан, у «ўзининг ички интилишлари олдида мағлуб бўлди. Яъни: «...уч йиллик адоватлар ва гина-қудратлар аллақасққа қараб учиб кетдилар ва уларнинг ўрнини «икки келинлик бўлиш» масаласи қамраб олди. Ўзоқ-яқин хотинларнинг «Ҳай, Ўзбек ойимнинг марғилонлик келини ҳам келибдир, худди тўтининг боласи эмиш. Юринлар бир кўрайлик», деган сўзлари эшитилгандек бўлди. Шу чоққача Зайнабга ялиниб, ялноғланиб кун кўриб келган бўлса, мундан сўнг кўша келини ўзининг оёқлари остида ялиниб юрган ҳолда кўрди». Демак, Ўзбек ойим дунёси фақат оқ ва қора ранглардангина иборат эмас. Зиддиятларга тўла мураккаб бир дунё. Шунинг учун ҳам, бадий образ сифатида мукамалдир»¹. Талқинчи Ўзбек ойимдаги «огма»ликни фақат руҳий ҳолатга боғлаб, «ҳожининг усталлиги» (хотини билан жиддий тапшаниб олини — А.Р.) муҳим эмас, дейиши тамоман хатодир. Аслида, «ҳожининг усталлиги» Ўзбек ойимдаги руҳий ўзгаришларни вужудга келтирди.

Хайридин Султонов «Ўткан кунлар»даги андиша туйғусини, У Жўракулов Ўзбек ойимдаги «огма»лик сабабини таҳлил қилиб, роман тузилма (структураси)даги расоликни исботлаган бўлдилар.

Роман қахрамонларининг битта ишораси ҳам катта мазмун ташийди. Ушбу сатрлар муаллифи «Ҳожи нечун лабини тишлади?»² номли мақола ёзган эди. Унда роман структурасидаги мукаммаллик бир нуқта, ишора орқали ифода-ланлиги бовс мақоладан кенгрок кўчирма келтиришга журъат этамиз: «Ўзбек ойим «Отабекнинг кўнглини ўша гўзал марғилонликдан совитиш йўлида ундан ҳам кўхлик, ундан ҳам сулув қиз топиш куйига тушди. Шунга кўра унга унча-

^{1,2} Султонов Х. Андиша. Китоб: Абдулла Қодирийнинг бадийи дунёси. Тошкент. «Университет»-1994, 66 ва 73 саҳифалар.

¹ Жўракулов У. «Ўзбек ойим нега «огма»?». «Ўзбекистон адабиёти ва санъати» газетаси, 2001 йил, 6 апрел. 3605-сон.

² Расулов А. Ҳожи нечун лабини тишлади? «Меҳнат» газетаси, 1994 йил, 1 ноябрь, 88-сон.

мунча қиз ёқмай, шаҳардаги кўп эшикларни санашга тўғри келди. Еттинчи марта кўчага чиқишда Олим пансод деганининг қизи ёқа тушиб, Ҳожига арз қилинди. Ҳожи бошда хотинининг бу гапига кулди, ундан кейин «туратур ўглинг келсин» деди. Ўзбек ойимнинг бобиллаши кучая бергач: «Нима қилсанг ўзинг бил, башарти ўглинг кўнмаса зўрламайман», — деди («Ўтган кунлар», «Меҳробдан чаён», 1992 йил, 108-109-бет).

Ҳожининг бўш келганлиги Ўзбек ойимнинг ғайратига ғайрат қўшди: бўлажак қудалар билан гапни бир жойга қўйди. Бўлган воқеани эрига оқизмай-томизмай сўзлаб бераркан, Ҳожи лабини тишлаб қолди ва «Сенга сира ақл битмай кетар экан-да» (109-бет) деди.

Олим пансодга қуда бўлиш ҳақидаги хабарни эшитиб Юсуфбек ҳожи кулди, икки оғизгина гап қотди. Орадан бир кун ўтгач, у лабини тишлади, хотинига қаттиқ гапирди. Абдулла Қодирий ибораси билан айтганда, «сўнгги приём» — Европанинг сўнгги модаси нуқтаи назаридан қараганда, Юсуфбек ҳожи характерининг қолипи, шакли-шамойили юқоридаги ҳолат, икки-уч оғиз гапла бус-бугун ўз ифодасини топти. Абдулла Қодирий «Ўтган кунлар» ҳам ўтган кунлар танқиди ҳақида. «Баъзи мулоҳазалар» мақола-изоҳида «сўнгги приёمدан хабардор эканлигини, «лекин ўзбек китобхони савиясини ҳисобга олиб», «Европанинг сўнгги модаси»дан фойдаланмаганлигини айтади. Улкан санъаткор Абдулла Қодирий «приём»ни ўзлаштирган китобхонлар дидини ҳисобга олган ҳолда романининг баъзи ўринларида характер, тишлардаги руҳий ҳолат, ғайришуурий ҳаракатлар қолипини ифодалайди.

Юсуфбек ҳожи руҳидаги ўзгаришлар жараёни «ғайришуурий» ҳолат юқорида келтирилган матн-қолипда ўз ифодасини тошган. Биз «Ўтган кунлар» романига сочиб юборилган материалдан Юсуфбек ҳожи ҳолатига мос келадиганларини «йиғиб, териб» оламиз.

Шундай қилиб, хотинининг Олим пансоднинг қизи ҳақидаги гапини эшитиб, Ҳожи кулди. Юсуфбек ҳожи юртда юрган тўртта баобрўининг биттаси. У «ўзи аслзода» (109-бет) пансод бошлиғи бўлган, Олимни танимаслиги мумкин эмас. Юсуфбек ҳожи яшаган Тошкент ихчамгина бўлиб,

одамлари ҳам, ҳозиргига нисбатан, сийраккина эди. Тошкентда яхши гап ҳам, ёмон гап ҳам тез тарқаларди. Юсуфбек ҳожи, барча тафсилотлари билан бўлмаса-да, Олим пансоднинг бир қизи Нусратбек деган бойваччага қандай қилиб тегиб олганини, муҳими, бетавфиқ қиз кундошгини икки гўдаги билан қон-қон йиғлатиб қувиб солганлигини эшитган. Яхши фарзанд ота-онага раҳмат ёғдиради, номаъқул бола ота-онага лаънат келтиради. Олим пансод ўжар қизи туфайли юзи шувит бўлиб қолган. Юсуфбек ҳожи янги қуда ҳақидаги гапни эшитгач, кулиб қўйганининг боиси шунда. Юсуфбек ҳожининг қизиқ бир табиати бор: хотини билангина эмас, умуман уй ичиси билан ҳар қандай масала устида бўлсин узок сўзлашиб ўлтирмайдир. Отабекми, она-симми, Ҳасаналими, ишқилиб уй ичидан биронтасининг сўзлари ва ё кенгашлари бўлса, келиб Ҳожининг юзига қарамасдан сўзлай берадилар, мақсад айтиб биткандан сўнг секингина кўтарилиб унинг юзига қарайдилар. Ҳожи бир печа вақт сўзлағувчини ўз оғзига тикилтириб ўлтиргандан сўнг, агар маъқул тушса, «хўб» дейди, гапга тушунмаган бўлса «хўш» дейди ва жуда ҳам ўзига номаъқул гап бўлса, бир илжайиб қўйиш билан кифояланиб, мундан бошқа сўз айтмайдир ва айтмаса ҳам уч-тўрт калимадан нарига ошмайдир (107-бет). Юсуфбек ҳожи хотинининг янги қудалар ҳақидаги гапига кулиб қўйди, номигагина гап қотиб қўйди... Лекин Ҳожининг бу гап бошқачароқ ҳолатда «туратур, ўглинг келсин» деган гапига хотинига маслакдошлик оҳанги бор. Одамнинг табиати ғалати. Ҳожи, ҳар қанча доно, одил бўлмасин, хом сут эмган банда-да! Қолаверса, Ҳожининг тикилгани, кўзининг оқу қораси — Отабек. У бўлса ота-она кучоғидангинамас, тутилган шаҳридан ҳам бегоналашиб бораяпти. Шундай куч, восита, қилмиш борми, у Отабекни ўз уйига, ота-она бағрига қайтарса... Дарвоқе, Хушрўй асов Нусратбекни жиловлаб олди-ку. Кўча-қўйда гар-гар керилиб юрадиган Нусратбек уйга киргач, «Хушрўйбек» олдида қалт-қалт титрайдиган бўлди-ку.

Юсуфбек ҳожининг кўзига Отабекни «гаҳ» деганда қўлига қўнадиган қилиб олган, марғилонлик келишнинг кўзидан қон-йиринг оқизган Хушрўй (Зайнаб — Хушманзара ва хушбўй дарахт дегани — А.Р.) кўриниб кетди. Ҳожининг кўнглида яна

галаён бошланди. У хотинига қарата «Нима қилсанг ўзинг бил, башарти ўзинг кўнмаса, мен зўрламайман» деди. (109-бет). Ҳожи бўлиб ўтган воқеани бир кеча-кундуз ўйлайди, унинг қалбида адолат ва худбинлик, қондан қонга ўтиб келаётган оталик ҳиссиёти билан донишманд, иймонли мўйсафид тушунчаси аро қураш давом этди. У ўз қарашларини бир ёқлик қилганида, хотинининг думбул қилмишига дуч келади. Шунда у лабини тинглади, қалбидаги тутённи «Сенга сира ақл битмай кетар экан-ла» деган тапта жо қилди.

Абдулла Қодирий романларидаги андиша туйғуси, қаҳрамонлардаги ўзгаришлар, руҳиятнинг ташқи кўринишда ифода топиши, ўйлаб кўрилса, ўзига хос код. Французча бу сўз ахборотни қисқа, лўнда, йиғиқ ҳолда ифодалаш тизимидир. Етук бадиий асарларда ахборотни қисқа, лўнда ифодалаш йўллари учрайди. Адабий матндаги бундай зичлик, йиғиқлик семиотик таҳлилда ёритилиб берилади. Семиотика белгилар, сўзларни хос йўлда ифодалаш илмидир. Семиотика компьютерлар билан ишлатишда қўл келмоқда. Биз семиотикани таҳлил йўсини — имо-инора, зичликларни ёзиб, кенгайтириб кўрсатувчи усул сифатида қўлламоқдамиз. «Жаҳон адабиёти» журналининг 2001 йил 1-сонида Эркин Воҳидовнинг «Ассалом, келажак!» номли мўъжазгина мақоласи босилди. Бизнингча, мазкур мақолани Эркин Воҳидов ижодининг сиқик ифодаси — коди дейиш жоиз. Яъни, мақолани шарҳлаш — Эркин Воҳидов шеърлари, ижод йўли ҳақида кенг мушоҳада юритишдир.

«Тараққий занжир топди ва занжир тараққий топди. Занжир одатга айланди, одат занжирга айланди. Ўлмаган қулнинг қуллиги ўлмади. Коинотнинг хожани арзандаси ва ўз нафсининг бандаси бўлиб яшади инсон. Молу давлатнинг, шону шавкатнинг, урфу одатнинг, вақту соатнинг ва яна минг бир ҳолатнинг қули бўлиб яшаётир инсон», — деб ёзади «Ассалом, келажак» муаллифи. Қаранг, инсоният тарихини, таърифини, табиатини 6-7 сатрга жойлаш мумкин экан. Ажаб, икки сўзнинг ўрнини алмаштириб айтиш (тараққий занжир ва занжир тараққий; одат занжирга ва занжир одатга) орқали олам-олам фарқни англаш мумкин экан. Тараққий занжир топди. Қандай қилиб? Инсон ақли пўлатни топди.

У даставвал Ойболта бўлди,
Сўнг замбарак бўлиб қуйилди.
Қилич ҳам у, милтиқ ва наган.
У бомба ҳам бўлиб портлаган.

Тараққий «темир даҳолар»ни фазога олиб чиқди. Тараққий инсонни илм нарвонига миндирди, фунун осмонига кўтарди. Тараққий заррани ижод эттирди, даҳшат бало бунёд қилдирди.

Занжирнинг тараққий этиши не?
Миллион йиллар ўтди, одам наслига, ажиб,
Тарих бўлди инсонликдан орта тисланиш.
(«Қуролсизланиш»).

Ўтдилар шўрлик бошингдан
Ўйнатиб шамширларин.
Неча қоон, неча султон,
Неча минг хон, ўзбегим.
(«Ўзбегим»).

Ер уза юксалтиш Инсон
Бир қўлида нур-чароғ,
Бир қўлида бор унинг
Маҳшар билан тўфон юки.
(«Даврон юки»).

Занжирнинг одатга айланиши шуки, зўрлар ҳоким бўлдилар, ожизлар — қарам.
Зўрлар даврон сурдилар, қарамлар оғу югдилар.
Одатнинг занжирга айланишидан кучпирок даҳшат йўқ.
Нега?

Ўрганлик андиша пўстига ўраб
Аламни оғудек ютмоқ санъатин.

Динлар, умуминсоний, миллий удумлар инсонни жиловлаш, мўмин-қобил бўлишга унлади. Авваллари ташқи куч инсонни қул, тобе қилган эди. Бора-бора қуллик инсон руҳига, қалбига ўтди.

Умр қоншу киприк ораси
Гадоликдан адолик маъкул
Куллар ичра энг бечораси
Юрагида макон тутган кул.

Асрий куллик, маънавий-руҳоний куллик инсон гурури-ни букди, тафаккурига кишан солди. Куллик бор экан, мангу исён руҳи ҳам бор. Исён руҳи инсонни ҳамisha улутлади. Кулликни енгишнинг ҳеч имкони бўлмаганида, исён руҳи «кулфат тўла бу лунёни шартга ташлаб» кетишга ундади.

«Башарият тарихи коинот умрининг ўн беш дақиқаси эмиш» — деб ёзади Эркин Воҳидов. Шоирнинг барча асарларида «Мулки борлик», «Собиғу сайёра», «коинот» ҳамisha башариятнинг бешиги деб қаралади.

Мулки борлик ичра бир маҳал
Кўрксизгина олам яралган
Бермоқ учун дунёга сайқал
Олам аро одам яралган.

Мангулик — мулки борлик белгиси. Башар фоний умр танлади. Бу дунёда дарду ғам шунчалик зиёдаки, инсон ўлчовли умридан ҳам кечиб юборгиси келади. Осмон юки ҳам инсонни эзиб ташлайди. Коинотнинг узлуксизлиги шундаки, миллион йил йўл юриб юлдузлар нури инсонларга энди-энди етиб келяпти.

Мангулик бор, нисбийлик бор. Биз ниҳоятда улғайиб, тараққий этиб кетганимизни, бот-бот шишиниб, керилиб ифодалаймиз. «Ассалом, келажак!» мақоласида Эркин Воҳидов ёзади: «Мамонт тўшини талашиб бир-бирини мажаклаган аждод билан дину ирқ таланиб, бир-бирига ўт отмоқда бўлган авлод ўртасида тафовут қанча?». «Башариятнинг ўн беш минути ичида» мамонт тўштиги таланаётган аждод билан бутунги жангари авлод орасидаги фарқ қил ҳам сизмайди даражадаги ўта қисқа фурсатдир. «Инсон миясидаги эгри излар тафаккур чизиқларими ёки жаҳолат занжирларими», — деб ёзади мақола муаллифи. Ўйлаб кўрилса, жамият илгари сурган ғояларнинг ҳаммаси ҳам тафаккурданмас, жаҳолатдан эканлиги маълум бўлади.

XX аср тафаккур ёлқини дея жар солган қанча-қанча ғоялар, тадбирлар, мафкуравий хатти-ҳаракатлар алал оқибат жаҳолатнинг кўриниши эканлигини исботламадими?

«Мен зарраман. Зарранинг коинот билан бир бутунлиги ва танҳолиги бор. — деб ёзади мақола муаллифи. — Сайёралар каби ўз осмони, ўз ҳаёти, ўз меҳвари, ўз даввораси бор». Шоир Эркин Воҳидов бир тўпламини бежиз «Тирик сайёралар» деб номламаган. Шоир тирик сайёра — инсон ҳақида ёзади.

У яшайди тилсимлар аро,
Ҳар канифиёт янги маррадир.
Унинг ўзи сирли бир дунё,
Дунё эса фақат заррадир.

Олимлар олами кабир — макромирни ўргансалар, санъаткорлар олами сағир — инсон руҳиятини, тийнатиини ўрганадилар. Олами сағир деганда руҳоний, жисмоний, охират, мулк ва малакут оламлари, гайб ва шухуд оламлари тушунилади¹.

Манман деган ижодкор олами сағир-тирик сайёра — инсон руҳи, табиати, тафаккурининг озгина қисминигина ўргана олади. Эркин Воҳидов олами сағир билан олами кабирни бақамти текшира олган, тирик сайёра ҳақида нозик кузатишлар олиб борган санъаткордир.

Хуллас, бадий асар — адабиёт оламининг ўзига хос кичик зарраси. Бу зарранинг-да ўз тақдири, атвори, тузилмаси мавжуд. Ҳар бир етук асарда инсон мияси сингари зичланган, ёйилиши лозим бўлган нуқталар, имо-ишоралар бор.

Талқиннинг тузилма (структурали), имо-ишора, йитиқ нуқта (семиотик) таҳлили сингари йўсинлари борки, маънони ҳар томонлама ёритиш, асарни баҳолашда уларнинг ҳиссаси беқиёсдир.

¹ Исоқов Ё. Ўн саккиз минг олам «асрори». «Ўзбекистон адабиёти ва санъати» газетаси, 2000 йил, 8 сентябр.

III фасл. УСЛУБ ТАҲЛИЛИ

Услуб — ижодкор сийратининг акс этиши. Сийрат — ўзлик, индивидуаллик, ҳеч кимникига ўхшамайдиган асос. Истеъдод-индивидуалликнинг тиниқ кўриниши, шахс бетакрорлигининг ёрқин ифодаси. Истеъдодли шахс бошқалар орасида ажралиб туради; асрлар бўйи шаклланган тартиб, қонун-қоидаларга бўйсунмайдиган. Фожиа шундаки, баъзан тузум, ижтимоий мафкура истеъдодга қарши чиқади.

Маълумки, адабий танқид ҳам фан, ҳам санъат. Танқидчилик тарихида ўз услубига эга, ёрқин истеъдодли мунаққидлар кўп бўлган. Мазкур фаслда биз XX асрнинг иккинчи ярмидаги ўзбек танқидчилигида из қолдирган, бетакрор услубга эга бўлган икки мунаққид — Матёкуб Қўшжонов (1918-2005) ва Озод Шарафиддинов (1929-2005) услуби ҳусусида фикр юритишни лозим деб билдик. Биринчидан, мазкур мунаққидлар ижодида аксарият танқидчиларимизга хос ҳусусиятлар акс этган. Иккинчидан, мунаққидлар услуби талқини аввалги боб, фаслларда билдирган фикрларимизни тўлдирди деган фикрдамиз.

Истеъдодли ижодкор фаолиятида дадиллик диққатни дарҳол жалб қилади. «Ойбек 1936 йилда Алишер Навоийнинг ҳаёти ва ижодига бағишланган илмий асарини ёзиб тугатди, — деб ёзади Озод Шарафиддинов. — Айтиш керакки, у вақтларда Навоий ҳақидаги тасаввурларимиз ҳали жуда камбағал эди. Унинг ҳақидаги маълумотлар ҳар хил манбаларда тарқоқ ҳолда ётар, қатъий бир системага солинмаган эди... Ойбек биринчи марта Навоийнинг ҳаёти ва ижодига доир материалларни қатъий системага солади, уларга синфий позициядан ёндашиб, Алишер Навоийнинг қиёфасини мукамал очади. Бу тадқиқотда Ойбекнинг билими ғоят чуқур экани, фикрлаш доираси бениҳоя кенглиги, мураккаб ва читал масалаларни дадил қўя олиши аниқ кўринади»¹. Дадиллик — масъулиятни ҳис қилиш. Масъулият ҳис қилинмас экан, танқидчилик ҳам, шоирлик ҳам эрмак, шунчаки койинмай, юракни ёндирмай юраверишдир. «Мени

¹ О. Шарафиддинов. Ҳаёт билан ҳамнафас. Тошкент. «Ёш гвардия» нашриёти-1983, 19-саҳифа.

энг кўп ранжитадиган нарсаси шуки, баъзан ёш танқидчи зиммасидаги улкан масъулиятни мутлақо ҳис қилмаган ҳолда қўлига қалам олади. — деб ёзади Озод Шарафиддинов. — Мақоласида эса асар ҳақида ҳам, ёзувчи ҳақида ҳам дабдурустдан эсита келиб қолган гапларни мулоҳаза қилиб ўтирмай, ёзиб ташлайверади. Ҳолбуки, энг кичкина тақриз ҳам босилиб чиққанидан кейин минглаб, баъзан юз минглаб нусхада тарқайди. Демак, сиз минглаб одамга гап айтасиз, уларни бошқа ишлардан ажратиш олиб, оғзингизга қаратасиз»¹.

Дадиллик нафақат танқидчилик, балки бадиий адабиётнинг, умуман, санъатнинг барча турлари учун зарурдир. Озод Шарафиддинов «Шеър кўп, аммо шоир-чи?» мақоласида ёзади:

«Хўш, нега энди бутунги шеъриятимизда ўртамиёначилик кучайиб кетяпти? ... Нега шеърларда олам тор, ҳаёт нафаси заиф, китобийлик кучли?»

Менимча, бу ҳолисанинг бош сабаби «шоир» деган тушунчани тўла англаб етмасликда. Назаримда, кўшига ёшларимиз шоирликдан осон касб йўқ деб ўйлайди, шекилли; вази нималигини, тироқ қандай бўлишини, қофиялаш ҳунарини ўрганиб олсанг, ўхшатиш ва мажозлардан хабаринг бўлса бас, шеър ёзавериш мумкин»². О. Шарафиддинов ижодкор учун истеъдоднинг сув билан ҳаводай зарурлигини таъкидлайди, истеъдод «ички нигоҳ» эканлигини сўқир Гомер, кар Бетховен асарлари мисолида исботлайди. Ниҳоят, мунаққид истеъдоднинг зарурлигини қайта-қайта таъкидлагач, «Шоирлик — ҳамиша этиқодлилиқдир. Шоирлик — ҳамиша виждоннинг уйғоқлигидир. Шоирлик — ҳамиша безовталиқдир. Шоирлик — ҳамиша улугъ масъулиятдир»³, — деган хулосага келади. Бошқача айтганда, дадиллик — улугъ масъулият, доимий безовталиқ, юксак этиқод.

XX аср ўзбек танқидчилигида дадиллик намунасини кўрсатган мунаққидлар кўп. Лекин улар орасида Вадуд Маҳмуд,

¹ О. Шарафиддинов. Талант — халқ мулки. «Ёш гвардия»-1979, 173-саҳифа.

² О. Шарафиддинов. Гўзаллик излаб. Тошкент, Ғафур Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти-1985, 35-саҳифа.

³ Ўша китоб. 38-саҳифа.

Иззат Султон, Ҳомил Ёқубов, Озод Шарафиддинов, Матёқуб Қўшжоновлар алоҳида ажралиб турадилар.

Озод Шарафиддинов «Характер — бадиийлик мезони» мақоласида: «... характер яратиш масаласи бадиий адабиётнинг энг мураккаб ва энг жумбоқли вазифасидир. Жаҳон адабиёти бири-бирига ўхшамаган, бири-биридан мукаммал ранго-ранг характерларга ниҳоятда бой... Турли туман асарларни таҳлил қилиб, уларда характер қандай яратилганини аниқлаш мумкин, лекин уни қандай яратиш кераклиги ҳақида реңепт бериб бўлмайди»¹, — деб ёзади. Ўтган асрнинг 50-йиллари охирида ўзбек адабиётидаги бадиийлик мезони — характер муаммосини теран тадқиқ этиш масъулиятини дадиллик билан ўз зиммасига олган мунаққил пайдо бўлди. У Матёқуб Қўшжонов эди. Ўзбек адабиётида ҳамиша адабий характерлар бўлган: асарни мукаммал характерларсиз тасаввур этиб бўлмайди. Матёқуб Қўшжонов фаолияти характер масаласини бадиийликнинг юксак кўриниши сифатида намоён этди. Адабий танқидчилик, адабиётшуносликнинг диққати характер муаммосига жалб этилди.

Жаҳон халқлари адабиётшунослигида «характер» (каракте) атамаси кенг қўлланилади. Инглиз, немис, япон, турк адабиётшунослигида характер масаласига бағишланган тадқиқотлар ниҳоятда мўл. Қоларверса, адабиётшунослик илмининг бошланишидаёқ Аристотель «Поэтика» ва бошқа асарларида инсон табиати, унинг бадиий ижодда акс этиши — характер ҳақида тўхталинган эди.

Бадиий адабиёт қаҳрамонини символ (юнонча «символон») деб аташ ҳам удумланган. Ўзбек адабиётшунослигида «символ», «рамз» сўзлари теппа-тенг қўлланилаверади. Турк адабиётшунослигида адабий қаҳрамонни «симге» (символ) деб аташ одат тусига кирган.

XX аср ўзбек адабиётшунослигида адабий қаҳрамон не не номлар билан аталмади, дейсиз?! Сотти Ҳусайн «Ўткан кунлар» ҳам ўтган кунлар» тақриз — рисоласида Абдулла Қодирий қаҳрамонларини «суврат» деб атайди (Чунки, реалистлар қаҳрамонларига сувратни ўзларининг аҳвол руҳият-

¹ О.Шарафиддинов. Гўзаллик излаб. Тошкент, Ғафур Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти-1985, 82-саҳифа.

ларига қарата қабул қилдирадилар. Абдулла Қодирий турли сувратлар яратади. Аммо сувратлар устида ўзи фикр юргитиб баҳо қўя боради»).

Воҳид Зоҳидовнинг баъзи асарларида «сажия» атамаси характер маъносида қўлланилади.

Ҳозирги адабиётшуносликда, хусусан, мактаб дарсликлари, мажмуаларида «тимсол» атамаси кенг қўлланилмоқда. «Алишер Навоий асарлари тилининг изоҳли лугати»да (Тошкент-1984, II жилд, 231-бет), «Фарҳанги забони тоҷикӣ» (Москва, «Советская энциклопедия», 1969, II жилд, 363-бет) да тимсол сурат, нақш, расм маъносини англатиши айtilган. Навоий асарлари тили лугатини тузганлар тимсолнинг яна бир қанча маъноларини келтирадилар.

Ўзбек мумтоз адабиётида қўлланилган тийнат (тинат) атамаси ҳозирги адабиётшуносликка ҳам кириб келмоқда. Алишер Навоий адабий қаҳрамонга қарата «тийнати покиза», «Ариқ тийнатли» ибораларни қўллайди. «Фарҳанги забони тоҷикӣ» «тийнат» феъл, табиат, сиришт, яратилиш маъносини англатишини билдиради. «Тийнат» сўзига «ниҳод», «фитрат» ҳам маънодошдир. Алишер Навоий «ниҳод», «фитрат»ни табиат, яратилиш маъноларида қўллайди. Бошқача айтганда, тийнат, ниҳод, фитрат сўзлари, «ўзлик», «асос», «ўзак» маъноларини англатади. Биз характер ҳақида гапирар эканмиз, унинг индивидуал, бетакрор, ўзига хос, яратилишидаёқ табиийлик бўлишлигини назарда тутамиз. Тийнат, фитрат — характер асоси, ўзаги, мояси. Адабий қаҳрамонни «тийнат», «фитрат» иборалари билан атасак, характердаги «Ижтимоий муносабатлар жамулжами»ни диққатдан соқит қилаётгандай бўламиз. Аслида-ку, тийнат, фитрат ибораларида ҳам ижтимоий муносабатлар бирлиги англашилади.

Характер — инсоний муносабатлар йиғиндиси. Инсоний муносабатлар аллақандай, ғайришуурий танлов йўли билан асосга, тийнатга йўналиниб, кириб боради. Аксарият муносабатлар шунчаки, тийнатдан ташқарида давом этаверади. Тийнатга даҳддор муносабатлар кам, аммо улутвор бўлади.

Ота-онага, ёрга, дўсти содикка, фарзандга муносабат тийнатга тааллуқли бўлиши мумкин. Хулоса шуки, ижтимоий муносабатлар ҳамиша ички ҳаракатда, ўзгаришда бўлади. Баъзи муносабатлар тийнатга кириб боради, баъзи-

лар ўзак, асосдан чиқиб кетади. Яшаш завқи шундаки, инсон ҳаминша муносабатларни қийслаб, танлаб, баҳолаб, саралаб боради. Тийнатга кириб борадиган муносабатлар инсонни улуглайди, руҳини ёритади. Аксинча, муносабатларнинг бузилиши, инсонга руҳий азоб беради, ҳатто шахс сифатида емирилишга олиб келади. Демак, инсон табиатидаги муносабатларда ҳаракат, яшовчанлик руҳи бор.

Характернинг асоси — ўзлик, тийнат, афъол, фитрат, «ватан ичра ватан»ни муқаддас худбинлик, руҳий-маънавий ташналик нуқтаси, инсон ва инсонийлик асрори, безовта руҳ маскани, тиниб-тинчимаган хушёқар оғриқ макони дейиш жоиз. Бошқача айтганда, барча ижтимоий муносабатлар жамулжами ҳисобланган характернинг асосини руҳий-маънавий қадрият, илоҳий неъмат белгилайдики, бу ҳақда Имом Ғаззолий, Абдурахмон Жомий, Алишер Навоий, Иммануэл Кант, Хергел асарларида ёзилган. Экзистенциализм таълимоти намояндалари, хусусан, Жан Поль Сартр ҳам инсонни, унинг характерини англашда анъанавий қарашларга суянади. Фарқ шундаки, экзистенциализм таълимоти намояндалари инсонни англашда илоҳий қарашни эмас, илмий қарашни асос деб биладилар. «Инсон қандайдир инсоний табиат эгаси, — деб ёзади Жан Поль Сартр. — Ана шу «инсоний» тушунча ҳисобланган инсоний табиат ҳамма одамларда бор. Бу эса ҳар бир алоҳида инсон фақат «инсон» деган умумий тушунчанинг хусусий ҳодисаси эканлигини билдиради. Кантдаги мана шу умумийликка кўра, ёввойи одам — табиий инсон ҳам, буржуа ҳам бир хил таъриф билан изоҳланади, бир хилдаги асосий сифатларга эгадир. Бинобарин, бу ерда ҳам инсон моҳияти биз табиатда учратадиган унинг тарихий мавжудлигидан олдинроқ содир бўлган экан»¹.

Мумтоз адабиётда, XX аср адабиётида характер моҳиятини беҳато англаш узлуксиз давом этгани ҳолда шўро адабиётида характерни саёз англаш ва талқин қилиш пайдо бўлди. Бундай назарий чалқашликнинг илдиизи, аввало Маркс ва Энгельс асарларида кўринди. К.Маркс «Фейербах тўғри-

сида тезислар»нинг 6-бандида: «...инсоннинг моҳияти айрим индивидга хос бўлган абстракт эмасдир. Ҳақиқат ҳолида у барча ижтимоий муносабатларнинг мажмуидир», — деб ёзган¹.

Шўро адабиётшунослигида, хусусан, ўзбек адабиётшунослигида характер муаммоси бир ёқлама — ижтимоий муносабатлар мажмуи сифатида ўрганилди. Матёқуб Қўшжонов талқиқотлари яратила бошлаганидан кейин ҳам характер ҳақидаги бир ёқлама фикрларни айтиш давом этди. Бора-бора олимнинг мақолалари тилга тушди, илмий-адабий жамоатчилик диққатини жалб этди. Танқидчи тилини узун қилган, жамоатчилик олдида обрўсини оширган асосий омил унинг илми, мушоҳадасининг кенглигидир. «Яхши асарнинг ҳислатларини кўрсатиш учун қай даражада дид ва мушоҳада керак бўлса, заиф асарнинг нуқсонларини кўрсатиш учун ҳам шу даражада, балким ундан ҳам ўткирроқ дид ва мушоҳада керак бўлади... Танқидчи инкор қилиб бўлмайдиган далилларга суяниши керак бўлади, токи унинг фикрларини ёзувчи тан олсин, китобхон ишонсин. Далилсиз танқид қуруқ сафсатадан бошқа ҳеч нарса эмас»², — деб ёзади М.Қўшжонов. Олимнинг илк китоби «Мастерство изображения характеров в романах Айбека» (1959) деб аталади. Кейинчалик у «Ҳаёт ва маҳорат» (1962), «Жизнь, характеры, мастерство» (1963), «Ойбек маҳорати» (1965) китобларини яратди. Бу асарлар руҳи, уларда кўтарилган муаммолар, хусусан, характер яратиш масаласи ўзбек адабиётшунослигига чуқур сингиб борди. Ёш ёзувчилар, адабиётшуносу танқидчилар М.Қўшжонов қарашлари асосида характер яратиш муаммосига жиддий эътибор бериб шакллана бошладилар.

Матёқуб Қўшжоновнинг ўзбек танқидчилигидаги катта хизмати шундаки, у социалистик реализм методи, коммунистик мафкура адабиёт ва адабиётшуносликда ҳукмрон бўлиб турган бир пайтда адабий жамоатчилик ва ёшлар диққатини илм ўзанига йўнаттирди. Бошқача айтганда, ил-

¹ Ф. Энгельс. Людвиг Фейербах ва немис классик философиясининг охири. «Ўзбекистон» нашриёти-1982, 61-саҳифа.

² М. Қўшжонов. Ижод сабоқлари. «Ёш гвардия» нашриёти-1973, 24-саҳифа.

¹ Ж.П. Сартр. Экзистенциализм тўғрисида. «Жаҳон адабиёти, журнали, 1997 йил, 5-сон. 182-183-саҳифалар.

мий қараш, фанний тафаккур мафкуравий, сиёсий қарашлардан устун кела бошлади. Матёқуб Қўшжонов мафкура майдонининг етакчилари билан илмий қарашлари соҳасида зиддият, курашга кирилмади. Аксинча, олим Ойбек романларини, хусусан, «Қутлуг қон»ни таҳлил қилар экан, Йўлчининг инқилобчи бўлиб етишгани жараёнини кузатади. Олим таҳлиллари, кузатишлари китобхонни бефарқ қолдирмайди. М.Қўшжонов «Навоий» романини талқин қилар экан, илмий мантиққа, характер иродаси йўналишига эътибор қаратди. Унинг илмий услуби соцреализм методидаги адабиётшунослик — танқидчиликка, сиртдан қараганда, зид келмас эди. Лекин адабиёт соҳасидаги мафкурачилар М.Қўшжонов қарашларини қабул қилмас, улардаги аллақандай руҳ, асосга ғанилик қилардилар. Жиддий ўйлаб кўрилса, М.Қўшжонов на соцреализмга, на партиянинг адабиёт соҳасидаги сиёсатига кўр-кўрона қарши чиқмаса-да, илмий мантиқ, олимона ирода йўналиши билан соцреализм, мафкура пайини қирқиб борар эди. Қизиги шундаки, М.Қўшжонов коммунистик партия аъзоси сифатида шўро давридаги бош йўлдан четга чиқмади. Аксинча, унинг мақола, китобларида партия съезди қарорлари, мафкуравий даъватларга хайрихоҳлик билдирилар, расмий ҳужжат-мақолалардан иқтибослар келтириларди. Шубҳасиз, М.Қўшжонов бу ишларни атайин, юқоридагиларга ёқиш учун қилмаган. М.Қўшжоновда икки қараш ўзаро курашар, бири-бирини енгитишга интилар эди. Улардан бири коммунист М.Қўшжонов қарашлари, босиб ўтган ҳаёт йўли. М.Қўшжонов ёшлигиданоқ янги тузум руҳида тарбияланади, совет мактабида ўқиди. Характери жангчи шинелида тобланди.

Матёқуб Қўшжонов моҳияти унинг илмий қарашлари, олимлик оламида кўзга ташланади. Илмий ҳақиқатни очишга интилар экан, М.Қўшжонов фан мантиқиға, далиллар таҳлилиға берилади. Илмий изчилик, танқидчиликка садоқат олимнинг мафкуравий-партиявий қарашларидан устун келади. Илмий фаолиятининг асоси — характер яратиш муаммоси унинг ўз табиатиға ҳам сингиб кетган. М.Қўшжонов ярим аср давомида юзлаб мақолалар ёзди, маърузалар ўқиди, элликка яқин китоб ёзди. Тўғри, ҳозир олим яратган китоблардаги ҳамма фикрлар, қарашлар беи-

стисно замонаға мос келали дея олмаймиз. Лекин олимнинг характер ҳақидаги қарашлари, назарий тадқиқотлари, бўш асарларни фотиб ёзган ўтли мақолалари ҳамон қизиқини билан ўқилади.

Олим ижодини синчиклаб кузатсангиз, қизиқ ҳолатларға дуч келасиз. 50-60-йилларда М.Қўшжонов Ойбек, Абдулла Қаҳҳор, Абдулла Қодирий роман, қиссаларидаги асосий характерларни таҳлил қилган бўлса, кейинчалик етук ўзбек роман, қиссалари поэтикасини кенг кўламда талқин қиладиган бўлди. Мазкур ишлар асосида ҳамини характерлар талқини масаласи турар эди. Олим характер муаммосини турли ракурслардан ёритишга интиди: характернинг барча томонлари, масалаларини очди. Назаримизда, М.Қўшжоновнинг характерни аниқлашдаги тушунчаси қуйидаги таърифда ўз ифодасини топгандай: «Марксизм-ленинизм таълимоти шуни таъкидлайдики, ҳар бир шахс ижтимоий ҳаёт маҳсулидир. Бу шакл-шубҳасиз, аксиома. Аммо ҳар қандай жамият ҳам ҳар бир шахс тақдирини олдиндан белгилаб қўймайди. Ҳар бир кишининг ижтимоий ҳаёт негизидан, шунингдек, ўзининг индивидуал хусусиятларидан келиб чиқадиған, бошқаларникини такрор қилмайдиган, яхшими, ёмонми, ўзининг тақдири, ҳаёт йўли бор. Лекин ижтимоий тузум кишилар тақдирининг мазмунини ўзгартириб, маълум бир йўналишға солиб туради»¹. Мазкур таъриф характер асоси-индивидуал бетақдорлик, тийнат, фитратни ҳам; характерда акс этадиган ижтимоий муносабатларни ҳам қамраб олади, муҳими, социалистик реализм методи адабиётда ҳукмрон бўлган давр руҳиға ҳам зид келмайди. М.Қўшжонов ишларида соцреализм методи ишкор эркини чеклашидан зорланиш йўқ. Айни вақтда, олим зинҳор соцреализм методию мафкуравий чекланиш доирасида қолиб кетмайди: илмий изчилик, масала моҳиятиға кириш М.Қўшжонов тадқиқотларининг асосини белгилайди. Олим Бўтабой («Хукм» Саид Аҳмад), Йўлчи («Қутлуг қон» Ойбек), Навоий («Навоий» Ойбек), Саида («Синчалак» А.Қаҳҳор), Отабек ва Кумуш («Ўткан кунлар» А.Қодирий) характерини таҳлил қиладимиз, масала илмизига қиради-

¹ М.Қўшжонов. Ҳаёт ва маҳорат. Ўздавнашр-1962, 28-саҳифа.

қахрамон қалбининг қаъридаги асл хусусиятларни юзага олиб чиқади. Лекин олим мазкур қахрамонлар характерининг асосидаги иймон, инсоф, ҳалоллик, ўзганинг ҳақиқа хиснат қилмаслик сингари фазилатлар асрлар давомида шаклланиб борганлигини рўй-рост айтмайди. Китобхонда шундай фикр пайдо бўладики, ижобий қахрамонлар аслида яхши эдилар, улар зинҳор ўзгармайдилар. Йўлчини Тангибойвачча бебилиска топилган пулга ўргатмоқчи бўлади, Нури норғул йигит Йўлчини бузуқлик йўлига тортади, лекин табиати тоза, иймони бутун Йўлчи қинғир йўлларга зинҳор бурилмайди. Муҳими, Йўлчи Гулнорни Қора Аҳмад панжасидан қутқариб олгач, қиз билан якка-ёлғиз қолади. Шу пайтда ҳам Йўлчини шайтон йўлдан урмайди, у нафс райига эрк бермайди.

Социалистик реализм методининг моҳияти шундай эдики, у ижобий фазилатлар ёмонликларга қарши курашда намоён бўлишини тақозо этарди. Йўлчи, Навоий, Саида сингарилар моҳияти салбий кучларга қарши курашда очилмоғи жоиз эди. Мирзакаримбой, Ҳусайн Бойқаро, Қалаандаров сингарилар ижобий қахрамонларга нисбатан «чарх» вазифасини ўташлари ёхуд салбий томонлари билан кўринишлари керак эди. М.Қўшжонов талқини шундай олиб борадики, китобхон салбий қахрамонлар табиатида инсоний фазилатлар, ўрнак бўладиган томонлар борлигини ҳис қила боради.

М.Қўшжоновнинг характерни ёритишдаги ўзига хослиги учта масалада аниқ кўзга ташланади. Олим ҳар бир асарида конкрет вазифани белгилаб олади. Бошқача айтганда, характерни талқин қилишда юрилмаган «йўлакча»дан боради. «Синчалак» қиссасини талқин қилишга киришар экан, мунаққид-олим аниқ мақсадни белгилайди: «Киши психологизмининг яратилишда А.Қаҳҳор ижодида яна бир муҳим хусусият бор. Бу киши ички дунёсининг диалектикасини чизишдан иборатдир. Бу ижодий услуб ёзувчининг баъзи бир ҳикояларида кўзга ташланади. Унинг «Сароб» романида эса, бу услуб тенденцияси кучлироқ сезилади. «Синчалак» повестида бу ҳолат ўз камолотига эришди»¹. М.Қўшжонов

¹ М.Қўшжонов. Ҳаёт ва маҳорат. Ўздавнашр-1962, 46-саҳифа.

«Сароб»ни ҳам, «Синчалак»ни ҳам, ўзи таъкидлаганидай, ички дунё диалектикаси нуқтаи назаридан талқин қилади. Лекин «Синчалак» талқинидаги руҳий дунё диалектикасини очиш ўзига хос кўринишда намоён бўлади. Тадқиқотчи мазкур тадқиқотида ёзувчи кечинмаларини қайта жонлантиради ёхуд кечинмадошлик йўлидан боради.

Бадий асарни ўқиш, аслида, уни ўзи учун қайтадан ижро этишдир. Китобхон асардаги воқеа, ҳолатлар ишги-рокчисига айланади; қахрамонларни жонлантиради, ҳаракатга келтиради, уларнинг гап-сўзларини эшитилади, руҳий ҳолатларини ўзида ҳис этади. Б.Томашевский айтишича, «китобни ўқиб» биз уни «ички нутқ» шаклига келтирамиз ёхуд уни гапиртирамиз, овоз ҳолига келтирамиз.

Китобхон қалби асар ижро этила бошлаган саҳнага айландими, билинги, қахрамонлар ҳам китобхон инон-ихтиёрига ўтган ҳисобланади.

Бадий асарни ўқиш, ҳис қилиш китобхон-талқинчининг ёзувчи оламига кириб бориши жараёнидир. Ўқиш, ҳис этиш — олам ҳақида эмас, оламнинг ичида туриб фикр-лашдир. Ўқиш-талқинчининг кечинмадошлик ҳолатидир. Бошқача айтганда, бадий асарни яратишда ёзувчи руҳидан кечган ҳолатлар қайта жонлантирилади. М.Қўшжоновнинг «Синчалак» номли тадқиқоти бадий кечинмадошликнинг аниқ кўринишидир. «Синчалак» асарини яратган А.Қаҳҳорни қуёш десак, «Синчалак» тадқиқоти муаллифини ойга тенг-лангитириш жоиз: қуёш нури ойга ўтати. Ойнинг ўзига хос нуридан баҳра оладиганлар қанчадан-қанча?!

Кечинмадошлик — бадий асар руҳини ҳис этишдир. Бадий асардаги воқеа, ҳодиса, қахрамонлар ёдда сақланади, лекин асар руҳи узоқ сақланмайди. Кечинмадошлик руҳини берувчи талқинчи ҳамини ўзини матнга яқин тутиши керак бўлади. М.Қўшжонов «Синчалак» тадқиқотида қиссадан қўлаб иқтибослар келтиради. Талқинчининг «Синчалак» матнига бот-бот мурожаат қилиши китобхонга малол келмайди. Аксинча, талқинчи қарашлари асар матни билан қўшилиб, бирлашиб ўзига хос маънавий-руҳий озуқа тайёрлайди.

Матёқуб Қўшжонов ижодининг бетакрор томонидан яна бири шундаки, у ҳамини бадий матнни зарурий ашё деб

билади. «Қулуг қон», «Навой», «Сароб», «Ўткан кунлар», «Дунёнинг ишлари», ҳатто «Одам қандай тоблани» асарлари ҳақидаги тақриз-тадқиқотларда матн таҳлили етакчилик қилади. Матнга яқин бўлиш — М.Қўшжонов асарларининг ҳаётийлигини, жозибасини белгилайди. М.Қўшжонов нега социализм қонун-қоидалари доирасида қолиб кетмади, нега мафкуравий даъватларга берилмади? Олим ҳамини жонли ҳолат — бадиий матнга суяниб иш олиб борди. М.Қўшжонов ёзишга эмас, ёзишдан олдинги ҳолат — уқиш, англашга жиддий эътибор беради. Назаримда, М.Қўшжонов талқин қиладиган асарлари матнини ёдлаш даражасида ўзлаштиради.

«Мунаққидлик ва адабиётшуносликка киришимда ўзимга йўл танладим деб ўйлайман. Москвада ўқиган пайтларимда матн устида ишлагани ўзимга шарт қилиб қўйдим. Шу мақсадда асарни ўқиб, «асар» яратишга уриндим. Аксарият ҳолларда бирор ҳикояни 1-2 марта ўқийман-да, китобни ёшиб ўша асарни қайта ёзаман. Кейин асл матн билан солиштираман ва йўл қўйган камчиликларимни англаб оламан. Камчиликларимни ҳисобга олиб иккинчи марта ёзишга ўтираман ва яна матнга солиштираман. Кўнглим тўлгунча бу жараён давом қилади. Шу йўсинда матнга нисбатан муҳаббат туйғуси шаклланиб менда. Асарни таҳлил қилганда асл маънога нисбатан ҳар бир сўз, ҳар жумла, ҳар бир тиниш белгисининг ўрни қай даражада эканини англайдиган бўлдим. Менинг илк бора «Звезда Востока» журналида эълон қилинган «Формирование характера» номли мақолам шу услубда яратилган. Ҳанузгача мен шу услубга содиқман...

Мен 50 йил давомида 40 га яқин китоб ва рисоалар, 500 га яқин мақолалар эълон қилдим. Умуман олганда, мен ижодимдан қаноатланаман... Менда қаноат ҳосил қилган асарларим асосан матн таҳлилга бағишланган»¹.

Шўро даври ўзбек тадқиқчилигида матнга бепарво муносабатда бўлиш авж олди. М.Қўшжоновга ўхшаш бир неча танқидчилар матнни уқиш, таҳлил қилишни муқаддас бил-

дилар. Олим бадиийлик даражасига етмаган матнларни таҳлил қилишда ҳам шижоат кўрсатди. Матннинг бадиий эмаслигини айтиш учун билим, укув, маҳоратдан ташқари жасорат, фидойилик бўлиши керак. М.Қўшжонов ўз ижоди давомида қанчадан қанча матнларнинг бадиий эмаслигини, эмоционал таъсирдан йироқ эканлигини рўй-рост айтди. Мана шундай вазиятда танқидчи услубининг асосий хусусиятлари кўзга яққол ташланади. Ҳўш улар нималардан иборат? Биринчидан, танқидчининг дадиллиги, масъулият бурчини теран ҳис қилиши. Заиф асарни ҳамма, жумладан, танқидчилар ҳам ўқийди. Лекин баъзи танқидчиларгина заиф асарнинг ожизлигини очик-ойдин айтди. Болқача айтганда, танқидчи кўра-била туриб ўзини ўтга уради, жангга киради. Ёзувчи ҳам одам, ўз шаъни учун курашади. Қолаверса, яхшими — ёмонми асар-ёзувчи фарзанди. Ҳатто кўнғиз боласини ошпоғим, тишратикон юмшоғим деган экан. Танқид қилинган асар муаллифи танқидчини ўз душмани деб билади. Шундай экан, жанг майдонига кириш, худбинона ўйлаганда, ўзига душман орттириш кимга зарур? Танқидчининг асли ҳақиқатни дадил, рўй-рост айтиши, жанговарлиги билан танилади. Жанговарлик танқидчининг бош белгиси эмас. Шундай танқидчилар бўлганки, жанговарлиги билан танилган бўлса-да, танқид қилинаётган асар ҳақида асосли фикр-мулоҳаза айтолмай мулзам бўлган. Матёқуб Қўшжонов нафақат жангга дадил киради, у рақиб курагини ерга текказади: шундай далил, исботлар келтирадики, китобхон асарнинг заиф эканлигига ишонади. Танқид қилинаётган асар муаллифи, тилида бўлмаса-да, дилида танқидчига тан беради. Танқидчини ғалабага олиб келган асосий омил унинг билими, муноҳадасининг кенлигидир. М.Қўшжонов Ю.Шомансурнинг «Қора марварид», Сайёرنинг «Хулкар» қиссалар тўпламини, Мирмуҳсиннинг бир қанча асарларини, Иброҳим Раҳимнинг «Одам қандай тоблани» романини асосли танқид қилган. И.Раҳим романининг танқиди учун мунаққид ғаройиб усул танлаган. У ёзувчини майдонга таклиф қилган, фикрларини очик хат шаклида, бетга айтганининг захри йўқ қабилида ифода этган. Далил сифатида М.Қўшжоновнинг «Давр талаби ва ижод масъулияти» (Иброҳим Раҳимга очик хат) мақоласидан кўчирма келтирамыз:

¹ М. Қўшжонов. XX аср менинг тақдиримда. «Жаҳон адабиёти» журнали, 2001 йил, 1-сон, 13-14-саҳифалар.

«Сиз суддан кейин уни («Одам қандай тобланди» романининг қаҳрамони Эркин ҳақида гап борапти — А.Р.) катта қурилишга кетаётган йўловчиларга қўшиб қўясиз. Мана ўша сатрлар. «Орқамдан грузовик келди. Кузовда беш-олти одам. Мени ўз ёнларига таклиф қилишди. Қаёққа боришларини ҳам сўрамай уларга қўшилиб олдим».

Нега йўловчилар уни таклиф қилишди? Йўлда бошқалар ҳам бор эди-ку! Негача у суриштирмасдан машинага чиқали? Наҳотки унинг учун қаёққа кетишнинг фарқи бўлмаса? Телба одамларгина шундай қилиши мумкин. Сиз «қаҳрамоннинг ҳолати шундай эди» дерсиз. Ундай бўлса, қани ўша ҳолат тасвири? Қўрамызми, қаҳрамоннинг хатти-ҳаракати унинг ички руҳиясидан узоқда. Сиз уни ГРЭС қурилишига жўнатмоқчисиз, уни йўлга чиқардингиз, юк машинасини тўхтатдингиз, ичидаги одамларга таклиф қилдингиз, уни машинага чиқариб қўйдингиз... Манзила етиб боргач ҳам таклиф қилганлар «Биз билан ишлайверасан...» дейишди. У «енг ишлариб ишга» тушади. Қаҳрамоннингиз бунча осон кўнувчан бўлмаса?!...»¹.

Мунаққид назарий лавҳалар яратадимиз, адабий шарҳлар битадимиз, тақриз ёзадимиз, ҳамиша характер муаммосини диққат марказида тутамиз. М. Қўшжонова зийрак одамларга хос ҳис этиш (интуиция) туйғуси кучли. 70-йилларда у интерпретация таълимоти кучаяётганини ҳис қилди, маъно бадиий асардаги асосий моҳият эканлигини англади. 1974 йилда яратган асарини «Маъно ва мезон», 1977 йилда чоп эттирган тўшамини «Моҳият ва бадиият» деб атади. «Маъно ва мезон» китобида энг кўп қўлланган сўз «маъно»; «умуман маъно излаб топиш»; «катта маъно бахш этмасдан»; «қиссаларда маъно бордек сезилса»; «Маънонинг шу ҳилда тарқоқ бўлиши ҳам маъносизликнинг бир кўринишидир»; «Тарихдан ҳам маъно излаш зарур»; «дастан маъно чиқараётгандек бўлади»; «шу маънода асар яхши ният билан ёзилган»².

¹ М. Қўшжонов. Ижод масъулияти. Тошкент, Фафур Фулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти-1981, 222-223-саҳифалари.

² М. Қўшжонов. Маъно ва мезон. Тошкент, Фафур Фулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти-1974, 20-21-саҳифалар.

М.Қўшжонов маъно ҳақида кўп гапирди-ю, фикрни талқини баҳолашга эмас, асар таясига келтириб боғлайди. Лекин баъзан олимдаги ички сезги талқиннинг муҳим ўзагини англайди:

«Демак, ҳар бир асарга ва ҳар бир образнинг талқинига конкрет шу образ маъноси, умуман асар маъноси, унда тасвирланаётган ўзгаллик талаби нуқтаи назаридан ёндашишсагина тўғри хулоса чиқарини мумкин»¹.

Қарапки, XX асрнинг 70-йилларида М.Қўшжонов тўлиб-тошиб ижод қилаётган, талқинлар яратаётган пайтда Ғарбий Европа, англо-америка адабиётшунослигида рецензив эстетика, герменевтика, аксиология, структурализм ҳақида янги-дан-янгидан назарий-методологик қарашлар тараққий этаётган эди. М.Қўшжонов хориждаги адабиётшунослик, эстетиканинг илгор ютуқларидан тўла хабардор эмас эди. Лекин у маъно ва мезон, қалб ва қиёфа, матида сўзнинг ўрни, ва-зифаси ҳақида шундай қарашларни билдирдики, улар структурализм, экзистенциализм сингари қарашлар билан уйғунлашиб кетди. Олимнинг бундай зийраклиги, назарий қарашлар иллизини кўра билиши унинг ўзига, ўзбек адабиётшунослиги ва танқидчилигига катта наф келтирди. М.Қўшжонов ўз кучи, имкониятларини яхши биларди. У «Ўзбекистон адабиёти ва санъати» газетасининг 2002 йил 3 ва 10 майдаги сонларида «Елкам ер кўрмади» мақоласида янгиликка интилиш, илмий терапийка йўналиш ҳамишалик йўлдоши бўлганини ёзади.

М.Қўшжонов услубан таркибшунос (структуралист) мунаққид эди. Ўзининг эътирофига, «мати таҳлили, биринчидан, сўзни ҳис қилиш, унинг ўрни, ва-зифаси, маъно юкқини аниқлаш имконини беради. Иккинчидан, мати моҳиятини англаш — ёзувчи кечинмаларини қайта ҳис қилиш. Учинчидан, матидаги сўз, оҳанг, пафосни англаш — асар ютути, камчиликларини аниқ-тиник кўриш қилити».

М.Қўшжонов ҳаётининг сўнгги 14 йили Мустақиллик даврида кечди. Бу даврда у ўз қалбини «Ўзбекнинг ўзлиги», «А.Қодирий — эркинлик қурбони», «Абдулла Орипов» син-

¹ М. Қўшжонов. Маъно ва мезон. Тошкент, Фафур Фулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти-1974, 46-саҳифа.

гари илмий, «Дагиш», «Армон», «Алам», «Дийдор» сингари биографик асарларда тўлалигича ифодамай олди.

М.Қўшжонов — характершунос олим. Лекин унинг асарларида гоё масаласига алоҳида аҳамият берилди. Гоё ҳақида гапирини, табиийки, соцреализм ҳақида мулоҳаза юритиш, коммунистик мафкурага эътибор бериш деган маънони англатарди. Олим композиция ҳақида кўп тўхталган, назарий лавҳа ёзган. «Ҳақиқатан ҳам бадиий асарларда кўпинча композицион марказ унинг гоёвий асоси билан мос келади. Ҳатто А.Толстой ёзувчининг «диққат маркази» терминининг моҳиятини очиб бериш учун уни бошқа сўзлар билан «маъно», «идеология» деб атайдилар. Бу табиий ва қонунийдир»¹, — деб ёзди М.Қўшжонов. Худди шу фикрни мунаққид «Ойбек маҳорати» китобида ҳам (1965 йил, 306-саҳифа) такрорлайди. Бизнинг зинҳор М.Қўшжонов ижодини социалистик реализм йўсинида давом этгани, коммунистик мафкурани тасдиқлагани учун камситиш ниятимиз йўқ. Ўша пайтда бошқача йўл тутиш мумкин эмас эди. Лекин Матёқуб Қўшжонов ва унга ўхшаш синчков олимлар бадиий адабиёт соҳасида жиддий ўзгаришлар рўй бераётганини ҳис этганлар. 70-80 — йилларда реализм, соцреализм ҳақидаги қарашлар изчил давом эттирилди. Лекин М.Қўшжонов «ҳаётни ҳаққоний кўрсатиш» деган тушунча ҳақида мулоҳаза юритади, муҳими, қизиқ хулосага келади. Ўйлаб кўрилса, М.Қўшжонов модерн адабиёт хусусиятини англаб етган, бу адабиётнинг замини мустаҳкам бўлишини ҳис этган. Бошқача айтганда, мунаққид ҳаётда қандай бўлса, шундай акс эттиришга, изчил реализмга унчалик мойил эмас: «Санъатдаги товуш, оҳанг, бўёқ, шакллар, бадиий адабиётдаги сўз билан яратилган воқеалар ҳаётга «тақлид». Аммо улар айнан тақлиднинг ўзи эмас. Санъаткор ва ёзувчи ҳаёт материални ўзининг санъаткорлик тафаккуридан ўтказди, ёзувчи Абдулла Қаҳҳор сўзи билан айтганда, «қайта бичиб, қайта тикади». Аниқроғи, санъаткор ҳаёт материални «қайта ташкил қилади», «қайта ташкил қилиш» пайтида санъаткорларнинг ўзлиги намоён бўлади. У шунчаки «тақлид», оддий «кўчирма» яратмайди.

¹ М. Қўшжонов. Ҳаёт ва маҳорат. Тошкент-1962, 116-саҳифа.

«Қайта бичиб, қайта тиккан» пайтида ёзувчи дунёқарашни, ҳаёт идеали ишта солинади. У ҳаётдан ўз идеалини тасдиқлайдиган томонларни танлайди... Демак, адабиёт ва санъат ҳаётнинг оддий «тақлиди», оддий «кўчирмаси» эмас, балки ёзувчи дунёқарашни, унинг идеали билан сугорилган «тақлиди» ва «кўчирмаси»дир»¹.

Услуб — ўзлик. Услуб — характернинг ботиний суврати. Услуб қайсидир маънода, тақдир. Манхур кишиларнинг илк илмий-ижодий қадамлари билан охириги қадамлари, излари аро узвий бирлик, боғлиқлик бўлади. Иззат Султонов, масалан, 30-йиллардаёқ адабиёт назарийчиси сифатида танилган эди. Узоқ умрининг охиригача олим назария муаммолари билан шуғулланди. Матёқуб Қўшжонов ўзбек адабиётшунослигига характер муаммосини олиб кирди. У ўнлаб ёзувчилар, шоирлар ижодини характер муаммоси нуқтаи назаридан ўрганди. Озод Шарафиддинов илк китобидаёқ қалб, поэзия масаласини кўтарган эди. Олимнинг барча асарлари, мақолаларида қалб билан боғлиқ муаммолар асос қилиб олинади. У биринчи китобида ёзган эди: «Босиб ўтган ҳаёт йўлининг, эл олдидаги қарзингни ўйлаб кетмайсанми? Ёхуд севимли ёринг сенга хиёнат қилса, умидларингни чишпака чиқарса, изтиробга тушмайсанми? Бировнинг қабиҳлигини кўриб газабга келмайсанми? Бу ҳисларнинг ҳаммаси поэзиянинг кенг ва саҳий қалбидан нурланиб чиқиши мумкин»².

Поэзия — қалб изҳори, унинг нурланишлари, рангланашлари, оғриқлари... О.Шарафиддинов сўз санъатининг барча турлари ҳақида ёзди. Лекин олим борлиги поэзия талқинида тўлароқ, тўқисроқ намоён бўлади. Ярим асрлик ўзбек поэзиясининг талқин ва таҳлили Озод Шарафиддинов мақола, тадқиқотларисиз кемтик, файзсиз бўлиб қолади. Олим табиятан ҳам қалб, эҳтирос кишиси. Юраги буюрганни қилиб, қалби ундаганини айтиб, у неча бор ёмонотлик бўлмади, дейсиз? Мана, битта мисол. «Тирик сатрлар»—

¹ М. Қўшжонов. Маъно ва мезон. Тошкент. Фафур Фулом номидagi Адабиёт ва санъат нашриёти-1974, 159-саҳифа.

² Шарафиддинов О. Замон. Қалб. Поэзия. Тошкент. Ўзадабийнашр-1962, 30-саҳифа.

нинг қийин қисмати» мақоласида О.Шарафиддинов ёзади: «Зиёлиларнинг шаҳар йиғилишида...

Марказқумнинг мафкура бўйича котиби Рафиқ Нишонов маъруза қилди ва бошқалар қатори мени ҳам Чўлпонни гирилгиришга уринаётганим «мафкуравий калтабинлик» ва ҳатто «мафкуравий диверсия» эканини айтди ҳамда «ҳали Чўлпонни ўрганадиган вақт келгани йўқ», — деди. Мен ўрнимдан туриб савол бердим: «Совет ҳокимиятининг ярим асрли тўйини кечагина нишонладик. Чўлпоннинг оқланганига ҳам 12 йилдан ошди. Сизнингча, яна неча йиллардан кейин Чўлпонни ўрганишни бошласак бўларкин». Савол Рафиқ Нишоновга ёкмади. У ношуд ўқувчининг маъносиз саволига жавоб бераётгандай жеркиб берди: «Мен хронологик маънода айтаётганим йўқ. Яна қанча керак бўлса, шунча кутасиз!»¹.

Озод Шарафиддинов — эҳтиросли инсон, қалб кишиси эди. Лекин унинг гаплари, мақолаларида ҳароратга, жўшқинликка йўғрилган тиниқ фикр, позик муноҳада, терап ақл ҳаминша етакчилик қиларди. Қалб ва ақл — мунаққид О.Шарафиддинов услубининг асоси. Унинг асарларида дидиллик, ишонч узоқ-узоқни кўра оладиган ақл нури билан йўғрилган. Ижодининг бошланишидаёқ у Чўлпон ижодини севди, мана шу санъаткор асарларисиз XX аср ўзбек адабиёти кемтик бўлиб қолишини чуқур аниглаб етди. Устига устак КПССнинг XX съезидан кейин Чўлпоннинг ҳам меросини ўрганувчи комиссия тузилди. «Комиссия раиси Ёзувчилар уюшмасининг ўша пайтдаги биринчи котиби Баҳром Раҳмонов, аъзолари эса Уйғун, Мирзакалон Исмоилий, Фулом Каримов ва мен эдим»², — деб ёзади О.Шарафиддинов. Мунаққид Чўлпон ижодини элга танитиш учун ўттиз йилдан ортиқроқ муттасил ҳаракат қилди: не-не маломатларга, пўписаларга, тазйиқларга учрамади? Миллий мустақиллик туфайлигина О.Шарафиддинов, бошқа талқинчилик қатори, Чўлпон адабий мероси ҳақида талқинчилик қилди.

¹ Шарафиддинов О. Сардафтар саҳифалари. Тошкент, «Ёзувчи» нашриёти-1997, 57-саҳифа.

² Шарафиддинов О. Чўлпонни англаш. «Ёзувчи»-1994, 37-саҳифа.

Озод Шарафиддинов Абдулла Қаҳҳорни инсон, истеъдодли санъаткор сифатида севди. Бу инсоний садоқатнинг самараси ўлароқ ўнлаб мақола, портрет, тақризлар яратилди. «Абдулла Қаҳҳор» номли китобда Озод Шарафиддиновнинг жаҳон адабиёти билимдони, биографик асар ёзишдаги уқуви, архив материалларини синчковлик билан ўрганишдаги сабр-тоқати, ижод психологиясидан кенг илмга эгаллиги намойиш бўлди. Муҳими, Озод Шарафиддинов Абдулла Қаҳҳорни Чўлпон, Ойбек, Гафур Фулом даражасидаги санъаткор эканлигига ишонди. Абдулла Қаҳҳорга яқин бўлганлиги учун ҳам О.Шарафиддинов неча бор кутқиланди. Абдулла Қаҳҳор ҳам, унинг ижоддаги рақиблари ҳам ўтиб кетдилар. Абдулла Қаҳҳор ижодини, асарларини эмин-эркин талқин қиладиган, ҳолис баҳолайдиган замонлар келди. Қарангки, Абдулла Қаҳҳор ҳаёти ва ижодини бошқача талқин қилиб, ўзгача баҳолайдиганлар ҳозир ҳам пайдо бўляпти. Озод Шарафиддинов «Чинорлардан бири...» мақоласида ўкинч билан қуйидагиларни ёзади: «Бугун бу улуг инсон ва улуг адибнинг таваллуд кунлари унинг хотирасини ёдлаб ўтириб, бир нарсани ўйлаб кетдим: ҳар қалай, нима учун унинг тўғрисида босиқлик ва ҳолислик билан ёзиш ўрнига хом-хатала гапларни айтаяпмиз. Унинг ҳақида бунақа гапларни янги тафаккур меваси сифатида тақдим этияпмиз. Менимча, бу янги тафаккур эмас, аксинча, эски тафаккурнинг талвасаларидан ўзга нарсаси эмас. Гап шундаки, социалистик тузум ҳаммамизни ҳам мантиқ қонуниятлари асосида эмас, муайян қоидалар асосида фикрлашга ўргатиб қўйган эди. Биз ҳамма нарсасида синфийлик нуқтаи назаридан қарар эдик. Синфийлик эса фақат иккита рангни оқуқорани, яхши-ю ёмонни тан оларди.

Кимки биз билан бўлмаса, у бизнинг душманимиз. Бугун ҳам шу, рангнарастлик ҳақиқатни тугал кўришимизга ҳалақит бермаяптимики? Ёки Герострат шухратига эришиш иштиёқи голиб келиб кетадими?»¹.

Озод Шарафиддиновнинг юқоридаги фикрлари ўзбек танқидчиларига йўналтирилган. Мунаққид О.Шарафиддинов

¹ Шарафиддинов О. Сардафтар саҳифалари. Тошкент. «Ёзувчи» нашриёти-1999, 155-156-саҳифалар.

ўзбек танқидчилиги қозонида қайнади, ўзбек адабий-танқидий муҳитида шаклланди. Ўзбек танқидчилиги, мунаққидлари ҳақида Озод Шарафиддиновдан кўп ёзгани камдан-кам топилади. «Чўлпонни англаш» китоби, «Гўзаллик излаб» асаридаги «Адабий танқид муаммолари» бўлими, «Ҳақиқатга садоқат» китобидаги «Янги авлод тўлкини», «Адабий танқид замон хизматида» мақолалари ўзбек адабий танқидчилиги тарихи, муаммолари, авлодлари ҳақида. Бундан ташқари, О.Шарафиддинов Чўлпоннинг, Ойбекнинг адабий – танқидий қарашлари ҳақида, Отажон Ҳошимнинг ижод йўли тўғрисида тадқиқотлар яратган. Танқид тарихи, хусусан, ўзбек танқидчилиги тараққиёти йўлини, унинг намоёндалари ижодини тўлиқ билишни Озод Шарафиддинов услубининг ёрқин қирраси ҳисобланади. У адабий танқидчидаги масъулияг ҳиссини, кенг фикрлилиқни, бетакрор услубни юксак қадрлайди. Мисолларга мурожаат қиламиз. «Чўлпон танқидий фаолияти билан эстетика соҳасида янги бир таълимот яратишни мақсад қилиб қўймаган бўлса-да, унинг мақолаларини ички яхлитликдан маҳрум, ҳар хил йилларда ҳар хил муносабатлар билан ёзилиб, ҳар хил нарсалар тўғрисида баҳс юритувчи пароканда асарлар йиғмасидан иборат деб қараш мумкин эмас. Аксинча, ҳар бир мақоланинг югурик мисралари ортидан Чўлпоннинг ўзи қараб тургандай бўлади. Ҳар бир мақолада Чўлпон шахсиятининг аниқ муҳри борки, худди шу нарса уларни яхлит бир ҳолга келтириб туради»¹. Алишер Навоий тўғрисидаги «тадқиқотда Ойбекнинг билими юят чуқур экани, фикрлаш доираси бениҳоя кенглиги, мураккаб ва читал масалаларни дадил қўя олиши аниқ кўринади»².

Иzzат Султон ҳақида О.Шарафиддинов бундай ёзади: «... адабиётшунос ва мунаққид асарларини халқ учун ардоқли қиладиган зарур шароитлардан бири – уларда ўзак масалалар кўтарилиши билан бир қаторда, бу масалалар ҳақида айтиладиган фикрнинг теранлигида ҳамдир. И.Султонни ўзбек адабиётшунослигининг отахон арбобига айлантирган асосий сифат ҳам худди шунда – унинг асарлари ҳамиша

¹ Шарафиддинов С. Истиқлол фидойилари. «Шарқ» НМҚ-1993, 43-саҳифа.

² Шарафиддинов О. Ҳаёт билан ҳамнафас. «Ёш гвардия»-1983, 19-саҳифа.

теран фикрларга бой бўлади. Олим адабиёт фактларини жуда яхши билади, лекин уларни ҳеч қачон қуруқ санаш билан ёхуд уларга шунчаки изоҳ бериш билан чекланиб қолмайди. У бирон бир конкрет асарга тақриз ёзадими, адабиётнинг бирор жанрига обзор берадими, проблематик мақола ёзадими, барибир, адабиёт ҳақида чуқур фикрлар айтишга, фактлар ва ҳодисаларнинг моҳиятини очишга ҳаракат қилади»¹. И.Султон услуби ҳақида айтилган фикрлар мана бу – М.Қўшжонов ижодининг асоси тўғрисидаги қарашларга ҳамоҳанг: «М.Қўшжоновнинг мақолалари фикрий теранлиги билан ўқувчини ўзига ром қилади. Ундаги энг яхши томонлардан бири шундаки, мунаққид конкрет асарни таҳлил қилар экан, ҳатто асардаги бирор қаҳрамон ёхуд персонаж тўғрисида сўзлар экан, китобхонга сездирмай, уни жузъий масалалардан умумий масалаларга етаклайди, энг муҳим назарий проблемалар ҳақида ўйлашга ундайди... М.Қўшжоновнинг мақолалари ўзи фикрга бой бўлгани учун ҳам ҳамиша китобхоннинг фикрини уйғотади, уни интеллектуал активликка чорлайди. Фикр ғойибдан келмайди, албатта М.Қўшжонов мақолаларидаги фикрий теранлиқнинг ҳам ўз манбалари бор – буларнинг бири билимнинг чуқурлиги, адабиётшунослик илмининг ҳамма ютуқларидан бохабарлик, иккинчиси эса, ҳаётий тажрибанинг зўрлиги. М.Қўшжонов кечаги кунимизни ҳам, бугунги ҳаётни ҳам беш бармоғидай яхши билади»².

Озод Шарафиддинов Иброҳим Гафуров ижоди ҳақида ёзар экан, фикрий теранлик масаласини бошқачароқ тарзда ифодалайди. Иброҳим Гафуров «ўзини ижодкорга ақл ўргатувчи донишманд деб ҳисобламайди, аксинча, ҳар мақолада санъаткор шахсиятига, унинг ноёб истеъдодига теран ҳурмат, самимий муҳаббат билан қалам тебратлади. Лекин бу ҳурмат ва муҳаббат қуруқ мақтовларда, муболағали олқишларда, кўпиртирилган баҳоларда намоён бўлмайди. Мунаққид санъаткор асари баҳонасида ҳаёт ва ижод тўғрисида мустақил фикрлайди, фикрлаш жараёнида эса китобхон кўз ўнгида

¹ Шарафиддинов О. Гўзаллик излаб... Тошкент, Гафур Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти-1985, 192-193-саҳифа.

² Ўша асар. 218-219-саҳифалар.

санъаткор шахсиятининг ўзига хос қирралари ҳам, ижоднинг машаққатли ва айни чоғда сурурли ошлари ҳам, асар вужудига сингиб кетган гўзаллик ва маънодорлик ҳам очилиб боради. Иброҳим санъаткор ва унинг асари тўғрисида мулоҳаза юритар экан, йўл-йўлакай шундай умумлашмалар чиқарадики, уларда санъатнинг умумий муаммолари, илмий-назарий масалалар дўнда ва ихчам ифодаланган бўлади»¹.

Фикрнинг теранлиги, О.Шарафиддинов эътиқодича, адабиётшунос ва танқидчи ютуғининг асосий омили. Мана шу хусусияти боис И.Султонов ҳар гал масаланинг ўзак томонини марказга қўяди, «тарғиботчилик ва таъшиқотчилик фаолиятини ўзи учун фахрли иш деб билади», «Илмнинг забардаст ташкилотчиси» даражасига кўтарилган. М.Кўш-жоновдаги фикрий теранлик «ғоявий таҳлилни бадий таҳлилга» улаб юборишга, «социологик таҳлил билан эстетик таҳлил»ни чагиштириб боришга ундаган; фикрий ихчамлик туфайли Умарали Норматов «олдий нарсаларни чалқаштириб, узундан-узоқ қилиб, мураккаб шаклда ифодалаб, ўзининг «доно»лигини намоён этмайди, аксинча, мақолаларида соддаликка, ихчамликка интилади» (207-бет). Фикрий теранлик ўз-ўзидан бадий маҳорат томон бошлайди. О.Шарафиддинов фикрловчи, мушоҳадаси кенг олим-мунаққидларнинг маҳоратига ҳам эътибор беради. У Иброҳим Гафуров ҳақидаги мақоласида адабий танқиднинг илмиз масалаларига диққатни жалб қилади: «Маълумки, адабий танқидда таҳлилнинг турли усуллари, шакллари мавжуд. Баъзи танқидчилар социологик таҳлилга, баъзилар психологик таҳлилга, яна бошқа бировлари эстетик таҳлилга кўпроқ мойил бўлишади. Буларнинг ҳар қайсиси ўз устунликларига ва нуқсонларига эга. Менимча, ўз ижодида шуларни бирлаштира олган танқидчи катта муваффақиятга эришса керак. Иброҳимда таҳлилнинг ана шундай шаклига интилиш бор — уни синтетик таҳлил деб аташ мумкин»². Озод Шарафиддинов ёш мунаққидлар фаолиятини кузатар экан, мушоҳада юритиш масаласига, бадий маҳоратга эътиборни қаратади. «Масалан, Михли Сафаров адабий ав-

лод фақат хронологик ҳодиса эмас» деб қарайди, деб ёзади О.Шарафиддинов «Янги авлод тўлкини» мақоласида. — У «адабиётдаги ҳар бир янги ёзувчилар авлоди замондошларининг маънавий қиёфасидаги тишиқ, характерли тарихий-ижтимоий янгиликларни бадий кашф этиши, ана шу йўл билан адабий тараққиётга сифат ўзгаришлари олиб кириши керак», деб масалани жуда тўғри қўяди ва ёшлар ижодидаги «сифат ўзгаришлари»ни аниқлашга ҳаракат қилади» (91-бет). Хуллас, О.Шарафиддинов янги ўзбек танқидчилигидаги ҳолатларни, ўсини-ўзгаришларни, нуқсонларни чуқур англайди.

Озод Шарафиддинов услубигагина хос яна бир хусусият бор. У адабий танқид назариясини мукаммал билади, адабий танқиднинг жанр ва шаклларино нозик фарқлайди. Мунаққид ижодида адабий танқиднинг тақриз, адабий шарҳ, адабий-биографик очерк, адабий портрет, бадиа, муаммоли мақола сингари жанрида ёзилган кўплаб асарлар бор. Кўпчилик мунаққидлар адабий портрет билан биографик очеркни фарқламасликлари мумкин. Аммо Озод Шарафиддинов «Ялвбардорлар» тўпламига фақат очеркларни, «Истеъдод жиолари» га портретларни киришганлигини жуда яхши англайди. Очерк билан портрет ҳажман бир-биридан фарқ қилмайди. Аммо ҳар иккала жанрнинг ўз тузилиши, ички қонунчилиги бор. Биографик очеркда санъаткор ҳаёти ҳақида мукаммал маълумот берилади: унда хронологияга, адиб ҳаёти ва ижодининг фактларига, маълумотларга эътибор қаратилади. Адабий портретда санъаткор ҳаёти ва ижоди ички драмалари, рухий курашлари асосида ёритилади. Бошқача айтганда, адабий портретда санъаткор характери, рухий суврати очилади. «Истеъдод жиолари», «Халқ бахтининг оташин куйчиси» портретларида Абдулла Қаҳҳор ва Гафур Гуломнинг ҳам инсон, ҳам санъаткор сифатидаги ўзига хосликлари кўрсатилади. О.Шарафиддинов мукаммал портрет яратиш учун олдин эскизлар яратади: «Чўққи», «Дарёили шоир» мақолаларини портрет эскизлари дейиш мумкин.

О.Шарафиддинов ижодида адабий шарҳлар муҳим ўрин эгаллайди. Аммо «Йиллар ва йўллар» шарҳи билан «Шеърят эстафетаси давом этмоқда» шарҳининг қиммати бир хил эмас. «Йиллар ва йўллар»да ярим асрлик ўзбек шеърят-

¹ Шарафиддинов О. Ҳақиқатга садоқат. Тошкент-1989, 346-саҳифа.

² Уша асар. 349-саҳифа.

нинг илмий-қиссий шарҳи берилган бўлса, иккинчи шарҳда бир йиллик поэзиянинг саноғи, салмоғи баҳоланади.

О.Шарафиддинов асарларида эҳтирос, жўшқинлик диққатни жалб этади. Мунаққид Белинский асарларини завқ билан ўқиганини, унга ҳавас қилганини ёзади. «Зулфия», «Миртемир» портретларидаги шоирона кириш қисми диққатни жалб қилади.

Мунаққид тақризларида асарга берилётган баҳо мақола руҳидан ангилашади. «Келажакка чорловчи қисса», «Заҳарли қаҳқаҳа» тақризларида «Синчалак»ка, «Тобутдан товуш»га муносабат аниқ сезилиб туради.

О.Шарафиддинов услубига хос муҳим хусусият шуки, у адабий танқидчи учун юксак маданият, масъулият, энг муҳими, муноҳаланинг кенлиги деб билади. У қайси танқидчи ҳақида ижобий фикр айтган бўлса, ундаги фикр, муноҳада ёлқинига алоҳида эътибор беради. Табиийки, одам ўзида йўқ нарсани ўзгалардан талаб қилолмайди. О.Шарафиддинов қайсидир масалани ўртага қўйса, унинг кўп томонларини аниқ, изчил ёритиб беради. «Шеър кўп, аммо шоирчи?» шарҳ-мақоласида шеърятдаги ўртағиёначилик ва унинг хусусиятларини кенг ёритади, истеъдод ва унинг табиати ҳақида нозик кузатишларини кўрсатиб беради.

Мунаққиднинг «Ҳаётийлик жозибаси ва схематизм инерцияси», «Шеър кўп, аммо шоирчи?», «Бир тилда гаплашайлик», «Генерал Равшанов» романи ҳақида», «Мағзи пуч сўзлардан бир тош нари қоч!» мақолаларида далиллик, курашга ундаган фикр, масъулият ҳисси кўзга аниқ ташланади. О.Шарафиддинов «Дамир Усмоновнинг икки баҳори» (Ў.Умарбеков), «Шеър маълумоти ва фикр раволиғи» (Сафо Очил), «Ўзбекнома» (Б.Бойқобилон), «Генерал Равшанов» (И.Раҳим) асарлари ҳақида салбий мақола ёзган экан, демак, у асарлар баҳонасида ўзининг эстетик қарашларини, адабий-танқидий эътиқолини баён этган. О.Шарафиддинов асар ҳақида салбий фикр айтар экан, зинҳор муаллифга бўлган антипатиясини билдирмайди. Бўш асарлар танқид қилинган мақолаларида у жиддий, муҳим муаммоларни ўртага ташлайди. Аниқроғи, битта асар ҳақида билдирилган фикрлар адабиётимизда илдиэ отиб кетиши мумкин бўлган салбий тамойиллар олдини олади. Фош

қилувчи мақолада мунаққид ўта жиддийлик билан мулоҳаза юритади, ҳар бир лавлини агрофлича исботлашга иштилади.

Озод Шарафиддинов нимани ёзиш, нимани ёзмасликни яхши биларди. У ҳеч қачон мафкура, сиёсат тазйиқидан кўрқиб ёзиш зарур бўлган мавзудан воз кечмаган. О.Шарафиддинов шўронинг мафкура қиличидан қон томиб турганига ҳам Чўлпон ҳақида ёзишдан ўзини тиймади. Бу қилмиши учун у неча-неча бор дакки еди, аммо қилмишидан пушаймон бўлмади.

Абдулла Қаҳҳорнинг 70 йиллигида аксарият ёзувчи, мунаққидлар ўзларини паната олдилар, ҳақ гапни айтишдан чўчидилар. Шундай вазиятда О.Шарафиддинов ТошДУ (ҳозирги ЎзМУ)да А.Қаҳҳорга бағишланган кеча уюлтирди, мақола ёзди. Ниҳоят, Ўзбекистон Мустақиллигига беш йил тўлиши билан О.Шарафиддинов ўзининг қизил империяга, коммунистик партияга муносабатини бир ёқли қилиб олишга бел боғлади. Шу қилмиши билан Миллий Мустақиллик ўзи, авлоди, халқининг норлоқ истикболи эканлигини кўрсатди. «Тафаккур» журналининг 1997 йил 1-сонига мутафаккир О.Шарафиддиновнинг «Эътиқодимни нега ўзгартирдим?» иқрономаси босилди. Бу асарни ўқимаган, унга ўз муносабатини билдирмаган биронта ўзбек зиёлиси қолмади. Лекин олим-мутафаккир қилмишини рўй-рост тан олганлар, уни силқилидан табриклаганлар кўп бўлмади. Битта шу қилмиши биланоқ О.Шарафиддинов Миллий мустақилликни эъзозлаш, уни кўз қорачиғидай асрашга улкан ҳисса қўнди.

Озод Шарафиддинов кўп ўқирди. Аммо унинг ўқиганлари, билганлари ўй-муноҳалари қарнисида мисоли айсберг эди. Олимни энг қийнаган нарса айтмоқчи, ёзмоқчи бўлган гапининг мағзини, мюсини тошиб олиш эди. Бошқача айтганда, олим ёзилажак асари фалсафасини топмас экан, қўлига қалам олмасди. О.Шарафиддинов Ойбек ҳақида кўплаб мақоалар ёзган. Фақат «Миллатни уйғотган адиб» талқикотида Ойбек шахси, ижоди илдиэи, ўқ томирини тошган эди. Мунаққид ижодининг охиритача А.Қаҳҳор ҳақида ёзди. Лекин «Истеъдод жилолари» А.Қаҳҳор ҳақида ёзганларининг шох мақоласи бўлиб қолаверди.

Озод Шарафиддинов табиатан оламохун, демократ бўлган. Унинг ҳеч кимга шахсий адовати, хусумати йўқ эди. Аммо

олимнинг мунаққидлик принциплари шахсий симпатиялардан ҳаминча юксак турарди. У Ўлмас Умарбеков, Барот Бойқобиловни инсон, меҳригонли кишилар сифатида ҳурмат қиларди. Лекин, шунга қарамай, умумлаштириш манфаатини кўзлаб «Ҳаётийлик жозибаси, схематизм инерцияси», «Матн пуч сўзлардан бир тош нари қоч» мақолаларини ёзди. Олим-мунаққид Озод Шарафиддинов услуби «Яхшидир аччиқ ҳақиқат» принциpidан келиб чиқарди.

Озод Шарафиддинов — XX асрнинг II ярмидаги ўзбек танқидчилигининг ёрқин намоёнаси. Лекин айтилганлардан О.Шарафиддинов ҳар томонлама идеал танқидчи деган фикр чиқариш керак эмас. Мунаққид — ўз даврининг кишиси. Унинг ижодида мумтоз адабиёт ҳақида ёзилган жиддий талқиёт учрамайди. Ваҳоланки, М.Шайхзола, И.Султон, Ҳ.Ёқубов, И.Ғафуров, И.Ҳаққуловлар ҳам замонавий, ҳам мумтоз адабиёт ҳақида мақолалар ёзганлар. Озод Шарафиддинов А.Орипов, Э.Воҳидов, О.Матжон, Абдулла Шер сингарилар ижоди ҳақида бир қанча мақолалар ёзди-ю, Р.Парфи, А.Қутбиддин, Чўлпон, Эргаш ҳақида ёзмади. Бошқача айтганда, Озод Шарафиддинов ўзбек модерн адабиёти ва унинг намоёндалари ҳақида фикр билдирмайди. Эҳтимол, Озод Шарафиддинов ўзбек модерн адабиёти чуқур мулохазаларга материал беролмаслигини ҳис қилгандир. Басиб парвардигор деганимиздай, О. Шарафиддинов ижодида маромига етмаган портретлар, биографик очерклар бор. Умрининг сўнгги йилларида у айрим асарларга сўзбошилар ёздики, уларда қилни қирқ ёрадиган, қаттиққўл О.Шарафиддинов услубига бетона белгилар кўзга ташланади. Лекин, барибир, О.Шарафиддинов XX аср ўзбек танқидчилигининг ўз қисфасига, услубига эга бетакрор ҳаминча навқирон намоёнасидир.

Адабий танқидда қадимдан учта услубий йўналиш бўлган: фалсафий, публицистик ва шоирона. Ўзбек танқидчилигида ҳар учала йўналишдаги танқидчилар мавжуд. Матқуб Қўшқоновда эстетик-публицистик, Озод Шарафиддиновда ҳиссий образли ёхуд шоирона услуб кўзга ташланади.

Адабий танқиддаги барча услублар адабий жараёни таҳлил, талқин қилишга йўналтирилган бўлади. Ҳар бир танқидчи ўзига хос усулда адабий жараёни таҳлил, талқин қилади, асарларни баҳолайди.

УЧИНЧИ БОБНИНГ ХУЛОСАСИ

1. Адабий таҳлил — мунаққид ижодининг асоси. Таҳлилда адабий матн моҳияти равшанланади, маъно қатламлари ўзини кўрсатади. Таҳлил воситасида сўзларнинг имкониятлари, оҳанг-у ургунинг аҳамияти намоён бўлади.

2. Адабий матн ўзига хос тузилма (структура), тана. Мунаққид тузилмани таҳлил қилар экан, «жон»ни, структурани ҳаракатлантираётган асосни топишга интилади. Матн асосини топиш таҳлилдаги турли йўналишларни белгилаб беради.

3. Матн моҳияти англаб етиш, мунаққид тузилмадаги табиий тараққиётни кузатади. Шундай ҳодиса, воқеалар бўладик, гоҳида матн ўзгартирилади (қисқартирилади, сохта қўшимчалар қилинилади). Матн моҳиятини англаб етган мунаққид ўзгартириш, сохталик, ташқаридан бўлган ўзгартиришларни беҳато англаб етди. Оддий китобхон матндаги «синик», «мажруҳлик»ларни сезмайди.

Матнига бундай камчиликларни дарҳол сезди. XX аср ўзбек адабиётида матнга «зулм ўтказиш» ҳолатлари кўп бўлган.

4. Матн моҳиятини англаш — маънолар қатлами ҳақида фикр юритиш имконияти. Контекст (тағмоти) ўзбек адабиётида ниҳоятда ривожланган. Адабий танқидчининг укуви, синчковлиги матности маъноларини юзага чиқаришда намоён бўлади. Матнни тушуниб, ҳис қилиб ўқиш ҳамманинг қўлидан келавермайди. Дилсиз танқидчилар кўпинча ёзувчи мақсад, интилишини англаб етмайдилар.

5. Матн моҳиятига кириб бориш мабдалар билан жиддий шуғулланишга ундайди. «Бой ила хизматчи» драмасидаги «ёпиштирилган» матн, образларнинг қандай гайдо бўлганлиги китобхонни қизиқтиради. 80-90-йилларда Абдулла Қаҳҳор асарлари, ҳусусан, «Сароб» романи жиддий талқин қилиниди ҳар хил фикрлар айтиди. О.Шарафиддинов, М.Қўшқонов, У.Норматов, Р.Қўчқоров сингари мунаққидлар Қаҳҳор асарлари, ҳусусан, «Сароб» ҳақида жиддий талқинларни илгари сурдилар.

6. Адабий матн сўзлардан тузилади. Матннинг тузилмаси имо-ишоралар, оҳангларга эътибор беришни тақозо қилади. Ўзбек мумтоз адабиётида сўзларнинг кўп маънолигига, белги (харф) ларнинг рақам танувчилик вазифасига асосланган жанрлар бўлган. Ҳозирги ўзбек адабиётида мумтоз адабиётдаги анъаналар маълум даражада давом этапти. Структурали

ва имо-ишора, белгилар маъносини очишга йўналтирилган таҳлилларда матннинг ўта нозик томонлари ўрганилади.

Модерн адабиёти структурали, имо-ишора таҳлилий аҳамиятини оширади. Ижодкор битта сўз, имо-ишора орқали жиддий ҳолатларни акс эттиради. Рауф Парфи, Назар Эшонқул, Хуршид Дўстмуҳаммад асарлари структурали, имо-ишора (семиотик) таҳлилда ўзини тўлиқ намоён этади.

Структурали, семиотик таҳлилда нафақат сўз, балки унинг бўлаклари ҳам эътибор бериледи. «Тилла балиқча»даги битта сўзга эътибор берилиб, «Қаро кўзим» ғазалидаги битта сўз мазмунини ҳақида мақола ёзилдики, ўзбек танқидчилигидаги синчковлик ортиб бораётганидан даракдир.

7. «Ўткан кунлар», «Меҳробдан чаён» романлари, кўплаб шеърлардаги битта сўз, битта белги кенг талқин, таҳлилларга имкон беради. Шундай ҳам бўладикки, санъаткор битта мақолага ижодининг моҳиятини сингдиради. Эркин Воҳидовнинг «Ассалом, келажак» мақоласини англаб етиш учун шоир ижодига асосли кириб бориш, кўп шеърларидаги маънони юзага чиқариш керак бўлади. Хуллас, битта асар орқали олами кабир, олами сагир ажойиботларини аниқ кўра билиш мумкин.

8. Услуб — ижодкорнинг ботиний, руҳий суврати. Услубда санъаткорнинг моҳияти, дунёқараши, маданий даражаси, бетакрорлиги акс этади. Адабий танқидчи — санъаткор — бетакрор услубга эга ижодкор.

9. Дадиллик, масъулият ҳисси, кенг фикрлилик адабий танқидчининг хусусиятлари. Матёкуб Қўшжонов, Озод Шарафиддинов XX асрнинг иккинчи ярмидаги ўзбек танқидчилигининг ёрқин намоёндалари. Матёкуб Қўшжонов характер муаммосини асос қилиб олган ҳолда ярим асрлик ўзбек насрини бетакрор услубда таҳлил, талқин қилди. Мунаққид ижодида илмий ҳолислик билан коммунистик мафкура яратган адабиётшунослик илми аро зилликнинг пайдо бўлганлиги изчил таҳлилда кўзга таниланиди.

Озод Шарафиддинов қалб ва поэзия масаласини кенг талқин, таҳлил қилди. Мунаққид ижодида ярим асрлик ўзбек поэзияси ўзига хос йўсинда талқин, таҳлил қилинди.

Умуман, таҳлилда бадий асарнинг барча имкониятлари, камчиликлари акс этади. Таҳлил, талқиннинг жозибали бўлишида бетакрор услубнинг аҳамияти беқиёсдир.

УМУМИЙ ХУЛОСА

Инсоният учун зарур соҳа, қадимий касб борки, унинг фалсафаси шаклланган. Дехқон, масалан, жамики тирик мавжудотни тўйдиреди. Табобат — башарият тарихи қадар қўхна, ҳаминша навқирон соҳа. XX аср донишмандларидан Николай Амосов шифокорларни ҳаёт дарбозабонларига менгзайди: дунёга келган янги меҳмон оқ халатлининг кўлида кўзини очеди. Паймонаси тўлган инсон оқ халатлининг кўлида кўзларини юмади...

Адабий танқид, бадий адабиёт сингари, қадимий, ўзига хос соҳа. Бадийатнинг чин шайдолари ҳаминша илми бадий, илми нақд, илми ғарибада донг таратганлар қадрига етганлар. Чунки булар аввали охир бадий асардаги гўзалликларни кашф этганлар, нафосатнинг бус-бутун намоён бўлишига тўсиқ бўлаётган айб-камчиликларни аниқ-тиниқ кўрсатганлар. Гўзалликни кашф этиш йўлини танлаганларнинг ўзлари ҳам покланиб, руҳий-маънавий юксалликка кўтарилиб борганлар. Қадимда уларни урафо, зурафо, аҳли дарк дея улуғлаганлар. Зурафо пешвоси, мунаққид-қадрият тарғиботчиси: бадий бойлик яратувчилар билан шу маънавий-руҳоний неъматни ўзлаштирувчилар аро воситачи. Адабий танқид бадий бойликни таҳлил, талқин қилар экан, унга замонаси зайлини, ижтимоий-мафкуравий қарашлар руҳини сингдиради. Бошқача айтганда, мунаққид фаолиятдан сиёсату мафкурани белгиловчилар-давлатни бошқарувчилар ҳам манфаатдор. Адабий танқидчилигина гўзаллик билан шуғулланиб гўзаллик яратади. Бадий асарнинг қадриятлик қиммати камаймаганидай, адабий-танқидий асарнинг покровчилик, руҳониятни бойитиш моҳияти йўқолмайди. Адабий-танқидий асарда мунаққиднинг услуби, гўзалликка дахлдорлик даражаси — истеъдоди намоён бўлади. Истеъдод, теран билим, мушоҳадакорлик, масъулият ҳисси — танқидчининг асосий хусусияти.

Адабий танқид, аслида, адабиётшуносликнинг таркибий қисмларидан бири. У бадий адабиёт воситасида ҳаёт, инсонлар ҳақида мушоҳада юритади; қадриятнинг ижтимоий-маданий муносабатлардаги ўрни, вазифаси, миллий-мафкуравий, умумбашарий моҳиятини ёритади; бадий асарнинг

фалсафий-эстетик моҳиятини, тарихий-маданий қатламдаги ўрнини белгилайди; адабий матн таҳлили орқали бадииятга доир гўзалликларни кашф этади ҳамда камчилик, етишмовчиликларни аниқ-равон кўрсатади; илмий-маънавий талқин воситасида асар тузилмасини, «жони»ни, муҳим сўз, имо-ишоралар моҳиятини синчковлик билан ўрганади; таҳлил ва талқин хулоса-натижаларини қадрият баҳосини белгилашга йўналтиради.

Адабий танқид-кенг қамровли соҳа: у асарнинг ютуқ ва камчиликларини кўрсатиш мақсадида қиёсга эътибор беради. Таҳлил қилинаётган асарнинг маданий қатламдаги ўрнини белгилайди, уни бошқа асарлар билан қиёслайди, ижтимоий-мафкуравий қарашлар билан асарнинг қай даражада боғлиқлигига эътибор беради. Адабий танқидий асарнинг ният ғояси қай даражада амалга оширилганлигига диққатни жалб қилади. Бошқача айтганда, ёзувчи ўз асари орқали нима демоқчи бўлганини ёритади.

Адабий талқин — танқиднинг таркибий асоси. Талқин — бадиий асар асосига чуқур кириб бориш, қадриятни боғицдан, сийратдан ёритиш, ижодкор ғояси қай даражада шаклланганлигини асар моҳиятидан келтириб чиқариш. Талқин — мураккаб ҳолат, руҳий-маънавий жараён. Тафсир, таъвил, талқин-руҳий-маънавий сафарбарлик, ўзликни янгича руҳий ҳолатга йўналитириш. Тафсир, талқин — зарифлик, орифлик йўли, ўзлаштириш нафосати мушкулликларини енгиш.

Мумтоз адабиётшуносликда талқиннинг бой тарихи бор. Талқин шунчалик тараққий этган эдики, унинг ҳос, алоҳида мактаблари, йўналишлари; урафо, зурафо, аҳли дарк номини олган кўн сонли намояндалари, илми ғариба сингари фанлари, уларнинг донг таратган олимлари бор эди.

Алишер Навоий тазкираларида, ҳасби ҳол асарларида машҳур урафолар, илми ғариба етакчилари ҳақида маълумотлар берилади. Навоийдан кейинги мумтоз адабиётшунослик асарларида илми ғариба, унинг намояндалари, машҳур рисолалари ҳақида маълумот берилади.

Илми ғариба талқин фани билан бевосита боғлиқ. У матндаги асосий нуқталарни, теран маъноларни уқиш ва акс эттириш санъатидир.

Ғариба илми мавжуд фанларни синчиклаб ўрганиш орқали кашфиёт даражасида хулоса чиқаришгача етиш, гаройибот нуқтаси қадар кўтарилишидир.

Ғарбий Европа фалсафаси, хусусан, Иммануэл Кант, Хеорг Хегел сингари файласуф-нафосатшунослар асарларида руҳоният таълимоти, бадиий асарларнинг руҳоний моҳияти ҳақида қарашлар ривожлантирилди. XX аср Ғарбий Европа ва англо-америка нафосатшунослиги мумтоз, анъанавий қарашлардан йироқлашмади. Рус олим-нафосатшуносларидан В.Асмус, Ал. Весселёвский, А.Потебня сингари олимлар мумтоз адабиётшунослик анъаналарини давом эттирдилар.

Зигмунд Фрейд (1856-1939), Карл Юнг (1875-1961), Мартин Хайдеггер (1889-1976), Эрих Фромм (1900-1980) сингари олимлар нафосатшунослик, адабиётшуносликнинг янги замонга монанд назарий асосларини яратиб бердилар. Масаланинг ядизига қаралса, Ғарб файласуфлари қарашлари асосида Ўрта асрлардаги шарқ-мусулмон нафосатшунослигининг назарий моҳияти кўзга татилади. Алишер Навоий сўз соҳридан завқлана-завқлана умри боқий асарлар яратди, «айтиб совумас тарона сенсан, олиб қуримас хизона сенсан» деган эътиқод-хулосага келди. XX аср эстетикаси ривожига баракали ҳисса қўшган овруполик олим Мартин Хайдеггер сўзни улуг ҳакам деб билди: «Сўз инсон моҳиятини синондан ўтказувчи асосий восита. Сўз ҳолис, ҳеч кимга тобе бўлмаган воқелик тарзида одамларнинг сарасини сарага, пучагини пучакка ажратади». Сўз қудратини, имкониятларини сўзшунос-ижодкор, сўзшунос-талқинчигина теран ҳис қилади. Адабий талқин сўз имкониятларидан бус-бутун фойдаланишни, матнни ҳар томонлама таҳлил қилиб қатқат маъноларни юзага чиқаришни тақазо этади. Сўзга фидойилик, сўзга садоқат ижодкорни ҳам, талқинчини ҳам руҳий-маънавий юксаликка кўтаради. Аристотел «Поэтика» асаридаёқ «катарсис», «калокогот», «онтология», «томири уриб турган структура» сингари атамаларни қўлаган эдики, улар руҳоний неъматларнинг тирик, «жонли», поклаш қувватига эгалигини аңлатади. Аристотел бошлаб берган, Шарқ-мусулмон нафосатшунослигида бойитилган, XX асрда ҳам давом этган, Европа, англо-америка эстетикасида ривожлантирилган қарашлар шўро фалсафаси, эстетикасида

инкор этилди. Шўро адабиётшунослиги, танқидчилигида ҳақиқий талқин намуналари бўлмади дейиш мумкин эмас. Лекин марксча-ленинча дунёқарашга асосланган шўро адабиётшунослиги ва танқидчилигида масалани илдирига кириб бориш, асл ҳақиқатни кўрсатиш сезилмас эди. Бунинг сабабларини марксизм-ленинизм таълимотининг назарий асосчилари асарларидан топиш мумкин. Чунанчи, Г.В.Плеханов (1856-1918) ижтимоийлик масаласини барча соҳала, хусусан, санъат асарида етакчи қилиб қўйди. Ижтимоийлик — муҳим йўналиш, соҳа, асос. Лекин у санъатдаги эстетик-руҳий таъсир ўрнини боса олмайди. Ҳаётни тасвирлашда, халқ тушунчасини аниқлашда, адабий қаҳрамон яратилишида ижтимоий моҳият асос қилиб олинди. Натижада, ижтимоий муносабат, ижтимоий таҳлил руҳий-эстетик талқин йўлини маълум даражада тўсиб қўйди. 20-30 йиллар адабиётида ижтимоийликка бош масала деб қаралди. Шўро адабиётшунослиги, нафосатшунослигида ижтимоийликнинг гайри табиий, сохта кўриниши етакчилик қила бошлади. Социалистик реализм методи ҳам ижтимоийлик асосида пайдо бўлган эди. Санъаткордан ҳаётни инқилобий тараққиётда акс эттириш, фирқавийлик, синфийлик йўриқларига риоя қилиш талаб қилинди. Ҳақиқий истеъдод билан социалистик ижтимоийлик, реализм орасида зиддият мавжуд эди. Истеъдод — илоҳий нисбат, айрим кишиларга бериладиган руҳоний бойлик. Ҳар қанча сиёсий, фирқавий, мафкуравий тўсиқлар қўйилмасин, ҳақиқий истеъдод эгаси воқеликни, инсонларни ўзи англаганича акс эттиради. Айрим ёзувчилар сиртдан социалистик реализм талабларига мос келадиган асарлар ёздилар. Лекин улардаги ҳақиқий истеъдод ҳаётни, одамларни асли ҳолича акс эттирди. Бундай асарларни жиддий таҳлил, талқин қилсангиз, уларда ҳаёт, инсонлар асил ҳолида акс этирилишининг кўрасиз. Ойбек, Абдулла Қаҳҳор, Ғафур Ғулом, Чингиз Айтматов сингари санъаткорлар асарларида бу ҳолат аниқ сезилади. 80-90 йиллар ўзбек танқидчилигида сопреализм адабиёти намунаси ҳисобланган ўнлаб асарлар қайта баҳоланди. Бу жараён ҳануз давом этапти.

XX асрнинг 70-йилларидан бошлаб Ғарб, англо-америка адабиётшунослигида янги тўлқин, тараққиётнинг янги бос-

қичи бошланди. Рецептив эстетика ёхуд ўзлаштириш нафосатшунослиги номини олган янги йўналиш бадий асарни ўқини, уқини, ўзлаштириш, таҳлил ва талқин қилиш, баҳолаш масаласига янгича ёндаша бошлади. Теран ўйлаб кўрилса, мумтоз адабиётшунослигимиздаги бадий асарни ҳис қилиш, ўзлаштириш муаммолари янги шароитда янгитдан ўртага қўйилмоқда. Ўқини, уқини ҳолати ва унинг натижаларига жиддий эътибор берилган.

Адабий талқин-бадий асарни теран ўрганиш, матнга жонли мавжудот сифатида муносабатла бўлишдир.

Матн-ёзувчи ижоди. Табиийки, матнда ёзувчининг ҳолати, руҳияти, характери, воқеа-ҳодисаларга муносабати акс этади. Биографик ёндашув — асар воситасида ёзувчи ҳақида ахборот тўплани. Адабиёт тарихида шундай асарлар борки, уларнинг муаллифи ҳақида ҳеч қандай маълумот йўқ. Шундай пайтда бадий асар ўз муаллифи ҳақида «сўзлайди». Аниқроғи, асарга ёзувчи ҳақида маълумот берувчи манба сифатида ёндашилилади. Икки аср муқаддам яшаган француз олим — адиби Шарл Сент-Бёв асарга биографик ёндашув назариясини ишлаб чиққанки, у ҳамон ўз кучини сақлаб кел-моқда. Бадий асардан ёзувчи ҳақида аниқ маълумот олишнинг бир қанча шартлари бор. Биринчидан, адабий матн яхлиг ҳолда сақланган бўлиши керак. Иккинчидан, матннинг қисм, бўлаклари таъсир, ўзгартиришлар киритилган бўлмаслиги лозим. Учинчидан, талқинчи матннинг остки маъно-мазмунига алоҳида эътибор қаратиши зарур. Шўро адабиётшунослигида кўпчилик адабий асарлар бузиб-ёриб, «қайчилади» нашр этилди. Иккинчидан, ёзувчилар сиёсий-мафкуравий таъйиқлар остида таржимаи ҳолларига ўзгартиришлар киритдилар. Аниқроғи, шўро адабиётшунослари, машҳур санъаткорлар ҳаётларини замонага мослаб «ёздилар». Алишер Навоий, Ҳамза, Абдулла Қодирий, Чўлпон сингари санъаткорларнинг таржимаи ҳоллари билан улар асарларидаги ёзувчи ҳолатига боғлиқ томонлар аро фарқ катта бўлди.

Бадий асар яратилади, лекин у жонли вужуд сингари «ўлмайди». Унинг барҳаётлиги боиси истеъдоддир. Бадий асарга онтологик ёндашув унинг яшовчанлиги, қурашчанлигини кўрсатишдир. Онтологик ёндашув адабий матнни

кўнгли кўзи билан кўриш, ҳиссий фаолият самараси сифатида англаш, ғайришуурий фаолият натижаси дея таҳлил қилишга асосланган Онтология кўз билан туғиб, кўз билан кўриб бўлмас номоддий тушунчадир. Истеъдоднинг қадриятга кўчилиши — онтологиянинг намоён бўлиши. Тирик жисмининг яшашни ички зиддиятларга асосланганлигидай, адабий матннинг тирикчилигини кўрсатувчи зиддиятлар — тузилма тушунчалари бор. Истеъдод қанча кучли бўлса, бадий асарнинг қамров миқёси кенг, мазмуни теран бўладики, уни адабиётшуносликда маъно-мазмун қатламлари, қамров кенгликлари дейилади. Янги адабиётшунослик, аниқроғи, ўзлаштириш нафосатишунослиги бадий асарнинг яшовчанлигини таъминлайдиган янги қарашларни кашф этди. Чунончи, асар руҳидаги ўқувчи-имиланиш куч ҳақидаги қараш, «очик матн» ва «ёпиқ матн»ли асарлар муаммоси, асар тирикчилигини англаб етишда эвристик ва ретроактив ўқишнинг аҳамияти... Бадийлик йўқ жойда онтологик ёндашувга ўрин йўқ. Аниқроғи, онтологик ёндашув орқали матннинг яроқсиз эканлигини ҳам исботлаш мумкин).

Бадий асарнинг мангу барҳайтлиги масаласи қадриятларнинг замонлардан замонларга, маконлардан маконларга ўтиб юриши ёхуд қайта баҳоланиши муаммосини келтириб чиқаради. Мангу асарлар — инсониятнинг бадий хотираси. Ҳар бир инсон умри давомида кўнлаб ўлмас асарларни ўқийди. Ўзбек халқининг маънавий-руҳоний бойлигини Навоий, Бобур, Фирдавсий, Саъдий Шерозий, Ғолибий, Пушкин, Шекспир, Абдулла Қодирий сингари санъаткорлар асарисиз тасаввур этиб бўлмайди. XX асрнинг 80-90 йилларида Софокл, Шекспир асарлари ўзбек адабиётшунослиги ва танқидчилигида қайта баҳолана бошланди. Маънавий-руҳий эҳтиёжнинг ҳам ўз қонуниятлари бор: бир пайтлар диққатни жалб этмаган, руҳи бегонадай асарлар бугунги кунда ташналик билан ўқилмоқда, ўзлаштирилмоқда.

Ёндашув — мақсадли, бир томонлама муносабатдир. Таҳлил — матн руҳини, моҳиятини, хусусиятларини мукамал ўрганишдир. Талқин адабий матнга нозик, теран муносабатни тақозо қилади. Талқинда адабий матн моҳиятини, ички тузилишини ўрганиш муҳимдир. Матннинг ички тузилишини, услуб яхлитлигини, қаҳрамонлар аро нозик боғ-

лиқликни микроанализда ёхуд матн руҳига кириб таҳлилдан аниқ кўриш мумкин. Сўнги 10-15 йил ичида баъзи ўзбек ёзувчиларининг асарлари мукамал ҳолда чоп этила бошладики, матнни синчиклаб, нашрларни қиёслаб ўқиш имкони пайдо бўлди. Абдулла Қодирий, Чўпон, Абдулла Қаҳҳор асарларини асл манбаларини таҳлил қилиш, уларни кейинги нашрлар билан қиёслаш танқидчилигимизда талқинчилик маҳорати орғиб бораётганлигини кўрсатмоқда. «Бой ила хизматчи» асарининг таъмирланган нусхаси ҳақида, жиддий таҳлиллар юзага келди.

Талқин — танқидчи маҳорати, истеъдодининг намоён бўлиши. Адабий матн асосини сўз, алоҳида белги, оҳанг белгилариди. Матн — томири уриб турган тузилма (структура). Тузилма асоси, моҳиятини «жон» белгилариди. Структурани таҳлилда асосни тўтри белгилар, тузилманинг бир маромда ҳаракат қилишинини кўрсатиш муҳимдир. Тузилма-математик тенглама, мисоли. Воқеалар мароми, характерлар фаолияти тузилма (структура) орқали аниқ билиб олинади. Бошқача айтганда, тузилма (структура) асарни, қаҳрамонларни ҳаёт, воқелик билан қиёслаб боришни инкор этади.

Тузилма (структура) беҳато бўлса, асар руҳида, қаҳрамонлар фаолиятида сохталар бўлмайди. Структура аввало асар номи билан унинг моҳияти аро бирликда сезилади. «Меҳробдан чаён», «Сароб», «Синчалак» — мукамал тузилмали асарлар. Абдулла Қаҳҳор мафкуравий тазйиқ туйғули «Кўнчинор»ни «Кўнчинор чироқлари»га, «Тобутдан товун»ни «Сўнги нусхалар»га алмаштириш билан матн структураси, тузилмасини ўзгартиришга мажбур бўлди. Мукамал тузилма кўнчинини ҳам, олиб ташлангани ҳам инкор этади. Тузилмага ташқаридан араланиш асар формуласини бузиб юборади. Шеърятда, хусусан, модерн поэзияда структуранинг аҳамияти муҳимдир. Рауф Парфи, Абдулла Орипов асарларида тузилма мукамаллиги таҳлилда аниқ кўринади.

Адабий матн-белгилар, имо-ишоралар жамулжам. Ундаги сўзлар, белгилар шартли код вазифасини ўташи мумкин. Абдулла Қодирий романларидаги белги, имо-ишораларнинг маъно-моҳияти, теран маъноларни ёритишда тузилманинг

аҳамияти кучли. Эркин Воҳидовнинг XXI аср бўсағасида ёзган «Ассалом, келажак» бадияси мураккаб тузилма, ундаги сўз, бирикмалар ўзига хос код — ечилишни лозим бўлган муаммо. Бадидаги сўз, ибора, имо-ишоралар маъносини шоир ижодидан, асарларидан топиш мумкин.

Услубий таҳлил талқиндаги асосий воситалардандир. Ҳар бир давр, миллат адабиёти ўз услубини намоён этади. Услуб таҳлили — талқиннинг бир кўриниши.

Адабий танқидда ҳам услуб асосий муаммолардан ҳисобланади. Мунаққид услубини таҳлил қилиш орқали маълум давр танқидчилигининг умумий хусусиятларини ёритиб бериш мумкин. Матёқуб Қўшқонов ва Озод Шарафиддинов — ўзига хос услубга эга мунаққидлар. Мазкур танқидчилар услубини таҳлил қилиш орқали XX асрнинг II ярмидаги ўзбек танқидчилиги, унинг намоёндалари, даражаси ҳақида тасаввур олиш мумкин. М. Қўшқонов ва О. Шарафиддинов услуби таҳлил қилинар экан, мунаққидлар табиатида кечган руҳий-маънавий ҳолатларга эътибор беришди. Давр мураккаб, фиркавий тазйик кучли бўлиб сал ожизлик қилинса, мунаққид соқреализм қуюшқонига кириб қолиши мумкин эди. Далиллик, қатъият, мушоҳаданинг кенглиги, билимнинг тераплиги, масъулият ҳисси ҳар икки танқидчини ўзига хос санъаткор-олим сифатида халққа танитди.

Хуллас, адабий танқиднинг таянч асоси талқиндир. Талқин ёндашувларда, таҳлилларда намоён бўлади. Таҳлил ва унинг кўринишлари асар моҳиятини, кадр-қимматини, имкониятларини ёритиб беради. Миллий адабиётнинг асосини етук, барҳаёғ асарлар ташкил қилади. Мангу барҳаёғ асарларни истеъдод соҳиблари яратдилар. Адабий танқиднинг нуфузи, обрў-эътибори истеъдодли мунаққидлар фаолиятига боғлиқ. Истеъдод соҳибни адабий матини талқин, таҳлил қилар экан, ҳақиқий санъат намуналарини саралайди, ожиз, заиф матиларни инкор этади. Талқин, таҳлиллар-халис баҳо асосидир.

ФЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ

I

1. Каримов И. Маънавий юксалиш йўлида. -Т.: Ўзбекистон, 1998. 480 бет.
2. Каримов И. Озод ва обод Ватан, эркин ва фаровон ҳаёт-пиравард мақсадимиз. 8-жиш. -Т.: Ўзбекистон, 2000.
3. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси. -Т.: «Ўзбекистон» 2001. 37 бет.
4. Миллий истиқлол гоёси: асосий тушунча ва тамойиллар. -Т.: Ўзбекистон 2000, 77 бет.

II

1. Барахов В.С. Литературный портрет. -Л.: Наука, Ленинградское отделение, 1985. 311 стр.
2. Бахтин М.М. Эстетика словесного творчества. -М.: Искусство», 1986. 444-стр. 7-192; 381-394.
3. Болтабоев Х. Қатагон қилинган илм. -Т.: «Хазина» нашриёти, 1996. 120 бет.
4. Борев Ю. Искусство интерпретации и оценки. -М.: Сов. писатель, 1981. 3-110 стр.
5. Боқий Набижон. Қатлнома Хужжатли қисса. Т.: Нашриёт матбаа бирлашмаси, 1993. 207 бет.
6. Буало. Шерий санъат. -Т.: Фафур Гулом номидаги адабиёт ва санъат нашриёти, 1978. 43 бет.
7. Валихўжаев Б. Ўзбек адабиётшунослиги тарихи X-XIX асрлар. -Т.: «Ўзбекистон» 1993. 191 бет.
8. Возникновение русской науки о литературе. -М.: Наука, 1975. 457 стр.
9. Гуренко Е.Г. Проблемы художественной интерпретации. -Н.: Наука, 1982. 255 стр.
10. Гусев Вл. Память и стиль. -М.: Сов. писатель, 1981. 206-350 стр.
11. Егоров Б. О мастерстве литературной критики (жанры, композиция и стиль). -Л.: Сов. писатель, 1980. 317 стр.

12. Ёкубов Х. Сайланма. I-жилд.-Т.: Гафур Ғулом номидаги адабиёт ва санъат нашриёти, 1983. 94-104; 244-337 бетлар.
13. Избавление от миражей (Соцреализм сегодня).-М.: Сов. писатель, 1990. 412 стр.
14. История русского литературоведения.-М.: Высшая школа, 1980. 341 стр.
15. Каверин В. Писменный стол. Воспоминания и размышления.-М.: Сов. писатель, 1985. 270 стр.
16. Каримов Б. Жадид мунаққили Вадуд Маҳмуд. -Т.: Университет. 2000. 103 бет.
17. Каримов Ғ. Халқ, тарих, адабиёт.-Т.: Гафур Ғулом номидаги адабиёт ва санъат нашриёти, 1977. 24-70 бетлар.
18. Каттабеков А. Тарихий ҳақиқат ва бадий маҳорат.-Т.: Фан, 1982. 127 бет.
19. Кулешов В.И. История русской критики. XVIII-начала XX веков.-М.: Просвещение, 1984. 520 стр.
20. Мамажонов С. Сайланма.-Т.: Гафур Ғулом номидаги адабиёт ва санъат нашриёти, 1981. 9-486 бетлар.
21. Маҳмудов М. Аҳди дил.-Т.: Ўқитувчи, 1997. 309 бет.
22. Методологические проблемы современной литературной критики.-М.: Мысль, 1976. 349 стр.
23. Миён Бузрук. Ўри Осиё ва ўзбек адабиёти тарихига умумий қарап.-С.-Т.: Ўзнашр, 1930. 100 бет. Лотин алифбосида.
24. Навоий А. Мукамал асарлар тўплами. 20 т. Т.7.-Т.: Фан, 1991. 11-390 бетлар.
25. Назаров Б. Ўзбек адабий танқидчилиги. -Т.: Фан, 1979. 3-284 бетлар.
26. Назаров Б. Ҳамза абадияти. -Т.: Фан. 1988. 56 бет.
27. Норматов У. Давр туйғуси.-Т.: Ўқитувчи, 1987. 95 бет.
28. Норматов У. Қодирий боғи.-Т.: Ёзувчи, 1994. 217 бет.
29. Норматов У. Қаҳҳорни англаш машаққати. -Т.: Университет. 2000. 49 бет.
30. Ойбек. Мукамал асарлар тўплами. 14 т. -Т.: Фан, 1979. 9-437 бетлар.
31. Олимов М. Ҳозирги ўзбек адабиётида пафос муаммоси.-Т.: Фан, 1994.
32. Проблемы теории литературной критики.-М.: Изд. Московского университета, 1980. 4-261 стр.

33. Раҳимжонов Н. Давр ва ўзбек лирикаси.-Т.: Фан, 1979. 189 бет.
34. Ризаев Ш. Жадид драмаси.-Т.: Шарқ, 1997. 316 бет.
35. Русская советская критика (1917-1934). Хрестоматия.-М.: Просвещение, 1981. 447 стр.
36. Русская советская литературная критика (1935-1955) Хрестоматия.-М.: Просвещение, 1983. 271 стр.
37. Русская советская литературная критика (1956-1983) Хрестоматия.-М.: Просвещение, 1984. 364 стр.
38. Русская советская литературная критика конца XIX-начала XX века. Хрестоматия.-М.: Высшая школа, 1982. 51-360 стр.
39. Саримсоқов Б. Бадийлик асослари ва мезонлари. Тошкент — 2004, 126 бет.
40. Современная литературная критика. Вопросы теории и методологии. -М.: Наука, 1977. 271 стр.
41. Современный литературный процесс и литературная критика.-М.: Худож. лит., 1982. 469 стр.
42. Содиқ С. Ижоднинг ўттиз лаҳзаси. Т. «Шарқ» НМАК — 2005, 320 бет.
43. Сулаймонова Ф. Шарқ ва Ғарб. Қадимий адабий алоқалар. Монография.-Т.: Ўзбекистон, 1997. 414 бет.
44. Султон И. Навоийнинг қалб дафлари.-Т.: Гафур Ғулом номидаги бадий адабиёт нашриёти, 1969. 410 бет.
45. Султон И. Адабиёт назарияси.-Т.: Ўқитувчи, 1980. 391 бет.
46. Умуров Х. Бадий психологизм ва ҳозирги ўзбек романчилиги.-Т.: Фан, 1983. 147 бет.
47. Урнов Д.М. Литературное произведение в оценке англо-американской «новой критики». -М.: Наука, 1982. 262 стр.
48. Уэллик Р. Уоррен О. Теория литературы. -М.: Прогресс, 1978. 281 стр. Комментарии Б.А. Гиленсона 288-317 стр.
49. фон Грюнебаум Г.Э. Основные черты арабо-мусульманской культуры.-М.: Наука, 1981. 218 стр.
50. Франк С.Л. Духовные основы общества.-М.: Республика, 1992. 14-500 стр.
51. Фрейд З. По ту сторону принципа удовольствия.-М.: «Прогресс», «Литера», 1992. 542 стр.

12. Ёкубов Х. Сайланма. 1-жилд.-Т.: Гафур Гулом номидаги адабиёт ва санъат нашриёти, 1983. 94-104; 244-337 бетлар.
13. Избавление от миражей (Соцреализм сегодня).-М.: Сов. писатель, 1990. 412 стр.
14. История русского литературоведения.-М.: Высшая школа, 1980. 341 стр.
15. Каверин В. Писменный стол. Воспоминания и размышления.-М.: Сов. писатель, 1985. 270 стр.
16. Каримов Б. Жадил мунаққиди Вадуд Маҳмуд. -Т.: Университет. 2000. 103 бет.
17. Каримов Г. Халқ тарих, адабиёт.-Т.: Гафур Гулом номидаги адабиёт ва санъат нашриёти, 1977. 24-70 бетлар.
18. Каттабеков А. Тарихий ҳақиқат ва бадий маҳорат.-Т.: Фан, 1982. 127 бет.
19. Кулешов В.И. История русской критики. XVIII-начала XX веков.-М.: Просвещение, 1984. 520 стр.
20. Мамажонов С. Сайланма.-Т.: Гафур Гулом номидаги адабиёт ва санъат нашриёти, 1981. 9-486 бетлар.
21. Маҳмудов М. Аҳли дил.-Т.: Ўқитувчи, 1997. 309 бет.
22. Методологические проблемы современной литературной критики.-М.: Мысль, 1976. 349 стр.
23. Миён Бузрук. Ўрта Осиё ва ўзбек адабиёти тарихига умумий қараиш.-С.-Т.: Ўзгашр, 1930. 100 бет. Латин алифбосида.
24. Навоий А. Мукамал асарлар тўплами. 20 т. Т.7.-Т.: Фан, 1991. 11-390 бетлар.
25. Назаров Б. Ўзбек адабий танқидчилиги. -Т.: Фан, 1979. 3-284 бетлар.
26. Назаров Б. Ҳамза адабияти. -Т.: Фан. 1988. 56 бет.
27. Норматов У. Давр туйғуси.-Т.: Ўқитувчи, 1987. 95 бет.
28. Норматов У. Қодирий боғи.-Т.: Ўқувчи, 1994. 217 бет.
29. Норматов У. Қаҳқорни англаш машаққати. -Т.: Университет. 2000. 49 бет.
30. Ойбек. Мукамал асарлар тўплами. 14 т. -Т.: Фан, 1979. 9-437 бетлар.
31. Олимов М. Ҳозирги ўзбек адабиётида пафос муаммоси.-Т.: Фан, 1994.
32. Проблемы теории литературной критики.-М.: Изд. Московского университета, 1980. 4-261 стр.

33. Раҳимжонов Н. Давр ва ўзбек лирикаси.-Т.: Фан, 1979. 189 бет.
34. Ризаев Ш. Жадил драмаси.-Т.: Шарқ, 1997. 316 бет.
35. Русская советская критика (1917-1934). Хрестоматия.-М.: Просвещение, 1981. 447 стр.
36. Русская советская литературная критика (1935-1955) Хрестоматия.-М.: Просвещение, 1983. 271 стр.
37. Русская советская литературная критика (1956-1983) Хрестоматия.-М.: Просвещение, 1984. 364 стр.
38. Русская советская литературная критика конца XIX-начала XX века. Хрестоматия.-М.: Высшая школа, 1982. 51-360 стр.
39. Саримсоқов Б. Бадийлик асослари ва мезонлари. Тошкент - 2004, 126 бет.
40. Современная литературная критика. Вопросы теории и методологии. -М.: Наука, 1977. 271 стр.
41. Современный литературный процесс и литературная критика.-М.: Худож. лит., 1982. 469 стр.
42. Содиқ С. Ижоднинг ўлғиз лаҳзаси. Т. «Шарқ» НМАК - 2005, 320 бет.
43. Сулаймонова Ф. Шарқ ва Ғарб. Қадимий адабий алоқалар. Монография.-Т.: Ўзбекистон, 1997. 414 бет.
44. Султон И. Навоийнинг қалб дафтари.-Т.: Гафур Гулом номидаги бадий адабиёт нашриёти, 1969. 410 бет.
45. Султон И. Адабиёт назарияси.-Т.: Ўқитувчи, 1980. 391 бет.
46. Умуров Х. Бадий психологизм ва ҳозирги ўзбек романичилиги.-Т.: Фан, 1983. 147 бет.
47. Урнов Д.М. Литературное произведение в оценке англо-американской «новой критики». -М.: Наука, 1982. 262 стр.
48. Уэллик Р. Уоррен О. Теория литературы. -М.: Прогресс, 1978. 281 стр. Комментарии Б.А. Гиленсона 288-317 стр.
49. фон Грюнебаум Г.Э. Основные черты арабо-мусульманской культуры.-М.: Наука, 1981. 218 стр.
50. Франк С.Л. Духовные основы общества.-М.: Республика, 1992. 14-500 стр.
51. Фрейд З. По ту сторону принципа удовольствия.-М.: «Прогресс», «Литера», 1992. 542 стр.

52. Фромм Э. Душа человека.-М.: Республика, 1992. 414 стр. Примечания и указатель имен 416-425 стр.
53. Хайруллаев М. Форобий. -Т.: Ўзбекистон, 1991. 77 бет.
54. Хайдетгер Мартин. Разговор на просёлочной дороге.-М.: Высшая школа, 1991. 177 стр. Комментарии 178-191 стр.
55. Храпченко М.Б. Горизонты художественного образа.-М.: «Худож. лит.», 1982. 324 стр.
56. Храпченко М.Б. Творческая индивидуальность писателя и развитие литературы.-М.: Сов. писатель, 1972. 399 стр.
57. Художественная коммуникация и семиотика.-М.: Наука, 1986. 5-229 стр.
58. Художественный образ и структура.-М.: Наука, 1975. 230 стр.
59. Художественная рецепция и герменевтика.-М.: Наука, 1985. 287 стр.
60. Худойберганов Н. Ишонч. -Т.: Фафур Фулом номидаги адабиёт ва санъат нашриёти, 1988. 247 бет.
61. Шарафиддинов О. Ижодни англаш бахти. Т.: «Шарқ» НМАК Бош тахририяти. 2004, 637 бет.
62. Шарафиддинов О. Довондаги ўйлар. Т.: «Маънавият» - 2004. 526 бет.
63. Шайх Аҳмад Тарозий. Фунуни балоға. -Т.: «Хазина». 1996. 212 бет.
64. Шешуков С. Неистовые ревнители из истории литературной борьбы 20 х годов.-М.: Худож. лит., 1984. 350 стр.
65. Щукина Т.С. Теоритические проблемы художественной критики.-М.: Мысль, 1979. 143 стр.
66. Энгельс Ф. Людвиг Фейербах ва немис классик философиясининг охири. Иловада: К.Маркс. Фейербах тўғрисида тезислар.-Т.: Ўзбекистон, 1982. 59-61 бетлар.
67. Ўзбек адабий танқиди тарихи. 1 ва 2 жилд.-Т.: Фан, 1987. 1 жилд 345 ва II жилд 328 бет.
68. Қаршибой М. Ўнганмаган тақдир талқини.-Т.: Камалак, 1995. 71 бет.
69. Қаюмов А. Абу Райҳон Беруний. Абу Али ибн Сино. -Т.: «Ёш гвардия» 1987. 236 бет. Абу Райҳон Беруний - 4-86 бет. Абу Али ибн Сино - 88-236 бет.
70. Қаюмов А. «Садди Искандарий» -Т.: Адабиёт ва санъат нашриёти. 1975. 3-194 бетлар.

71. Қаюмов А. «Фарҳод ва Ширин» сирлари. -Т.: Фафур Фулом номидаги адабиёт ва санъат нашриёти 1979. 3-167 бетлар.
72. Қаюмов Л. Замондошлар.-Т.: Фафур Фулом номидаги адабиёт ва санъат нашриёти, 1972. 287 бет.
73. Қосимов Б. Излай-излай тоғаним...-Т.: Фафур Фулом номидаги адабиёт ва санъат нашриёти, 1983. 268 бет.
74. Қосимов Б. Миллий уйғониш. Т.: «Маънавият» -2002, 396 бет.
75. Қуронов Д. Адабиётшуносликка кириш. Андижон «Хаёт» нашриёти - 2002. 208 бет.
76. Қўчқоров Р. Истеъдод қадри.-Т.: Фафур Фулом номидаги адабиёт ва санъат нашриёти, 1989. 105 бет.
77. Қўчқоров Р. Мен билан мунозара қилсангиз...-Т.: Маънавият, 1998. 94 бет.
78. Қўшжонов М. Ижод сабоқлари.-Т.: Ёш гвардия, 1973. 190 бет.
79. Қўшжонов М. Ҳаёт ва маҳорат.-Т.: Ўзадабнашр. 1962. 201 бет.
80. Қўшжонов М., Мели С. Абдулла Орипов.-Т.: Маънавият, 2000. 135 бет.
81. Қўшжонов М. Сайланма. I жилд. -Т.: Фафур Фулом номидаги адабиёт ва санъат нашриёти 1982. 383 бет.
82. Қўшжонов М. Сайланма. II жилд -Т.: Фафур Фулом номидаги адабиёт ва санъат нашриёти 1983. 358 бет.
83. Ғаззолий Зайниддин Мухаммад. Кимийи саодат.-Т.: «Адолат» 2005, 411 бет.
84. Ғаниев И. Фитрат ва фитратшунослик.-Т.: «Фан» нашриёти 2005, 300 бет.
85. Ғафуров И. Шеърят - изланиш демак.-Т.: Фафур Фулом номидаги адабиёт ва санъат нашриёти, 1984. 221 бет.
86. Ғафуров И. Ўттиз йил изҳори.-Т.: Фафур Фулом номидаги адабиёт ва санъат нашриёти, 1987. 399 бет.
87. Ҳайитметов А. Адабий меросимиз уфқлари. -Т.: «Ўқитувчи» 1997. 238 бет.
88. Ҳайитметов А. Алишер Навоийнинг адабий-танқидий қарашлари.-Т.: Ўзбекистон Фанлари академияси, 1959. 196 бет.
89. Ҳайитметов А. Темурийлар даври ўзбек адабиёти.-Т.: Фан, 1996. 160 бет.
90. Ҳайбат Ж. Адабиётшунослик (Озарбайжон тилида).-Б.: Илм, 1996. 209 бет.

91. Ҳамза Ҳакимзода ижоди проблемалари. Тадқиқотлар. — Т.: Фан. 1988.
92. Ҳаққулов И. Бадиий сўз шукуҳи. —Т.: Ғафур Ғулом номидаги адабиёт ва санъат нашриёти, 1987. 122-263 бетлар.
93. Ҳаққулов И. Шеърят — руҳий муносабат. —Т.: Ғафур Ғулом номидаги адабиёт ва санъат нашриёти 1989. 238 бет.
94. Ҳамидов Ҳ. Олис-яқин юлдузлар. —Т.: Чўлпон. 1990. 143 бет.

III

1. Айтматов Ч. Высокий долг писателя// «Вопросы литературы», 1983.- № 9.
2. Акрам Б. Шоирнинг муқаддас армони. //«Ўзбекистон адабиёти ва санъати» газетаси, 1993. 2 апр.
3. Амосов Н. Реальности, идеалы и модели //«Литературная газета», 1988, 5 октяб.
4. Аннинский Л. Парадокс о критике //«Литературная газета», 1984. 4 янв.
5. Аҳмедова М. Синергетика нима? //«Фан ва турмуш» журналы, 1997.-№3.-Б.12-13.
6. Баранов В. «Да» и «нет» Максима Горького //«Советская культура» газетаси, 1989. 1 апреля. Бенгт Янгфельт. О Владимире Маяковском и Лиле Брик. Любовь — это сердце всего. //«Огонёк» журн. 1989, 44-сон.
7. Белая Г. Угрожающая реальность //«Вопросы литературы», 1990.-№4.-Б.3-23.
8. Болтабоев Ҳ. Бобуришох Фитрат талқинида //«Ўзбекистон адабиёти ва санъати» газетаси, 1993. 12 март.
9. Бучис Алыгимантас. Портрет с автографом //«Литературная газета», 1987. 1 июля.
10. Вахабов М. Правде истории вопреки// газета «Правда востока», 1986. 4 дек.
11. Воҳидов Э. Янги аср остонасидаги ўйлар. //«Ўзбекистон адабиёти ва санъати» газетаси 2000. 22 дек.
12. Гулыга А. Человеческое в человеке.(Заметки о проблеме ценностей)// «Литературная газета», 1984. 14 март.
13. Днепров В. Белинский в мировой эстетике// «Вопросы литературы», 1984. №5,6.

14. Добренко Е. «И, падая стремглав, я пробуждался». (Об истории советской литературы) «Вопросы литературы», 1988. №8. С. 48-92.
15. Дўстмуҳаммад Хурийд. Концепцияни янгилаш учун// «Ўзбекистон адабиёти ва санъати» газетаси, 1990. 16 фев.
16. Дўстмуҳаммедов Х. Мунаққид қўлидаги чироқ //«Ўзбекистон адабиёти ва санъати» газетаси, 1985. 11 октяб.
17. Дўстқораев Б. Алишер Навоийнинг «Қаро кўз»и ким бўлган? Ёхуд ўлим фалсафаси акс этган ғазал //«Маърифат» газетаси, 2001. 10 янв. 3-сон.
18. Ёшлар шеърятги: таҳлил ва талқинлар (Давра суҳбати. Қатнашчилар: И.Ҳаққул, Б.Рўзимухаммад, Р.Мусурмон, И.Қурбонбоев, Ш.Субҳонов, С.Оллоёр) //«Ўзбекистон адабиёти ва санъати» газетаси, 2001. 21 сен.
19. Замон ва маданий мерос//«Ўзбекистон адабиёти ва санъати» газетаси, 1987. 10 июль. Давра суҳбати иштирокчилари М.Қўшжонов, Н.Каримов, Б.Қосимов.
20. Зверев А. Литературная интерпретация -«за» и «против»; Сузан Сантаг. Против интерпретации; Курбатов Валентин. О пользе интерпретации// «Иностранная литература», 1992.-№1.-С.211-220.
21. Искандер Фазыл. Человек идеологизированный// «Огонёк», 1990.-№11.-Б.8-11.
22. Исмаилов Хамид. Оползни (кўчкилар)// «Литературное обозрение» журналы, 1990.-№7.
23. Капица П. Ижодий «бебошлик» ҳақида «Жаҳон адабиёти» журналы, 2000. 12-сон. Б.138-141
24. Каримов Н. Чўлпон учун кишан// «Фан ва турмуш» журналы, 1991.-№10.-Б.12-13.
25. Каримов Н. Эстетик тафаккур дурдонаси. Китобда: Буало. Шеърый санъат. —Т.: 1978. 44-48 бетлар.
26. Кедрина З. Учиться, чтобы учить (о литературоведении Средней Азии и Казахстана)// «Литературная газета», 1972. 26 янв.
27. Костиков В. Иллюзии счастья// «Огонёк», 1990.-№1.
28. Критика: наука, искусство или?... Гачев Г. В погоне за жарптицей мысли.Сидоров Е. Право на образ// Литературная газета», 1983. 14 сентября.

29. Кубилюс В. На пороге третьего тысячелетия// «Вопросы литературы», 1987.-№10.
30. Лакшин В. Альбер Камю. Чистилище// «Известия» газетаси, 1991. 23 ноябрь.
31. Мамажонов С. Танкил нимани кузатади?// «Ўзбекистон адабиёти ва санъати» газетаси, 1983. 2 сент.
32. Мальгин А. В поисках «мирового зла»// «Вопросы литературы», 1987.-№9.
33. Мани Юрий. Голый среди одетых (Франс Кафка)// «Известия» газетаси, 1991. 25 сент.
34. Мирзаев И. Янаш-динтилиш демак// «Мулоқот» журна-ли, 1993.-№3,4.-Б.16-20.
35. Миртемир. Парвоз тўғрисида// «Гулистон», 1975.-№4.
36. Михайлов А. О достоинстве критики// «Литературное обозрение», 1988. -№8.
37. Набоков В. Николай Гоголь//«Новый мир», 1987.-№4.-С.173-227.
38. Овчаренко А. О «несовременных мыслях» М.Горького // «Литературная газета», 1988. 14 сент.
39. Оринов А. Миллат руҳи унинг қаноғидир //«Ўзбекистон адабиёти ва санъати» газетаси 2001. 1 янв.
40. Отабой А. Кўзгу – руҳ поклиги//«Ўзбекистон адабиёти ва санъати» газетаси, 1995. 10 февр. № 10.
41. Рахимов И. Муроа фалсафаси ёхуд янги тафаккур услуби// «Тафаккур», 1996. №2. Б. 16-21.
42. Роман Ч. Айтматова «Плаха»: два прочтения. Красновас А. Призыв и предупреждение; Аннинский Л. Скачки кентавра// «Вопросы литературы», 1987.-№3.
43. Рўзимуҳаммад Б. Дунё бойчечак рангиди//«Ўзбекистон адабиёти ва санъати» газетаси, 2000. 15 декаб.
44. Саид Аҳмад. Умрим баёни //«Халқ сўзи» газетаси 18 ва 20 апр. 2001.
45. Сулпон И. Ўзбек адабиётшунослигининг баъзи вазифалари ҳақида// «Ўзбек тили ва адабиёти», 1982.-№4.-Б.3-5.
46. Сурков Е. Трагедия в Моюнкумах. О романе Ч. Айтматова «Плаха»// газета «Правда», 1986. 22 дек.
47. Тўйчиев У. Бадиийлик тақомили //«Миллий тикланиш» газетаси 1996. 31 дек.

48. Чупринын С. Критика – это критики// «Вопросы литературы», 1985.-312.
49. Шарафиддинов О. Бокий мўъжиза //«Хуррият» газетаси 2001, 1-2 сон 3-16 янв.
50. Яшин Комил. Давр овози// «Совет Ўзбекистони», 1989. 5 март. («Бой ила хизматчи»нинг таъмирланиши)
51. Қайумов Л. Биз билмаган Ҳамза //«Ўзбекистон адабиёти ва санъати» газетаси 1999. 29 янв.
52. Қосим Яшар. Озодлик орзуси//«Ўзбекистон адабиёти ва санъати» газетаси, 1993. 1 октяб.
53. Қўчқор Р. Ўткан кунлар»нинг давоми// «Миллий тикланиш», 1995. 5 дек.
54. Қўнжонов М. Алиб маънавияти мустақиллик хизматида //«Ўзбекистон адабиёти ва санъати» газетаси, 1993. 11 июнь.
55. Ҳамидов Ҳ. Бир сеҳр бор оҳангларда... //«Сирли олам» газетаси 1995. 1-сон.
56. Ҳошимов Ў. Онг ва туйғу //«Ўзбекистон адабиёти ва санъати» газетаси 2001. 5 янв.
57. Ҳусайн Б. Мақсуд Шайхзода //«Жаҳон адабиёти» журна-ли, 2000. № 2. 176-188.
58. Гафуров И. Ҳозир Навоийни ким ўқийди? Ёхуд ори-фона маданиятни ортгирмоқ лаззати. //«Ўзбекистон адабиёти ва санъати» газетаси 2001. 12 янв. № 3.
59. Гафуров Иброҳим. Гужайрадаги сувратлар //«Ўзбекистон адабиёти ва санъати» газетаси, 1994. 1 янв.

IV

1. Назаров Б.А. Ўзбек адабий танқидчилиги методологик асосларининг таркиб топиши ва таракқий этиши. Фи-лология фанлари доктори илмий даражасини олиш учун ёзилган диссертация. Тошкент-1983.
2. Шокиров Ў. Танқидчининг ижодий ўзига ҳослиги ва адабий тарихий жараён. Филология фанлари доктори илмий даражасини олиш учун ёзилган диссертация. Тошкент-1987.
3. Мирзаев И.О. Ҳозирги ўзбек прозасида янги бадиий тафаккур ва таракқиёт тамойиллари. Филология фанла-

- ри доктори илмий даражасини олиш учун ёзилган диссертация автореферати. Тошкент-1991.
4. Сулайманова Ф.К. Шарк ва Ғарб адабий алоқалари тарихидан. (Қадимий давр). Филология фанлари доктори илмий даражасини олиш учун ёзилган диссертация автореферати. Тошкент-1991.
 5. Раҳимов А. Ўзбек романи поэтикаси. Филология фанлари доктори илмий даражасини олиш учун ёзилган диссертация автореферати. Тошкент-1993.
 6. Каримов Н.О. XX аср ўзбек адабиёти тарққиётининг ўзига хос хусусиятлари ва миллий истиклол мафкураси. Филология фанлари доктори илмий даражасини олиш учун ёзилган диссертация автореферати. Тошкент-1993.
 7. Болтабоев Ҳ. XX аср бошлари ўзбек адабиётшунослиги ва Фитратнинг илмий мероси. Филология фанлари доктори илмий даражасини олиш учун ёзилган диссертация автореферати. Тошкент — 1996.
 8. Содиқов С. Абдулла Қаҳҳор ижоди ва адабий танқид. Филология фанлари доктори илмий даражасини олиш учун ёзилган диссертация. Тошкент-1997.
 9. Куронов Д. Чўлпон поэтикаси (Насрий асарлари мисолида). Филология фанлари доктори илмий даражасини олиш учун ёзилган диссертация автореферати. Тошкент-1998.
 10. Йўлдошев Б. Ўзбек адабиётшунослиги ва адабий танқидчилигида услуб ва маҳорат муаммолари. Филология фанлари доктори илмий даражасини олиш учун ёзилган диссертация. Тошкент-2000.
 11. Каримов Б. XX аср ўзбек адабиётшунослигида талқин муаммоси (А.Қодирийшунослик мисолида). Филология фанлари доктори илмий даражасини олиш учун ёзилган. Тошкент-2002.
 12. Назаров Б.А. Ўзбекистонда марксча-ленинча адабий танқиднинг шаклланишида Ойбекнинг роли. Филология фанлари номзоди илмий даражасини олиш учун ёзилган диссертация автореферати. Тошкент-1971.
 13. Солиҳов Т.Р. 30-йиллар ўзбек танқидчилиги социалистик реализм учун курашда. Филология фанлари номзоди илмий даражасини олиш учун ёзилган диссертация автореферати. Тошкент-1973.

14. Абдуллаев О. Мақсуд Шайхзоданинг адабий-танқидий қарашлари. Филология фанлари номзоди илмий даражасини олиш учун ёзилган диссертация. Тошкент-1981.
15. Дўстқораев Б.А. Ўзбек танқидчилиги совет адабиётининг гоёвий-эстетик бирлиги йўлидаги курашда. Филология фанлари номзоди илмий даражасини олиш учун ёзилган диссертация автореферати. Тошкент-1986.
16. Қосимов У. Абдулла Қаҳҳорнинг адабий-танқидий фаолияти. Филология фанлари номзоди илмий даражасини олиш учун ёзилган диссертация автореферати. Москва-1989.
17. Қўчқоров Р.Ў. Абдулла Қаҳҳор романларининг ижодий тарихи. Филология фанлари номзоди илмий даражасини олиш учун ёзилган диссертация. Тошкент-1993.
18. Тожибоев Р.Қ. XX аср бошлари ўзбек адабиёти танқиди тарихидан. Филология фанлари номзоди илмий даражасини олиш учун ёзилган диссертация автореферати. Тошкент-1993.
19. Ёқубов И. Отажон Ҳошимнинг адабий-танқидий фаолияти. Филология фанлари номзоди илмий даражасини олиш учун ёзилган диссертация автореферати. Тошкент-1993.
20. Султонов У.Т. Чўлпоннинг адабий-эстетик қарашлари. Филология фанлари номзоди илмий даражасини олиш учун ёзилган диссертация. Тошкент-1995.
21. Каримов Б.Н. Вадуд Махмуднинг 20-йиллар адабий танқидчилигидаги ўрни. Филология фанлари номзоди илмий даражасини олиш учун ёзилган диссертация автореферати. Тошкент-1995.
22. Ризаев Ш.Т. Ўзбек жадид драматургиясининг шаклланиш манбалари. Филология фанлари номзоди илмий даражасини олиш учун ёзилган диссертация автореферати. Тошкент-1995.
23. Умрзоқов Ф. Ғози Юнуснинг ижодий йўли. Филология фанлари номзоди илмий даражасини олиш учун ёзилган диссертация автореферати. Тошкент-1996.
24. Зиёдуллаева Н.Ш. Ўзбек адабиётшунослигида ижодкор биографиясини ўрганиш муаммолари (Абдулла Қаҳҳор ҳаёти ва ижоди асосида). Филология фанлари номзоди илмий даражасини олиш учун ёзилган диссертация. Тошкент-2000.

МУНДАРИЖА

Кириш	3
I боб. Ўзлаштириш эстетикаси ва талқин тадрижи	11
I фасл. Адабий матнни уқиш, ўзлаштириш муаммоси	13
II фасл. Тирик сўз, бадиий матн талқини	31
III фасл. Адабий-сиёсий таълимотларда талқин плурализмга	47
Биринчи бобнинг хулосаси	70
II боб. Талқиний ёндашувлар ёхуд мақсадли таҳлил	72
I фасл. Бадиий асарда ёзувчи тақдири ёхуд тарихий- биографик ёндашув	73
II фасл. Мангу асар ёхуд онтологик ёндашув	95
III фасл. Тарихий-функционал ёндашув ёхуд бадиий асарни қайта баҳолаш	113
Иккинчи бобнинг хулосаси	136
III боб. Талқиний жараён: таҳлил йўллари, мақсад ва вазифалари	138
I фасл. Сатрлар руҳига сингиш ёхуд микроанализ имкониятлари	142
II фасл. Сўз қиммати, имо-ишолар маъноси ёхуд структурали-семантик таҳлил	164
III фасл. Услуб таҳлили	186
Учинчи бобнинг хулосаси	211
Умумий хулоса	213
Қўйдаланилган адабиётлар рўйхати	221